

# ОЙДИН



ҲИКОЯЛАР



ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1954





## ЧАҚАЛОҚҚА ЧАКМОНЧА

Қош қорайиб, одам-одамни танимайдиган бўлиб қолди. Попадаги сугир, бузоқлар ҳар тарафдан ма'рашиб қайтабошлади. Бенарво товуқлар бўлса, аллақачон дарахт шохларига қўлиб, бошларини солинтириб, жимгина унқуга кирдилар. Лекин Эрқўзиева ҳамон пиш-пиш қилиб, оёқларини салмоқ блан босайми-йўқми деб, дам айвонга, дам ошхонага қатнаб, тинмай юради. Бир ҳовлида бир ўзи, эри булса, ҳали ярим кечасиз уйга қайтмайди. У бугун гўза чопиғига қанча одам чиқди, неча процент бажарилди, эртага нималар қилиш керак, шулар ташвишида юриб, колхоз идорасидан бўшаб, тезгина уйига қайтаолмайди. Эрқўзиева оғироёқ бўлиб, бошқа колхозчи хотинлар сингари югуриб — елиб, ўтган йилдагидай далада ишламаганиданми ёки бир ўзи, уйда зерикканиданми, ҳартугул кечадан бери қовоғи очилмай қолди. Қовоқлари ҳам салқиб, қош, кинриклари сийракланиб, лаблари қалинлашди. Қаерга борса, тап эгиб, ерга ўтириб олади. Бугун ҳам ошхонада ўчоққа ўтин ташлаб туриб, ўша ердаги бир тункага ўтириб олди. Гуруллаб ёниб турган оловга қараб, узоқ хаёл суриб кетди. Бутун бошидан кечирганлари бирин-сирин кўз олдидан ўтаберди.

У ёш қиз чоғида азондан туриб, ҳовли супурарди. Қумғон тагига олов ёқиб, бирпасда тапур-тупур ун элаб, хамир қилишга киришарди. Буни кўрган шол қари бибиси: «илоё бахтингни берсин, яхши қаллиққа учраб, бу кунларинг унут бўлсин болам!» деганда у: «шундан бошқа дуо қурдимми экан?» деб юзини чирт ўгирарди. Тезгина ўз ишини битириб, бошқалар ўриндан тургунча Дадамат ҳожининг уйига бориб, унинг ишларини саранжомлашга киришарди.

Тез кунда ўзига ўхшаган, бир тўни икки бўлмаган бир эрга тегди. Бу срда унинг кун бўйи қилган хизмати-ни олқишлайдиган киши бўлмаса ҳам, кечқурунлари эрининг эркалаб севишлари ва: «букунлар унут бўлар. Бир кун эмас, бир кун биз ҳам бой бўлиб қолармиз, сен ҳам атлас кўйлақлар кийиб, серкиллаб юарсан» дейишлари бутун чарчоғини чиқарарди. Ба'зан: «бувим бечора дуо қилганда, бекорга хафа бўлган эканмай» деб даб уқидағина кулиб кўярди. Қўни-қўшни кампирлар чиққанда таҳорат сувлари тайёрлаб, кавушларийни туғрилаганда: «илоё кўшганинг блан кўшақаригин, сёр-фарзанд булгин, фарзанд доғини кўрмагин!» дердилар. Бу ҳам унга ёқмасдан: «фарзандни бошимга ураманми?» деб сескашарди. Лекин биринчи боласи ўлганда унча билинмади. Иккинчиси жуда ҳам алам қилди. Учинчисининг ўлиши жон-жонидан ўтиб кетди.

— Тўққиз ои кўтариб, бир кечаю, бир кундуз дард еб, не ҳасратда тугсаму, ноҳотки биттаси ҳам тирик тушмаса,— деб қоронги уй бурчагига кириб олиб, хўрсиниб-хўрсиниб йигларди. Тўртинчи боласига иккиқат булганда хотинлар йигиллишиб, ҳархил йўл-йўриқлар ўргатабошладилар.

— Болангга акс тегади. Жинлар чангал солади. Шунинг учун боланг ўлик тушади. Уч марта қора товуқ-ви қучоқлаб қоқтиргин, чиллаёсин қилдиргин, укки ас-раб, туғадиган чоғингда бош томонингга ўтқазиб кўйгин. Жинлар уккининг кўзидан кўрқади,— деб кўярда кўй-мадилар. Бисотида биттагина гунафша духоба камзули бор эди, шуни сотиб, ҳалигиларнинг ҳаммасини қилди. Лекин бу боласи ҳам ўлик тушди. Айниқса, бешинчи марта туғишдаги қийнашлар кампирнинг: «ҳа бўла-қол, мана тушди-тушди», деб, қорнининг бошидан эзиш-лари, кўрпага ётқизиб, уёқдан-буёққа юмалатишлари, оғзига соч тикиб ўқчитиллари эсига тушиб юраги дук-дук урабошлади. Минг азоб блан туққан боласининг пахтадек бўлиб, оёқ қўлларини шалвиратиб, чўзилиб ётиши кўзига кўриниб кетди. Хўрсиниб-хўрсиниб, кўз ёшларини артабошлади. Аллақаёқлардаги хаёлларга чўмиб, ўчоқ ёнида узоқ ўлтириб қолганини ўзи ҳам сезмади. Подадан қайтган сигирнинг елинлари тир-силлаб, ҳадеб ма'рай бергани қулогига кириб, ҳали си-гири соғилмагани эсига тушди. Икки қўлини икки тиз-

засига тираб оғирлиқ блан ўрнидан турди ва челақчаси-ни кўтариб, сигир томон кетди.

Эрқўзиеванинг эри ош еб ўлтириб: «тағин сенга нима бўлди?» — деди.

— Ҳзим, — дедию, кузига тўлган ёшларини дув тўкди.

— Еганинг олдинда, емаганинг кетинда. Қосда бугдоинг, хумда гуручин, битта эмас, қўша-қўша атлас кўйлагинг бор. Туғининг учун қанд-қурсларни ҳам келтириб қўйган бўлсам, тағин нимага хафа бўласан? Одам деган мунақа зиқна бўлмайди, — деб эрининг ҳам томогидан ош ўтмай қолди.

— Мен сизга нарсам йўқ деяпманми?

— Ҳа, бўлмаса нима деяпсан? Ичингдагини бу ёққа чиқариб гапиргинда!

Дардингни айтгин ахир!

Уёқ-буёғим оғриб турибди. Тағин кўзимга ўлик бола кўринаяпти.

Зўрғагина шуни гапирди. Упкаси тўлиб, юзини бошидаги рўмолчаси блан ураб олди. Эрининг ҳам нафаси ичига тушиб кетди. Пешонасини ушлаганича бошини энгаштириб, дастурхонга тикилиб қолди. Бироздан кейин бошини кўтариб: «нима қилай бўямаса, анови доя докторни чақирайми?» — деди.

— Йўқ, ҳали узокроққа ўхшайди. Эрта блан Шаҳра кампирин чақирсангиз ҳам бўлади.

— Уша доя кампирларинг курсини, ҳамма боламизни шулар ўлдираётганга ўхшайди.

Вой нимага унақа дейсиз. Уларнинг бизда нима қасди борки, боламизни ўлдиради, улар уволдан қўрқадди.

Гап қасдда эмас, улар туғдириш йўлини билмайдилар. Таваккал қилиб, бу гал бир доктор хотин блан тугиб кўргинчи.

Вой ўлай, докторхонага борибми?

Ҳа, ўша ерга бориб.

— Ган-сўзга қоламиз: «докторхонада туғибди», деб ҳаммаёқда дув-дув гап бўлиб ўлар.

Гап бўлсак бўлармиз. Иш қилиб бола омон бўлсин! Бу ҳам бўлса бир таваккалде, — деб сакраб ўрнидан турди. Ош-ошда қолди, бошқа-бошқада. Эр, хотин отлаиниб чиқиб кетдилар.

Эрқўзиеванинг уйи блан тугруқхонанинг ораси унча ҳам узок эмас, чақирса товуш эшитилиб туради. Туғ-


руқхонага келганига 3—4 соат бўлган бўлса ҳам, ҳали боладан дарак йўқ. Эрқўзиеванинг эри бир уйга, бир туғруқхонага қатнай бериб, сёғининг қати қочди, вақт ярим кечадан ҳам ошиб кетди. Ахир бўлмагандан кейин ойнавонлик оқ уйнинг йўлакчасига қўйилган скамейкада икки қўлини бошига қўйиб ўтирди. Доктор Минкавич ба'зан чиқиб, у блан бирпас-бирпас гаплашиб, бола қоринда тирик эканидан хабар бериб кетади. Тонг отиб, деразадан ёруғ ҳам тушабошлади. Эрқўзиева ичкарида қанча дард еб, кўзи мижжа қоқмаган бўлса, ташқарида эри ҳам ухламай ўтириб чиқди. Унинг юраги така-пука. Бир тарафдан Солани ўйласа, иккинчидан колхозга бориб, ўз бригадасидаги кишиларни тўплаши, ўзи бош бўлиб туриши керак. Докторинг: «бола тирик туғилади» деган сўзига ҳам ишонгиси келмайди. У ўрнидан туриб, белини ушлаганча аста-секин дераза тагига келди. Кўчадан подачи болаларнинг «ҳай-ҳуй» товушлари келабошлади. Сигир, бузоғи эсига тушиб югурганича уйга келди. Уларни подачига топшириб, эшикни қулфлади ва яна туғруқхонага чопди. У эшикдан йўлакка киргани ҳам йўқ эди, ичкаридан чақалоқ бола товуши келди. Ўз қулоғига ишонмади. Ҳар тарафга аланглаб, йўлакча ўртасида қотиб қолди. Икки қўли блан қулоғини ушлади. Югурганича ичкари уйга кирмоқчи бўлган эди, оқ фартуқли, бошига оқ рўмолча танғиган ёшгина хотин чиқиб уни тўхтатди.

— Севинчи беринг, хотинингиз ўғил туғди.

— Ростми, тирикми, синглим!—деб жуда шошиб қолди.

— Тирик ҳам гап эканми, болқондек бола,—деб кулганича яна ичкарига кириб кетмоқчи бўлди. Эрқўзиеванинг эри ҳалиги хотиннинг қўлидан маҳкам ушлаб, чўнтагидан ун сўм пул чиқариб узатди. Хотин олмаслигини, бояги севишчини хазиллашиб айтганини билдирди. Севинчидан юраги чиқаёзган ота қўярда қўймай пулни хотиннинг чўнтагига солди ва: «зиёфатига биз қарздор. Доктордан жуда миннатдорман», деди.

Эртасига қариндош, уруғлар: «чақалоққа чакманча» деб ҳар тарафдан шоҳи, беқасам парчаларини кўтариб келавердилар.



## БОЛАЛИК УЙДА ГИЙБАТ ЙУҚ

Қундаги одат буйича эрта блан соат 8 яримда уйдан чиқдим. Кўчада бировнинг биров блан иши йуқ. Ҳарким нини кечикмаслик учун жадаллик блан кетиб боради. Ба'зан оёқ остида урмалаб, одамлар орасидан ўтиб бо- раётган кичкина болалар учраб қолади.

Кучанинг чеккасида хассасини дўқиллатиб, оппоқ соқолини селкиллатиб келаётган чол: «бу тирранчаларга нима бор экан азонда кўчада тентираб? Уйда кўмилиб ўтирсалар бўлмайдим!» деб тўнғиллаб ўтиб кетди. Бо- лалар унинг сўзига қулоқ ҳам солганлари йуқ. Лекин менинг кўзимга чол жуда ёмон кўринди. Орқамга қараб бир хўмрайдим-да, ҳалиги болалар кетидан секин-секин кетабердим.

Оқ масчитнинг одамлари ҳам ўлгудек ҳавсаласиз экан, ҳалига қадар кўчаларига йўлка қилган эмаслар, болалардан биттаси нима бўлди-ю бир харсангга қоқилиб ниқилди. Мен дарров қўлтиғидан кўтариб, устидаги чап- тўзонларни қоққан бўлдим.

Ҳалиги бола ўрнидан туриб, тўрт тарафга қараб ол- ди да, кичкина лабларини буриб, энтикиб-энтикиб кўз- ларига гилт-гилт ёш олабошлади. Ёнидагилардан бит- таси: «опам нима девдилар, йиқилганда йиғламанглар демавмидилар?» деб ҳалигининг кўзига энгашиб қарай бошлади. Бошқалари ҳам дарров унинг қўлидан ушлаб, ерга тушган тўпписини кийгиздилар ва «қўявер, ҳали опамга айтамыз, бу харсангни олиб сувга ташлаттирамыз. и!» деб бир-бирларига қарадилар; қандай бўлса ҳам бу қизчани алдашга уриндилар. Мен оёқ остида ётган бир

оқ сурунга ўроғлиқ нарсени кўтариб олдим-да ҳалиги йиқилган қизнинг қўлига бердим. Хаёлимда, бу онасининг ўраб берган номи бўлса керак, деб ўйладим.

Қизча бўлса, гилтиллаб турган ёшларини дув тўкиб, яна кўзини очди ва ялт этиб ҳалиги ўроғлиқ сурунга қаради. Ундаги чапглари қоқаман деб уни ўроғлигидан бузиб юборди. Енидагилар «қайтадан йўргаклаб ол, мана, менинг тиззамга ётқиз» деб, деворга суяниб, чўққайишиб, ўтирабошладилар. Биттасининг тиззасига қўйиб сурупни очган ҳам эдики, бир нарса «шиқ» этиб ерга тушди. Ҳаммалари бирдан «вой, Карима... болангинг қўли синиб қолибди» деб чуғурлаша кетдилар.

— У-нон эмас, кўзини очиб-юмадиган қўғирчоқ экан, ерга тушганда қўли синиб кетибди.

— Вой айланай сандан, ёмон йиқилдингми, қўлинг синдим, ёмон огридими?— деб Карима қўғирчоқни бағрига маҳкам босиб олди. Бошқалари бўлса жуда ачинган ҳолда Кариманинг атрофини ўраб ҳар тарафдан қараб тикилишабошладилар.

— Қўй, қўй, йиғлама акаси, ман ҳозир доктор чақираман, дарров боғлаб, тузатиб кўяди,— деб бир ўғил бола қўғирчоқнинг бошини силлади.

— Энди қандай олиб кетасан Карима, кугарсанг қўли огрийдикун,— деб яна биттаси лабини тишлаб мазах қилди.

— Ҳа, топдим, мана бу йўргакка ётқизамиз-да, икки тарафидан иккимиз кўтариб олиб кетамиз,— деган эди, ҳаммаларига мақул тушди. Четларига ишгичка тўр тутган, бир даструмол катталигидаги сурупни ёздилар, унинг устига қўғирчоқни ётқизиб, қўлини ёнига қўйдилар-да, бир тарафидан Карима, бир тарафидан ҳалиги ўғил бола кўтариб, яна йўлларига қараб кетдилар.

Мен бошда буларнинг ҳаракатлари ва сўзларига аралашмаган бўлсам ҳам, уларнинг қўғирчоққа қилган катталардек муомалалари мени жуда қизиқтирди.

Секин-секин кетларидан боравердим. Бир кичкина кўчага қайрилган эдилар «қаёққа борасиз?»— деб сўрадим.

— Боқчага кетаётирмиз,— деб биттаси керилгандек килиб қошини кўтариб қўйди. Мен ҳам орқада қолгандек бўлиб, узоқроқдан боравердим.

Улар боқчага кириб борганларида ҳамма болалар қуршаб олишди. Ҳарқайсиси ўз ҳолича: «болангга нима



бўлди, Қарима?» деб кўнгил сўраган бўлар эдилар. Ен-роққина, сочларини орқага думалоқлаб, қизил рўмолча билан боғлаб олган, оқ фартуқли бир хотин уйдан чиқиб, болаларнинг олдига келди ва қўғирчоқдан хабарсиз: «болалар, эрта билан боқчага келганда бир-бирларига нима дейишлари керак эди?» деб ҳамма болага бир-бир қараб чиқди. Болалар: «Эсонмисиз?» деб бирдан чуғурлашиб, бир-бирларига қўл бериша кетдилар.

Фақат қўғирчоқни кўтарган икки болагина қўллари бўш бўлмаганидан, индамай қолдилар. Ҳалиги фартуқли еш хотиннинг кўзи буларга тушди-да, яқинига кела бошлади.

Қарима бўлса, ҳамон боласи томдан йиқилиб тушган онадек кўзи жовдираб, ҳайрон бўлиб турар эди. Ҳар кун уйдан яшиликлар тошиб келиб, ҳатто онасига фабрикадан мукофотга патефон берганлари борми, онасининг улариданги сандални кўмдириб, тахтапол қилгани, деворларини оқлагани, электр ўтказганлари борми, ўзига кичкин-на стол ва стуллар олиб берганлари борми — ҳаммасини бидиллаб ташириб берадиган одати бор бўлса-да, бугун қўғирчоқнинг қўли синганини ҳам айтмади. Мураббия ҳам буни сездиди-да, «анови уйга бориб докторга кўрсатинглар» деб катта ҳовузнинг нариги тарафидаги деразалик уйни кўрсатди ва: «сизларнинг докторингиз ким эди?» деб болаларга қаради.

— Докторимиз Аҳмад эди, — деб болалар орқага қайрилиб қарадилар. Аҳмад бўлса, четроқда кўкракларини кўтариб, икки қўлини орқасига қўйиб жилмайиб турар эди, ҳалиги сўзини эшитгандан сўнг: «Юринглар, ўзим тулагиб қўяман» деб уйга қараб йўл бошлади. Болалар олдинма кетди югуришиб, ҳарқайсилари ўз гуруҳлари билан у уйларига кира бошладилар ва эшик олдидаги алоқиди алоқиди тахта билан ажратилиб, номер қўйилган плакатларга кийимларини ечиб илдилар. Ундан оқ сурундан тикилган фартуқларини олиб кийдилар. Эргаш билан Қарима қўғирчоқни яна кўтариб, докторхона эшиги олдида турардилар. Аҳмад ичкаридан оқ фартуқни кийиб, қўлида бир кичкина қарнайи ўхшаган нарсани кўтариб чиқди-да: «киринг!» деб ҳалигиларга ишора қилди. Катта уйнинг тўрт бурчаги тўрт хил қилиб безатилган эди. Бир бурчаги ғартондан ишланган завод-фабрика, бир бурчаги қолхоз, унда пахта, сабзавот, буғдўй, мева дарахлари ғартонлардан, қоғоз рамлардан ишлаб

қўйилган. Бир бурчаги кичкина-кичкина уйчалар, бу ишчиларнинг турадиган уйлари эди. Уларнинг эшикларига уй номери, кўчасининг оти кичкина қоғозларга ёзиб ёпиштирилган. Бир бурчаги оқ парда билан ажратилган докторхона, болалар боқчаси, ясли, мактаб эди.

Карима билан Эргаш чодирнинг бир чеккасини тортиб, йўл кўрсатиб турган доктор ишораси билан ичкари кирган эдилар, болаларнинг бирмунчалари ҳам эргашиб кирабошладилар. Мураббия докторга қараб: «калсалларнинг ҳаммасини бирдан қарайсизми?»— деди.

— Йўқ, чиқинглар болалар. Навбат билан киринглар,— деб чиқарди ва ҳаммасини кичкина-кичкина курсиларга қатор ўтқазиб қўйди-да, ўзи ичкарига кириб кетди. Чойшаб устидаги қўғирчоқни олиб, стол устига ётқизди. Мураббия буёқдан туриб «касални столга ётқизадиларми?» деган эди, Аҳмад столдан олиб, кичкинагина оқ чойшабли кроватга ётқизди ва лабларини чўзиб: «акасия, қўллари синиб кетибди, ойиси ёмон экан-а, қарамабди» деб трубкани қўғирчоқнинг кўкрагига қўябошлади. Мураббия менга қараб бир кулиб қўйди. Мен бўлсам, деразадан ҳамон уларнинг ҳаракатига қараб ўтирар эдим.

— «Қўли синганга ҳам трубка қўядими, доктор?»— деди мураббия Аҳмадга қараб. Аҳмад трубкани столга қўйдида, қўғирчоқнинг синган қўлини олиб биллагидан томирини ушлаб кўрмоқчи бўлди ва қўлидаги ёлғондакам соатига қараб, билакни ушлаб турди.

— Докторимизнинг синганлар ҳақида ҳали тажрибаси йўқ, мен ўргатай,— деди-да мураббия бориб, оқмойга ўхшаган нарсани қўлга суриб, Аҳмадга бинт берди. Аҳмад бинт билан ўзи билганича қийшиққина қилиб бойлаб қўғирчоқни «касалхонага ётқизинг!», деб Кариманинг қўлига берди. Ўзи биргалашиб қатор турган кроватлардан бирини ётқизди. Мураббия болаларни овқатга чақирди.

Болалар бериги уйдаги тувакларда гул қўйилган узун стол атрофига келиб ўтирдилар ва оқ фартуқларининг уёқ-буёғини тузатиб, кичкина курсичаларни столга яқин тортабошлади. Бу катта группанинг болаларидан бири эди. У нон, қанд келтириб ҳамманинг олдига бўлиб-бўлиб қўйди ва бир бармоғи билан бурнини кавлай бошлади.

— Опа, қўли ифлос бўлди,— деб биттаси бақариб қолди. Мураббиянинг ишорати билан ҳалиги бола дарров

бориб, қўлини қайтадан совунлаб ювиб келди-да, ўзи ҳам ўтириб, мураббия берган чойни ича бошлади.


Ҳарқайси группа ўз ҳолича айрим кундалик машғулотга киришди. Ба'зи группалар катталарига хат танитар, ба'зилари ҳархил қўл ўйинчари, мунчоқларни санатиб ҳисоб ўргатар, ба'зилари лойдан ҳархил нарсалар, савзи, пиёз, бодринг, олма, узум яса ттирар. Ба'зилари қогоз қийиб гул солар эди. Қарима ипакдан ҳархил майдачуйда гуллар тикишни яхши кўрар экан, ҳадеб, игнасини чўзарди. Ўз ҳолича: «ана гул тикдим» — деб, қизил ипакни чўзиб ёшидагиларга керилиб кўярди.

Мен болаларнинг ашулаларини яхши кўраман. Кетгунимча бир ашула айтдиришни мураббиясидан сурадим.

— Ўзларининг ҳам умумий рақс қиладиган вақтлари бўлиб қолди, деб болаларни ҳовлига олиб тушди. Ҳарқийсилари ўзларининг курсиларини олиб чиқиб, ҳовлига гир айлантириб қўйдиларда, тизилишиб ўтиришди. Мураббиянинг «бир-икки-уч»идан кейин бирдан ашула айта бошладилар. Бурчакда ўтирган бир бола ашулага ҳам қарамасдан чопиб бориб, ариқдан ҳовучлаб сув олиб ича берди. Аҳмаднинг кўзи тушди шекилли: «опа, опа, апови ариқдан қурти бор сувни ичаётир» — деб ўрнидан турди. Болалар бирдан тўхтаб, ариқ томонга қараб қолдилар. Мураббия ҳам ҳай-ҳайлаганича бориб унинг ҳовучидаги сувни тўкиб ташлади ва қўлидан етаклаб келди-да қайнамаган сувдаги қуртлар ҳақида гапирди. Бу вақтда болалар: Қарима ўйинга тушсин,— деб ҳар тарафдан қичқирдилар.

Болалар тушликдан кейин ётиш учун ўз кроватлари олдига борганда бирдан вақт эсимга тушиб келди. Кетмоқчи бўлиб мураббияни излаган эдим, биттаси қўғирчоқ ётган уйга кириб кетганини айтди. Мен ҳам шу уйга кирдим. Мураббия ҳалиги қўли синган қўғирчоқни олиб уринга бутун қўғирчоқни ётқизиб қўяётган экан. Мен бунга кулдим да, хайрлашиб чиқиб кетдим.





## ФОНАРЬ ТАГИДА

### I

Қаримнинг диққат бўлабошлаганлиги башарасидан ҳам билиниб турарди. Дам қош ўрталари чимирилиб, дам хаёли қочган одамдай кўзлари бир нуқтага тикилиб қоларди. Ба'зан цементлик узун йўлқанинг у бошидан, бу бошига юрар экан, икки қўлини шиқалаб, бармоқларини қисирлатиб ўйнарди. Ба'зан боғ дарвозаси ёнига қўйилган скамейкалардан биттасига ўтириб, беш қуббалик электрик фонарынинг жимирлаб, нур тукишини тамоша қиларди. Булар ҳаммаси ҳам кўнгилга урди шекилли, гулзорлар бўйлаб, боғни айланабошлади. Ҳозиргина битта папиросни тамомлаб, фонарь ёғочи тагидаги тупука идишга ташлаган бўлса ҳам яна иккинчисини олиб, тутата-тутата одамлар орасидан ёриб фонтан ёнига ўтди. Сувларнинг жимирлаб тукилиши, қизил чойхоналардаги тудачалғучиларнинг ўйноқи машқлари, Фарғонадан атайдан чақиртириб келинган ашулачиларнинг жаранглама товушлари унга ёқмагандай, тўғрисиини айтганда қулоққа кирмагандай э'тиборсизча яна кўчага қайтиб чиқди. Унинг кўнгли ғаш, шунинг учун ҳам бу товушлар унинг қулоғига кирмасди. Унинг кўзлари ҳамон Хадра томонда. Кимнидир кутарди. Ба'зан оқ шими чўнтагидан соатини чиқариб қарарди-да бошини қимирлатиб: «кутишдан ёмон иш йўқ дун'ёда»,— деб ўз-ўзига сўзлаб ҳам қўярди.

— Салом, Қаримжон, боққа тушган эканлар-да! — деди бир ёшгина йигит ва Қаримга қўлини чўзиб кўришди.

— Яхшимисиз, кўринмайсиз? — деди Қарим зўрғагина ховуш чиқариб.

— Танишинг, бу менинг хотиним,— деди ҳалиги йигит ёнидаги четга чиқиб турган келинчакни кўрсатиб. Қарим ўзининг диққат бўлиб тургайлигини сездирмаслик учун мажбурият остидагина бир илжайди-да кўл бериб кўришди. Кўришар экан ҳамон икки кўзи дарвозадан тўдатуёни бўлиб кириб келаётган одамларда эди. Улар орасида ўтиб кетиб қолмасин дегандай қилиб, ҳаммани бир бир кўзидан аткаларди.

Бир ўзингиз экансиз, қани юринг, биргаланиб, шахмат турширини тамоша қиламиз. Букуни катта шахматчилар келибдилар,— деди янгигина кўришган йигит. «Улган устига кўмган» дегандек, «Бир ўзингиз экансиз» деган сўз унга қаттиқ тегди-да яна алами зўрайди.

Ишқ, мен бировни кутиб турибман, сўнграқ кираман, деб сир боғ бермасдан юмшоққина суйлади-да, мевани сунга солашган кўк сирли дўкон томон юрди. Одамлар орасидан иқилиб бориб бир стакан сув ичди ва яна соғиниб қараб, боғдан бироз узоқлашди.

## II

Вой-вой қулим, оғриб кетди. Кўришган одам шунақа сиқар эканми?— деди Ойтўти ва ярим аччиғланган, ярим эркалангансимон қўлини ишқалаб олдида, кулимсираб турган Қаримга ер остидангина қаради.

— Келган одам шунақа кутдирар экан-да,— деди Қарим қўлидаги чакилиб тамом булган папиросни ташлаб.

Бир марта кутсангиз, кутибсиз-да!

Анун куни сен келишингда поездни ҳам кутгандлар, деди таша қўшилиб Хайри ва Қаримга ёрдам берган киши бўлиб, керилиб қўйди.

Бир марта эмас, беш йилдан берли шундай кутаман, деди Қарим, Ойтўтининг қўлидан ушлаб, қизлар мишах қилган бўлиб: «бай-бай» дея кулишди. Шу орада Ойтўтининг эсига бир нарса тушгандай ялт этиб узоқроқда турган бир хотинга қараб қўйди. Унинг кетича Хайри ҳам қараб:

Чақирсанчи буёққа!— деди.

Келаберинг, боққа бориб айланиб келамиз,— деди Ойтўти. Ҳалиги хотин қисилганданми, уялганданми бошидаги оқ доқа рўмолини юзига тортиб: «қўябер» дегандей қилиб бошини силкитди.

Қим у, Ойтўти! — деди Қарим секингина..

Ойтўтининг ойиси,— деди Хайри шошиб-пишиб.

— Менинг келганимни эшитиб, кеча даладан тушган эдилар. Биз судраб буёққа олиб келдик,— деди Ойтўти.

— Чақиринг-чақиринг бўлмаса, тамоша қилдирамиз,— деди-да, Қарим секин-секин, тортиниб турган хотин томон юрабошлади.

— Кўпчиликка ўрганмаганлар-да,— деди Хайри товушини чиқариб кулиб.

Бу товушни эшитиб ҳалиги хотин яна ҳам уялди шекилли, қизарганини билдирмаслик учун ўзини қоронғироққа тортди. Булар учаласи унга қараб борар эдилар. Хотин қораластик камзулининг барини ўраб, қўлини қовуштиргандек қилиб, қадам ташларкан, ўнг оёғи бироз бир тарафга қийшайгандек бўлиб кетди. Ойтўти Хайрининг бетамизлик орқасида мазах қилиб кулганидан хафа булибми ёки онасининг юрганда бир оёғи калта эканлиги сезилиб қолганидан ҳижолат бўлибми, иш қилиб башараси ўзгариб кетди. Сўзсизгина тез-тез юриб онасининг олдига борди ва алланималар деб унинг қулоғи тағида пичирлаган бўлди, Қарим тусатдан ботиниб бораолмай беш-олти қадам узоқроқда тўхтади. Она-боланинг башарасида бироз ма'юслик сезилабошлади. Шундай бўлса ҳам Ойтўти онасининг уялиб, қимтилишига қарамай Қаримнинг олдига бошлаб келди-да таништирди. Хотин кўк йўл-йўл чит кўйлагининг енги блап қўлини ўраб, Қаримга зўрғагина узатди.

— Қўлингизни урамасангиз нима булар эди холажон!— деди кулиб Хайри. Хотин яна гижинг-мижинг булиб, юзини бошқа ёққа ўгирди.

— Қўявермайсанми, секин-секин ўрганадилар-да — деб бир онасига, бир Қаримга қараб қўйди, Ойтўти.

— Қани юринглар, кечикмайлик,— деб гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди Қарим ва уларнинг олдин юришини кутиб, ўзи кейинига ўтди.

— Юринг, юринг! — деб қистасалар ҳам, ҳалиги хотин, «сизлар олдин юринглар, мен кейинда» дегандек қилиб, ҳамон кейинга тисланаберди.

Катта кўча, серқатнов. Ҳали машина, ҳали арава, унинг устига одамларнинг кўчага сиғмай юришлари буларни бироз безовта қиларди. Уёқдан-буёққа ўтучилар туртиниб ўтаберганларидан Ойтўти бироз гижинди-да: «Хайри, сизлар бораберинглар, мен ойим блан бораман» деди. Шу орада милициялар ҳам: «кўчада тўхтаб турманглар, тезроқ юринглар» деб шовқин солиб қолди. Шу

баҳона блан ҳаммалари баравар сўзлаша-сўзлаша кетдилар. Ойтўтининг онаси ҳамон бир қадам кейинда жимгина сўзсиз борар эди.

— Москва сизга ёқибди шекилли, жуда ўсиб кетибсиз-ку Ойтўти, мана қаранг-а, менга етиб қолибсиз,— деди Қарим ва елкасини Ойтўтининг елкасига яқинлаштириб, ўлчамоқчи бўлди. Ойтўти ўзини бироз тортди-да, ҳечнарсга демай Қаримга қараб, лаб учидагина кулиб қўйди.

— Сизга етаман деб ўзи ҳам ўлиб бўлди, яна бир қарич ўсса, иккалангиз баббаравар бўлар экансизлар,— деди Хайри, Ойтўтига бир кўзини қисиб.

— Бироз ўсмай кутиб турсалар, етиб оламан,— деди Ойтўти ма'ноли: кўз қисиб.

— Энди кутишга тоқат қолмади,— деди Қарим секингина ва эшитмадимиз экан дегандек қилиб орқада келаётган Ойтўтининг онасига қараб қўйди. Хайри бўлса, овозининг борича:

— Яна бўйдоқлик ҳасрати очилай деяётир,— деди. Ойтўти Хайрига қараб, лабини қисиб,— ойим бор — дегандек қилиб имлади ва ўзининг ўйи амасдан гапириб қўйганига ўнғайсизланиб бироз қизариб ҳам олди. Таги оқ, ингичка қора чивиқ калта камзул чўнтагидан кичкина дастрўмолчани олиб, Ойтўти терламаган бўлса ҳам пешона, лаб устиларини артган бўлди. Қарим ҳамон икки қўли шим чўнтагидан, алланималарни гапирмоқчи бўлиб, оғзини жуфтласа ҳам, нимагадир гапираолмас эди. Катта электр фонари тагида ғужғон ўйнаётган одамлар орасидан ўтиб, булар ҳам боққа кириб кетдилар.

— Чарчадингизми ойи!— деди Ойтўти тепгекис қирқилган тут дарахтлари орасидаги скамейкага ўтирар экан.

— Кетақолсам ҳам бўлар эди, болам!— деди онаси зўрғагина товуш чиқариб.

— Ўтириб бироз тамоша қилинг бу чиройли жойларни,— деяр экан Ойтўти, икки кўзи олма-кесак териб, ҳар тарафга бир қарар эди.

— Бу ер қандай жой экан, мен ҳеч таниёлмаётибман?

— Бу ер илгари мазор эди шекилли,— деди онаси ҳам бошини ердан кўтариб. Нимагадир унинг башарасида аллақандай ма'юслик кўриниб турарди. Қарим ҳам бунинг сабабини билмаганиданми ёки ўзидан шубҳаланганиданми, хотиннинг башарасига тез-тез қараб қўярди. Сезиб қолмасин деди-да, сўнгги қарашида тезгина кўзи-

ни бошқа ёққа олиб «мозор нарида, бу ерда жангоҳ суви бор эди. Узи бир чодевор булиб старди» деди.

— Ҳа, энди эсимга тушди. Балиқ гўшти сотадиган бир чол ҳам ўтирар эди-а, сув бйўида,— деди Ойтўти, бу сўзни эшитиш билан хотин нимагадир бир чуқур хўрсиниб олди ва: «сен ёш эдинг унда...»—деб бир нарсани айтмоқчи бўлган эди. нафаси тикилиб, гапираолмади. Бундан бошқалар ҳечнарсангламаган бўлсалар ҳам. Ойтўти дарров тушунди ва онасини юпатиш учун сўзни бошқа ёққа бурди. Шу вақт бир бола саватда гул кўтариб ўтиб қолди.

Карим: «Тўхта» деди ҳалиги боланинг саватидан ушлаб.

— Сотасанми.

— Ҳа, сотаман, олинг, янгигина узилган гуллар.

— Бир донаси печа пул?

— Гингирма тийин. Манг сизга ғунчаси билан ҳам бераман.

— Ҳаммасини қанчага берасан?— деб Карим тирсаги билан Ойтўтининг секингина туртиб қўйди.

— Вой-вой, сизни қаранг а, ҳаммасини олиб нима қиласиз?— деб Хайри ҳовлиқиб келди.

— Бошларангиздан сочаман, деди Карим бир гулга, бир қизларга қараб.

— Оладиган бўлсангиз, тезроқ олинг ака, кетаман,— деди гул соғучи бола.

— Вой-вой... гул ҳам сизга ўхшаб шошилиб етилганмикин? — деди-да Карим учта икки қўшалоқлик, битта катта очилган қизил гулларни саватдан олиб, боланинг қўлига икки сўм берди. Ойтўти чопиб кетаётган гулчи бола кетидан тикилиб қараб қолди.

Онанинг кўнглини гул ҳам очабилмади. Бир нарса эсимга тушгандан кейин уни тарқағиш жуда қийин экан. Ойтўтининг ҳам чиройи очилмай онасига қараб ўзгариб қолди. Ҳарбир гапирилган гаплар, қилинган қизиқчиликлар ҳам ёқмай бошлади. Карим бунга ҳеч тушунаолмай, ҳамон хаёл сураб ва шуни Ойтўтидан сўраб, билиб олгуси келар эди. Лекин одамлар олдида сўраш ўингайсиз бўлганидан тишини-тишга қўйиб ўтирарди.

— Мен кетай болам! — деди она ўрнидан туриб.

— Мен ҳам кетаман,— деди Хайри.

— Бирга кетамиз бўлмаса.

Бугун театрда яхши нарса бор. Кўриш керак, деб, Карим уларни тўхтатмоқчи, шу сўз билан Ойтўтининг олиб қолмоқчи бўлди. Бошда Ойтўти бунга



кўнмаган бўлса ҳам онасининг: «Сен ёш нарса қолавер, мен кетай, эртага азон блан колхозга чиқиб кетаман»,— деган сўзи блан театрга кирмоқчи бўлиб, ўзи улардан ажраб қолди. Боғнинг юқориги эшигидаги чиқиб икки тарафга ажраллиди. Карим соатига қараб: — театرنинг бошланганига ҳали вақт бор,— деди.

— Бўлмаса, кўчада бироз юратурайлик, янги жойларни айланайлик,— деди Ойтўти ва Эскижўва томонга қараб юрди. Карим пайтдан фойдаланиб: «Онангиз нега бирдаг хафа бўлиб қолдилар; сизнинг ҳам кўнглинги анча ўзгарганга ўхшаб қолди?» деди ва Ойтўтини қўлтиқлаб олди. Ойтўти Каримнинг кўнглига бошқа бир нарса келганини фаҳмлади-да, кулиб: «Мен ҳали ёш эканман, шу Жўванинг худди ўзида бир воқна бўлган. Эҳтимол ўша эсига тушган бўлса», деб воқнани тафсиллий сўзлаб кетди.

— Печанчи йил эканлиги эсимда йўқ. Мен тахминан беш-олти ёшларда бўлсам керак. Отам ўлгандан кейин онам бир парча богини сотиб отамни кўмдирди ва бирмунча вақт шу блан тирикчилик қилиб, сўнгра жуда бўлмагандан кейин Олимбой оқсоқолникида хизмат қилдиган бўлди. Онам бир куни нимаям бўлдию, шаҳардаги холамникига тушмоқчи булиб, хўжайинимизнинг катта хотинидан рухсат сўради. У букуни кирларни ювиш, ҳеч бўлмаса бир-икки тандир нон ёпиш кераклигини ва шундан кейин бориш мумкинлигини айтди. Бу гапни эшитиб, онамнинг оёғи олти бўлиб, бутун куни блан тинмади. Менинг ҳам дастёрчилик қилавериш оёғим қаварди. Мен, шаҳарни ҳеч кўрган эмас эдим. Шунинг учун, онам қаёққа борса, шуёққа кетидан эргашиб, ҳиқиллай берардим: «шаҳарга холамникига мени ҳам олиб бординг!»— деб қўлоқ-миясини едим.

— «Вақтлуроқ ёт бўлмаса, эртага эрта блан шаҳарга арава тушар экан, ўшанда кетамиз»— деди онам, тандирга ўт қўятуриб.

Ташқарига чиқаверишдаги кичкина уйчамиздаги сандалга бошим блан ўралиб ётдим. Лекин кўзимга ҳеч уйқу келмади. Ҳамон кўз олдимда шаҳар аллақандай бўлиб, гавдаланар эди. Ҳеч бўлмаганидан кейин шипга қараб, тоқиларни санай бошладим. Уй беш ёгочлик эди. Унинг тоқисининг қанча эканини саналмай, жамлаялмай, охири ухлаб кетибман.

Кун совуқ, араванинг устида гириллаб турган изғирин

юзларни ялайди. Онам мени паранжисининг ичига ўраб олган бўлса ҳам, муз ичида ўтиргандек оёқ қўлларим қотиб қолди.

— Далада қишлар эдингларми? — деди Карим сўзини бўлиб.

— Ҳа, хўжайинимиз далага яхшилаб, ўзига иморат солиб олган эди-да, қишин-ёзин ўша ерда турар эди,— деди Ойтўти ва кўчанинг нариги юзидан ўтиб кетаётган бир болалик ёшгина хотин блан бош қимирлатишиб сўрашди; ва Каримга қараб: «эсингизда борми, биз интернетда ётганимизда шу қиз ҳам бирга ўқир эди»,— деди. Карим ҳам бунинг эсида борлигини билдирди.

— Шундай қилиб, Хадрадан, Жанггоҳ тарафдаги пастликка тушаётганимизда от қоқилиб мункиб кетаёзди. Арава ғилдираги бўлса, бир харсанг устидан тарс этиб, балчиқ ичига ботди. Сал бўлмаса, аравакаш от устидан учиб тушаёзди. Мен жуда кўрққан бўлсам ҳам, онам уришмасин деб, нидамай паранжи ичидан кўзимни мўлтиратиб қараб ўтирабердим. От сағрисида лойга ботган, жонивор бор кучи блан пишқириб олдинга интиларди. Арава бўлса, пастликлардан чиқиб, тушиб, одамнинг ичак-чавакларини чайқаб юборди. Шу орада орқадан кимдир: «Ҳой ака, қопингиз тушиб қолди», деб қичқирди.

Аравакаш — Турди ака: «нима деяпсан?» дегандек қилиб, орқасига айланиб қаради ва алланималар деб тўнғиллаб, бир харсанг тошни мўлжаллаб, от устидан сакраб тушди. Биз ҳам аравадаги қопланган буғдойлар устида ўтирган бўлсак-да, битта қопнинг тушганини сезмай қолибмиз. Турди ака ҳамма ёғи лой бўлган қопни инқиллаб-синқиллаб кўтариб, аравага келтириб ташлади. Чўнтагидан бир чурук латта олиб, ўзининг юз, кўзларига сачраган лойларни артди ва оёғидаги ярим белигача лой бўлган чориқ мўзасини<sup>1</sup> ҳам артган бўлди. Шалоп-шалоп лой кечиб Жўвага борганимизча намоз жума вақти ҳам бўлиб қолибди. Хотинмасчиддан оқ саллалик кишилар қаторлашиб чиқиб келаётир. Менинг икки кўзим ҳамон шуларда бўлди. Уларнинг бир қўли блан чопоннинг барини кўтариб, бир қўли блан масчид деворини ушлаб, девор тагидаги тор йўлқадан эмаклаб ўтгандек ўтишлари менга қизиқ туюлди. Ба'зан олдиндагиларнинг бир оёқлари тойиб лойга ботарди. Шундан кейин орқадагиларга: «Эҳтиёт бўлинг, эй тақсир, жуда сирғончиқ лой бўлиб-

<sup>1</sup> Самарқанддилар буни тош товон ҳам дейдилар.

дир», деб сўзлаб ҳам қўярдилар. Мен бўлсам, ҳозир йиқилади-йиқилади, деб юрагим питирлаб турарди.

Жўва тарафи жуда баландлик экан, от аравани ҳеч тортиб чиқараолмади. Бироз баландликка чиқади-да яна шалоп этиб пастликка, қуюқ балчиққа тушади ва от, кейинга тисланиб, атрофга лой сачратади. Худди жўрттага қилаётгандек узун бўйлик, ориққина келган, пахталик чопон устидан оқ яхтак кийган сўфинамо бир одам «ҳой баччағар, бироз тўхтасангчи, ҳаммани расво қилдинг-ку!»— деб аравакашга қараб бақирди. Бир тисланиб, бир олға қараб интилиб турган арава тўхтаб қолди. Аравакашининг бўлса, бутун диққати йўлга берилган. Қандай бўлса ҳам шу жойдан чиқиб олиш эди. Бирор тузукроқ текис ери йўқмикан дегандек қилиб, кўзини тўрт тарафга аланглатарди.

Мана шу ёқ бироз юзага ўхшайди, — деб аравакаш от бошини кўчанинг ўнг тарафига бурди.

— Вой, ҳазир бўлинг, ўргулай,— деб онам бир қўли блан мени, иккинчи қўли блан тагидаги бўғдойли қопни маҳкам чапгаллади. От, нима ҳам бўлдию, бир баландликка интилиб арава филдирагининг ярмиси кўтарилганда яна кейинга қайтиб, тарс этиб бир харсангга тушди. Атрофдаги лойлар сачраб, деворларгача чиқиб кетди. От мункиб, олдинги оёғи блан чўккалаб қолди. Турди ака отнинг бошидан ошиб, ерга йиқилди. Мен қўрққанимдан додлаб юбордим. Ойим бўлса, «вой ўлай!» деганича дир-дир қалтираб, нафаси нчига тушиб кетди. Турди ака лой-луйга ҳам қарамай, сакраб ўридан турди-да бир оёғини ушлаганича, оқсоқланиб келиб, ҳадеб отнинг бошидан тортабошлади.

— Қоринбоғини ечиб юборинг, қоринбоғини! — деб шовқин солди кўчадаги ўткинчи кишилар. Бир бойлам ўтин кўтариб кетаётган олача тўнлик бир киши ўтинини орқасидан олиб, бир четга қўйди-да, маҳсисининг қўнжидан қизил сопли бир пичоқ чиқариб қоринбоғини шартта қирқиб юборди ва отнинг жиловидан тортди. Мен бўлсам отни сўяр эканми, деб худди юрагим чиқиб кетаёзди. Отни бир четга чиқариб қўйдилар-да, араванинг филдирагидан ҳай-ҳайлашиб итариб балчиқдан чиқармоқчи бўлдилар.

— Йўқ айланай, биз олдин тушайлик, ундан кейин кўтаринглар, деб онам питирлаб қолди. Бир киши келиб: «оппоқ қизим, ширин қизим» деб кўтариб кўчанинг бир четидаги қуруқроқ ерга олиб қўйди.

Онам ҳам совуқдан, ҳам қўрққанидан бўлса керак, на ўзини эплайди, на паранжисини. Ҳамаёғи лойли арава кегайларига дир-дир қалтираб оёқларини қўйди-да секин-секин тушмоқчи булди. Шу орада бир оёғи тийганиб қўймоқчи бўлган кегайга тегмай осилиб қолди.

— Эй... эй... тўхтаг қампир, оёқни нобуд қиласиз, деб ҳалиги мени кўтариб олиб қўйган қора соқолли, узун буйли косибнамо киши югуриб бориб онамнинг орқасидан паранжи устидан маҳкам ушлади. Онам арава гулчаги орасига қисилиб қолган оёғини ҳеч тортиб олаолмай, ўзини ҳалиги кишига гашлаб юборди. Мен оғзимни катта очиб, бақириб йиғлай бошладим.

— Қўрқма қизим, қўрқма, ҳечнарсга бўлгани йўқ,— деди онамнинг тепасида уймалашаётган кишилардан биттаси. Онам деворга суянган ҳолда икки оёғини ушлаб, ихрашига тушди.

Қани ўнг оёғингизни қимирлатиб қаранг,— деди Тўрди ака онамга чачвон орасидан мўралаб.

— Вой.. вой... қимирлатаолмайман,— деб бошини қийшайтиради онам ва: энди кўчада қоламанми,— дея инграб йиғлай бошлади. Дарров қайдандир бир занбил олиб келдилар-да, уни занбилга ўтқазиб, холаминикига жўнатдилар. Ушанда оёғи қалгис еган, лекин табиблар уни чиққан деб қайта-қайта шиқирлагиб солаберганларидан бир оёғи калта бўлиб қолган. Шунинг учун оқсоқланиб юради. Кўпчилик ичига кирса жуда ийманиб, қисилиб ба'зан қаттиқ хафа ҳам бўлиб қолади.

— Бўлмаса сизнинг доктор бўлиб келганингизга жуда ҳам севинар эканлар-да? — деди Қарим.

— Севиниш ҳам гап эканми? «Соғни чўлоқ эмас, чўлоқни соғайтирадиган қизим бор»,— деб қишлоқда одамларга мақтаниб ҳам юрар эмишла,— деди Ойтўти ва Қаримни бир ташвишдан қутқарганини сезиб, кўзларида хурсандлик аломатлари пайдо бўлди.

Булар театрнинг олдига келганларида ўйинни бошлашга учинчи сигнал — қўнгиноқ ҳам берилган эди. Иккиси шошиб-пишиб олдинма-кейин театрға кириб кетдилар.





## ДҮНДИҚДАН ҲАМ ҒШ ЭКАН

Узининг асли оти Салима бўлса ҳам, ёшлигидан уни севиб Дўндиқ қўйиб юборганлар.

Дўндиқ энди 13 дан 14 га қадам қўйди. Лекин дур-кун бўлгани учун кўрган одам, албатта, 16 дан кам демасди. Унинг қоши, кўзининг попукеклигини, орқадаги селкиллаб турган икки тутам сочининг узун ва новдадек хипча бўйига ярашиб турганини кўрган киши, «яна бир кўрай» дерди. Шунинг учун ҳам Рузвон кампир ҳар келганда: «Қизинг кундан-кун кўзга яқин бўлаётир келинжон, эҳтиёт бўл!» деб Ҳалима опанинг юрагига гулгула солади. Ҳатто бир кунни аллақаяқдан беш-ўпта кўзмунчоқ топиб келиб: «Мана буни Дўндигининг сочига тақиб қўй!» -- деб енг учидангина Ҳалима опага узатди.

Вой ўлай ача, буни тагин Дўндигингиз кўриб қолмасми, балога қуяди-я. Шу замоннинг қизлари ҳаммани қўйиб кўзмунчоқ тақардими?— деб Ҳалима опа кампирнинг кўнглига қараб чўнтагига солиб қўйди.

Вой товба, она деган ҳам ўз боласидан қўрқадими?— дея кампир тескари қаради.

Ҳалима опа унинг жаҳли чиққанини сизди-да, енгилгина кулди ва:

— Ача келақолинг, чой тайёрладим,— деб ўзи ичкари уйга кириб кетди. Рузвон кампир ҳам кўп такаллуфланиб турмасдан икки тиззасини қўли билан ушлаб, букчайганча ҳаллослаб Ҳалима опанинг кетидан кирди. Ҳалима опа шиша идишдаги сариг ёғ билан қақдани дастурхон устига қўйиб, яна нимагадир ичкари уйга кириб

кетди. Кампир олдига тушиб кетган дока рўмол учини орқасига ташлаб, нонга қўл узатабошлади.

— Туғмай ўлай, келин, қаёққа кетдинг, чой берманг мен ҳечнарсга еяолмайман,— деб тишсизлигидан ҳасрат қилган бўлди.

Ҳалима опа катта тарелкани ҳалигилар ёнига чиқариб қўйди ва иккиси ўтириб чой ичишди. Рувзон кампир битта сомсани лунжида айлантириб кавшаб зўрға ивтиди ва қулт этиб ютгани ҳам сезилди. Ичагига бироз қадалди, шекилли, кўзини юмиб, қошини чимириб ҳам олди. Ҳалима опанинг қараб турганини кўриб: «Нафс курсин болам»,— деб қулт-қулт чой ичабошлади.

— Дўндиғингиз эрта блан мактабга шошиб кетади. Уқишда толиқиб қолмасин, деб дойим сомсами, уч-тўртта юпқами пишириб қўяман,— деб гапга чалғитди Ҳалима опа.

— Ҳа, ростданам Дўндикни чойга чақирмадингиз-ку, ё кетиб қолдимми?

— Йўқ, уйда дарс тайёрлаб ўтирибди. Бўлгандан кейин ичади.

— Қоронги ҳам тушиб қолибди-ку, болам! Мен кетай.

— Ҳа, ўтирибсиз-да! Кетганлар келаяптими,— деди да Ҳалима опа ўрнидан туриб, деворда бир нарсани буради. Уй ичи кундузгидек ёриб кетди. Ўзи Дўндиклар ўтирган уйга кириб кетди.

Уй ўртасидаги стол устига ёзилган юпқа картон қоғозга мукка тушиб, қалам юргизаётган Дўндик бошини кўтариб, онасига қаради ва индамай яна ишида давом этди. Ёнидаги шериги Аҳмад ҳам расм дафтарларини йиғиштирган бўлиб тимискиланабошлади. Ҳалима опа:

— Қоринларинг ҳам очиб кетгандир, чойга чиқинглар,— деди-да, кўп айланишмасдан чиқиб кетди.

— Тамом,— деди Дўндик ишдан бошини кўтариб. Аҳмад бошда узоқроқдан синчиклаб тикилиб қаради, сўнгра яқинроқ келиб: «хатоси бор, яхшилаб қара!» деди Дўндикқа.

— Ўзинг хато қилгандирсан!— дея жизиллай бошлади Дўндик, ва қоғоз четидаги кераксиз қалам изларини ўчирган бўлди.

— Мана, кўрмайсанми, расмий одамдан бунинг нима фарқи бор?— деди кулиб Аҳмад.

— Ҳа, бўлмасам, гавдаси кичкинами?

— Йўқ.

— Озгинми?

— Йўқ, бадан тарбиячининг каттакон, семиз бўлиши шарт эмас.

— Бўлмаса нима-да, айтақолсанг бўлмайдими? Одамни хит қилмай,— деб Дундиқ бироз қизишиб ҳам олди.

— Рассом бўладиган бўлсанг, ўзинг топ хатосини.

— Қўл, оёғи жойида эмасми?

— Йўқ.

— Қифти торми?

— Йўқ.

— Хўп бўлмаса,— деди Дундиқ ва жаҳл аралаш кулиб, Аҳмадга қаради.

— Топишга юрагинг чидамай ётибди-а?— деди Аҳмад.

— Ҳаммаининг юраги сешикига ўхшаган дар'ёми?

Мана қараб тур, мен ҳозир бадан тарбия қиламан, сен менинг қўлларимга қара!— деди-да Аҳмад енгларини нимариб, ҳаракатга тушди. Дундиқ бир расмга, бир Аҳмадга астойдил тикилди ва бирдан: «Топдим-топдим, бўлди» деб шовқин солиб юборди. Аҳмад ҳаракатдан тўхтади.

— Мускуллари кўрсатилмаган экан. Шунинг учун хунук турган экан,— дея севинганидан чапак чалиб энтикиб-энтикиб нафас олди Дундиқ. Дарров қўлига қалам олиб, яна мукка тушди. Аҳмад ёнида туриб, унга ёрдамлашди.

— Хўп расм бўлдими, Аҳмад!— деди Дундиқ қоғозни юқори кўтариб.

— У кунги ҳисобга ўхшаб эртага бунга ҳам а'ло ола-миз,— деди Аҳмад севинган бўлиб, иккиси ўз ҳолларича расмга қараб хахолашиб кулишди. Уйнинг ўртасида сакрашди. Буларнинг товушидан хавотир бўлиб, югургилаб кирган Ҳалима опа эшик олдида тўхтаб қолди.

— Ойижон, буни қаранг, қандай чиройлик киши бўлди. Қулларининг туришини, коптогини қаранг. Худди оғилдай деб турибди-а?

Иккаласи расмнинг икки четидан ушлаб, деворга қоқиб қўйдилар ва Ҳалима опа кетидаш чиқиб кетдилар.

Дундиқ Рузвон кампирни жуда яхши кўрарди. Айниқса унинг кечалари айтиб берадиган «Афанди» ва узун-узун чўпчакларини севарди. Шунинг учун кампирни куриши блан: «Вой ачажон қачон келдингиз?»— деб бўйнидан қучоқлаб кўришди. Аҳмад ҳайрон бўлиб, эшик ол-

дида қараб қолди. Кетмоқчи бўлиб гивирлай бошлаган эди, Ҳалима она қўймай чойга ўтқазди. Дундиқ чой қўйиш блан овора эди, онаси гагин нимагадир ҳовли томон юрди. Рувзон кампир зарур иши бор одамдай Ҳалима онаши тўхтатиб, секингина қулоғига шивирлади:

— Эшитдим-ҳа, эшитдим,— деди Дундиқ ниёладаги чойни ерга қўйиб.

— Тугмай ўлай, нимаини эшитдинг?— деди кампир.

— Вой, гапингиз ҳам бор бўлсин, ҳали ёш-ку,— деди қаддини кутариб Ҳалима она.

— Нега ёш бўлади. Биз бундай вақтимизда катта хотин бўлиб қолган эдик,— деди кампир.

— Ундан кўра ушани айтиб бering ача, печа ёши-нигизда эрга теккансиз?

— Қўй, сўраб нима қиласан болам, ёш эдим,— деб хафсаласизлик блан жавоб берди, кампир.

— Жон ача, гапириб бering.

— Тугмай ўлай. Бир нарса қулогингга чалинса, ҳеч қўймайсан,— дея бир-икки тупугини ютди-да сўзга бошлади.

— Бир кунни эрталаб уйғониб кузимни очсам ҳовлида кимдир шитир-шитир қилиб юрибди. Дарров бошимни кўрпага буркадим. Юрагим гурс-гурс уйнай бошлади. Хаёлимда худди биров бошимга келаётганга ўхшадди. Лекин шитирлаган товуш ҳамон бир жойдан келарди. Кейин секин курпа тагидан мураладим. Қарасам, онам бошини юваётган экан.

— Ойи!— дедим қўрқиб бошимни кутариб.

— Турақол болам, сенинг ҳам бош-кўзларингни ювиб қўяй! Кундузи қўлим тегмайди,— деди. Лекин менга бу гап ёқмади. Бошимни буркаб, ухлаган киши бўлиб ётар эдим. Шундай бўлса ҳам, онам қўярда-қўймай турғизди.

Кун ёриши бланоқ қариндош уруглар йиғилишаберди. Ба'зиси паранжисини қўяр-қўймас самоварга олов солабошлади. Ба'зиси қўлига супурги олиб, ҳовли супуракетди. Кампир ошхона тепасига чиқиб олиб: «тап-тап» уш эланга ўтирди. Иш қилиб, ҳар ким ўзига яраша иш топиб олди. Мен уйдаги кўрпачаларни (бизда оз бўлгани учун қўшнилардан ҳам олиб чиққан эканлар) ташқарига ташийбердим. Билдимки, букун уйимизда бир йигин бўлади. Одатда жума кунлари дадам гап берганда шундай ҳаракат бошланарди. Лекин акамнинг: «Домладан сўраб келаман»,— деб кетганидан биламанки, букун жума эмас.



Бирпасда ташқарида ҳам эркаклар кўпайишиб қолди. Ташқари қилинган жой қўшнимизнинг ҳовлиси эди. Унинг устунига сақич ёпиштирилган экан, шунга кўзим тушиши билан бориб кўчираётган эдим, дадам чақириб қолди: «Қизим, энди ташқарига чиқма, уят бўлади»,— деди. Бундай гапни биринчи марта эшитганим учун юрагим шиф этиб кетди. Худди бир нарсадан маҳрум этилгандек ма'юсланиб, ерга қараганимча уйга кириб кетдим. Лекин юрак қургур чидамади, яна шаталоқ отиб, дастёрчилигимни қилабердим. Ба'зан ташқари эшикдан бориб, мўралаб ҳам қарардим. Пешин бўлиб қолибди, шекилли, масчитдан чиққан имомпоччамлар ҳам маҳалла халқи билан қатор-қатор бўлиб келишаберди.

Барқашда қанглама, саватда қовурма чучвара, дастурхонда кулчалар кўтариб келган болалар бирпас дамларини олгандан кейин: «юринглар томда тамоша кўрамиз», деб дувурлашиб, томга қўйилган шотидан чиқиб кетдилар. Мен ҳам келгларидан чиқдим. Узимга яқин ўртоқларим билан томма-том сакрашиб, кўчада келаётган тўйни кўрабошладик.

- Вой анов туянинг бўталогини қаранглар!— деб қаттиқроқ қичқириб юбордим. Отам кўчанинг четида қўл қовуштириб, келганларни кутиб турган экан, ялт этиб менга қараб қўйди. Мен бир бошимни тортдим-ку, лекин яна бошқа нарсаларни ҳам кўрсата бердим. Отам уйга кириб онамни йўлакка чақириб олди-да: «падар ла'ната, қизингга қарасанг бўлмайдим, ҳамманинг рўпарасида юрибди, тоза шарманда қилдиларинг-ку!» деб ғудинглаб чиқиб кетди.

— Вой ўлақолсам гўрга, билмай қолибман,— деди онам. Мен буларнинг товушини эшитишим билан дарров бўгот тагига беркиндим. Онам шотининг тепасига чиқди-да «Рузвон, ҳой Рузвон ўлгур!»— деб бўғиқ товуш билан чақирди. Мен бошда индамай биқипиб турдим, кейин товуш бердим.

— Бери кел, қизи тушкур! — деди, муштини кўрсатиб. Мен қўрқиб, секингина онамнинг олдига келдим. Биз пастга тушганча, отам яна йўлакка келиб, кўзларини олайтириб турибди. Мен унинг башарасига бир қарадим-да, дарров кўзимни ерга олдим.

— Саригул, буни бир арғимчоқда учиргин! — деб отам Саригул чечага қаради ва имо билан подвални кўрсатди.

— Тўйни тамоша қилдик дедингизми ҳали!— деди Дўндиқ Рузвон кампирнинг юзига тикилиб. «Ҳа» деган бўлиб, бошини силкитди кампир.

— У тўй кимники эди?

— Тугмай улай сени. Тўхтаб турмайсанми гапириб бўлганимча. Бунақа гапни бўлаверсанг айтмай қўяман,— деди-да кампир бироз тўхтаб турди.

— Йўқ гапирмайман, жим ўтираман,— деб Дўндиқ кампирга яна ҳам яқинлашиб ўтирди:

— Саригул чеча, ер уй (подвал)га шолча солди. Устига бир парча пўстакни ташлади. Кейин бурчакда ётган ола арқонни олиб, ўртадаги хари орасидан ўтказиб, аргумчоқ солди. Менинг қўлимдан етаклаб аргумчоққа ўтқазди. Устимда қораластик нимчам бор эди. Шунинг тугмачасини солмоқчи бўлиб, тимискилади. Бунга менинг гашим келиб, қўлини силталаб ташладим. Сўнгра камзулимнинг барини ўраб олдим.

— Войвой чирогимой, ҳали бола экансангўй,— деб паст лабини тишлади. Мен ҳечнарсга тушунмадим.

— Аргумчоқни итариб-да чеча!— деб, башарасига тикилдим. У, ичида аллаишма балоларни гуврана-гуврана аргумчоқни итарабошлади. Бир маҳал битта патнусда чучвара, қатлама кўтариб онам келиб қолди.

— Онанг ўргилсин ой попугим,— дея келиб, пешонамдан ўпди, қўлимга учта думлик попук қанд берди. Кейин кўзига жиқ-жиқ ёш олиб, орқасига қарай-қарай чиқиб кетди. Попукни шимиб ўтириб, мудрайбошлабман шекилли, чечам қўлтиғимдан кўтарди-да пўстакнинг бир чеккасини буклаб, мени ётқизди.

Бир маҳал кўзимни очсам, тепамда 3—4 хотин турибди.

— Турақол Рузвонжон, кийимларингни кийгин, ҳали замон домлапochам ҳам келиб қоладилар,— деди холам. Мен яна ҳечнарсга англамадим. Битта обдастада сув келтириб юз, қўлларимни ювдирдилар. Эгнимга оқ дока кўйлак, оқ банорас нимча кийгизиб! бошимдаги тўппим ўрнига оқ дока рўмол ўратдилар. Бирпасда қандайдир қизил алвон паранжи топиб келиб ёпиштирдилар. Икки қўлтиғимдан кўтариб, судрагандек қилиб ер уй зинасининг тагига олиб бордилар. Ҳовлида чалаётган сурнай тўхтади. Домла имомлар зинанинг ёнига келиб, никоҳ ўқиб кетдилар. Бирпасда хотинлар чуғур-чуғур бўлиб қолишди.

— Қани тезроқ бўлинглар, арава қараб қолди,— деб йўлакдан эркак кишининг товуши келди. Шундан кейин мени олиб кетмоқчи бўлаётганларини пайқаб қолдим-да, товушимнинг борича шовқин солиб йиғлай бердим. Хотинлар ҳартарафдан овутабошладилар. Жуда бўлмагандан кейин уришдилар. Товушим бироз пасайган бўлса ҳам, ўзим пўстакка маҳкам ёпишиб олган эдим. Хаёлимда пўстакдан мени ажратиб ололмайдиганга ўхшайдилар. Ёвқ. бўлмади. Биттаси келди-да пўстак блан азот кўтариб олиб аравага солди. Шундан кейин кучимнинг ҳечнарсига столмаслигини билиб, шилқ этиб тушдим.

Ўшанда қочиб кетмадингизми?— деди шошиб-пишиб Дўндиқ.

— Қочиб қайси гўрга борардим?

— Ҳукуматга айтсангиз-ку, қутқариб оларди.

— Вой, болалигинг бор бўлсин Дўндиқ,— деди Ҳалима опа кулиб.

Дўндиқ, у давр бошқа эканлигини дарров фаҳмлаб қолди-да: «Бечора ачам-эй» деб Аҳмадга қаради. Аҳмад жуда ҳайрон бўлиб нима дейишини ҳам билмай қолган эди.

— Ача ўшанда неча ёшда эдингиз?

— Туғмай ўлай сени, кирган бўлсам, ўнбирга киргандирман, ундан ортиқ эмас эдим.

— Вой!..— деди Дўндиқ ва устма-уст савол бераверди.

— Неча йилдан кейин туғдингиз?

— Оҳ... болам-а! Кошки эди туққан бўлсам, туғмай ҳасратда ўтдим-ку, болам!— дея кўзига жиқ-жиқ ёш олди кампир. Дўндиқ бу саволни берганидан пушаймон бўлиб жим қолди. Бошқалар ҳам сўзсиз қолдилар. Бу жимжитликни фақат девордаги соатнинг ўн марта жингирлашигина бузди.

— Ҳа, майли, кетақолсин, сен ҳам эртароқ ёт, эртага мактабга кечикиб қолманглар,— дея Аҳмадни кузатмоқчи бўлиб, Ҳалима опа ҳам ўрнидан турди. Дўндиқ онаси блан бирга чиқиб, Аҳмадни кўчага қадар кузатиб қўйди.





## ЯМОҚЧИ КУЧДИ

1911 йил бўлса керак, куз жуда ҳам тез тушди. Боғдорлар шошиб қолдилар. Ба'зибир дарахтларда олма, ноклар музлай ҳам бошлади. Шудринг еб турсин деб тоқдан узмай қўйилган узумларнинг устига барди ташламаганда Исматҳожининг узумхонасидаги одамлар узумсиз қоларди. Бу кунларда Исматҳожининг отбоқари ва уч хизматчиси, ичкаридаги икки чўрисида тиним йўқ. Неча кундан бери кўзлари уйқу ҳам кўрмайди. Ба'зан олмазордан саватлаб олма кўтариб келаётганларида уйқулари келиб ўтиришиб қолади. Яна бир-бирларининг ҳой-ҳуйлари блан сакраб ўринларидан туриб, қўргонга қараб югуришади. Кечалари шинни учун узум тепадилар, кундузи уларни аравалаб шаҳарларга ташийдилар. Меванинг кўплиги Исматҳожини хурсанд қилса-да, бечора хизматчиларни «шу боққа ҳам ўт туншармикин?» дейишга мажбур қиларди. Ҳали ўн туп ёнгоққа қўл ҳам теккани йўқ. Уни қоқиндан ҳам териши қургур қийин.

Исматҳожини бола-чақалари блан аллақачон шаҳарга кўчиб келган бўлса ҳам, ўзи ҳар кун от миниб боққа чиқиб турарди. Тўрт тарафи панжаралик шийпонга жойини солдириб, бир ёнбошига ёстиқ, бир ёнбошига мис чилимни қўйиб, кўзини тўрт қилиб ўтиради. Ким яхши ишлаяпти, ким ёмон, буларнинг ҳаммасини кўзидан ўтказиб туради. Ҳар кун кечқурун дакки емаган хизматчи қолмайди, икки гапнинг бирида: «ҳақларингни босиб қоламан», деб бақиради.

Бугун шаҳарга тушиб кетаётганида бош устида қамчинини ўйнатиб туриб, эртага ёнгоқни қоқинлар, буни

хам беш-олти кун судрамай, бир кундаёқ тамомлаш керак. Ҳиссаси ичидан чиқиб кетмасин!»— деди. Эрмат отиниң жиловини қўйиб ичидангина ниманидир гудуңглади.

— Нима деб тўнғиллаяпсан?

— Ҳеч нарса. Ҳашар қилмасак бўлмас деяпман.

Бу — Исматҳожига айил ботди шекилли, дами ичига тушиб, қовоғи солишиб кетди. Бироздан кейин:

— Маҳалладаги болаларни олиб чиқақол. Қўлига тўртта ёнғоқ берганда кўнадиган болалардан топ!— деди ва отга қамчин уриб жўнаб қолди.

Арава боғнинг катта дарвозасидан кириб, икки тарафи теракзор узун йўлка бўйлаб, кўрғон эшиги олдида тўхтади. Болалар аравага ўтирганларида ҳали қоронғи эди. Боққа келиб ётқуилларича кўн хам ёришиб кетди. Уйқули кўзлар очилди. Болалар аравада чўкка тушиб, сиқилишиб утирганлариданми, ёки кузнинг аччиқ ёвуғиланми, ҳартугул бирнса оёқлари увишиб, сержа босолмадилар. Бирн тиззасини ушлаб, бири оқсоқланиб, бойлоқда олган товукнинг оёғини ечгандек болалар хам галдирақлаб қолдилар. Чой-пой ичирмасданок ҳаммасини майдонга ҳайдадилар. Тўрт йигит бирдан тўрт тарафга шохлаб кетган, кучоққа сиғмайдиган ёнғоқларга чиқиб, узун хода блан, қарс-қарс қоқаберди. Бошда болалар жуда завқ блан тердилар. Кейин секин-секин: «вой бошимга тушди, вой қаттиқ тегди, қўлим совуқ қотди, қорним очди», деб ҳар тарафдан сўз чиқабошлади. Майдоннинг бир чеккасида Хайри опа бошига бир парча камзулчасини ташлаб, кора қумғон тагига ўт қўйди ва ўзи келиб, болалар блан ёнғоқ терди. Болалардан биттаси секин-секин тишида ёнғоқ чақиб еябошлаган эди, Хайри опа унга қараб, лабини қисди ва қойди блан кўрғон тарафга ишора қилди.

Тўққиз ёшлардаги ўғлини етаклаб, Исматҳожни келаётганини кўриб, болалар оғизларидаги ёнғоқ палласини нари-бери олиб, ўт орасига улоқтирдилар ва тез-тез тўкилган ёнғоқларни терабошладилар.

Исматҳожни:

— Мана, Улмасбой хам ҳашарга келди. Қани ким кўп теришга, ким кўп терса, шу кўп ёнғоқ олади,— деди. Болалар бирдан отасининг қўлини ушлаб келаётган болага қарадилар. Қизил духоба шим, амиркон маҳси, калвиш ва устидан барикарам духобадан тўп, бошида чақмоқ телпак кийган Исматҳожининг ўғли отасининг олди-

дан айрилмай, болаларга ер остидан хўмрайиб-хўмрайиб қаради. Бироздан кейин орқасини ўгириб, отасининг оёғига ёпишди. Исматҳожини ўғлига:

— Бор ўғлим, ёнғоқ тер!— деса ҳам ўғли эркаланиб у ердан силжимади. Исматҳожини қора мовут чакманнинг бир барини қайириб, яқиндагина кесилган бир терак кундасига келиб ўтирди. Болаларнинг бир кўзлари ёнғоқда бўлса, бир кўзлари бу болада эди. Айниқса, Эргаш ямоқчининг ўғли тез-тез қарай берди. У, ўзининг пахтаси оқиб ётган қизил чит тўни, жағи ажралган кавуши, пилталари чиқиб кетган тўпписи блан бошқа болалардан ажралиб турарди. У, қўлини дам оғзига, дам қўлтиғига тикиб: «қорним очди» дегандек қилиб, Хайри опага қараб қўярди. Бойнинг икки кўзи болаларда:

— Ҳа, хароми, тез-тез термайсанми, нимага бақрайиб турибсан!

Ўғли отасининг бўйнига ёпишиб:

— Қим дада, кимни айтаёйсиз?— деди.

— Ямоқчининг ўғличи!

— Дада! Ҳали ўша бола анча ёнғоқни чўнтагига солиб олди.

— Қани, солганим йўқ, қонга солдим.

— Бор ўғлим, қара, чўнтагини яхшилаб гиткила!— дейиши блан духоба тўн орқасидаги бир даста уқпар блан қўшалоқ туморини серкиллашиб келиб, ямоқчининг чўнтагини гиткилади. Бошқа болалар бўлса: «ҳозир тутилади, калтак ейди», деб қарашиб турдилар. Буни кўриб бир бола секингина чўққайиб ўтирди ва чўнтагидан икки-уч ёнғоқни ерга ташлади. Бошқалар кўрмай қолдилар. Лекин ямоқчининг ўғлининг чўнтагидан ҳеч нарса чиқмади. Улмасбой бурнини торта-торта отасининг олдига кетди. Болалар ичларидан: «иззаю-изза!» деб кулишди. Исматҳожини ўғлини Хайри опага топшириб, ўзи нимагадир шошиб майдондан чиқиб кетди.

Хайри опа ёнғоқ солиш учун олиб келинган қоплардан иккитасини бир чеккага солди ва чўйни дамлаб, болаларни чақирди. Болалар севинишиб, қоп устида тизилишиб ўтирдилар. Болалардан биттаси қумғон тағидаги чўғларни кўриб: «гулхан қиламиз, болалар!»— деди. Бу бошқаларга ҳам ма'қул тушиб, ҳар тарафдан синган шохларни йиғиб кела бошладилар. Гулхан қилиб, атрофга тизилишиб ўтирдилар. Хайри опа болаларга яримтадан, катталарга биттадан кулча улашиб, иккигадан ёнғоқ бер-

ди. Ямоқчининг ўғли яна ўтин йиғиб келиш учун ўрнидан туриб кетди. Йиқилиб ётган терак шохларидан йиғиб кичикроқ боғ қилди. Уни бир чеккага қўйиб, ўзи узала тушиб ётган терак устида кўндаланг турган узун ходанинг бир бошига миниб, «иннана» ўйнай бошлади. Бунга бошқа болалар ҳам қизиқдилар. Лекин Хайри опанинг бақирини блан яна жойларига ўтирдилар. Улмасбой ҳечнарсанга қулоқ солмасдан, мен ҳам ўйнайман деб югуриб кетди. Ямоқчининг ўғли ёғочнинг бир бошига Улмасбойни ўтқазиб, уни «иннана» қилди. Бир юқори кутарилиб, бир пастга тушган сари Улмасбой севинди. Уна ҳам баландроқ кўтаришни сўради.

— Йиқиласан,— деса ҳам қулоқ солмай жанжал қилди. Ямоқчининг ўғли:

— Мана бўлмасам,— деб ёғочнинг бир бошини ерга тегар даражада босган эди, Улмасбой юқорига кўтарилиб, ёғоч бошидан учиб кетди. Бирдан қий-чув бўлиб, ҳамма йиғилиб келди. Улмасбойнинг товуши чиқмай, мукка тушганича ётиб қолди. Нурмат болани кўтариб, юқори қаратди:

— Сув олиб келинглар, сув!

Бир бола челақдаги сувдан пиёлага солиб келтирди. Хайри опа қули блан боланинг юзига сув сепди. Бироздан кейин сесканиб-сесканиб, ўзига келди. Товушининг борича, оёғимлаб додлади. Ямоқчининг ўғли бўлса, аллақачон, девордан ошиб қочиб кетган эди. Бир бола бориб Исматҳожини чақириб келди. Исматҳожини бошида Хайри опани, кейин ўша ердагиларни қаттиқ уришди. Ҳаммасининг капалаги учиб бўзрайишиб қолдилар. Кейин ямоқчининг ўғлини тутиб урмоқчи бўлди.

— Падарингга ла'нат гадойвачча. Жўрттага йиқитган. Мен унинг ҳали кушни кўрсатаман. Қани ўша ла'нати, ҳозир топсаларинг ҳам топасанлар, топмасаларинг ҳам... боламнинг оёғини майиб қилибди. Мен унинг икки оёғини синдириб қўлига бераман.

— Йўқ, бой бува, Улмасбой ўзи қистаб қўймади.

— Мен ўйнама, десам, мени сўкиб гапимга қулоқ солмади,— дейишди болалар.

— Йўқолларинг, ҳаммангнинг башаранг қурсин!— деб оғзига оқ ит кириб, қора ит чиқди. Болалардан ба'зибирлари ямоқчининг ўғлини қидирган бўлдилар. Улмасбой ўнг оёғини қимирлатаолмай ҳамон додлаб ётади. Исматҳожини белидаги узун шол белбоғини ечиб

ўглининг майиб оёғини маҳкам боғлади. Нурматга опичтириб, сўкина-сўкина майдондан чиқиб кетди.

\* \* \*

Уч кундан бери ямоқчининг уйида тинчлик йўқ. Болалари қўрқиб, кўчага чиқмайдилар. Катта ўгли ҳар кимларга сув ташиб бериб, овқатини ўтказиб юрарди. Энди ҳечким сув ҳам ташиттирмайди. Ямоқчини бўлса, Исмағхожи ҳаркун масчитга чақириб одамлар ўртасида ҳақорат қилабериб, жонини олди. Турди боққолнинг дўкони олдида ямоқчилик қилиб ўтирарди, ундан ҳам ҳайдадилар. Хотини бўлса, Исмағхожининг хотинидан қўрқиб, эшигини занжирлаб ўтирадиган бўлди; баъзан эшикнинг тирқишидан мўралаб, Исмағхожининг уйига кириб-чиқаётган домла имомни, сўфини, мошфуруш табибни кўради. Яна бир ўти ўн бўлиб, боласини қарғашга, уришга тушади. Ҳовлида юрса ҳам бир нарсадан қўрққандек оёғининг учи блан зўрға-зўрға қадам босади. Сал нарсадан чўчийди. «Қўрққанга сичқон фил кўринар» дегандек, қарғанинг тарнов тепасида ўтириб ташлаган кичкина суяги бунга ўқ тушгандек бўлиб кетди. Жон ҳолатда:

— Вой, жувармағей, юрагимни ёрдинг!— деб икки қўли блан юрагини ушлади. Еқасини ечиб, ичига туфлади. Буни ошхонанинг бузуқ деворидан мўралаб турган қўшнис куриб турган экан, бирдан кулиб юборди. Ямоқчининг хотини унга қараб:

— Биров ўлай деса, биров кулади. Сизнинг кулгингиз ортиқча бўлаяпти!— деб, гина қилган бўлди.

— Кулмай ўлай, нега кулай, сиздан хабар олай, деб қараган эдим, чўчиганингизни кўриб, кулгим қистади эгачи! Исмағхожи ўлгур амакимларни қозига чақиртираман деяётган эмиш.

— Боласи ўлгани йўқку, нимасига қозига чақиртиради.

— Оёғи синган эмиш. Шунга жони чиқаётгандир-да! Ҳа, ҳарнарсга қилса, қўлидан келади. Маҳалланинг катталари ҳам бойнинг юз хотирини айтадилар, «камбағални туянинг устида ит қопади» дегандек, фалокат босмаса, келиб-келиб ўшанинг боласи блан ўйнайдими, ахир!

Бола-да, болалигига бориб ўйнаган. Булар қурғур ҳам лўғини бошига кўтармай: «болалик қилибди»,—деб



қўяқолса-ку, бўлади. Қайтага, Исмағжоннинг хотини катта ҳовлини бошига кўтариб сизларни қарғар эмиш.

— Нима қилай, ноҳақ қарғаса, қарғиши ўзига урсин!— деди уёқ-буёққа қараб. Шу вақт эшикдан бошини ерга солиштириб Эргани ямоқчи кириб келди. Қовоғи солинган ҳолда бировни қидиргандек тўрт тарафга жовдираб қаради:

— Ҳозир ла'нати ўғлиниги топ, уриб ўлдираман. Улигини Исмағжоннинг олдига чиқариб ташлайман. Хоҳласа, пишириб есин! Боламнинг оёғини тўлайсан,— деб ҳар қуни кўчада туполон қилади. Ер босиб, кўз очиб юргулигим қолмади. Унга тўлайдиган битим ҳам йўқ.

— Вой... Эсингизни едингизми, боласи тузалиб қолар, «жўртгага қилибдими, ўйнаб бўлганде?»— десангиз бўлмайдими?

— Уйда ўтириб, оғзингга келганини гапираверасанда, кўчадаги бўлаётган туполонни эшитаяпсанми?

Эргаш ямоқчининг яна фигони фалакка чиқди. Боласини қидирабошлади. Пастаккина тўққиз ёғочли, олди очик айвоннинг бурчагига суқулиб, икки оёғини гўжанак қилиб ўтирган ўғлига кўзи тушиб, жаҳли блан юзига икки шапалоқ солди. Бола дод, деб ойисига қочди. Ямоқчи бориб яна бир-икки тенди, онаси болани бағрига босиб, эрини қарғай бошлади. Бирпасда жиғ-пиғ бўлиб, эр, хотин уришиб қолишди. Хотини ҳам калтақдан қуруқ қолмади. Бола ошхона тўйнуғидан қўшинисеникига қочди.

Эр бўлиб, кўчадан тўртта нон кўтариб келиб: «ени!» деганингизми? Бу кундан кура ўлиб қўяқолганим яхши эмасми?

— Сен ҳам ўл, мен ҳам. Бу ғам, гуссадан ҳар иккимиз ҳам бирдан қутуламиз.

Ямоқчи икки қўлини чаккасига тираб, айвоннинг бир чеккасига келиб ўтирди. Хотини ҳовлининг ўртасидаги тутга суялиб: «пиқ-пиқ» йиғлайверди.

\* . \*

Миш-мишлар ҳақиқатга айланаётир. Исмағжон ямоқчинини қозихонага чақиртирармиш деган эдилар; мана қозихона ҳам чақиртирилди. Қози тўрда ўтириб, Исмағжондан, кейин эшик тагида қўл қовуштириб турган Эргаш ямоқчидан сўради. Сўроқ, жавоблар тамом бўлиб, Исмағжон қозининг ёнида қолди, ямоқчи чиқиб кетди.

Ямоқчи ҳукм натижасини эшитиш учун қозихона йулагида сарғайиб ўтирибди. Мингта одам киради, мингта одам чиқади. Биров-бирова блан иши йўқ. Бир маҳал дарвоза олдига бир от келиб тўхтади, пчкаридан қозининг мирзаси қўлини ювиб чиқиб келаётган эди, ҳалиги отдаги кишини кўриб, белбоғига қўлини артди-да, югуриб келиб, қўл бериб кўришди. Қўлтигидан ушлаб, отдан туширди. Отни ўша ерда турган бир кишига бериб, отхонага олиб киришни сўради. Ўзи ҳалиги оқ банорас тўнлик, бошида катта мисқоли доқа саллаллик киши блан қозининг олдига кириб кетди. Ўзи блан бирга хуржундаги тўла нарсани ҳам олиб кетди. Ямоқчи бошини ерга қилиб ўтирганча қайрилиб ҳам қарамади. Унинг кетида эшакда бир чол келди. Эгнида кўк йўл-йўл читдан яхтак, оёғида маҳсиси йўқ, ичига похол солган кавуш, қулоғини қизил алвон қийиқча блан бойлаб олган чол эшакдан зўрға тушиди ва эшагини эшик ҳалқасига бойлади. Ҳарс-ҳарс қилиб йўлакка кирди ва ямоқчига қараб салом берди. Ямоқчи танимаса ҳам ўрнидан туриб, қўл бериб кўришди. Иккиси ҳам соқолларини силашиб олгандан кейин яна йўлакдаги супачага ўтирдилар. Бир-бирларидан ҳол сўрашдилар:

— Ҳечкимнинг иши қозига тушмасин экан биродар,— деди ямоқчи.

— Асти қўйсангизчи, шу қари ҳолимга мен ҳам Чимбойдан судралаиб келдим.

— Сизни ҳам қози чақиртирганмиди?

— Чақиртирмасе, келармидим? Пешонамда биттаю-битта ёлғиз ўғлим бор. Шу олти йилдан бери ҳалиги мендан пича илгари келган бойда ишлаб қарздор бўлиб қолди. Қандай қилиб узишни билмай, ёки жонидан тўйибми, ҳартугул бу кун роса икки ой бўлди қочиб кетди. Даракламаган жойим қолмади. Бир ёқда онаси «боламни топ!» деб ҳар куни уйда еган-ичганимни ичимга туширмайди. Бу ёқдан хўжайин:

— Қарзни тўлайсан,— деб жони-ҳолимга қўймайди.

— Берадиган бирор нарсангиз бўрми ахир?

— Нарса қаёқда дейсиз? Бир парча боғим бор; чол, кампир шу боғ орқасида тириклигимизни ўтказиб турамиз. Энди гапнинг мағизини чақиб қарасам, тўймагур бой шу бир парча боғни ҳам, мендан тортиб олмоқчига ўхшайди. Мен шу чоққа қадар, ўғлимни топаман, деб келганим эдим, энди қарасам, қозига чақиртирибди,—

деб кўзига ёш олди. Шу вақт қозининг мирзаси ичкаридан чиқиб, бир парча қоғозни ямоқчининг қўлига узатди. Ямоқчи қоғозга термулиб, севинишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмай қолди. Мирзага қараб:

— Болам, ўзингиз ўқиб бермасангиз, мен хат билмайман,— деб ялинган овоз блан қоғозни ит ёқалик қораластик камзул кийган мирзага узатди.

— Маҳалламизнинг энг обрўли кишиси Исмаҳтожининг биттаю-битта боласини ҳақорат қилгани, жўрттага оёғини синдиргани, ўғилларининг тўйида Исмаҳтожидан пул олиб, ҳозирга қадар тўламагани устига беадаблик қилгани учун эртадан қолдирмасдан Эргаш ямоқчининг бу маҳалладан кўчиб кетиши керак. Ҳовлиси қарзи бараварига Исмаҳтожигга қолади. Бу ҳукмни ўз вақтида ижро қилмаса, яна ҳам қаттиқ жазога сазовор бўлади,— дейилибди.

Мирза яна қоғозни ямоқчининг қўлига бериб, ичкарига кириб кетди. Шу вақт ямоқчи ўрнидан туролмай ҳам қолди. Бироздан кейин қаддини зўрға кўтариб, кўзига жиқ-жиқ ёш олди.

— Ҳа, майли, буларга ҳам жазо бордир. Бола-чақам катта бўлар, бу кунлар ҳам унутулиб кетар.

Ҳали иши қаралмаган чолнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. Бутун умидини узди. Зўрғагина ямоқчи блан хайрлашди.

\* \* \*

Сўфи азонни айтиб бўлиб, мезанадан тушаётганида кўчанинг нариги бетига қараб, ўзича илжайди. Масчид дарвозасидан кириб келаётган икки кишига қараб, олдин салом берди, кейин кўчага қаранглар, дегандек қилиб им қоқди. Булар ҳам қайтиб, дарвозага чиқдилар. Энди тонг ёриб келаётган бўлса ҳам, кўчада кетаётган кишининг кимлигини билиб бўлади.

Кўчанинг нариги бетиде чурук кигизни арқон блан боғлаб икки букчайганча бир киши кетаёттир. Унинг кетидан бир қопга нималарнидир солиб, каттагина бола, унинг кетидан сопол обдаста, челлак кўтарган бир қиз, бир ўғил бола, энг кейинда бир қўлида боласи, бир қўлида чарх кўтариб чурук паранжигга ўралиб бир хотин кетишаёттир. Ҳалиги масчиддагилар бир-бирларига қарашиб кулишдилар ва сўфига қараб:

— Ямоқчи кўчибди, дедилар. Сўфи ҳам қулгига қўшилди. Ҳар уччаласи гаплашиб хонақога кириб кетдилар.

Булардан бироз кейинда келаётган икки киши, бошларини энгаштирганларича:

— Аттанг, ноҳақ зулмга учради-я!

— Буни кимга айтасиз?— вақт кимники, мушти зўр текинхўрники,— деб ачинишиб қолди.





## ҲАЗИЛ ЭМИШ

Эрта баҳор, болалар томда варварак учирадиган, қизлар сочларига баргак тақадиган вақт. Ғанижон қайси эшикка кирарини билмай, кучада ҳайрон бўлиб юради. Бир катта дарвозанинг ёнига келганда, тўхтаб қолди. Бу икки қаватли катта ҳовли Азлархон тўранинг ҳовлиси эди. Ошхона тўйнуғидан бурқиб чиқаётган қуюқ туннинг буралиб осмонга кўтарилганини кўрган бола, ҳеч нарига хатлаб кетаолмади. Секин-секин ичкарига қадам ташлади. Отхонадан тўрт отни етаклаб чиқиб келаётган йигитни кўриб қўрқди шекилли, ўзини устуннинг панасига олди. Кўзини ҳалиги йигитдан ажратмай, тикилиб турди.

— Ҳой бола, нима қилиб юрибсан?— деди йигит отларини тўхтатиб.

Ғанижон: «ҳалиги... ҳалиги, ўзим» деганича гапираолмай йиғлаб юборди.

— Қўй йиғлама, катта бола ҳам йиғлайдими? Қани, юр мен блан. От сугориб келамиз,— дейиши блан боланинг дарров кўз ёши тўхтади.

— От минишни биласанми?

— Йўқ.

— Битгасига миндириб қўяйми?

— Йўқ, қўрқаман.

— Бўлмаса, отларнинг орқасидан ҳайдаб бор.

Боланинг қўлига узун хипчинни берди: ўзи битта отни етаклаб олдинда борди. Катта сув бўйига борганда отларни сувга тушириб, ўзлари четда гаплашиб туришди.

— Нега бунақа қилиб юрибсан, ота-онанг борми, жиян?

Ғанижон бармоғини тишлаб, ерга қаради. Бироздан кейин бошини кўтариб, ҳалиги йигитнинг башарасига телмурди. Секин-секин гапирабошлади:

— Дадамни ҳалиги, рабочийга олиб кетдилар. Ҳалиги ойим бўлса, шишиб ўлиб қолдилар. Иккита укам ҳам ўлди. Ҳалиги бир ўзим қолдим. Уйимизда нонимиз йўқ?— деди ва ерга қаради. Кўз ёшлари юмалаб-юмалаб тўкилабошлади.

— Қўй йиғлама, ҳечнарс қилмайди. Мен сенга нон топиб бераман.

— Нонингиз кўпми, сизнинг дадангизни олмадиларми?

— Менинг ҳам ота-онам ёш вақтимда ўлиб кетишган. Узимнинг ноним бўлмаса ҳам, хўжайиндан олиб бераман.

— Улар беришадими, уришмайдими?

— Ишлайман десанг, нон беришади, ишлашдан қочмайсанми?

— От боқишни, сугорнишни яхши кўраман, ишлай бераман.

— Сен от боқмайсан, дастёрчилик қиласан, сув ташийсан.

— Ҳа, майли, эртадан кечгача бўлса ҳам ишлайман. Ҳозир сиз блан бирга бораманми?

— Ҳа, бирга борасан.

Бола севиниб кетди. Қўлини оғзидан олиб, кўйлақларини тортиб, у ёқ, буёғини тузатган бўлди. Отлар ҳам сувдан бош кўтариб, тумшуқларини силкитабошладилар. Ғанижон севинганидан қандай қилиб Азлархон тўранинг уйига борганини ҳам сезмай қолди.

Ғанижон Азлархон тўранинг кетидан битта-битта юриб, ичакарига кирди. Ҳовлидаги ариқ бўйида тўранинг ўғли энгашиб, юз юваётир. Урта ёшлардаги бир хотин сариқ обдастадан сув қуйиб турибди. Обдастадан чиқаётган бугга қараганда иссиқ сувга ўхшайди, Ғанижон, ичида: «шу вақтда ҳам иссиқ сувда ювунар эканлар», деб қўйди. Бола отасини кўриши блан бошини кўтариб, салом берди.

Тўра:

— Ҳа, бетамиз, юз ювмасдан салом берасанми? — деб ярим кулги, ярим аччиғ блан ўғлига танбиҳ берди. Айвоннинг эшигини очиб:

— Мана, ойим, сизга яна бир дастёр — югурдак то-ниб келдим,— деди. Ғанижон ялт этиб, жойнамоз устида ўтирган оқ дока рўмолли хотинга қаради. Бу тўранинг катта хотини эди. Шунинг учун ҳамма уни, тўранинг ўзи ҳам, ойим деб гапирардилар. Ойим Ғанижонга қараб: «пишиққина болага ўхшайди, юрса, юрақолсин. Саид-алимга эрмак бўлар», деди ва яна тасбиҳини ўгирабошлади. Ичкари уйда қора атлас кўйлак, қора духобадан узун камзул кийган, оқ мисқоли дока рўмолни уёқ-буёққа ташлаб, икки қулоғи тагидаги сатанг соқоли блан бир қарич келадиган марварид зиракни рўмол устидан чиқарган ёшгина хотин чиқиб, тўрага салом берди. Алиқдан кейин келиб, тўранинг бошидан салласини олди, оқ банорас тўнини ечиб, айвоннинг қозигига илди. Айвон олдида элик ўйнаб ерга қараб турган Ғанижонга қараб: «Бу исқиртин танин қаёқдан топдингиз?» деб башарасини буриштирди.

Юрса тоза бўлади. Аноргулни чақиринглар, буни бир чўмилтирсин, Саидалимхоннинг битта эски кўйлагилан беринг, кийсин,— деди-да, ўзи чиқиб кетди.

Ҳамма эртанги чойга ўтирди. Аноргул бир сават оппоқ кулчаларни келтириб, ойимнинг ёнига қўйди. Нонлар ҳозиргина тандирдан узилгани учун ҳали таши кўтарилгани ҳам йўқ эди. Ғанижоннинг икки кўзи саватда Дастурхонга яна: юпқа, сомса, майиз, ёнғоқ, шиннилар, Ҳаркимга яккавара қаймоқ келтириб қўйилди. Аноргул катта сариг самоварни олиб келгандан кейин яна қолган нонни ёнини учун ошхонага кетди. Ташқарига ҳам худди шундай қилиб, патнус тузатилди. Ғанижон уларни битта-битта ташиб чиқди. Битта патнуснинг бир чеккасига қора туршак, бир чеккасига жийда солиб, бир тарафига кечаги нондан иккитасини қўйди-да, Азлар тўранинг кичик хотини, Ғанижоннинг қўлига берди:

Ма, буни отбоқарларга чиқариб бер, ўзинг қайтиб кел! Ғанижон «хўп» деб чиқиб кетди. Йўлда Аноргул битта чойнакда чойни қўлига тутқазди. Ғанижон қайтиб келиб, оёғини кавуш ечилиган жойга қўйиб, ўзи самовар ёнида ўтирди. Кичик ойи, Саидалимхоннинг қаймоқдан бўшатган товоғини олиб, устига чой қўйди, бир товоқ қилиб эски нонлардан тўради-да, Ғанижоннинг олдига қўйди. Ғанижон ҳечнарсанга қарамай, ҳалиги нонларни қўли блан олиб, оёғига солабошлади. Бирпасда товоқни бўшатган Дастурхон тепасидагилар қараб кулишди, ойим:

— Бу тўймагурга ўхшайди. Бунинг оти «Тўймас» деб кулди. Ғанижон қўлида тишлаб турган бир бурда нонни патнусга қўйиб, ейишини ҳам, емасини ҳам билмай нонга тикилиб қолди.

Қаҳратон қиш. Туп десангиз, тупугингиз музлайди. Шундоқ вақтда Азлархон тўранинг гап берганидан ҳамма хизматчилари хафа: «ёзроққа чиқиб берса ўлармикин, бундай ҳам кунига меҳмон аримайди», деб юрган йўлларида ичдангина пўнғиллашиб қўяди. Норинни тортиб бўлгандан кейин Аноргул ҳамма товоқ-қошиқларни тоза қилиб ювиб олди. Уч самоварга қаторасига сув солиб, кўмир ташлаб қўйди. Энди қарғай-қарғай ошхона супуришга тушди. «Тўймас» ҳали болохонадан ўтин ташлайди, ҳали апкашлаб, ҳовуздан сув ташийдди. Юндиларни сугир, бузоқларга беради. Уларга ҳашак қирқади, терт қилади. Отхонада дийдираб, кунжара ушатиб, қўйларга беради. Дир-дир қалтираб ба'зан ўчоқ олдига келиб исинади, шунда ҳам тишч қўймай ҳар томондан:

— Тўймас ташқарига патнус олиб чиқ, шўрваларнинг косасини олиб кел.

— Тўймас, чилим сол;

— Тўймас, таҳорат суви бер!

— Тўймас, самоварга қара.

— Тўймас, калишларни юв — деб тўрт тарафдан иш буюрадилар. Эртадан бери боланинг оёғи ерга тегмайди. Оёғида ўрдакнинг тумшугига ўхшаб, учи юқорига кўтарилган, ярим белидан товон пайдо бўлган минг еридан тешик этик, эғнида тирсак енг, пахтаси оқиб ётган пахталик, бошида қундузсиз эски телпак. Кўмкўк кўкариб, қўлини дам оғзига солиб, дам қўлтиғига тиқиб югуриб юради. Энди исинадиган ўчоқдаги оловлар ҳам йўқ. Тўрт апкаш сувдан кейин нима қилишни билмай қолди. Оёқ қўлларига сўзанақ кириб, игна қадалгандай санчилди. Яна югурганича ошхонага кирди.

Аноргул:

— Шўринг қурсин, совуққа ўлибсан-ку, қўлингни самоварга тут!— деди. Самоварга тутса ҳам бўлмади. Кейин шўрва қайнаган катта қозонли ўчоқнинг ичига кириб ўтирди. Ҳали танасига иссиқ ҳам ўтгани йўқ эди: «Тўймас»!— деб ташқаридан тўранинг товуши келди. Бошининг ўчоққа урилишига ҳам қарамай чопиб чиқди.

— Нима бўлди, курирмай қолдинг, ташқарига чиқиб, меҳмонларнинг калишини ювиб қўй!



— Хўп, бироз исиниб олай.

— Қотиб ўласанми ҳароми, исинмасанг нима қи-  
ғади?

— Мана ҳозир десанг бўлмайдими,— деди Гулнор  
ошхонадан туриб.

— Хўп ҳозир чиқаман,— деб зўрға судралиб чиқиб  
кетди.

Тўймас ташқаридан келганда Аноргул чурук паран-  
жига ўралиб: бир қўлида челақда ўчоқларнинг қўри, бир  
қўлида хурмачада қолган норин сувларини кўтариб уйга  
чиқиб кетмоқчи бўлди. Тўймаснинг бўлса қўллари кўка-  
риб, гумбаздек шишиб кетган, қулоқлари лавлаги, кўзла-  
ридан мўлдираб ёшлар тўкилай деб турибди, Аноргул-  
нинг бузга раҳми келди:

Юр, бишиқига чиқиб ётақол, болалар блан иссиқ-  
қина ётирсин!

Хужайин уришади.

Бор, кичик ойимдан сўраб кел.

Узингиз сўрамасангиз, мени қарғаб берадилар.

Вой шўрим қурсин!— деб Аноргул қўлидаги нарса-  
ларини йўлакка қўйиб, кичик ойидан сўрагани кетди.  
Тўймас ҳам кетидан бориб, эшик орқасидан қулоқ солиб  
турди.

Гўёқ, нима қиласан, бу ердаги дастёрчиликни ким  
қилади. Ҳали меҳмонлар узоқ ўтирадиганга ўхшайди.

Жуда совуққа қотиб кетибди.

— Қотмай ўлсин, мана буёққа келиб ўтирақолсин.

Аноргулнинг қўлтигидан тарвузи тушиб қайтиб чиқди.  
Тўймас унинг орқасидан телмуриб қолди. Совуққа чида-  
илмаганидан кейин секин-секин эшикни очиб меҳмонлар  
ўтирган уйга кирди. Бир сандал хотин; ўртада дас-  
турхон ёзиғлиқ, биров писта чақаётир, биров патирнонни  
пишолдага ботириб оғзига солаётир, биров чой ичаётир.  
Кичик ойи оқ самовар ёнида ўтириб чой қуяётир. Катта  
ойим бўлса, тўрда ўтириб ниманидир қапираётир. Ҳам-  
маини кўш унинг оғзида. Саидалимхон уйнинг тў-  
рида ошиқларни қатор ташиб, яна ўз тенги бир бола блан  
ўлиётир. Тўймас кўнани олаги бўлган самовар ёнги-  
ниши келиб ўтириб Кичик ойи:

Тўймас, чилимни сол: деб унга чилимни узатди  
ва кўш Тўймаснинг кийимидagi қора қуяларга тупди.

Вой бишаринг қурсин, нима бало бўлди. Ҳаммом-  
нинг ёрлоғида ўхшаб кетибсиз?

— Учоқ олдида ўтирган эдим.

— Йўқол, тозалаб кел,— деб бошидаги телпагини юлқиб олиб, даҳлизга ташлади. Зўрлаб чурук пахталикни ҳам ечтирди. Тўймас қуруқ бир енгсиз нимча блан қолди. Ойим бироз гапдан тўхтаб, Тўймасга қаради, бошқа хотинлар ҳам бирдан қарадилар-да хахолашиб кулишди. Буларга Саидалимхон ҳам келиб қўшилди. У ўлгудек тантуқ. Агар бир эркаланишга тушиб кетса, киши қилмаган қилиқларни қилади. Ҳечнарсдан ҳечнарсга йўқ, шу орада келиб, Тўймаснинг ялонғоч бошига ширқ этиб икки туширди ва катта иш қилгандай хотинларга қараб, ҳиринглади. Хотинлар ўз гаплари блан овра бўлдилар: камбағаллардан кулиб, гадойларнинг кўпайишидан зорланиб, кимнингдир тўйи, кимнинг азаси ҳақида гаплашади.

Тўймас чилимни янгилаб келди, галма-гал чакишабошлади. Саидалимхон ҳалиги меҳмон ўртоғи блан уйнинг бурчагига бориб ниманидир шивирлашди ва тез-тез қозиқда турган пўстинларни олиб кийдилар. Телпакка бўйи етмаган эди, кичик ойи туриб олиб берди ва болаларга қараб: «йўл бўлсин!»— деди:

— Майдонга чиқиб чена тортамиз.

— Шу вақтда-я, қўйинглар, эртага тортасизлар,— деб ойим уруша бошлади. Саидалимхон ўжар бола, айтганини қилмасдан қўймайди. Шунинг учун кўп гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Саидалимхон «Тўймасни» ҳам судради. Тўймас ўзи янгигина совуқдан келиб, энди бироз исинган эди, боргиси келмади. Саидалимхон елкасидан тортиб жанжал қилаберди. Тўймас: «эғнимда ҳечнарсам йўқ» деса ҳам қўймади. Кичик ойи: «ўлиб қоласанми, бирпас чиқиб, ченасига тортишиб бер!»— деб қарғаб берди. «Тўймас» бўйнидан ип боғлагандек зўрға чиқиб кетди.

\* \* \*

Кичгинагина майдонча, тўрт тарафи баланд иморатлар блан ўралган. Бу ерга ёзда супуринди, қишда қор ташлайдилар. Қорлар тоғ бўлиб уюлиб ётибди. Болалар ҳар куни яхмалак отадилар. Бу ер шундай гужанак жойки, ба'зан болалар бир-бирларининг гўштарини егудек бўлиб ёқалашсалар ҳам, ҳечким билмайди.

Саидалимхон ченани қор уюмининг тепасига чиқариб, устига ўтирди ва «Тўймас»га «итар» деди. Тўймас бирикки уларни секинлик блан итарди ва тортиб, юқорига

чиқарди. Уч-тўрт марта майдондан айлантирди. Кейин: «Энди бўлди кетамиз; жуда совуққа қотдим»,— деб туриб олди. Саидалимхон оғзига келганини қайтармай сўкди:

— Мен бўшатмаганимча кетаолмайсан,— деб, ғазаб блан туриб олди. «Тўймас» яна икки марта майдондан айлантирди. Шундан кейин қайтиб ченанинг арқонини қўлига олмади. Саидалимхон бўралаб сўкканича кичкина эшикдан ичкарига кирди ва ўртоғини ҳам тезгина чақириб олди. Бунни кўриб, «Тўймас» уйга кирадиган бўлди, деб севинди; у ҳам қўлини оғзига тутиб, ҳўҳлаганича эшик томонига келаверди. Болалар тезгина эшикни ёпиб, орқасидан занжирини солиб қўйдилар. Қанча тақирлатса, ялинса ҳам очмадилар. Ўзлари иссиқ уйга, кириб кетдилар. Булар келганда меҳмонлар тарқалишган, ўринлар солинган эди. Хотин меҳмонлардан бирқанчалари сиғиб қолди. Саидалимхон «ҳечкимга айтман!» деб ўртоғининг қулоғини пишитди, ҳар иккиси ўринга кириб, чўпчак айтишиб ётди.

«Тўймас» қафасга тушган қўшдек майдоннинг тўрт тарафига югуради. Ўхтин-ўхтин келиб, кучининг борича эшикни тақиллатади. Ҳамма тошдек қотиб қолганга ўхшайди. Ҳечким товуш бермайди. Бечора бола қотиб қолган оёқларини ушлаб йиғлайди. Яна қорларнинг устида сакраб кўради. Зигирдек ҳам исигани сезилмайди. Аксига юриб, бу кеча ҳаво очиқ, осмонда чамандек юлдуз, кундаги совуққа яна совуқ қўшилган.

«Тўймас» томга учиб чиқаолмайди, деворни тешиб кираолмайди, нима қилсин энди, бечора бола? Оёқлари юришдан ҳам тўхтади. Ерга босса, худди бир ҳовуч игнанинг устига босгандек санчади. Ноилож бир бурчакка тикилиб, бўғот тагида шумшайиб ўтириб қолди.

Эрталаб самовар қўядиган, таҳорат суви тайёрлайдиган вақтда ойимларнинг эсига «Тўймас» тушди. Ҳар тарафдан қарганиб чақиринибошлади «Тўймас»дан ларик бўлганидан кейин Саидалимхондан сўраб, воқияни билдилар. Аюриул майдонга чиқиб қараганда «Тўймас» бурчага та мўкка тушиб ётар эди. У югурганича бериб, бошинини кўтарди.

«Вой ўлай, қотиб қолибди»

Уни ҳам унинг тизасида бошини ушлаганича қотиб қолди. Ўйроқдан кейин ҳўши ўзига келиб, югуриб ичкарига кирди.

Бутун хизматкорлар, отбоқарлар йиғилишиб келиб, «Тўймас»ни кўтаришиб олиб кетдилар. Ўзларининг ҳужраларига ётқизиб кийгизга ўрадилар, юмалатдилар. Барибир фойдаси бўлмади. Аноргул ҳамон унинг тепасида йиғларди, Саидалимхонга ғазаб блан қарар, ичида алланималарни айтиб қарғарди. Ойим эшикдан мўралаб: «Боладе, ҳазиллашган. Ажали етмаса ҳазилга ўлармиди», деди. Бу гап маҳалладан йиғилган ёшларга ҳам қаттиқ тегди.

Ўликни тобутга солаётганда хизматкорлардан биттаси:

— Бу одамхўрларни қозига бериб, бечора гўдакнинг хунини олиш керак,—деди. Аноргул йиғили товуши блан: «Қози сизнинг туғишганингизмиди!»— деди.

Шунинг учун шу кунёқ хўжайин Аноргул блан ҳалиги гапирган йигитни ишдан бўшатиб, ҳайдаб юборди.





## БЕЧОРА

Қундуз еш бўлса ҳам, жуда питрак қиз. Эрта блан лшончи ўришчи бошини кўтарди-ю, онасининг иш саватчасини бинишди, ундаги йиртиқ-ямоққа деб ўраб қўйган қилдишлар борми, қатимлолиқ ипаклар борми, бирини ҳам қўймай чўнтагига солиб олади: ўзича ҳархил кўғирчоқлар безайди.

Бугун ҳам кундаги одати бўйича Қундуз ўрнидан эртини туриб кичкина камзулчасини кийди-да, пастаккина айвонининг бурчига ўтириб, саватча титкилай бошлади. Ёстиқдан бош кўтарар экан Турғунбой аканинг кўзи орқаси ўгириғлиқ ўтирган Қундузга тушди. Олдин енгилгина кулди-да кейин: «Ҳой хотин, қизингга қара, яна тагин саватчасини титиб ипларни чўнтагига солаётир» деди. Онаси қўлидаги супургисини ташлаб, айвонга келди:

— Ҳа... қизим қурсини питрак бўлмай,— деб, Қундузнинг орқасига секингина урган бўлди ва чўнтагига солиб олган ипакларни чиқариб, калта-култа қатимларидан бошқасини қайтариб олди. Қундуз, сочларини саватдек қилиб отасига бир хўмрайиб қаради-да, остонада ётган бир нарча пўстакни судраб кўча эшикка томон кетди.

Қундузнинг онаси тўппи тикишга уста. Унинг ипаклари туллаб тикилган чаманда гул тўппиларини «бошингизда сайрайди» деб мақтайдилар: Агар янги уйланган бирор йигитнинг қайнанаси шу чевар хотин тиккан тўппидан қилмаса: «шу ҳам уйланиш бўлдим, куёв бўлиб, биттагина сайрайдиган тўппинг бўлмаса», деб йигитлар кўчини ўртага оладилар. Изза бўлган куёвлар бўлса, алимларини хотинларидан олиб, уч-тўрт кун қовоқларини солиб, аразлаган бўлиб юрадилар.

Қундузнинг онаси азондан туриб, нари-бери ҳовлиларини супуриб, буюртма тўппиларни тикишга ўтиради. Рангбаранг ипакларни калавасидан чиқариб, чархда бир-икки товлаб олади-да копток қилиб ўраб қўяди.

Атайдан узоқ-узоқ жойлардан ўзига тўқ, бадавлат кишиларнинг хотинлари келиб, янги-янги нусхалардан буюриб кетадилар.

— Янги нусхадан бўлсин; ҳечким ҳали киймаган, бошқа куёвларда кўрилмаганидан тикиб беринг. Нима десангиз, шуни берамиз, чит десангиз чит, пул десангиз пул. Иш қилиб яхши мақтарлик бўлсин,— деб бечора хотиннинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб кетадилар. Тўппи тайёр бўлгандан кейин келиб: «У ери ундай, бу ери бундай, гули қийшиқ, ипакларнинг ранги келишмайди, айтганингизни бераолмайман, мен буюргандек тиккан бўлганингизда молим эмас, жонимни ҳам берардим», деб тил ёғламалик блан ярим-ярти ҳақ ташлаб кетадилар. Лекин, ҳар сафар: «шулар улгурга энди сра тикмайман», дейди-ю, яна ноилож заказ олиб қолади. Нима қилсин, тириклик, жұжабирдек жон, ишламаса оч қолади. Эри Турғунбой акасининг тошган пули ҳечнарсаса етмайди.

Турғунбой ака ҳар куни эрта блан чиқиб кетиб, ҳуфтонга яқин ўлиб чарчаб келади. Дегризларнинг кўмирини, чўянини ташийди, қолипни қуяди. Гудаз<sup>1</sup> бўлган кунлари: «ҳа» дегундек ҳоли қолмайди.

\* \* \*

Механик заводлари қурилганга қадар эски тартибда дегризлик корхонаси ишларди. Уларнинг кўпроқ қуядиган нарсалари: омок тиши, арава чўяни, қозон, чўян обдаста ва шунга ўхшаган асбоблар бўлиб, улар бир ой, икки ой қумдан қолип ясаб, кейин гудаз қилардилар. Гудаз бўлган кун чўянлар эритилиб, шу тайёр қолипларга қуюларди.

Турғунбой ака ёшликдан дегризликда ишлагани учунми, бу ишга жуда эпчил эди. Эриган чўянларни тўхтовсиз югуриб таширди, унинг меҳнатини кўрган кишилар: «Турғун полвон» деб чақирардилар.

У кеча ишдан жуда чарчаб қайтди. Икки кун устмуст бўлган гудаз унинг тинкасини қуритди. Жуда ҳам чарчаганлигидан тонг отгунча ухлайолмай «белимлаб»

---

<sup>1</sup> Дегризларнинг чўян эритиб қуядиган пайти.

инграб чиқди. Шунинг учун ҳам у эрта блан зўрғагина бошини кўтариб, алланарсаларни ўйлаб Қундуз орқасидан қараб қолган эди.

Қундуз йўлакка чиқиб, эшик орқасига пўстакчасини солди-да қўғирчоғини ясатабошлади. Латталарнинг орқасига туплаб, деворга ёпиштирди. Она қўғирчоқнинг ёнига гугурт қутичасидан қилинган бешикчани қўйиб, ўзи тебратди ва чўзиб-чўзиб аллалашга тушди. Шу вақт эшикдан кимдир:— Турғунбой ака — деб чақириб қолди. Қундуз бир чўчиб тушди. Бошини кўтариб, эшик олдида турган ёшгина йигитга қаради. Ҳалиги киши остонадан оёғини ичкарига қўйди-да:

— Ҳа, попоқ қиз, нима қилаётибсан?— деб, Қундузнинг тепа сочидан тангаллади. Қундуз: «Қўйинг эй!» деб тиланиди ва икки қўли блан бошини ушлади. Қундузнинг сочи ҳали ўримга келмайди. У жингала-жингала бўлиб, ҳаммавақт ҳурнайиб туради. Шунинг учун бошида ҳам тўши турмайди. Қайсибир эркак кўрса, ҳаммавақт сочилди чаналлаб севади. Бундан Қундузнинг юраги зада бўлиб қолганиданми, узоқдан бир эркак киши кўринса, илтиёрсиз икки қўлини бошига юборади.

Бор дадангни чақириб чиқ,— деди ҳалиги йигит. Қундуз ҳам йўқ демай, наридан-бери қўғирчоқларини йиғиштириб, этагига солди-да, енгига бурнини сурта-сурта ичкарига кириб кетди.

Турғунбой ака, зўрғагина айвондан тушиб, ариқ бўйига келди. Юзгн ювиб, эндигина белидаги белбоғини ечиб юзини артаётган эди, қизи: «Бир киши сизни чақирапти!» — деди. Турғунбой ака инқиллаб зўрға эшикка чиқди.

— Йўқ, акаси, мен бугун ишга чиқаолмайдиганга ўхшайман. Куч, мажолим йўқ. Дармоним қолмади, галдираб зўрға турибман,— деди.

Эй қўйсангизчи, сиздек азаматларга шу касал ҳам баҳона бўладими? Бугун гудаз жуда катта бўлади. Бор-масангиз сра иложи йўқ,— деб жон ҳолига қўймай зўрлаб розилик олиб кетди.

Ҳа, куннинг авжи қишган вақти. Қуёш тикка келиб, минларни қайнатиб дейди. Лекин гудаздагилар ҳали тушлик ошқатга чиққанлари ва бириас бўлса ҳам салқинда ўтириб дам олганлари йўқ. Айниқса бу, олов блан бўлаётган иш эмасми, ҳарбир чўян чўминини кўтарган сари қишқил мисдей қизиб кетади киши. Ишчилар то ишдан

чиққанга қадар «ҳа бўл; ҳа бўл» блан бўриқиб, жони-қоллари қолмайди.

Бўйи етган қизлар, ёш келинчақлар гудаз дарагини эшитсалар дарров боргилари ва уни тамоша қилгилари келиб, оналаридан сўраб питирлашиб қоладилар. Қайси йигитдан кимга совч борган, қайси йигит кимга кўпроқ осялиб юради, нима учун ота-оналари шунга бермайди? Томда ўтириб, бир-бирлари блан шулар ҳақида гаплашиб, кулишиб, шу баҳона блан ўша йигитларни кўриб олишни истайдилар.

— Нормат ҳожиникида катта гудаз бўлаётган экан, жон ойи жавоб беринг, келин ойм блан бориб бироз тамоша қилиб келамиз.

Ойшахоннинг ойиси ҳам кўнди: «Майлинг, борақол!» деди. Қизлар: юзимни очмайман, яхшилаб ўраб ўтирман,— деб қўярда-қўймай оналарининг бошини айлантирадилар. Оналари бўлса:

— Борсаларинг, борақолинглар, эҳтиёт бўлинглар, тағий отанг кўриб қолмасин, кўп енгиллик қилиб ҳингиллайверманглар! Отанг кўриб қолгудек бўлса, сени ҳам, мени ҳам гўштимизни бир бурдадан қилади,— деб то эшикдан чиқиб кетгунича жовраб қоладилар.

Эртадан бери гўппи, қийиқча, жияк тикабериб юраги қон бўлган қизлар, худди қафасдан қутулган қушдек томма-том сакраб, гудаз тепасига бориб қолганларини сезмайдилар. Пастки-баланд томларнинг бўғоти тагидаги сөяроқ ерга қатор тизилишиб, паранжиларининг ёқасидан маҳкам икки қўллари блан қисиб оладилар-да, фақат бир кўз кўрарлик очиқ жой қолдириб мўралаб ўтирадилар.

Му'жазгина дарахтсиз ҳовли уч тарафи қамиш том блан ёпилган, узун айвонларда палос ўрнига қора қум солиниб, бошдан оёқ қум қолиплар тизилган. Икки тарафдаги қолшларнинг ичига аллақачон чўян қуйилиб, оғзи беркитилган, қолганлари ҳозиргина очилиши лозим бўлган ўчоқдан (чўян эритадиган печка) чиқадиған чўянни кутиб, қарқуноқ болаларидек оғизларини очиб турадилар.

Бир тарафда ёшитдан катта охирга ўхшатиб ишланган ўчоқ, унинг устидан тинмай эски чўян идишларнинг синиқлари, писта кўмир соладилар. Учоқнинг орқасидаги уйда икки киши яланғоч пахталик шим устидан каноп боғлаб олган, зўр бериб, тўхтовсиз босқонни босади:



учоққа дам беради. Бу ерни дўконхона деб ҳам атайдилар. Дўконхона эгаси Норматҳожининг:

— Ҳа... бўла қолинлар, жонларидан — деган сари икки қўл тўхтовсиз, дам юқорига, дам пастга тушади. Буларнинг ҳар мўйидан тер оқиб томаётганини томдаги қиз-жувонларгача кўради.

— Эшматга тексанг, ҳар куни пахталик шим ювиб тоза ҳам ўлар экансан-да, Зуҳра! — деди биттаси Зуҳранинг биқишига туртиб. Зуҳра ҳам таб тортмай:

— Туртмасдан гапирсангиз бўлмайдими, ургандан туртган ёмон. Ювсам, юваман-да, нима қилибди? Бундай келишган йигитни куядан тоза қилиш қийин эмас, деб шанғиллади ва ёнидагиларга қараб: «ўзлариники қайси экан кўрайлик!» — деди. Ҳаммалари бошларини энгаштириб кулиб юбордилар.

— Меники бу ерда нима қилсин, уни баззозлик расгасида кўрамиз, — деб керилган бўлди бояги қиз. Мана шунақа сўзлар блан бир кулишиб, бир чириллашиб олдилар. Бир-икки йигитларнинг томга қараганини сезгани қиллар яна жим бўлиб, юзларини яна ҳам паранжиги ўраб «ужанак бўлиб, дўконхонага тикилиб ўтирдилар.

Ишчилар иш орасида: «сув-сув» деб томоқларини тақирлатадилар. Қуриб бораётган лабларини ялайдилар. Буларга ўз вақтида иссиқ-иссиқ чой бериб турадиган марднинг ўзи йўқ.

— Ҳозир самовар қайнайди, — деган ва'дага бир соатча бўлса ҳам, ҳалигача чойдан дарак йўқ.

— Самоварингиз тош боёладими, — деб шовқин солди ичкаридан биттаси. Норматҳожини ичкари ҳовлига кириб кетатуриб:

— Бунча бесабр бўлабердинг, ҳозир чой чиқади. Ҳожилар ҳам чўлларда неча кунлаб сувсиз қолиб кетадилар. Худо деганлари учун худо ўзи сабр-қаноат беради уларга. Сен ҳам худо дегин, болам! — деди.

— Худойингдан ҳам хафа бўлдим-ку, — деди секингина юзини четга ўгириб, Турғунбой ака.

Турғунбой ака дам қизариб, дам оқараётир. Гавдасининг шундай катталигига қарамай, қандайдир узоқ касалдан турган одамдек, бурнидан тортса йиқилай деб қолди. Хаёлида ёнидаги бир қозон сувни шимириб, қумларга бош қўйиб, бирпас мижжа қоқиб олса. Бунинг ҳеч иложи йўқ. То хўжайин жавоб бермагунча ишдан

тўхтаб бўлмайди. Ярим соат ишдан тўхташ — бир кунлик иш ҳақидан айрилиш деган сўз.

— Вой, эй..! Бир пиёла чойни ҳам аяйдиларми, тез-тез бериб турсалар нима қилар экан,— деди Зухра, сабрсизлик блан. Шу чоқ ўзи тушиб чой дамлаб бергуси келди.

— Бечоралар чарчаб қолди. Энди дам олишса ҳам бўларди,— дея ёнидагиларни турткилай берди.

— Улгундек бесабр экансан, сенинг нима ишинг бор, тинчгина тамошангни қилиб ўтирабермайсанми?— деб пингғиллаб қўйди гунафша шоҳи паранжилик қиз.

— Вой, тилингизни бир қарич қилиб гапиришни биласиз: сизнинг отангиз ҳам шундай бир ишлаб кўрсин-чи.

— Ана, олдида сув, ичабермайдими, муздаккина сув ташналигини тез қондиради.

— Вой, ўзингиз ичинг совуқ сувни, мисдек қизиб турганда уни ичиб бўладими?

— Менинг отам бечора ҳам шундай ташна бўлиб турганда гудазчининг ўгли бир пиёла совуқ сув бериб қўйиб, шундан кейин ҳала касалига учраб ўлган.

Икки қиз шундай айтишабериб, томда уришакетди. Ёнидагилар уларни тинчлантираолмай, ҳар тарафдан ҳархил сўз чиқиб, чуғурлашабошлади. Болалар бўлса: «бирингга арпа, бирингга буғдой гиз-гиз», деб чапак чалдилар. Гудаздаги эркаклар ҳам секин-секин буларга қараб кулар ва йўл устида бироз тўхтаб, сўз отабошладилар. Норматҳожининг жони чиқиб, томдагиларни куракда турмайдиган сўзлар блан сўкиб ҳайдаб юборди.

Эшик олдидаги обдаста самовар ҳам бақиллаб қайнаб чиқди. Ўша ерга бир парча шолча ташланиб, ичкаридан бир патнусда нон, косаларда мошхўрда чиқди. Ишчилар қўлларини ювиб, шолча устига ўтирабошладилар.

Гудаз бўлган куни ҳаммадан қизиғи ўчоқнинг тарновини очиб, эриган чўянларни ташишдаги ҳаракатни кўришдир. Бундан маҳрум бўлган томдаги қувғиндилар юқори томга бир-бирларининг оёқларидан кўтаришиб чиқар эканлар, ҳадеб Зухрани қарғай бошладилар.

— Ана, очаётирлар. Зухра ўлгур бизни маҳрум қилди, деб орқаларига қарай-қарай бир қўллари блан юзларининг бир тарафини бекитиб жўнаб қолдилар. Зухра ўзи эпчил, шаддот қиз эмасми, бир амаллаб уларнинг орқа-

ларидан ажралиб тунука томнинг орқасига бекиниб қолди ва секин-секин эмаклаб келиб, бир бурчакда қисилиб тамоша қилаберди...

— Ҳа, халфа қани, чўмичларни тайёрлатинг, ҳозир тарновнинг оғзини очиб юборамиз, эҳтиёт бўлинглар, бир томчиси ҳам бекор кетмасин,— деб баланд бўйлик, қотмагина, қорача келган бир киши энгларини шимариб қўлига энглик кийди-да, ўчоқнинг тарнови ёнидаги чуқурчага тушди. Бирқанча кишилар қўлларига телпак катталигида бўлган чўян чўмичнинг сопидан ушлаб, кетма-кет қатор бўлиб турдилар.

— Мана, очамиз... эҳтиёт бўлинглар, орани узоқлаш-тирманглар, зичроқ туринглар, кетма-кет узилмай келинглар, деб халфа тўхтовсиз жавраб туради. Ҳамманинг кўзи тарновда, айниқса, Турғунбой ака алланарсага шонли кишидек питирлаб туради. Қўлидаги чўмичи дир дир қалтирайди. Кўзлари қисилиб, нимадандир танинишлангаидек безовталанади. Оч қорнига ичган оши яна ҳам бўшаштирди шекилли, чўмич пастга тортган сари ўзи ҳам эгилаборлади...

Ана, тарновдан қипқизил чўгдек эриган чўян оқабошлади. Одамлар оёғи куйган товукдек питиллаб югурадилар. Чўмичда қалқиб турган суюқ чўянни қолипларга қуядилар-да, яна ўчоқ томон югурадилар. Ба'зан симоб каби лақиллаб турган чўғ парчалари ерга тўкилиб, ҳаммага сачраб кетади. Кимнинг қўли, кимнинг оёғи, кимнингдир юзи сачратқи ярадек жароҳатланиб ҳам олади. Турғунбой ака зўрга ўн-ўнбеш марта қатнашга чидаш берди. Кейин бутун дармони қуриди шекилли, бирдан қўлидаги чўмичи блан муккасидан йиқилиб тушди. Ҳамаёқни ҳой-ҳой сурон товуш босиб кетди.

— Кўтар-кўтар, олдин ўзини ол!— деб келиб Турғунбой аканинг қўлтиғидан кўтардилар. Зухра бўлса кишидан қочишни ҳам эсидан чиқариб, бақрайиб қараганича қотиб қолди.

— Вой ўлай-эй! чўғлар ёпишиб қолибди,— деб шовқинлаб ҳам юборди.

— Баччагар эҳтиёт бўлмайдими, ахир, шунча чўянни нобуд қилди,— деди Норматҳожиди. Ишчилар бирдан Норматҳожига ҳўмрайиб қарадилар-да: «тарновнинг оғзини бекит», деб шовқинладилар. Биттаси дарров қайдандир замбил топиб келди. Турғунбой акани замбилга солиб икки киши кўтариб чиқиб кетди.

Турғунбой аканинг хотини ўлик тепасида ўтириб:


— Ноҳотки, беш ойдан берли бу куюкни тузатиб бўл-маса, айланай эгачи!— деб йиғлайди.— Қоққанда қозғим, осканда хурмачам қолмади. Табиб дедим, хайри-худойи дедим, бори-йўғимдан айрилдим: «ҳазрати Довудга атаб бир бузоқ сўй»,— дедилар. Уёққа югуриб — буёққа югуриб уйимиз устидан пул кўтариб, уни ҳам қилдим. Тўрт жуфт шам олиб, дўконхонага ёқдим, ҳечқайсисининг бир чақалик наф'и бўлмади. Охирида филдек эрим, чўпга айланди,— деб эрининг юзига ёпиб қўйган сариқ суруп қийиқчани кўтариб кўрсатди. Эрининг қош-кўзларини силаб, хўнграб-хўнграб йиғлади. Қундуз деворга суянганича дам онасига, дам отасига қараб, икки қўлини бошига қилиб ҳайрон бўлиб туради. Дадасининг башарасига қараб: «Кўзингизни очинг, менга қаранг, гапиринг», дегуси келади. Ба'зан онасининг овоз солиб йиғлашини эшитиб, қўрққанидан бу ҳам қўшилиб йиғлашади.

— Қўйинг айланай, йиғлаган блан энди тириладими? Қайтанга болани қўрқитдингиз. Бор қизим, сен кўчага чиқ!— деди ўлик бошида ўтирган кампир.

— Чиқиб қара, амакинг келаётганмикин?— деб онаси ҳам Қундузни ҳовлига туширди. Эшикдан ўрта ёшларда, олача тўн кийган бир киши келиб, айвон олдида тўхтади.

— Сиз илгари Норматҳожидан пул олган экансиз. Яна шу кишидан ўликни кўмиш учун пул олдим; пешинга чиқарадиган бўлдик. Ҳовлингиздан айрилсангиз ҳам майли, иш қилиб ўлик кўчада қолмасин,— деди-да, ҳалиги киши устунга суялиб, айвон олдида ўтирди. Қундузнинг онаси яна:

— Болам блан энди қаёқларга тентирайман. Бир қўлим бир тепа бўлиб қолди,— деб эрининг бошида уввоо солиб йиғлади.





## ЎЗИ ДАН КЎРСИН

Онаси та'кидлаган бўлса ҳам Назиржон холасининг уйига бормасдан тўғри меҳмонхонага тушди. У Фарғонадан чиққанида телеграмма ҳам бермади. Бўлмаса, холаси Назиржоннинг ҳарбий хизматдан бўшаб келаётганини эшитиб олган хатларида: «Назиржон келгандан кейин албатта Тошкентга борсин, тагин илгариги одатини қилиб, уртоқлариникига тушмасин, тўғри бизникига борсин. Мана, боғларимиз ҳам обод бўлиб қолди», деб бирнеча марта қайталаб айтган эди. Назиржон бу гапларнинг ҳаммасини эшитган, кўнгли ўша томонга тортиб турган бўлса ҳам, боришга андиша қилди.

У душга тушиб ювиниб чиқди-да, устидаги кийимларини ўзгартирди. Ойнага қараб туриб, кўнгли аллақандай бузилиб кетди. Ўзини худди зеркиб қолаётгандек сездди. Холасининг боғига боравермаганлигига пўшаймон ҳам еди.

— Ўз онам блан бирга туғишган холам бўлса, нега тортинаман?— деди ўз-ўзидан. Холасининг қизи Шакархонни кўпдан бери кўрмаганлигини ва онасининг та'рифича кўркам, чиройли қиз бўлганлигини кўз олдига келтириб, ўз-ўзича кулди. Қанот пайдо қилиб, ҳозирнинг ўзидаёқ учиб боргуси, кўриб гаплашгуси келди. Кейин яна ўзига:

— Ҳа, майли, бугун бўлмаса эртага. Ҳали Шакархон мени ёқтирди қўйдими. Бу оналаримизнинг тузган режаси,— деди ва тезгина меҳмонхонадан чиқиб кетди.

Эртасига ҳам Назиржон ўзини тортганча ишда қолиш масаласи блан овора бўлиб, боққа боролмайдиган бўлди. Лекин кўчада поччаси учраб қолиб анча гинаҳон-

лик қилди: «ҳозир ўртоқларингиз блан олиб кетаман», деб туриб олди. Зўрға уни «эртага борамиз», деб кўндирдиларда, ўзлари театрга кетишди.

— Назиржон кебдику!— деди Тўхтақул ака айвон олдида ботинкасини ешатуриб.

— А! — деб чўчиб тушди Ҳамро опа. У ишонмаган-симон эрининг башарасига термулиб, сўради:

— Нега бизникига тушмапти, қачон келар эмиш, бир ўзим, ёнида одамлари борми?

— Бир ўзи, кеча келган экан.

Шакархон ҳовли супураётган эди. Бу гапни эшитиб супургисини ушлаганча типпстик онасининг оғзига тикилиб қолди. Унга Ҳамро опанинг кўзи, тушди шекилли, дарров пастки лабини тишлаб: «ишингни қил!» дегандек имо қилди. Шакархон супургини қиртиллатмасдан астагина супуришда давом этди. Ҳамро опа «қачон келармиш?» — деб эридан яна сўради.

— Эртага,— деди Тўхтақул ака ва қўлтиғига битта ёстиқни қистириб ташқарига чиқиб кетди.

\* \* \*

Кун оғиб, ерга соя тушиши блан Ҳамро опанинг юраги питирчилаб қолди. Қайси ишини қиларини билмай, дам айвонга, дам ошхонага югурабериб оёгининг кати кўчди.

Ўзлари улгураолмасликларини билиб, Ҳадича келинни ҳам чақиртирдилар. Ҳадича келин Шакархоннинг сочини ўратуриб:

— Ҳа, нима гап, яна патир ушатиш бўлаяптими?— деди, айвон олдида савзи тўграб ўтирган Ҳамро опага қараб.

— Патир куёвникида ёпилади-да, қизникида нима қилсин!

— Вой ўлмабсиз, ҳозир янгичаси дейишади-да, куёвникдан ун, ёғ олиб келиб, қизникида патир ёпишади.

— Биз унақасидан қилмаймиз, чидасанг шу, патир ёпиб кел, деб ўлтириб оламиз.

— Сизга ҳозир куёвлар кўнай деб турибдими?

— Қизимизни кўндирган куёвни кўндираолмаймизми?

— Бўлмаса шунча тараддуд ким учун?

— Вой ўргулай. Баҳри опамнинг ўғиллари Назиржон келади. Хабарингиз бордир, у неча йиллардан бери йўқ иди. Москвада ўқирди. Кейин аскарликка кетди. Нақ

қарасангиз урушларда юрди, уруш тўхтагандан кейин келади-келади овозаси бўлиб, опагинам тўрт кўз блан кутиб ўлтирган эди, бирдан келиб қолди. Ўзиниям нақ кўрсангиз ақлли, хушли, топиш-тутишли. Битта бўлса ҳам буюрсин. Опам бечоранинг боласи бахтига яхши чиқди. Ўғил боланинг ўқигани яхши эканда.

— Ўғилдир, қиздир ўқигани, ишлагани яхши экан,— деди Ҳадича келин.

Ҳамро опанинг нафаси ичига тушиб кетди. Бироз жим қолгандан кейин гапни бошқа ёқдан бошлади.

— Амакингизнинг дўконига яхши шохилар, бахмаллар келибди, олмайсизми? Кеча уйга ҳам уч-тўрт кийимлик олиб келиб қўйдилар.

— Қайси, ўша катта магазингами?— деди Ҳадича келин ва «ўшанга» деган жавобини олганидан кейин жим қолди. Унинг олиш-олмаслиги ҳақида ҳечнарсга демади. У ҳамми ўрилган сочларни Шакархоннинг орқасига ташлиб кетди. Шакархон кийиниш учун уйга кириб кетди.

Ҳамро опа қизининг кийинганини кўздан ўтказиш учун уйга кирди. Қизил атлас кўйлагини кийганига хурсиниб бўлди. Бир шода марварид блан қўш тилла билак-улакни ҳам тақишга буюрди.

— Ўзингни содда тут, ҳарнарсани гапираверма. Тагини ҳув бир вақтдаги йигитлар блан бир уйда ўлтириб ўқишларингни гапириб қўйма. Йигитларнинг рашки ёмон бўлади, эҳтиёт бўл,— деб бир тала гапни қулогига қўйди. Бундан ҳам кўнгли тинчигач, кичкина ўғлини олдига солиб, ташқарига чиқиб кетди.

Ҳонуз бўйлари, гулзор ичлари, дарвоза олдиларигача супурилиб, сув сепилган ва жой кутганидан ҳам ортиқ режа блан солинган эди. Ҳамро опа буларни кўриб Шакархондан хурсанд бўлди: «Онасининг қизи-да»,— деб мағрурланиб қўйди. Меҳмонлардан дарак бўлмагандан кейин яна қайтиб уйга келди. Шакархон оқ самоварни қопқоқлаётган эди, онасини кўриши блан: «келишди», деб ўйлади ва «келишдимиз», деб сўрашга уялиб, «чойни дамлайми», деди. Унинг юзидаги қизилига яна қизил қўшилди. Бир парда қилиб қўйилган упа ҳам билинмай қолди. Юзига гуп этиб иситма уриши блан ҳаммаси ювилиб кетгандек бўлди.

— Йўқ,— деди онаси,— чой айниб қолади, келишгандан кейин дамларсан, ким билади ҳалти қачон келишади.

Ўртоқлари ушлашиб қолиб бугун ҳам келмай қолмаса деб қўрқиб турибман.

— Ҳовлиқманг, келиб қолишар,— деди Шакар қошини чимириб. Ўзи ҳам бироз совугандек бўлди. Самоварнинг ўтхонасига ғишт бостириб чойнакни ёнига қўйди. Бошидаги қизил бахмалга беш қуббалик қилиб сув минчоқ қадаган дўпписини қўлига уриб-уриб қоққан бўлди-да, амиркон чувагини ғирчиллатиб ташқарига чиқиб кетди.

\* \* \*

Бугун дам олиш куни бўлса ҳам Тўхтақул ака магазинда ишлагани учун эрталаб туриб ишга кетиб қолди. Назиржон блан бирга келган ўртоғи «онамни курортга жўнатаман»,— деб у ҳам кетди. Назиржоннинг бир ўзи қолди. У холасининг ўғлини етаклаб, боғларни айлангани кетди. Шакархон ҳовуз бўйидаги саданинг тагига жой солди. Офтобда қолмасин деб шийпондаги бор нарсаларни йиғиштирди. Назиржоннинг ўқиб ўлтирган китобини ва газета-журналларини келтириб, ҳовуз тарафдаги қалин қилиб солинган кўрпачанинг ёнига қўйди. Унинг тўрт эллик келадиган сариқ қайиш камарини, қизил юлдузли оқ фуражкасини садага илиб қўйди. Назиржоннинг келадиганини кўриб югурганича ичкарига кириб кетди. Бироздан кейин иккита косада қуюқ қаймоқли ширчай кўтариб чиқди. Қосаларни хонтахта устига қўйиб ўзи бир чеккага ўлтирди. Назиржон ер остидангина Шакархонга қараб ўйланиб қолди. У фақат Шакархоннинг «совимасин» деган сўздан кейингина нонга қўл ўзатди ва ўртадаги жимликни бузиш учун:

— Холам чиқмайдиларми?— дедди. Ундан «йўқ» жавобини олгач, мийиғидагина кулиб қўйди. Кўнгилдаги иш бўлганининг севишчисига ширчайдан бир хўплаб косани ерга қўятуриб:

— Мен сиздан хафаман Шакархон!— деди, Назиржон. Шакархон унга ялт этиб қарадию, ажаблангансимон кулди.

— Нега?

— Неча йилдан бери энди келдим-у кеча кўришгани чиқмадингиз! Ўзим қўрғонга келиб сўроқлаб кўришмаганимда, балки бугун ҳам кўринмас эдингиз.

— Олдингизда одамлар бор эди-да.

— Ҳа, кишидан қочадиган бўлиб қолганмисиз?



— Худди «қочаман» деган жавоб чиқаётгандек, у бу саволни жиддийроқ тусда тикилиб туриб берди.

— Йўғ-е, қочмайман, уялдим.

— Эҳе... Киши ўз тенглари блан сўрашиш, гаплашиш ўлтиришдан ҳам уяладими, қизлар жангларда йигитлар блан ёнма-ён туриб отишадилар, ярадорларни бағриларига босиб даволайдилар! Бу уят эмаску, ахир! Бу одамгарчилик, бу-кишиларнинг ҳақиқий одам бўлганлигини кўрсатади.

Шакархон жим қолди. У чойни ҳам ичмай, нон ушоқларини думалатиб ўйнаб ўлтирар эди. Назиржон унинг ўнғайсиз ҳолда қолганини пайқаб, тапни бошқаёққа бурмоқчи бўлди-ю, негадир яна жиддий савол берабошлади.

Синфдонлар блан қандай гаплашасиз, улардан ҳам уяласизми?

Бу сўроқдан кейин Шакархон бироз енгиллашиб кетилди-е бўлди, кўп ўйлаб турмади-да, астагина «ўқимайман», деди. Шу чоқ онасининг хув... анов рашк масаласини унинг энга тушиб «бу жавобим Назиржонга ёққан бўлавермак», деб ўйлади. Унинг хаёлчанг юзларида алдангандай майин табассум пайдо бўлди. Институтга бормай қўйганидан, икки йилдан бери уйда ўлтирганидан хурсанд бўлди. Онасининг: «бўйи етгандан кейин ўқимай қўйсан, ясашиб-тусаниб совлат тўкиб юрган қизларни йигитлар яхши кўради», деган сўзлари тўғри чиққандек бўлди. Узини ақлли қиз ҳис этиб, эгилган қаддини кўтариб дам олди.

Назиржон нима дейишини билмади. Оғзидаги нон томоғида ўтмай, бўғилиб қолди. Уз синглиси бўлганда қаттиқ койир, шу чоқ олдига солиб бориб ўқишга жойларди. Фақат унинг сурма кўзларига тикилиб туриб «аттанг» деди, бошини чайқади. Уст-устига хўпланган чой уни бироз тинчлантиргандай бўлди. У Шакархоннинг бундан уч йил илгари техникумни битириб, институтга кирганини билар эди. Энди унинг бу ерга келиши олдидан тузган плашлари: «тўйни қилсак ҳам ўқишни тамомлагунча ўзим ёрдам бериб тураман», деганлари ҳаммаси бекор бўлди. У Шакархоннинг ҳозирги юриш-туришидан шубҳаланган эди, шубҳаси тўғри чиқди. Ҳар иккиси ҳам бир-бирининг авзойини кўриб, ўнғайсиз ҳолатда қолдилар. Уртада узоқ жимлик ҳукм сурди. Назиржон Шакархоннинг адашганлиги, эскилик тузоғига илинганлигига қатъий ишониб, уни қутқариш ва бу янглишини ўзига тушунтиришга уринди, анча мисоллар келтириб гапирди, аммо Шакар-

хон қайтадан ўқишга рози бўлмади, сўнгра гапнинг жиддий бораётганлигини пайқаб эшитилар-эшитилмас:

— Ойим-де,— деб қўйди. Назиржон яна илгаригича жиддийлик блан:

— Сиз кучсизлик қилибсиз-да, ойингиз сизни енгиб қўйибди. Аксинча сиз ойингизга ўз та'сирингизни ўтказишингиз керак эди. Мана холангизни олинг, кекса бўлишларига қарамай, ҳозир саводли, ўзлари фабрикада илғор ишчи бўлиб ишлайдилар. Майли, ҳали ҳам ўқисангиз бўлади, ҳозир айни қабул вақти,— деди ва олдидаги бўш косани нарироқ итариб қўйди. Шакархон бўш косаларни олиб ўрнидан турди.

\* \* \*

Назиржон боғда уч кун қолиб кетди. Учинчи куни кечқурун кинога бормоқчи бўлиб, Шакархонни ҳам таклиф қилди. Лекин Шакархон онаси юбормаганлиги учун ўзича кетолмади. У, Назиржоннинг самбитдек қоматига тикилганича дарвоза олдида укасини кўтариб қолаберди. Айниқса унинг кетар олдида: «эҳ сен...»,— деб Шакархоннинг биллагидан қисини юрагининг аллақаерига бориб урилди. Тамом а'зойибаданга ларза тургандек бўлди. У бу ёқимли титроқни тўрт кунгача қайтадан қўзғотолмади. Тўрт кун тўрт йилдек туюлди. Фақатгина туманли хаёллар блангина овиниб турди.

Тўртинчи кун кечқурун Назиржон Тўхтақул ака блан бошлашиб кириб келди. У эшикдан кириши блан қўрғонга нур ёғилгандек бўлди. Шакархоннинг кўзлари ўт бўлиб ёнди. Югуриб келиб қўл бериб кўришди-да, ўзини уйга олди. Ҳамро опа ҳам гирди капалак бўлиб унинг атрофида айланаберди, гинахоликни тўкиб ташлади. Назиржон ўзининг иш блан банд бўлганлиги, доимо харбий хизматда қолиб, Тошкентда ишлайдиган бўлганлигини ва унинг ўзига махсус уй-жой берганларини гапириб гинадан зўрга қутулди. Оёғидаги қора хиром этигини артиб ташқарига чиқиб кетди. У шийпон қозигидаги сочиқни олиб кифтига ташлаганича боғнинг этагидаги Солор томонга юрди. Гулзор ичидан ўтатуриб, орқадан келаётган оёқ товушни эшитиб қайрилди. Шакархонни кўриб тўхтади ва имлаб чақирди. Шакархон иккиси сув томонга кетдилар. Солорга яқинлашганда сувнинг нариги бетидан хотинларнинг товуши келди. Шакархон блан Назиржон сув бўйида ўлтирган уч қиз бола блан сўрашишди.

— Буёққа ўтинлар деб таклиф қилди Назиржон. Қизлар «раҳмат» дейишди-да бир-бирларига қараб кулишди. Қизлардан қоратўргина келгани ўрнидан туриб орқа этагини қоққан бўлди ва:

— Шакархон қани буёққа ўтинлар, бизникига юринглар. Мана меҳмонлар ҳам бор,— деди. Шакархон индамади. Гарчи меҳмон бўлса ҳам, Назиржон «ўзинглар бўёққа ўтинлар, бизникига юринглар»,— деб таклиф қилди. Қизларнинг қолган иккиси ҳам ўрнидан турди. Уларнинг бири ёшгина жувон бўлиб қўлидаги боласи ҳадеб кўкрагига ёпишар эди. У боласининг қўлига бир тол новдасини бериб овутди. Ёнидаги икки қиз бир хилда кийинган: оқ инак полотнодан магносча қилиб тикилган кўйлак, оёғида ҳошнияли наски, пошналик, малларанг туфли. Биттасининг чин тариф кўрақ чўнтагининг устида парашют значки, қўлида эсини бор эди. Уни оқ сариққина, кулча юзли, қошқари қанчалек Айниқса қора кўзи жовдираб одамни ўзи билан бериб туради. Ҳар иккисининг сочи чамбарак бўлиб бойлаб қўйилган. Назиржон қизларга қараб:

— Биз сизларга халақит бердикми, чўмилаберинглар, мана мен кетман,— деди ва астагина орқага қайилди. Қизлар бираварига «йўқ, йўқ, тураберинглар, сўзлашиб ўтирамин», деб чуғуллашди. Ҳалиги парашют значокли қиз:

Биз чўмилиб бўлган эдик. Энди навбат сизларга. Қани бир чўмилинглар биз тамоша қиламиз,— деди ва ўзи хаҳолаб кулди. Ёнидагиси ҳам қўшилди. Улар қўлларига баргини уйнаб турган бўлсалар ҳам, кўз қирлари Назиржоннинг кўкрагидаги медальда эди. Бу ҳол Шакархонни ҳам қарашга мажбур қилди. Аммо у ҳамон мўм тишлагандек гапирмай турар эди. Назиржон шу ваз'иятни ўзгартириш учун қизларни ҳадеб таклиф қилаберди — «ўтинлар!» — деб қистади. Гап орасида «фамилияларингизни ҳам билмайман, кечирасизлар» деб қўйди.

Мезбон қиз дарров гапни улаб ва значокли қизни қўли блан кўрсатиб:

— Бу кишининг фамилиялари Қодирова, буларники ҳам шу, опа-сингил бўладилар. Меники эса Эргашева,— деди ва гапни тамом қилар-қилмас кетишга ҳаракат қилди. Бошқалари ҳам Назиржон ва Шакархон блан хайрлашиб секин-секин қадам ташладилар. Назиржон уларнинг кетича: «кўрдингми?» дегандек қилиб им қоқди ва уларнинг кимлигини сўради. Шакархон:

— Анави қоратўр келгани колхоз раисининг қизи Сурмахон, ёнидаги қиз у блан институтда ўқийди,— деди. Назиржон бу қизларнинг САГУда — химфақда ўқишини сўраб билгандан сўнг ювиниш учун ариқ бўйида қолди. Шакархон уйга қараб қайтди.

• \* \*

Орадан уч ой ўтди. Боғ мавсуми тамом бўлиб, Шакархонлар ҳам шаҳар ҳовлиларига кўчиб келдилар. Лекин Назиржон уларникига бир марта ҳам келмади. Хабар олиш учун холаси борганда: «ишдан бўшолмаётибман», дебгина қўяқолди. У эндиги гапларнинг ортиқчалигини билди. Шунинг учун ўз ишини билиб қилаверди. Бир ойча Шакархон блан сўзлашиб юрган бўлса ҳам, лекин унга уйланиш ҳақида ҳечнарсга айтмади, сўраб ҳам кўрмади. Аммо Ҳамро опанинг уйида ҳарқуни тўй тарадудди эди. Улар Назиржоннинг бу юришини «олдин ишлаб, пул топай деяётгандир», деб ўйладилар.

Бир кун почтадан Шакархонга хат келди. У хатни очмасдан туриб кимдан эканлигини билди. Онаси ҳам Назиржоннинг хати эканлигини сезиб, ўқитиб эшитишга шошилди. Шакархон хатни очиб секин ўқийбошлади.

«Салом Шакархон!

Мен Фарғонадан атайлаб сиз блан сўзлашгани, рози бўлсангиз отпускаи ичида тўй қилгани келган эдим. Лекин менинг ўйлаганимча бўлмади. Сизнинг эски қизлардек уйга кириб ўлтиришингиз менга ёқмади. Мен сиз блан туриш учун менинг ҳам ўша эскилик ботқоғига ботган, ҳарбир эски ан'аналарга бош эгиб турадиган йигит бўлишим керак эди. Мен буни қилолмадим ва қилолмайман. Сиз бўлсангиз менинг кўрсатган йўлларимга юрмадингиз, ҳали ҳам бўлса бу йўлдан чиқиб ўқиш, ишлаш керак. Мен сиздан ана шу айбнигини топдим. Бошқа ҳечқандай камчилигингиз йўқ, хафа бўлманг. Сиз менинг севикли синглимсиз. Қандай ёрдам керак бўлса тайёрман. Энди бир илтимосимни қабул қилсангиз. Пайшанба куни кеч соат саккизда бизнинг тўйимизга марҳамат! Мен Қодировага ўйланаёпман. Қутамиз. Қўлингизни сиқиб: Назиржон».

Хат Шакархоннинг қўлидан тушиб кетди. У ўтга кириб ёнганини, сувга тушиб музлаганини ҳам сезмай қолди. Иҳтиёрсиз кўзларига ёш келди. Муҳаббат блан тўлган юрагига ништар ургандек бўлиб кетди. У шу жароҳатни тузатучи малҳамни ўйлади ва онасининг сувга тушган

нондек бўкиб ўлтириб қолишига ҳам қарамай юзини икки қўли блан беркитиб уйга кириб кетди.

Шакархон эрталаб вақтли туриб ювинди. Сочини иккита қилиб ўрди. Костюмини кийиб уйдан чиқди. Эшик олдидаги токчада ётган иккита таклиф қоғозга кўзи тушди. Улар Тўхтақул ака блан Ҳамро опани тўйга деб чақирилган қоғозлар эди. Шакархон унинг тагидаги Назиржон деган имзога узоқ тикилиб тургандан кейин яна жойига қўйди ва кўча эшигига қараб юраверди. Онаси «қаёққа?»— деб шовқин солди.

— Институтга,— деди Шакархон. Ҳамро опанинг кўзлари қинидан чиқаёзди. У юбормасликка ҳаракат қилиб уриша бошлаган эди: «Кўр ҳассасини бир йўқотади»,— деди ва кўчага чиқиб кетди.





## ОЛТМИШ ГАЗ АРҚОН

(Эргак)

Қадим замонда ёв-ёв бўлар экан. Юртни бирдан ёв босиб келар экан-да, ҳамманинг иши-ишда, оши-ошда қолиб, жанг майдонига қараб югурар экан.

Кунлардан бир кун, шаҳарнинг чеккароғида, тоғ бағрида, ёлғиз ўгли блан яшайдиган бир кампир эчки соғиб ўтирса, бирдан «ёв босди» деган хабар эшитилибди. Кампир хурмасини таққа ерга қўйибди-ю, югурганича уйига кириб, ширин уйқида ётган ўглини уйғотибди.

— Тур ўғлим, шаҳарни ёв босди; юрт-эл қўзғолди,— дебди. Ўғли ҳам бир сўз демай, ғазабга тўлиб, эшик орқасидан катта чўқморни олибди-да, елдай елиб кетибди.

Кампир уёқ-буёққа қарамай, дод-вой демай, бисотидаги бори-йўғи бўлган биттагина ёстиғини олиб сўкибди; ичидан юнгини суғуриб олиб, тўртта савағич блан тап-туп уриб, пар сингари қилиб титибди. Кейин айвоннинг устунига суялиб, арқон эшаберибди. Арқони олтмиш газча бўлган экан, девор тепасидан қўшниси қараб, шовқия солибди:

— Ҳай, қўшни, сизга не бўлди, шундай вақтда ҳам киши арқон эшадими? Туринг, қочамиз, ёв яқинлашиб қолди,— дебди. Кампирнинг фигони фалакка чиқиб, сочлари тикка бўлиб кетибди.

— Юртдан-элдан айрилиб қочгандан кўра, қора ерга қочсак бўлмайдимиз, қўшни! Ноҳотки уялмай, номус қилмай шу сўзни айтсангиз! Ёв яқинлашган бўлса, юринг. соқолини битта-битта юлайлик!— дебди-ю, арқонини қўлтиқлаб, йўлга тушибди. Қўшнисининг ҳам ори келиб, унинг кетидан кетибди.

Юриб-юриб, жанг майдонига бориб қарасаларки, ёв тоғ тепасига чиқиб олиб, шаҳар халқини тошбўрон қила-япти. Қанча қон тўкилиб, қанча жон чўзилиб қолибди. Йигитлар дарахтларда, тоғ ўнгирларида туриб, сопқон отиб ёвни шунча думалатиб турсалар ҳам, у газандалар борган сари кўпаяберибди. Тоғнинг орқа томонидан бориб, ёвни таппа босгунча талай вақт ўтиб, унгача бутун халқ қирилиб кетадиган бўлибди. Кампирнинг ўғли тошларга чирмашиб, шунча тоққа чиқишга уринибди, лекин оёғи тийғониб, қўлидан мадори кетиб, думалаб тушаберибди. Ахири бир чўққининг ёнига чиқиб олибди-да, бошқаларни ҳам чиқариш йўлини излаб, кўзи жовдираб турибди. Буни кўрган кампирнинг юраги ўт бўлиб ёнибди, у ғазаб билан одамларга билдирмасдан бир чинор устига олмахондек ўрмалиб чиқибди; арқонини ўғлига қаратиб иргитибди. Угли шу ондаёқ арқоннинг бир учини чўққига болибди, иккинчи учини қўшнисига узатиб: «Ушланг қўшини, бор гивдангиз билан осилиб туринг!»—дебди ва ўзи ҳам тушиб, йигитларни имлабди. Икки хотин маҳкам арқоннинг бир учини ерга босиб осилиб туришибди. Бирпасда қарасангиз, пастдаги одамлар арқонга чирмашиб, тоққа чиқиб олишибди.

Тоғ устида жанг қизиб кетибди: ёвни тошдек таппа-таппа тоғдан думалатиб тушираберишибди.

Юрт ёвдан қутулибди. Кампирнинг ўғли тоғдан тушгандан кейин ҳушидан кетиб йиқилган онасини, ердан азот кўтариб, бағрига босибди. Бутун халқ уни қўлма-қўл кўтариб, юзи кўзидан силаб зиёрат қилибди.





## Э Р Ю Р А К

Нусратхола депо олдига борганида қаёққа борарини, кимга учрарини ўйладими, тўхтаб қолди. Дарвозадан бирикки мўралаб, ичкарига қаради. Ҳамаёқ ёруғ, электрчи-роғ нурлари остида одамлар кундузгидек ишлашар эди.

— Умришгдан барака топкурлар, кимдан сўрасам бўларкин?

Яна бош суқиб қаради, бир икки қадам босиб, ичкари-роқ кирди. Уёқдан икки йигитнинг сўзлашиб келаётганини кўриб, орқага тисланди. Қўлидаги тугунни орқасига қилиб, девор томонга ўтиб турди. Йигитлар дарвозадан чиқатуриб Нусратхолага кўзлари тушди.

— Ҳа, хола, бемаҳалда нима қилиб юрибсиз, кимни йўқлайсиз?

— Ургилай, Салтанатнинг онаси бўламан, қизимдан хабар олгали келган эдим.

— Салтанат?— дейишди йигитлар, бир-бирларига қарашди.

— Ҳа...— деди биттаси,— машинист ёрдамчиси Уринбоевами?

— Ҳа, ўргилай, паровоз ҳайдайди.

— Кираверинг хола, ҳо анов уйга борсангиз, айтиб бе-ришади.

Нусратхола уларни дуо қила-қила чироғи ярқираб турган уйга қараб йўл олди.

Уйга яқинлашганда бошидаги дуррачасини тузатди, қўлидаги тугунчани ерга қўйди, бўйнини чўзиб ичкарига қаради. Тўрдаги стол ёнида ёшгина бир жувон ўтирибди. Унинг эғнида темир йўл ишчиларининг формасида тикил-



ган костюм, ёқасида Қизил Юлдуз аломати ҳам бор. Ёш, шўхчанг юзларига, кўкрак чўнтаги қоқоғига қадалган орден салмоғ бериб, совлат тўкиб турибди. У қўлидаги ручкани ўйнагани ҳолда, тўғрисида ўтирган кексагина киши блан сўзлашар, ба'зан телефон трубкасини олиб, кимгадир гапирар эди. Нусратхола узун мўйлов, кулимсак кўзли чолни танигандек бўлди, унга қайта-қайта қаради.

— Ҳа,— деди у, деразадан узоқлашиб,— бу чолни биламан, бизникига борган. Аҳмаджонни ҳам, Салтанатни ҳам паровоз ҳайдашга ўргаткан Николай Семенов бўлади. Салтанат бунга ёрдамчи бўлиб ишлайди, сўрасам албатта айтиб беради.

У энди тортишиб турмай, тўғри уйга кирди.

Семенов кампирни кўриб ўрнидан турди, қўл бериб кўришди; дечо начальниги Ивановага қараб:

— Салтанатнинг онаси — бахтли она «во» қизи бор,— деди, бош бармоғини кўрсатиб.

Иванова дарров ўрнидан туриб, кампир блан кўришди, ўз ошидан ўрни кўрсатди. Нусратхоланинг бирдан авзойи ўзгарди: ташвишли кўз қарашларида, юзида аллақандай ёқимли табассум пайдо бўлди. Севинчдан намланган кўзлари милтиллаб, нима деярини билмай қолди. Беш боланинг отаси бўлган Семенов она юрагининг нимадан бесаранжом ураётганини пайқади шекилли, унинг киптига қоқди.

— Ҳа, кампир, нима учун келганлигингизни биламан: Салтанат кеча уйга бориши керак эди, боролмади, шунга хавотир бўлиб келгансиз!

— Хабар бергани йўқмиди?— деди Иванова. Унинг кулиб турган юзи бирдан жиддийлашиб кетди.

— Ҳа, ўргилай, 9 кундан кейин худди соат 6 да келаман, деган эди, мана шу чоққача дараги йўқ. Шу кеча эри ҳам уйга бормадн. Йўлда бир гап бўлдими, дея хавотир. бўлиб келган эдим.

— Сизга хабар бергани йўқми?

— Йўқ, тасаддуқ. Тинчми ўзи?

— Ҳа,— деди чол бошини юқорн кўтариб, —шу ерда, эри блан паровоз тузатишяпти. Аҳмаджонга боқишяпти.

— Ҳа, айланай, менга деса, бир кун эмас, ойлаб боқишсин.

Иванова кампирнинг бўйнидан қучоқлаб эркалаган бўлди.

— Бир оз ўтиратуринг, мен сизни Салтанатнинг олди-га олиб бораман; сизни ташвишлантиргани учун қулоғи дан чўзаман,— дея кулди ва қайтиб жойига ўтирди.

— Вера Михайловна,— деди Семенов,— ҳали ҳам бўл-са менинг сўзимга киринг. Ўринбоева қолсин, унинг ўрнига мен борай. 9 кун юрдинг, дейсиз, лекин ҳеч чарчаганим йўқ; яна истаганча юраоламан. Биз бугун соат 4 да шу ерга етиб келдик, шу оннинг ўзидаёқ яна маршрут берган-нингизда иккинчи бригадага ўтказмай ўзимиз кетаолар эдик. Ўринбоева ҳам шунга тайёр эди. Паровозни бўлса, йўл-йўлакай қараб, керакли ремонтларни бажариб кел-дик.

— Гап киши йўғида эмас, аммо, Аҳмаджон Салтанат-ни ўзи блан бир марта бўлса ҳам олиб юришни истайди. Яна кам-кўстларини ўргатмоқчи чоғи.

— Ўринбоевани синаб кўрмоқчи. Ўринбоева маши-нист номини олишга тамом ҳақли. Ҳеч ўйлаб турмас-дан унга катта составни топширавериш мумкин. Ахир, мен биламан-ку уни, 5—6 ой бирга юрдик. Биласизми, шу са-фар у машинист, мен ёрдамчи бўлиб юрдим.

Машинист номини олиш учун керакли бўлган мате-риаллари топширилди, эртага бориб қоғозини олиши ке-рак. Балки шундан кейин отпускага ҳам чиқар.

— Майли, уни қолдирайлик, мен кетаёй.

— Йўқ, сиз дам олинг, Аҳмаджонга Кудряцевни бера-миз.

— Аҳмаджон қачон жўнаши керак?

— Уч кундан кейин.

— Ҳимм...— деди Семенов,— бўлмаса, мен ремонтга қарашай! Салтанат эртага бориб қоғозини олсин. Шун-дан кейин масала ўзи ҳал бўлиб қолади.

Иккиси ҳам шу гап блан қаноатлангандек жим қолиш-ди. Депо начальниги гапга диққат блан қулоқ солиб ўтирган Нусратхолога қараб: «Борамизми?» деди. Худ-ди шу сўзни кутиб тургандек, кампир дарров ўрнидан турди. Уччаласи идорадан чиқиб, ремонт цехига қа-раб юришди. Йўлда Семенов Нусратхолани гапга сола-борди:

— Қизингиз шайтон, ҳечнарсдан қўрқмайди, тортин-майди, ўрганиши лозим бўлган ҳарбир ишга чиядек ёпи-шади. Ушани бир ёқлик қилмагунча қўймайди. Йўлларда қизиқ воқиалар бўлади: станцияларга келиб тўхтагани-мизда бирдан уни йўқотиб қўяман. Қарасам, ё паровоз

тагидан чиқиб қолади, ё устидан. Бир нафас тинмай қўлида ёғ идишни кўтариб тимискиланиб юради.

— Ёш вақтида ҳам питрақкина эди, ўргилай! Аҳмаджонга теккандан кейин шу машинистликни ўрганаман деяверди. Мен қўй, бу эркаклар иши деб, қайтариб кўрдим, бўлмади. Ахир шунга киришиб кетди. Эри тушкур ҳам қизиқтириб, қўймади.

— Яхши қилди. Бошда ўзи ҳам бироз ваҳмаланиб, кучига ишонмай юрди. Кейин-кейин ўрганиб кетди. Айниқса, мана бу аблаҳ фашистлар ватанимизга ҳужум қилгандан кейин қаттиқ ғазабланиб, кечаю кундуз тинмай иш-лашга киришди. 4 ойда ўтиши лозим бўлган тажрибани бир ойда бажариб қўйди. Энди паровозни менсиз ўзи ҳайдайди.

Бола-чақангизнинг орзусини кўринг, оталик қилдингиз. Узи ҳам сизни оғзидан қўймай гапирди. Ахир...

У тингани тамом қилолмади, бостирма оғзироғида турган катта паровознинг чинқирғи гапни бўлди. Нусратхола агрофа жовдираб, қулоғини беркитди. Иванова шу паровоз ёнига бориб тўхтади. Паровознинг юқорисидан ҳиндон ташлаб кулган хотин кишининг товуши эшитилди. Ҳаммаси шу томонга қарашди. Нусратхола ҳам. Салтанат буларни кўриб, ҳазил блан сигнал берган экан. Нусратхола қизига кўзи тушиши блан:

— **Ҳаҳ**, туғмай ўлай, нима қилиб юрибсан?— деди, кўзлари чарақлаб, юзига нур тўлиб кетди. Салтанат паровоз зинапоясидан пилдираб тушди. Онасини маҳкам қучоқлаб, юзидан, пешонасидан ўпди. Унинг қўлидаги ёғлик латта тегиб кетди шекилли, кампирнинг ияги қора бўлди. Ҳаммаси чақ-чақлаб кулишди. Салтанат: «қани, бизнинг ойналарга ҳам бир қараб қўйинг!» — деб кўкрак чўнтагидан кичкина ойнани чиқарди. Кампир: «Қўй болам, кечаси ойнага қарамайман!» — деб, юзини ўгирди. Иванова чўнтагидан дастрўмолини олиб, унинг иягини артгандан кейингина кампир кулгининг сабабини билди, ўзи ҳам буларга қўшилишиб кулди. Шу ерда дарров жиддийлашиб: «Аҳмаджон қани?» — деди. Салтанат паровоз тагига қаради. Бошқалар ҳам қарашди. Аҳмаджон паровоз тагида чалқанча ётиб, тарақ-тарақ, ниманидир ураётган эди, Салтанат секин бориб, унинг оёғидан тортди. Сал бўлмаса, этигини суғуриб чиқарай деди. Яна кулги кўтарилди. Бошқа ишчилар ҳам бир-бир қарашиб қўйишди. Лекин табассумла тўлган кўзлар шу ондаёқ иш

блан машғул бўлди. Аҳмаджон суғурилиб чиқди-да, кампир блан сўрашди. Нима қилиб юрибсиз, дегандек унинг юзига тикилди.

— Айланай болам, ёшсанлар десам, бинойи катталарнинг ишини қилаяпсизлар. Нега хабар қилмай юрасизлар.

— Ҳа, мўлжалдан сал ўтганга тинчимай қолдингизми?— деди Салтанат.

— Она деган тинчийдими.

— Ҳали фашист аблаҳларни қириш учун кетаман, деб юрибман-у, унда нима қиласиз?

— Қора ер бўлсин ўша газандалар, нима ҳам дердим. Юрт-оламнинг боласи бир оғиздан: «Душманни янчамиз!» деб, оёққа турганда менинг болаларим кетса нима бўлибди. Айтиб кетсаларинг бўпти, дуойи жонларингни қилиб ўтираман. Иложи бўлса, болгангни қўлимга тутқазиб кет, ўрнингда ишлаб, мен ҳам қон қусгур ёвнинг бошида тош чақаман.

Салтанат онасини яна қучоқлади ва фахрлангандек ёнидагиларга қаради. Семенов оғзи қулоғига етиб, Ивановага қаради. Иванова муштини кўтариб: «Душманга қарши ҳаммамиз барабар курашамиз!» — деди. Кампир ҳам муштини кўтармоқчи эди, қўлидаги тугуни халақит берди.

— Бу нима?— деди Салтанат онасининг қўлини ушлаб.

— Вой, мени кўтарсин, эсимдан ҳам чиқибди. Сенларга ош олиб келган эдим.

— Ана холос, биз оч ўтирибмизми? Истасангиз сизни ҳам зиёфат қиламиз.

Салтанат тўғридаги чироғлари ярқираб турган кенг деразали ошхонани қўли блан кўрсатди. Кампир айланиб қаради ва уялгансимон ёнидагиларга жовдиради. Семёновнинг: «Ол!» деган ишораси блан Аҳмаджон тугуни олди. Ош ўралган рўмолчанинг бир учи маҳкам тугулган эди. Аҳмаджон уни ушлаб кўриб:

— Бу нима, она, бизга сақич олиб келдингизми?— дея ҳазиллашди.

— Йўқ, бу хатча, сёнга деб бир киши ташлаб кетган эди, олакелдим.

Аҳмаджон шошилиб тугунчакни ешди, хатни олиб ўқиди.

— Нима?— деди Салтанат эрининг қўлидан ушлаб.

— Ҳарбий комиссариатдан, чақирёқ қоғози.

Аҳмаджоннинг оғиз танопи қочиб, ёш болаларча хатни бағрига босди.

— Қачонга чақирилган?

— Эрталаб соат 8 га.

Аҳмаджон чақирик қоғозини яна бир марта ўқиб чиқди, кейин уни икки буклаб, кўкрак чўнтагига солиб қўйди. Салтанатни туртиб, нималар дея ҳазиллашабошлади. Нусратхоланинг авзойида, кўз қарашларида қандайдир бир нарсага шошаётганлик сезилди.

— Ҳа,— деди Аҳмаджон,— шошаётибсизми?

— Йук, болам, кетақолай деяпман. Ахир, сенинг йўл тайёрлигингни кўрай.

Бу гапларнинг ҳечқайсиси Иванованинг қулоғига кирмади. У, ўзларининг ўйлаган планлари бутун бошқача бўлганини ва энди қандай план тузиш кераклиги ҳақида ўйлаб, Семеновга қаради. Семенов ҳам унга қаради. Ҳар иккиси ҳам бир нарса тўғрисида уйлар эди. Салтанат бу фикрни дарров пайқаб олди. Бирдан сафда турган ҳарбийларча оёқларини ерга қаттиқ уриб, қаддини ростлаб, кўкрак кериб, депо начальнигига тикка қаради ва ўнг қўлини кўтариб, чест берди.

Мен эртага машинистлик қоғозини оламан, Аҳмаджон акамнинг паровозини ўзим ҳайдаб кетаман. Шунга рухсат беришингизни сўрайман, ўртоқ начальник!

Начальникдан рухсат бўлмагунча жиддий, кескин кўзла тўғри қараб турди. Аҳмаджон ҳаяжонланиб кетди, кўзлари ўт бўлиб ёнди, муҳаббат тўлқинлари юракни ларзага солди. У, Салтанатдан кўзини олмай, начальник ўрнига ўзи «рухсат» дегуси келиб, лаблари пириллаб турди. Салтанатнинг узун қора сочлари бошига чамбар қилиб ўралган, белида қайиш, қомат ростлаб, ғоздек турар эди. Унинг сурма кузлари, қайрилма қошлари чимрилган бўлса ҳам, ҳақиқ лабларида табассум мавж урар эди.

Начальник:

— Рухсат! Ҳозир уйга кетсангиз ҳам бўлади,— деди.

— Офарин, эр юрак!— деб ўзича сўзланди Семенов.

— Йук,— деди Салтанат қўлини тушириб,— шу кеча паровозни сафарга тайёрлаб қўйишимиз керак. Эрга блан бораман.

Бу гап Аҳмаджонга мақул бўлдими, йўқлигини билиш учун Салтанат эрига томон бурилди, ундан жавоб кутгандек сўзсиз қараб турди. Аҳмаджон севинч блан Салтанатга қўлини узатди, «фикр бир» деган ишорасини бил-

дириб, қўлларини қаттиқ қисишди. Ҳар иккиси ҳам онасининг мамнунлик блан кулиб турганини кўриб, тезгина у блан хайрлашдилар ва ишга тушдилар. Семенов ҳам улар блан бирга ишлаш учун қолди. Иванова кампирни элтиб қўйиш учун биргалашиб кетди.

Шу куннинг эртасигаёқ кечқурун Салтанат Аҳмаджонлар тушган поезд паровозини ҳайдаб кетди.





## А С Л Е Р

... - Несигроқ чой келтирайми? Овқатингизни ҳам емаб-  
син!

Раҳмаг, сестра! Нима учундир, уйқу элтаяпти.

Пўлатжон кўзини очиб, кровать ёнидаги тумбочкага бир талпини кўйиб тикка турган сестрага қаради. Ҳақиқатан ҳам унинг шу икки оғиз жавоби мулойимгина, уйқу аривати чиқаётгандай эди. Кўзини юмди. Киприклари бир-бирига қўшилишиб яна ҳам қуюқлашди. Қошлари учиб кетаётган қалдирғочни эслатар эди.

Сестра буғи кўтарилиб турган бир стакан чойни тумбочка устига қўйди, стакан оғзини кичкина оқ қоғоз блан қошлади ва Пўлатжоннинг кўрпаларини тузатган бўлди-да, оёқ учи блан юриб уйдан чиқабошлади. У эшик олдига борганида яна орқасига айланди, бир минутча Пўлатжонга тикилиб турди. Кўзлар ҳамон юмилган, қимтилган лаблари табиий қизиллигини йўқотган эди. «Хабар олиб туриш керак», деди ичида сестра ва бошқа кроватиларни ҳам кўздан кечириб астагина чиқиб кетди.

Пўлатжон жуда эрта, ҳаммадан олдин уйғонди. Атроф ёрқинлидагилар ҳали баҳазур ухлашар, тик этган товуш йўқ эли. Фақат узун йўлакда кимдир оҳиста қадим босиб юрар эли. У, кўзини очиб атрофга қаради, ўзининг товушга эга етганини, бу янги жой, ётган шеракстари ҳам ҳали тиниши бўлмаган, ўзи сингари янги кетган ирадорлар экинчи аинлади. Ҳарҳолда уни узоқ йолаҳарга, фронтдан жуда нариги олиб кетганликларини, вақтинча биринча кўлаб йўл босганини яхши билар эди.

Лекин қайси шаҳар эканини сўрашга мадори келмади. Яраланган чоғида оққан қоннинг ўрни ҳали тўлгани йўқ.

Бугунги осойишта уйқу Пўлатжонга анча қувват киргизди: ўзини тетик, руҳини енгил сезабошлади. Бошини аста кўтариб, дераза томонга қаради: шохлари ҳар тарафга тарқалиб, ямяшил барглари тонг шамолида ҳилпираб турган дарахтлар орасидан тип-типиқ мовий осмон кўриниб турар эди. Аллақайдан эшитилиб турган майнанинг овози бу бинонинг катта бир боғ ичида эканини, ўзи туғилиб ўсган юрти каби бу шаҳар ҳам сердарахт, сермайса эканини билдирар эди. Тўпларнинг гумбурлаши, ўқларнинг визиллаши, аэропланларнинг гувуллаши, поезднинг тарақа-туруқиға ўрганган қулоқ учун бу жимжитлик, майнанинг бепарволик блан сайраши аллақандай ёт туйилади.

Кўпдан бери хаёлга келмаган ва бундан анча илгари бўлиб ўтган воқиялар эсига тушди. Пўлатжон яна бошини, момикдек юмшоқ ёстиққа қўйиб, деразага тикилганича хаёлга ботиб кетди.

Ўша гўзал Фарғона шаҳри, етимликда ўсган чоғи, интернатда яйраб, тенгқурлари блан ўқиган чоқлари, шўх, хазилкаш қизлар блан институт ҳовлисида қувишиб юрганлари кўз олдидан бир-бир ўта берди. Айниқса, бундан 4 йил бурун Қизил Армия хизматига кетаётганида, худди вокзалда бир оёғини вагон пиллапоясига қўйиб, икки қўл бир-бирини қаттиқ қисишган чоғида Малоҳатнинг: «Пўлатжон ака кутаман!» деган сўзи қулоғида жаранглагандек бўлиб кетди.

— Шайтон қиз эдинг-а, Малоҳат!— деди у, аста лабларини қимирлатиб,— бир нафасда ўтга ёқар эдинг ва яна ўзинг сув сепиб ўчирардинг. Бир бўсанинг гадойи эдим. Булар ҳаммаси алдаш бўлиб чиқди. 6 ой бўлди, хат ёзишни ҳам унутиб қўйдинг! Балки...

— Йўқ,— деди бошини силкиб, ўзига ўзи таскин берабошлади.— Сен вафоли эдинг, мард эдинг, «кутаман» деганинг чин сўз эди. Хат ёзиш учун балки адрес топмагандирсан. Мен фронтдан-фронтга кўчдим, қаттиқ жангларда бўлдим, хабар қилишга фурсат бўлмади. Мапа энди сенга яқин келганга ўхшайман, лекин... билганининг, кўрмаганинг ҳам яхши. Ўзинг каби ҳур, юзинг каби гул блан яшашинг керак. Билганингда, кўрганингда ҳам нима қилар эдинг? Юз ўгириб...



Унинг ўлкаси тўлди. Йиғлаб юбормаслик учун лабини ошди. Броқ бўлмади, киприклари орасидан икки томчи ёш сизиб чиқди.

— Ана холос, кўксингизда Қизил Юлдуз нур сочиб гурса-ю, сиз уни ёш блан ювиб ўтирсангиз! Мардлик фақат жангда эмас, бундай ҳаётда ҳам ўзини кўрсатиши керак. Шундай эмасми, ахир!?

У кўзини очди. Тепасида турган докторни кўриб ўнганси ланди ва секин:

Синглим, тўғрисини айтсам, орзу ўтларини сўндириб бўлмаётир,— деди.

— Сўнмаслиги керак! Сиз халқимизнинг бахт-саодати учун курашдингиз. Халқимиз сизни ҳурматлаб, олқишлар билан бошига кўтаради.

Пўлатжон ўйлашиб қолди. Лиза Ароновна ҳам табуреткани провалга яқинроқ суриб ўтирди.

Унинг ёшсиз-ку, синглим; гапларингиз кишининг ҳаётини ҳаёт қушади. Қизларимизнинг ҳаммаси ҳам шунақаймикин! — дея жиддий сўради Пўлатжон. Доктор кулди:

Бўлмасамчи!

Гурику-я, лекин бу сўз-да!

— Менга мунча умидсизланасиз? Ҳали қараб туринг, икки-уч кундан кейин таниш-билишларингиз келиб, сизни дам олишга ҳам қўйишмайди.

Ҳамма келса ҳам майли, аммо... у келмаслиги керак! Келмаслиги, кўрмаслиги керак!

Ҳа ҳа, тутилдингиз. У деганингиз ким? Ҳали Тошкентда ҳеч кимни нўқ демабмидингиз? Бор бўлса айтаберинг, табир қилиман.

— Нўқ, келмасин! Менга оғир бўлади. Мен унга энди керакмиман.

Доктор кўп қистади, лекин Пўлатжон ўз сўзида туриб олди, ҳеч айтмади.

\* \* \*

Госпиталь сиёсий комиссарининг кабинетида беш қиз отирар, улар бир-бирларига қарашганларича сўзлашмай, комиссарнинг жавобини кутардилар. Комиссар телефонда ким билдир сўзлашарди.

Ҳаммангиз комсомол ташкилотидан келгансиз-а?

Ҳа, ҳаммамиз.

Жуда соз, жангчиларимизга ҳикоялар ўқиб бериш учун шундай кишиларнинг бўлишини кўпдан бери кутар

эдик. Яхши иш бўлди, бунга ўзларингиз қандай қарайсизлар?

Қизлар бир-бирларига қарашиб олдилар, кўп ва'далар қилмоқчилар-ку, лекин нимадан бошлашни билмай жим қолишди. Ниҳоят, ўша четда ўтирган, узун сочли қиз гап бошлади:

— Биз жонимиз блан ўқиб берамиз, бошқа ишларингиз бўлса ҳам тайёремиз.

— Ҳозирча бошқасини қўйиб турайлик, ишни ўқишдан бошлайлик, дурустми?

Комиссар стол тортмасидан бир даста газета, журнал, кичкина китобчалар чиқарди ва девордаги электр тугмачасини босиб кимнидир чақирди. Шу ондаёқ эшикдан киргани жувонга: Лиза Ароновнани чақиринг!— деди. Сал ўтмай Лиза Ароновна кирди.

— Лиза Ароновна,— деди комиссар,— буларни сизнинг ихтиёрингизга бераман. Мана китоблар.

— Яхши, ҳозир дам олиш чоғлари, ишга бошлайберсак бўлади.

Лиза Ароновна қўлидаги рўйхатга қараб қизларни палаталарга бўлиб чиқди ва уларга оқ халат кийдириш учун ўзи блан бирга боришга таклиф қилди. Қизлар ўринларидан турдилар. Уларда аллақандай жонланиш бошланди, шошиб қолиб бир-бирларини туртишиб ҳам юбордилар. Малоҳат Қаримованинг юзларига қизил югурди, юзидаги кулдиргичлар ҳуснига ҳусн қушди, кузлари чарақлаб кетди.

— Ҳа, ростдан ҳам, қизлар, фронтда ҳеч кимингиз борми?— деди комиссар.

— Акам бор — деди қизлардан биттаси. Малоҳат бироз ўйлашиб туриб: Менинг ҳам... деди ва ерга қаради. Комиссар яна қайталаб сўради:

— Акангизми?

— Йўқ... ҳа-ҳа... акам бор.

— Ана, яна яхши бўлди, энди биздаги жангчиларни хурсанд қилганингиз ҳақида акангизга хат ёзасиз, улар ҳам сиздан миннатдор бўлишади.

— Албатта ёзамиз,— дейишди қизлар эшикдан чиқишга шошилиб.

Фақат Малоҳат ўйчанлик блан комиссарга қаради, ундан нимадир сўрамоқчи бўлгандай кўринарди. Комиссар буни сизди шекилли:

— Сиз ҳам ёзасизми?— деди.

Жоним блан ёзардим-ку-я, лекин кўпдан бери ха-  
бир йўқ.

— Қайси тарафда эди?

— Москва атрофида.

— Фамилияси Каримов бўлса керак, исмичи?

— Исми Пўлатжон, фамилияси... фамилияси Аҳмедов.

Комиссар бирдан ўзгариб кетди, ниманидир қидириб  
қогозларини титкилади.

— Тўхтаг, Лиза Ароновна!— Малоҳатга мурожаат  
қилиб, нима дедингиз, Аҳмедов дедингизми?

Малоҳатнинг кўзлари жовдиради.

— Ҳа, Аҳмедов!

— Лиза Ароновна, ўртоқ Каримовани қайси палатага  
белгиладингиз?

24-нчи палатига.

Белгиладилгани касаллар ичида Аҳмедов дегани бор,  
ини эшитмадим, исми Пўлатжон бўлса керак.

Бор, биз у блан дўстлашиб ҳам олганмиз,— деди  
Лиза Ароновна кулиб. Малоҳат нима деярини билмай қол-  
ди раши оқариб кетди. Комиссар тезгина келиб унинг  
нани елкадан ушлади, астагина силкиб:

Ана холос, қидирганингизни ҳам топадиган бўл-  
дингиз, деди.

Ростми, ростданми? Мен уни кўраоламанми?

Малоҳат шошиб қолди, кўз косалари ёшга тўлди,  
беништер комиссарнинг бўйнига осилиб, кўксига бош қўй-  
ди. Комиссар уни юпата-юпата узун йўлакка чиқди ва  
Малоҳатни Лиза Ароновнага тоншириб, улар муйилиш-  
дан қайрилгунча қараб турди. Лиза Ароновна 24-нчи  
палата елдига борганида Малоҳатни тўхтатди:

Бироз турунг, мен ҳозир кириб чиқаман,— деди ва  
ичкарига кириб кетди.

Вай ўлай, - деди Малоҳат,— ўшамикин, бошқа  
бўлса ва Пўлатжонлар, Аҳмедовлар камми дейсиз! Нега  
ичкарироқ сўраштирадим!

Палата эшити аста очилди, лекин ундан ҳечким чиқ-  
мади, эшик қан бўлинича қолди. Безгак гутгандек қиз-  
ини аста-аста танаи тирай бошляди. Бир қўли блан эшик-  
нинг эшикчиллиги ушлатди. Ичкаридан эркак кишининг то-  
вуви чинди эди.

— Ҳа, Лиза Ароновна, илтимос қиламан, менга шаф-  
қат қилиб, қийнаман!

— Ҳа, Лиза Ароновна жавоб берарди:

— Сизни дўстларингиз йўқлаб келаётирлар, уларни қайтариш мумкин эмас, тушининг, узингизни бардам тутинг!

Қиз бу гапларнинг ҳаммасини эшитди, бу эркак кишининг товуши таниш, ўша ва'да берган Пўлатжоннинг товуши эканига аниқ ишонди. Тоқатсизланиб эшик қиясидан мўралаб қаради. Тўғрида, уйнинг тўрида, дераза томонга бош қўйиб ётган шаҳло кўзли йигитга кўзи тушди: «Жоним!» деди, қалтироқ товуш блан. Пўлатжон ҳаяжоп ичида эшикка қараб бошини азот кўтарди ва ҳолсизланиб яна ёстиққа қўйди. Эшик қиясидан мўралаб турган бир жуфт қора кўзга кўзи тушди, шу оёқ: «Мана мен... мен бу ҳолда кимга керакман», деди ва устидаги кўрпасини очиб ташлади. Унинг бир оёғи йўқ эди. Лиза Ароновна шошиб қолди, жавоб қилишга сўз тополмай, Пўлатжоннинг олдига борди.

Қиз ортиқ такаллуф кутиб туролмади, тўғри эшикни очиб ичкарига кирди, ўзини Пўлатжонга қараб олди. Унинг бўйнидан қучоқлади, кўзларидан ўпди. Ҳар иккисининг ҳам тилига гап келмай қолди. Бошқалар ҳам қотиб қолишди, чурқ этучи киши бўлмади.

Доктор аста-секин кроватъга яқинлашиб, қизни кўтарди, стулга ўтқизди. Кўрпани тортиб Пўлатжоннинг елкасига қадар ёпиб қўйди.

— Пўлатжон ака, нега хабар қилмадингиз, нега чақиртирмадингиз?

У ўпкалади. Унинг товушида аллақандай болаларча эркаланиш оҳанги бор эди. Бу оҳанг Пўлатжоннинг юзларида табассум пайдо қилди, кўзлари сузилиб, тили бийронлашди.

— Малоҳатим, жоним! Мен бундай бўлишини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, сен блан энди ҳеч кўришмасмиз деган эдим.

Малоҳат яна кроватъга яқинлашди, Пўлатжоннинг лабидан ўпди.

— Пўлатжон ака, айтинг, қачон уйга кетамиз?

Пўлатжон бошини чайқаб кулди ва бошқа ярадорлар блан сўзлашиб турган докторга қаради. Малоҳат ҳам айланиб докторга қаради, тезгина ўрнидан туриб, Лиза Ароновнанинг олдига борди, қўлини қаттиқ қисиб:

— Бир ёрдам қилишингизни сўрайман!— деди.

— Марҳамат, қўлдан келганча!

— Пўлатжон акамни шу бугун уйга олиб кетсам бўладими?

— Иложи бўлганда жоним блан рухсат олиб берар  
ндим, ҳозирча уни госпитальдан чиқариш мумкин эмас,  
анча даволаниши керак.

— Бўлмаса, кечалари келиб ўзим қараб турсам  
буладими?


— Ўз ишингизга халақит бермайдими?

— Йўқ.

Лиза Ароновна госпиталь начальнигидан рухсат олиб  
беришга ва'да қилди.

Шунда бир-бирларига тикилишиб қолди.





## ШИРИН КЕЛДИ

Кексалар ҳамавақт ёшларни дуо қилса: «Қўшақаринглар!» дейди. Аммо, қўшақаринглар кам учрайди.

Тожикистоннинг Нов районида 82 яшар чол, 76 яшар кампир туришини кўп одам биледи. Чоли-кампир бир-бирларига суяниб қолган, бир-бирларига жуда меҳрибон. Шунинг учун ҳам уларни кўриш завқли. Ҳамма уларни иззат, ҳурмат қилади. Уғил-қизлари, набиралари улардан тез-тез хабар олиб туришади.

Февраль ойининг бошлари. Ҳали тоғ ёришмаган. Аллақайдан қўш карнайнинг овози келди. Бутун қишлоқ янграб кетди. Кампир аланглаб, ёстиқдан бош кўтарди. Кўзини бир очди-ю, бу тушим бўлса керак, дея яна чирт-та юмди. Карнай борган сари авжига чиқди, одамларнинг чағур-чуғур товушлари келди. Ер гурсиллаётгандек, тоғ ағдарилиб тушаётгандек туйилди. Кампирнинг юрагига гулгула тушди:

— Ҳаҳ... Уйқингиз қурсин,— деди чолни туртиб,— тушим эканини ҳам, ўнгим эканини ҳам билмай қолдим. Фарҳод тоғига бир гап бўлди. Ёшим шунчага келиб, бу тоғда бир чивин учганини кўрган эмасдим. Бу қандай ҳодиса бўлди?

— Ухлайвер,— деди чол, совуққонлик блан,— карнай-сурнай блан бизга тўй келаяпти.

— Биз энди тўйсиз ўтайлик чол, тўй ёшларга келсин! Тепса-тебранмайдиган бўлиб қолдингиз, бундоққина кўзингизни очиб қарасангизчи, тоғ кулатилаётганга ўхшайди.

— Қўймадинг-да, ахир Ширин бутун кўчкўлони блан анов дарёнинг нариги ёғига кўчиб келипти. Ўзи блан

бирга етмиш мингга яқин одам, қанчадан-қанча от-улов, озик-овқат, асбоб-ускуналар келтирипти. Агар дар'е бўйига бориб Фарҳод тоғининг этагига қарасанг, укий чодир уйлар, қозоқ ўтовлари қуриб ташланганки, кўзинг қамашади.

— Вой туғмай ўлай, эртақлар ҳақиқатга айланаяпти-ми дейман?

— Ҳа, Фарҳод бўлсанг, қани тур ўрнингдан, кучингни кўрсат. депти Ширин қиз. Мана шу тоғнинг тагига пўлат дарвозали катта тўғон қурасан. Кейин шундан тортиб, Ширин сойини йўлда қолдириб, Ширин водисигача катта дар'е қазийсан, Сирдар'енинг сувини бир терак бўйи кўтариб, темир дарвоза блан эски дар'е сувини бўғиб, янги дар'ега оқитасан, депти.

Вой ўртакларда Ширин ақлли, дово, олим қиз донишвор эди, ҳа, эндики келган Ширин телба бўлиб қопини? Сувини нега юқори кўтартиради?

Вой хотини, бола бўлиб қолгансан десам аччиғинг келган. Азир гапнинг охирига қадар тинглаб турмай-санми?

Ажаб бўпти, жуда, ўзингиз бола бўлмагансиз, оғчингиздан гапингиз тушиб, тупукларингиз сачраб кетаяпти.

— Қўй бўлмасам, ана карнайни эшитиб ётавер.

Қампир яна қўярда-қўймай чолни гапга солди.

— Сув баланд дар'едан оқиб бориб, Ширин яйловида катта бир шаршарак ҳосил қилар экан. Шундан кейин машиналар орасидан ўтиб нур берадиган куч пайдо қилар экан. Ана шу нур Шириннинг соч толаси каби ҳар тарафга тарқаларканда, заводларга, фабрикаларга, қўйгинки, бизнинг қишлоғимизга қадар ёритиб юбораркан. Мана бу юқорига кўтарилган дар'едан Мирзачўл сув ичади, экин битади. Фабрика газмол тўқийди, кийим тикади. Сен блан менга ўхшаганлар ёруғ нур тагида уларнинг дуойи жонини қилиб ўтиради. Бу карнай-сурнай шу улуғ тўйнинг патир ушаттиси.

— Не бало, алаҳлаяксизми?

— Ана холос, индамасам ҳали жиннингга ҳам чиқариб қўясан. Уларнинг ҳаммасини кеча бориб билиб келдим. Бир ойдан бери қанча одам уй жой қуриш блан машғул экан, бугундан энди ишга бошлашган.

На менга билдирмадингиз?

Мана билдирдимку!

— Шуларнинг ҳаммасини ўзбеклар қилаяптими?

— **Ҳа.** Ўзбекистон халқи қилаяпти. Унда ўзбек, қozoқ, рус, тожик, яҳудий дейсанми ҳаммасидан ҳам бор. Ҳа, шундай, Ўзбекистон халқи қилаяпти. Буларнинг дили бир. Дили бирнинг иши ҳам бир.

Кампир аллақачон бошини кўтариб ўгириб олган эди. У энди чолга бошини энгаштириб: «Шу ажойиботларнинг ҳаммасини Ширин буюриптими? Мардонқулларга шамшир тайёр қилсин, деб ўша доно қиз айтибдими?» — деди.

Чол беш бармоғи блан чўққи соқолини сслаб илжайди:

— Фарҳод ва Ширин — булар халқнинг истағи эди. Партия шу истак амалга оширилсин, дебди. Шундан кейин халқ шоду-хуррам бўлиб, енг шамариб, Фарҳод тоғи қайдасан, деб йўлга тушибди.

Сизку кўриб келибсиз, мен ҳам ўз кўзим блан кўрмасам бўлмайди,— деди кампир ва тиззасига таяниб ўрнидан турди.

— Тўхта,— деди чол кампирга қараб,— қор ёғаяпти, кўчада юриб бўлмайди, лой, сиргончиқ. Сал нарироққа бориб, бир офтоб чиққан кунни ўзим олиб бораман.

Кампир лабини бурганча Фарҳод тоғи томонига тикилиб қолди.

Табиат ҳам қизиқ: кечаси блан қор-ёмғир аралаш ёғиб чиқди. Участка бошлиқлари, инженер, техник ходимлар бир мижжа қоқмай, қуручиларга шикаст етмасин, деб туни блан ер-уйларни текшириб, кам-кўстини тузатиб, тешиқларини бекитиб, одамларни бир уйдан иккинчи уйга кўчириб юрдилар. Тонгга яқин ёмғир тинди. Тоғ орқасидан аста шамол кўтарилди, ерлар селгий бошлади. Тоғ орқасидан қуёш ҳам бош кўтарди, юзига тўр тутган келин каби хирагина нури блан бутун қирни ёритиб юборди. Чодир уйлар, ҳилпираб турган зар гажимли қизил байроқлардан буғ кўтарилди. Қир устини қоплаган майсалар бирдан селкиллаб кетди.

Ҳавони кута бериб кампирнинг тоқати тоқ бўлди. Йилт этиб қуёш чиқиши блан кўлига ҳасса олди-да, набирасининг чопончасини бошига ташлаб, кўчага чиқди.

— Йўл бўлсин,— деди чол уни эшик олдида учратиб.

— Кўпдан қуруқ қолма дейдилар. Анав вақтда патир ушатилди, деган эдингиз, бугун кичик тўй келаётган эмниш, шунга кетаяпман.



— Тинчимадинг-да, кўчанинг лойини қара!  
 — Худо олсин лойни!  
 — Нима қиласан бориб, сен ҳам тош чақасанми?  
 — Вой, сизники қизиқ-а. Битта ҳорманинг ўзи қанча мадад. Ахир, одамлар қор, лой демай, тонгдан ишга тушиб, зарурат учун зар тўкса-ю, биз сувга тушган нондек бўкиб утирсак яхшими!

Аччиғланган бўлиб, кампир ҳассасини дўқиллатиб, Фарҳод тоғи томон йўл солди. Чол ҳам кулди-да, икки кўлини орқасига қўйиб, кампирнинг кетидан кетди.

Фарҳод тоғининг тагида, Сирдарёнинг ҳар икки ёқасида шамалоқдек одам. Биров лўм блан тош ўяди, биров бел, кетмон блан ер қазийди, кимлардир қоп орқалаб, тушроқин юқорига чиқаради. Кимдир ҳарсанг тошларни орқалаб, бир жойга уяди. Аҳ'ён-аҳ'ён ерга қизил байроқчалар илиб қўйилган, улар қизил лола каби ловиллаб турган. «Ҳа бўл, азаматлар», «Фарҳод бўлсанг кучингни кўрсат», «Шер ўгли шерсан» деган сўзлар дам-бадам тиниллаб туради. Алла қайдан ялла қилган ўткир овозлар кетади, тошларга урилиб, акси садо блан Ширинсой жаранглаб кетади. Йигитларнинг «Баракатоп» деган қийқириги, қизларнинг кулгиси эшитилади. Кампир дар'ё тепасига бориб, оғзини очганча, чумолидек ўрмалаб ётган одамларга маҳлиё бўлиб қолди.

— Ҳей...— дея нафасини ичига тортди кампир,— кўз тегмасин. Келган балолар даб бўлсин!— деди ва кўйлак ичига туплаб ҳам қўйди. Узун, кенг енгини тўлдириб туршак, майиз олган эди, кимга берарини билмай қолди. Февраль планини ҳаммадан олдин бажариб, қизил байроқ олган Хўжаободлиларга берсинми, ойлик планини 170 процент бажарган Марҳаматлиларга берсинми, кунлик нормасини 900 процентга етказиб бажараётган Муҳиддин Шодмоновга берсинми, бир ярим кубометр ўрнига 15 кубометрдан ер қазийётган азаматларга берсинми, тонг қоронғисида туриб чой қайнатучи, ноништага ош дамловчиларга ёки ялла қилучи ҳофизлар, ўйин тушучи қизларга берсинми?

Кампир енгини салмоқлаб кўрди: «Ордонани кўпроқ ҳим олмашман», деди ва чолнинг яқтак чўнтагини тимискилиб ҳечнарсга топаолмагач, уни койибошлади.

Биттасига бер қўй-да,— деди чол,— булар сенинг шонини қоқингга зор эмас. Анов қоплардаги шакарларини кўрайсанми?

— Бо, қизиқ экансиз, киши кўнгли тусамаганга нинадек нарсани раво кўрадимиз! Кўнглим яқин, буларнинг ҳаммасини болам дейман, топганимни ташийман.

Чол-кампир ўзлари блан овора бўлиб, ёнверига яқин келганларни ҳам сезмай қолишди.

— Она, қани менга беринг, ҳаммага бўлиб бераман,— деди бир йигит кафтини очиб.

Кампир енгидан шалдиратиб, келтирган совғасини тўкди ва:

— Ўргулай, бир майизни қирқ киши бўлиб еган экан,— деди. Мамнунлик блан у ҳаммага бир-бир қараб чиқди.



## ШИРИНГА МАКТУБ

Шу кунн ҳаво очниқ эди, қуёш нури ҳамма ёқни ёритиб юборди. Печка кундан бери қор, ёмғурда бўкиб ётган ерлардан юнқагина буғ кўтарилди. Қирларда майсалар ўсми қўйилган қизлар қошидек терилди, подалар изғишиб қолди. Кенг яйловга қурилган қатор-қатор ер-уйларнинг олдидан қуюқ тутунлар буралиб-буралиб, осмонга кўтарила кетди. Ошпазлар ҳам бир-бирлари блан мусобақа уйнадилар шекилли, капкурлари қўллари,дан тушмай қолди. Яхши доғланган мойга пиёз, гўшт тушиши блан бутун қирни аллақандай ёқимли ҳид тутиб кетди.

Биз зар гажимли қизил барқут байроқ тутилган ер-уй олдига бориб тўхтадик.

Меҳмондўстлик ҳам яхши гап.

— Қани буёққа!— деб қолди биттаси. Қайрилиб, товуш келган томонга қарадик. Узун бўйли, буғдой рангли, қора қош, қора кўз бир йигитнинг қувноқ чеҳра блан биз томонга келаётганини кўрдик. Уялганимиздан бир-биримизни туртиб ҳам олдик. Тўғриси, севиниб кетдик. У йигит то бизнинг олдимизга келгунча «келинглар» сўзини бирнеча марта такрорлади.— Пуриллаев,— дея қўл узатди ва қўярди қўймай, ўша қизил байроқ осиглик турган ўр уйга олиб кирди. Унда уй тўла меҳмон эди.

Шу кунн Фарҳод гидроэлектростанцияси қурилишини ойлани планни муддатидан олдин бажарган бир участкада тўн булаётган эди. Шу сабабли Свердлов районидан келган азаматлар бугун фахр блан меҳмондўстлик қилар эдилар.

Шу ерда 75 ёшлик Норзобо Жўраев ҳақида анча гап бўлди. Мен уни излаб чиқиб кетдим.

— Хў ана,— деди биттаси қулини чўзиб. Нинадек бош кўтарган майса устида бир оқ соқолли, жиккаккина киши чўкка тушганича энгашиб, кўкрагини ерга бериб ётган йигитчага гап ма'қуллатар эди. Мен ҳам тортиниб турмай боравердим.

— Келинг қизим, хуш кўрдик!— деди чол ва икки қўлини бериб кўришди. Шу ондаёқ уйига хат ёздирётганини айтди. Йигитча эса дарров хатни буклаб, чўнтагига солди, дик этиб ўрнидан турди.

— Боласи тушкур,— деди кулиб Норбобо,— дуойи салом ёзишга нўноқрок экан, печача бор ёзиб, неча бор ўчириб ташлади.

— Қимга ёзмоқчи эдингиз?

— Қимга бўларди дейсиз, Ширинга-да, — деди ва ўзи қумри сингари кукулаб кулди,— ахир, халқ ҳаммамизни «Фарходлар» деб атайдику, шундай бўлгандан кейин янгангиз Ширин бўлади-да!

Ширинга мактуб ёзишга ўтирдик.

— Қани ота, нималар демоқчисиз, ҳаммасини айтинг, мен ўзим ёзиб бераман.

— Йўқ, болам, гапга нўноқман, бирини айтсам, иккинчиси эсимдан чиқиб қолаверади. Мен айтиб тураман, сиз ёзаверасиз. Ана шунда хатни ўқиб туриб, мен блан гап-лашгандек бўлади. Тугримасми?

— Тўғри, қани айтинг!

«Дуойи салом ўша баччаларнинг онасига, умид блан бир ёстиқча бош қўйиб, кечачундуз дуойи жонимда бўлганга!

Келганлар дармонда, келмаганлар армонда. Бу ерда бўлган ишлардан ҳикоя қилиб берсам, ўзинг ҳам «Фарход тоғи қайдасан» дея йўлга тушиб қоласан. Ундан кейин мен жунаётган чоғимда айтган гапингдан уялиб ерга қарайсан.

«— Қандай бало тинмаган чол экансиз, сиздан Каттақўрғон ҳовузи қолмаса, Беговат деган жой қолмаса. Бу нима деган гап ўзи? Соқолингизни пахтадай қилиб, ҳаммадан олдин бел боғлайсиз,— дединг ахир. Барака топкур колхозчилар: «Ота, сиз қолаверинг, сизнинг ўрнингизга биз ўзимиз ишлаймиз» дейишмаяптику, қолаверсангиз бўлмайдимиз?— деб бидирладинг.— Бир оёғингиз тўрда, бир оёғингиз гўрда. Тағин ўликларингиз алла қайларда қолиб, кетмасин!— дединг. Бундан 25 йил бурун ўлиб кетган ачангнинг сўзини айтдинг. Бу гапларнинг ҳаммаси

ҳам қулоғимда турипти. Сен мени чол дея кучимга ишонмадинг. Бу ерда эса, бир кунлик нормамни мингдан ошириб бажарганим учун «Фарҳод» деб ном қўйдилар. То шу чоққача Фарҳод номи ҳеч ўлмади. Мана энди менинг номим ҳам авлоддан аждодгача етар экан, мен ҳеч ўлмас экапман. Шундай бўлгандан кейин, хотин, Ширин ҳам ўлмайди. Номку ном-а, номга ярашур иш кўрсатиш ҳам керак.»

Норбобо тўхтаб қолди, иягини кўтариб, оғзини ярим очганича ўйлаиб турди. Кичкина кўзларини дам юмиб, дам очиб, алланималар дея пичирлади. Ниманидир қовуштиролмаб қийналди. Тополмади шекилли, бирдан қўлини силтаб:

— Ҳаҳ, сабил, забон қисқа бўлгандан кейин қийин экан. Фарҳоднинг тоғ қазишини Алишер Навоий тасвирлаб байт ёзган эди, шуни келтиролмадим. Уқимаганликнинг касри шуда,— деди.

— Ширин уқимаганмисиз?

— Эй болам, бизларга ўқиш қаёқда эди. Бир қаричликнинг етим қолиб, амакининг хизматида ўтиб кетганман: «Қизимни бераман» деб гўрсўхта тоза ишлатган. Замона мундоқа бўлди-ю, оқ подшоҳ тахтдан йиқилиб, бизлар ёруғликка чиқиб қолдик. Буни қарап-а, гапдан гап чиқади, шу ҳам эсимга тушди: Гитлер деган бир золим чиқиб яна ўша оқ подшоҳни тикламоқчи эмиш-а, ҳай-ҳай... У кунни курсатмасин. Жон берсак берамизки, ундай қораниятларга йўл қўймаймиз. Тоғни урсам талқон қиламан, ёвни урсам яксон қиламан.

Норбобо белбогини қайтадан боғлаб, икки қўли блан белини сиқиб қўйди. Кўкрагини баланд тутти-да, яқтак чўнтагидан носини олиб, бир чимдимини тил тагига ташлади. Бироз соқовланиб сўзланди:

— Хатнинг қаерида тўхтадик, болам?

— Навоийнинг Фарҳод ҳақида ёзганлари.

— Ҳа балли, шунисини ўзингиз қўшиб қўймасангиз бўлмади.

«Кесиб ҳар тешаси қилғоч хароши,  
Фалак ели юкидек пора тоши.  
Чу метин зарбидан айлаб стиза,  
Қотиқ хорони айлаб реза-реза.  
Анингдек тешадин сакраб ушоқ тош,  
Ки нозир бир ёғочин қочириб бош.  
Учиб етганда зарби дасти онинг,  
Ки бориб ўн ёғоч фаррасти онинг.

Ҳамул кун-оқ далири хора парков.  
Муҳай ё қилди хоро ичра бир нав.  
Ки уч йил икки юз хоробур устод.  
Оло олмай ҳам анча хородин дод.  
Ҳунар мундоғ чу зоҳир айлади кўб.  
Тушиб ул тоғ аро ел ичра ошуб».

(«Фарҳод ва Ширин» достонидан)

— «Хотин, тагин «чол мунча доно бўлиб қолипти» деб кулма, мен донолик қилаётганим йўқ. Қўрганимни, шу ерда бўлаётган ҳодисаларни ёзаяпман. Навоийку: «Тоғлар бўлинсин, дар'ёлар қазилсин, чўллар сув ичиб, обод бўлсин, халқ яхши яшасин», деб орзу қилипти-да, битта Фарҳодни яратибди. Биз бўлсак шу орзуни амалга ошириб, қанчадан-қанча Фарҳодларни яратиб қўйдик. Ана у Ҳандалак қишлоғидаги Охунбобоев номли колхознинг бригадири Йўлдош Қурбонов борку, ана шу азамат бу ерда ҳам бригадир бўлди, ҳам ўзи ишлади, у бир ўзи кунлик нормасини бир миңг олти юз процентдан бажаради. Бутун бригадаси бўлса, бир ойлик планини 13 кунда битириб қўйди. Ҳозир 230 процентга етказди. Буни Фарҳод демай, кимни деймиз! Бунга ўхшаганларнинг сон-саногини йўқ. Тонгдан ишга тушиб кетамиз, кун боғганини сезмай қоламиз. Ҳар ашулачилар, ҳар ўйинчилар келиб, ишнинг тепасида ялла қиладики, кўрсанг оғзинг очилади. Кечаси келиб яна тамоша кўрамиз.

Ҳа, ростданам, яна бир нарсани айтай сенга. Тагин ҳалиги менинг гапларимга хафа бўлма, ҳаммадан ҳам хато ўтади. Уни тузатиб олса ҳеч гап эмас. Бошда мендан ҳам камчилик ўтди. Хотин, сендан яширадиган гапим йўқ. Тўғрисини айтсам, бу ерга келган кунларда бу қурулишнинг мағзига тўла тушунмай юрдим. Юртимизда уруш бўлаётган бўлса, бало бошимизга кўп кунларни солмоқчи бўлса, йигитларимиз жанг майдонида қон тўкаётган бўлса-ю, биз уларга ёрдам беришга ҳаракат қилмай, бу ерда тош чақиб юрсак, деб ҳайрон бўлдим. Тоғ йўнишнинг нима зарурияти бор экан, дея бошим қотди. Кейин билсам, бу фикрларим хато экан.

Агар билсанг хотин, бу ишларимизнинг оқибатида ҳамаёққа нур таратиб, фабрика-заводларни юритучи, шаҳар-қишлоқларимизни ёритучи каттакон электр станцияси бун'ёдга келар экан. Гап шундай бўлгандан кейин, айтчи хотин, қайсибир инсон бунга келмай ва иш кўрсатмай қолаолади. Ўзинг ҳам айтасанки:— Ҳеч ким!

Кўзга кўринарлик ишимиз ҳам бор. Унга ярашур қадр-қийматимиз ҳам бор. Бунисини сенга айтмасдан тўсатдан олиб бориб севинтирай деган эдим. Ҳа майли, буни ҳам айта қолай. Қанчадан қанча мукофотлар олдим. Сенга деб совғалар, кўйлакликлар бердилар. Бошим осмонга етди, хотин!»

— Энди тўхтатақолай. Ҳа, қавм-қариндошларга салом айт, болаларни ўпиб қўй, деб ёзинг.

Ҳаммасини ёздим, тагига «Фарҳод» деб қўйдим. Хатни бошдан оёғигача ўқиб бердим. Чол кулиб, диққат блантинглаб турди. Имзога келганда яна кукулаб кулди, соқолини силаб қўйди. Хатдан мамнун бўлди шекилли, тузатиш киргизмай, яқтак чўнтагига солиб қўйди.



## ФАРҲОДЛАР

Эрта кўклам, ҳамаёқ кўмкўк майса. Адирларга қипқизил гилам ёпгандек, лолалар чаман бўлиб очилиб ётипти. Илон изи каби буралиб оқаётган Сирдар'ёнинг ўнг қирғоғидаги кенг қирда тиккайган дарахт куринмайди. Ёлғиз Фарҳод тоғининга гердайиб турипти. Бунда фақат ширт-ширт майса узиб еяётган қўйларгина изғишиб юради. Чўпон ота эса, пахмоқ соқолларини силаб, бағрини офтобга тоблаб, тоғ бағрига ёнбошлади. У, кўзини қўйлардан узмай, чуқур хаёлга толди. Унинг ёнида ўтирган набираси астагина най чалабошлади. Шу вақт қирда юпқагина чанг кўтарилди. Бола най чалишдан тухтади, сакраб ўрнидан турганча, чанг кўтарилган томонга тикилиб қолди. Чўпон ота ҳам бошини кўтариб, ярим ёнбошлаганча:

— Ййи, болам, бор дарров,— қўйларга бир бало бўлди,— ҳаммаси тўрт томонга тўзғишиб қолди,— деди.

— Ота, машина келаяпти, ичида одам борга ўхшайди!

Чўпон ота ҳам ўрнидан турди, узун калтагини ҳавода ўйнатиб қўйлар томон юрди. Қўйлар машина сигналидан кўрқиб, ўзларини сойга урдилар. Машина Фарҳод тоғи этагига келиб тўхтади. Ичидан икки киши тушди. Уларнинг ёшроғи югургилаганча тоғ тепасига чиқиб кетди: иккинчиси тоғ этагида Сирдар'ёнинг оқишини тамоша қилиб, уёқдан-буёққа юрди. Унинг лаб/учидангина чалаётган ҳуштаги аллақандай бир оҳангни эслатар эди. Бу йигит тоғ бағридаги ёрларнинг ичигача кириб чиқди. Сўнгра чўпон отага қараб қўли блан имлади. Чўпон ота ҳайрон бўлиб қўлини орқасига қилганча тик қотиб турган эди, кейин салмоқ блан юрабошлади. У йигитга узоқдан



Гуриб салом берди. Йигит тезгина чўпон отага яқинлашди ва қўл бериб сўрашди, ҳол-аҳвол сўради.

— Ота дейман,— бу ерларда ҳечким турмайди шекилли?

— Эй болам, «дар'ёйи азим бўйидаману сувсақиб ўлиб бораман» деган гап бор. Бу чўли биёбонда одам нима қилсин.

— Сиз ўзингиз шу ерликмисиз?

— Мана шу орқа қишлоқдан, беш-олти кун кўклам майса вақтида қўйларни ўтлатиб юриб, бу ерларгача келиб қоламан.

— Қўйларингиз кўпми дейман?

— 500 тача қўйни колхоз менга топшириб қўйган. Ишқилиб бири минг бўлсин дея боқиб юраман.

Ҳа, жуда саз, Фарҳод тоғи шу бўладими?

-- Ҳа, балли, мана шу ғариб тоғ.

Нотан буни Фарҳод тоғи дейдилар.

Билмасам, ҳайтавур эртакларда Фарҳод деган бир оғни, шу тоғни қулатмоқчи бўлган дейдилар.

Қулага олманти-да!

Эй болам, ганимлар у бечорани муродига етказмасдан ҳалок қилибдилар!

— Тоғни қулатиб нима қилар экан?

— Нима қиларди дейсиз, ҳамма гап сувда-да. Мана шу жаҳаннамда оқаётган сувни баланд кўтариб, чўлларни обод қилмоқчи бўлган дейдилар.

Йигитнинг қулоғи чолда бўлса ҳам, икки кўзи тўрт томонга термулар ва нималарнидир мўлжаллаб, қўлидаги кичкина дафтарчасига ёзар, ба'зан ўсмоқчилаб чолга гап ташлар эди:

— Ота дейман, Фарҳоднинг истагини биз амаяга оширсакмикан дейман.

— Кўп овора бўласиз болам, бу буйнотга келгириб бўлмайдиган машаққат иш. Агар иложи бўлганда, шунчоққача одамлар бир нарса қилар эди. «Бўлмаганга бўлишма» деган гап бор.

— Ҳа, шундай денг-а! Сиз колхозга а'зомисиз?

— Бўмасачи, ўн-ўн беш йил бўлиб қолди.

— Илгариларку колхоз хаёлда ҳам йўқ эди. Буни туздилар.

— Ҳа-да, колхоз тузилишига партиямиз бош бўлди-ю, бу иш юзага чиқди. Биздек бева-бечоралар яйрашиб қолди.

Чўпон ота йигитнинг пичингини англаб, дарров ўз сўзига изоҳ берабошлади:

— Бу ишга ҳам бирорта азамат бош қўшса, ажаб эмас, амалга ошиб қолса.

— Уртоқ Сталинни биласизми ота?

— Ҳа биламан.

— Қани бўлмаса, буёққа келинг мен сизга Сталин ҳақида бир қўшиқ айтиб бераман.

Улар дар'ё тепасидаги дўнгликка бориб ўлтиришди. Йигит астагина қўшиқ бошлади. Бола ҳам ашулага ишқивоз экап, уларнинг орқаларига секин келиб ўлтирди, белбоғидаги қистириғлик найни қўлига олди ва астагина жўр қилди. Чўпон ота бошини экканча қулоқ солиб ўлтирди ва илжайиб:

— Камол топинг болам, кам бўлманг!— деди.

— Мана отахон, ўша улуғ доҳимиз Сталин бошчилигидаги коммунистик партия шу дар'ёни юқори кўтариб, юртни обод қилишга бош қўшаётир.

Чўпон ота яна ажабланиб, йигитнинг башарасига термулди. Йигит боланинг қўлидан найини олиб, ниманидир сўрамоқчи бўлган эди: тоққа чиқиб кетган ёш йигит келиб қолди. У шапкасини олиб, чолга қараб бош эгди. Чол у блан ҳам қўл беришиб кўришди. Тоғдан тушган йигит русчалаб нималарнидир ҳалиги тўлагина, баланд буйли йигитга ма'қуллади. Сал ўтмай улар хайрлашиб, машинага ултириб жўнаб кетишди.

Чўпон ота уйига ғамгин ҳолда кириб келди. Оғилхонага кириб, молларнинг тагини супурди, сигир-бузоқларига хашак ташлади, нима блан бўлса ҳам ўзини овутмоқчи бўлди. Барибир кўнгли очилмади. Ҳовли ўртасида бош бармоғини иягига тираганча туриб қолди. Бир дамда хаёли бутун дун'ёни кезиб чиқди: тоғни урса талқон қиладиган йигит кучи бировларнинг эшигида беҳуда сарф бўлганини, ярим умри хотинсиз ўтиб, охирида фақат бир ўғилга эга бўлиб қолганини ўйлаб қолди. Фақат ошхонадан чиқиб келаётган келинининг саломигина унинг хаёлини бузди. У юз-қўл ювишга ўлтирди. Келин иссиқ сув келтирганга қадар қараб турмаёқ ўрнидан турди, уйга қараб юрди. Келин ҳовли ўртасида обдастани кўтарганча тик туриб қолди.

— Ога, сув жуда совиқ эди-я, ювиниб қўйибсиз!

— Ҳечқиси йўқ болам, одамлар музни писанд қилмай, ер қазияпти-ю, мен совуқ сувдан кўрқайми?

— Қишда ер қазишиб нима қилишаркин, турп экар-канми?

— Баҳор ойи ҳам кириб қолдику-я, лекин бу баччағар ёмғур, қор тўхтамай қолди. Қишнинг чиқиши ҳамиша шунақа қийин бўлади. Баҳор блан талашиб-юмдалашиб ётади. Ҳали қор, ҳали ёмғур, бирпас қарабсизки, изғирин шамол. Худди баданга нинадай санчилади. Аммо Фарҳод тоғидан тортиб Ширин яйловига қадар Сирдарё буйлаб тизилиб кетган 70 минг халқ бу совуқларни писанд қилмайди. Элнинг ғайратига ҳам, ҳимматига ҳам балли! Худди шу буйруқни кутиб тургандай, бир варакасига ишга ёпишиб кетди.

— Хафа бўлмасангиз ҳам бўлади ота, ўғлингиз у ерда ҳам эл учун курашяпти.

Ганна набираси ҳам аралашди. У, сандалда ўтирган ердан сакраб туриб, мағрурона гапирди:

Ахир дадам 12 фашистни ўлдириптиларку!— Бола онадан қараб, кулиб қўйди. Чўпон ота бошини ердан кўтармай, чўниси очилмай салмоқ блан сўзларди:

Ўтаним иккита бўлса, урушда ҳам, бу ердаги ишда ҳам қатнашган бўлардик, дейман-да.

Мен бориб ишлайми, ота? Кичкина кетмонни ерга қирс-қарс урсам, биласизми, бир кунда қанча тупроқни чиқариб қўяман. Ота, дарёни қазиб нима қилишар экан?

— Дадангга мадад, бизга ёруғ нур берадиган завод қуришар экан.

— Сувдан заводми?

— Сирдарё суви юқори кўтарилиб, янги дарёдан оқиб бориб, каттакон шаршарак ҳосил қилар экан. Шаршарак суви машиналар орасидан ўтиб, қувват пайдо қилар экан. Шу қувватдан электр нури пайдо бўлиб, завод-фабрикаларга борар экан. Мана болам, шундай қилиб, юрт обод, эл хуррам бўлар экан.

— Ота дейман, ўзим борақолай?

— Сен ёшсан болам, мен борсам бўлади.

— Қўйларни нима қиламиз?

— Сен боқасан. Ёнингга яна уч-тўрт мактаб болаларидан оласан.

— Ҳа майли, ўзим боқавераман. Сизнинг олдингизга ҳам бориб тураман. Анави ўзимизнинг қўчқоримиз борку, ўшани сизга совға қилиб олиб бораман. Уни жуда яхшилаб семиртираётибман-да.

— Баракалла-баракалла ўғлим, умрингдан барака топ. Чўпон отанинг чеҳраси очилди. Ажин босган юзларида табассум пайдо бўлди.

Чўпон ота ҳар куни трассадан қайтишда «Ширинсой» орқали ўтар ва юз-қўлларини ювиб, сўнг уйга келарди. Бугун ҳам одатича ўша ердан ўтди. Лой ўртасидан майда тошларни думалатиб, кумуш каби тиниқ «Ширинсой» оқар эди. У шундай чиройлик майин товуш блан оқардики, бир ҳовуч сув олиб хўпламасдан ўтолмайсиз. Бир шоир айтгандай «Чўптакка солиб кетадиган ариқ»деса бўлади. Бу ралиб-буралиб Сирдар'ёга қуяди. Унинг агрофи баланд тепаликлар, ўнқур-чўнқур қоялар блан тўла. Чўпон ота ариқ сувидан бир ҳовуч оғзига олиб солди-да, йўлида давом этди. Лекин тепаликка чиқар ерда бир жувон блан бир ёш йигит турганини кўриб, ўзини панага тортди.

— Одамни алдайсиз-а,— деди жувон,— ишимнинг мазаси йўқ дейсиз. Эшитдим, ҳар куни планингизни бир минг олти юз процентдан бажарар экансизку! Шунинг учун сизга атаб ашулалар чиқаришибди.

— Ана қулоқ сол, ўша ашулани айташяпти. Буни битта менга эмас, яхши ишлаганларнинг ҳаммасига атаб чиқаришган. Бир Чўпон ота деганимиз бор, у киши ҳар куни бир кубометр ер қазииш ўрнига 15 кубометр қазийдилар. Бу ашула асли ўша кишига бағишланган.

— Билдим, бирам ажойиб ашулачи, уйинчи қизлар келармишки, ҳаммаларингнинг оғизларинг очилиб, ўшаларга маҳлиё бўлиб қолармишсизлар. Улар ҳам садда сизга ўхшаган стахановчиларга қараб кўпроқ муқом қилармиш.

— Бу миш-мишингнинг охири борми, йўқми? Мингнинг одам ичида бунақа нарсалар бўлмайди. Бу ердаги хотин-қизлар ҳам эркаклар блан баравар ишлашяпти. Бировга қараб илжайишга ҳам қўллари тегмайди.

— Эшитдим, тош кўтариб сойдан тепаликка олиб чиқаётган қирқ кокилли қизни ҳам эшитдим. У қизнинг донги ҳаммаёққа тарқалди. Шунга ҳавасим келиб, мен ҳам хотин-қизлар бригадасини тузиб келдим. Биз ҳам бир иш кўрсатайликки, Ширин деганлар сочини ёйиб қолсин.

— Шундай демайсанми, боядан берли мени ҳижолат қилмай. Қаерга жойлашдиларинг?

— Мана шу тепалик устидаги қозоқ ўтовига. Ана ўша илла қилаётган бизнинг қизлар-да.

— Тузуксизлар-ку.

Ҳар иккиси ҳам завқ блан кулишди. Улар биров келатганини пайқаб, тепаликка қараб йўл солишди.

Булар ўйин тўдасига борганларида бир йигит дўтор машқига ўтган эди.

Янги қазилган канал бўйи, бош тўғон олди минг-минг одамга тўла. Бир тарафда ён-бағри кемирилган Фарҳод тоғи мағрур турар, пастликда жиловланган Сирдар'ё ялтираб оқар эди. Ўзбекистон азаматларининг ғайрати блан қазилган янги каналга Сирдар'ё суви қуйилади. Сирли сув қудратли халқимизнинг янги топшириқларини бажариш учун, янги издан электр станциясига қараб йўл солди. Ашулачилар ялла қилади, ўйинчилар шох ташланди. Ҳукумат раҳбарларидан бири Чўпон отани ҳамон қодиртиради. Камтарини Чўпон отани халқ ичидан топиб, шўқорини чиқартирар. Лекин, у ердан бошини кўтармас, табассумли лабларини йигиб ололмас эди.


Уроқлар, мен сўз билмайман... Фашистларга ўлим бўлсин учун биз бу ерда ишладик. Юртимизни душмандан тозалаш учун ишладик, болаларимизга озиқ-овқат, кийим-беш бўйсин учун ишладик.


Чўпон ота ҳар сўзида атрофга қарар, бир нарсадан ҳаликирагандек жовдирар эди. Бирдан орқа тарафда турган таниш кишига кўзи тушиб қолди. Шундан сўнг бошқа сўзларни ҳам йўқотиб кўйиб жим қолди. Ҳамма қарсак чалди, енгилгина кулги кўтарилди. Одамлар гивирлашиб, ўзаро гунгурлашиб қолди. Ҳалиги тўлагина, баланд бўйли таниш киши Чўпон отага яқинлашди:

— Ҳе, ўзимизнинг қадрдон отамиз-ку, қалай, бақувват, бардаммисиз? Биринчи марта шу тоғ этагида учрашган эдик-а? Эсингиздами?

У икки қўли блан Чўпон отанинг қадақ қўлларини каттиқ сиқди, бутун салобати блан чолни кучоқлаб олди. Чўпон ота, йигитнинг чуқур мазмунли кўз қарашларига термулиб:

— Билдим-билдим ўғлим, азаматлигингизга қойил қолдим,— деди.





## ОЛТИН УЗУККА ОЛМОС КҮЗ

— Ажаб!— деди чол, беш бармоғи блан оппоқ соқолини тараб,— тоғни талқон қилсалар, чўлни бўстон этсалар-у, мен мана шундай...

Келин ювиб артилган пиёлаларни дасталай туриб, чолнинг гапини яхши англамади чоғи, сўзни бўлди:

— Ота, нима деяпсиз, ажойиб дейсизми? Ҳа-а, айтганингиздек, уни қаранг, ажойиб гўзал мамлакатимиз борда. Қўрғондан чиқсангиз, кўмкўк бедалар ссркиллайди. Олтин узумлар ол мени, дейди. Боғда бодом бодрайди, дўлана ҳол ташлайди. Тепангиздаги сўрида қовоқнинг саноғи йўқ, палакда қовун, тарвузнинг хоми йўқ,— деди.

— Кўз тегмасин,— дея чол салмоқлади ва ёнидаги ёстиқни тимискилаб, ёнбошига тортди.

— Тегадиган ўғри кўзларни ўйиб олармиз, отажон!

— Шунини айтаяпман-да. Мен ажаб десам, сиз ажойиб деб кетдингиз, кўр кўзимга ҳамаёқни аён этдингиз. Ҳамма ҳаракатда-ю, ёлғиз мен тек ётибман. Кошки бу кўз кўрадиган бўлса, мен ҳам етмаганини етдирсам, битмаганини битдирсам!

— Отажон, ғам қилманг, болаларингизнинг дуойи-жонини тилаб ётаберинг, сиз учун ҳам биз ишлаймиз.

— Ни'матжон каналга кетдим, дейди, Салтанат канал қазидим, дейди, сиз ҳам каналдан келдим, дейсиз. Бу қандай гап, канал деган ҳеч битмас эканда, сизларга нима бўлган, ахир, шунча кучсиз уқусиз бўлиб қолдиларингми. Наҳотки, битта канални ҳали ҳам битира олмасаларинг. Халқ яхшиликка қузғалса, олам гулистон бўлгучи эди.

— Вой ота,— деди келин супанинг бир чеккасига ўлтириб,— биз ишлаётганимиз канал эмас, уйимизга нур, элимизга дур сочучи бир катта қурилиш.

— Не бало, овсин, шоирлик қилаяпсизми?— деди Қумрихон боғ эшигига тамба қўятуриб.

— Кўрмайсизми, отам бизни койияптилар: «Ишлаган ишларингда барака йўқ», деяптилар.

— Ёнбошингиздан оқаётган Бўзсув устига электрстанция қураяпмиз, денг!

— Ҳали ҳам шуни айтаяпман. Яқинда мана бу лип-лип ёнаётган чироқ ўрнига электр фонарьларини ярқиратиб ўлтирамиз, деяпман.

У, самовар ёнида турган лампани хонтахта устига олиб қўйди ва гапира-гапира ниманидир ёзишга ўтирди. Чолнинг юниси табассум пайдо бўлди, қовоқ усти, кўз ёсти лажилари жинслашди, бошдан дўпписини олиб, ёнига қўйди.

Ой кутарилмадимми,— чироқ ёқибсиз болам?

Ёни кўтаришляпти, Чим'ён тоғининг чўққисига қилиб Ўтлингизга хат ёзай деб чироқ ёқдим.

Чол хилақит бермайин деди шекилли, хаёл суриб жим ётаберди. Чолнинг катта келини Қумрихон ўглидан хавотирланиб, ҳовлида бир-икки гувраниб қўйди ва тезгина тўрт тарафи очиқ шийпонга чиқиб, ўрин солабошлади. Шу чоғ узоқдан ашула товуши эшитилди. У яқинлашган сари, ашула ҳам аниқлашди.

— Ҳа, келаяпти,— деди шийпондан туриб Қумрихон. — Содиқжонми?— деди келин хатидан бошини кўтариб.

Содиқжоннинг ўзи. Бугун молларини кеч тарқатди шекилли, шу чоққача қолиб кетди. Онаи зор эмасми, устинни ушлаганча, бир қўлидаги ёстигини ҳам ташламай, боласининг товуши келаётган томонга термулиб қолди. Чол аҳ-туп қилиб носини ташлади ва иккинчи ёнбошига қайрилиб ётди. Дам ўтмай яна айланди. Фикрига келгани юрагига сигмади чоғи, аста гапирди:

— Отаси йўқ, дея боланинг кўнглига қараб, расво қилаяпсизлар, етти хуфтонга қадар юринига чакки ўрганди. Отаси келганда биринчи галдаёқ мени койийди.

— Отажон, Содиқжон чакки йўлга юрадиган бола эмаслар. Ахир қирқ-эллик хонадоннинг молини бирма-бир уйига элтиб бериш осонми?

— Боқаётгани колхознинг моли эмасми?

— Йўқ-а, урушга кетганларнинг моли. Ахир, бировнинг ўгли йўқ, бировнинг қизи. Уч-тўрт бола: «Мактабдан бўш вақтимизда дастёрсизларнинг молини боқиб берамиз» деб сўз беришган.

— Умридан барака топсин, кўпнинг дуосини олгани яхши.

Шу чоқ бирдан кўчада болаларнинг чуввос овози келди. Бир-бирларига бақришиб чопишди. Лекин чуввиллашганидан нима деяётганини англаб бўлмас эди. Қумрихон: «Вой ўлай» деганича қотиб қолди, оғзига бошқа сўз келмади. Келин қаламни улоқтирди, оёқяланг кўчага югурди. Чол ҳассасини тимирскилаб қидириб қолди. Болалар ҳамон югуришар «Харьков, Харьков» дея қийқиришар эди. Кўни-қўшнилар ҳам кўчага чиқди, ҳарким ўз боласини ушлаб олди. Содиқжон узоқдан: «Ойичи-ойи, Харьков шаҳарини олибмиз, Харьковни», дер ва нафаси томогига тикилиб, югурар эди. Келин уни маҳкам ушлаб олди; кўчанинг чапги осмонга кўтарилди. Олдиндан югуриб келаётган сигир, бузоқ, қўйлар қўрғонга ўзларини урди. Бирпасда уй тала-тўполон бўлди. «Харьковни олибмиз» сўзини эшитиб, Қумрихон кўкрагига туфлай-туфлай шийпондан тушди:

— Оғзингдан айланай, олиб келган хабарингдан ҳам.

Келин Содиқжонни маҳкам қучоқлаганча бош-кўзидан ўпар, алланималар деб эркалатарди.

— Нима гап ўғлим,— деди чол ҳассасини супага тираб.

— Отачи, ота,— деди Содиқжон ва келиннинг қўлидан чиқиб, чолга томон югурди,— дадамлар фашистларни пачоқ-пачоқ қилиб, Харьков шаҳарини олишибди, ҳозир Қурбон акам радиодан эшитибдилар. «Ойингларга бориб айт»,— дедилар. Ўз қулоқлари билан эшитибдилар.

— Паҳлавонлар, паҳлавонлар, бошлари тошдан бўлсин, бу балолар бошимиздан даф бўлсин!

Чол боланинг бошини силади, кўзларига тўлган севинч ёшларини дув тўкди. Содиқжон ўзининг яхши хабар топиб келганидан мамнун бўлиб, ҳаммага бир-бир термулар, севинчини босолмай ҳамон жилмайиб турарди.

— Супага чиқинг опаси, ошингизни енг!— деди келин ва ошхона томонга кетди, ош келтира туриб:— Опоғойи, иди қурулишга чиқишимиз керак, Харьков қайтариб олишдан хабарини кечаси эшитсак, ўша зоҳоти ишга туша-



миз, кундузи эшитсак бир нормани беш қилиб бажарамиз, демабмидик.

— Ҳа-а, фронтчасига ишлаймиз деганмиз-а. Ҳа демай Қурбон ака ҳам чақириб келиб қолади. Келмасидан бора-қолайлик!

— Мен отамнинг ўринларини солиб берай, сиз сигирни соғиб олақолинг!

Бир зумда ҳамма иш ҳам битди. Келин нимчани кийди. Икки ўрим сочини бошига чамбар қилди, оёғяга этик кийиб, эгарлаган отдек бўлди. Икки овсин кулиша-кулиша қургондан чиқди ва шерикларини йўл-йўлакай хабарлашмоқчи бўлишиб йўлга тушди.

Келинойи, аэропланингиз қолдику,— деди Содиқжон сунадан туриб. Келин орқага қайрилди, тол тагида тургани, аэропланига ўхшатиб ишланган нарсани кўтара кетди. Чол ҳайрон бўлди, ёстиқдан бошини кўтарди.

Аэропланинг нимаси, ўғлим?

Не қили шитганингиз йўқми? Қуйи бўзсув электр станциясида ишлаганлар шунақа аэроплан билан ишлагани. Бу усулни Валентин Пак деган бир комсомола йини чиқарган. Ўзи ёш бўлса ҳам, кўкрагида ордени бор. Эранг ерларни дўм билан уриб шундай қазийдики, ҳамма ҳайрон қолади.

— Ахир бу, аэроплан деганинг осмонда вонгиллаб юрадику, уни келинойинг қандай олсин?

Содиқжон завқланиб кулди, еяётган ошининг гуричлари сочилиб кетди.

— Қизиқсиз-а ота, бунинг оти шунақада ўзи, бўлмасам фанердан қилинган. Ушани орқаларига кўтариб тупроқ ташишади. Бу — қоп, замбилга қараганда ўнғай, ҳам иши тез бўлади.

Чол кулиб: «Ажойиб ишлар!»,—деб қўйди.

— Мана, келинойим ҳам Эргаш акамга ёзаётган хатларида: «Менга аэроплани Содиқжон фанердан ясаб берди»— деб ёзибдилар. Шунини ҳам айтибдилар-а. Эргаш акам тоза куладилар-да бунга. Вой-бой... Валентин Пак кунига икки-уч кубометрдан ер қазини ўрнига 26 кубометрдан қазир экан-а!

— Алаҳдаяпсанми, болам?

— Ишонмайсизми, маша, келинойим хатга ёзибдиларку. Кунлик планини бир мишг бир юз икки процентга егказиб бажарар экан.

— Бу азамат қаерлик экан?

— Бу ўзи Ўрта Чирчиқ районидан келган. Ота, тўхтанг, хатни бошдан ўқийман.

— Қўй болам, бировнинг хатини ўқима, ёмон бўлади.

— Бировми, ўзимнинг келиноним ёзганларда.

— Қаллиғига ёзган нарсани ўқиса уят бўлади. Ахир, ўзларининг алоҳида гаплари бўлади.

— Алоҳида гаплар чиққанда ўқимай қолдираман, майлими ота?

— Чол кулди:

— Алоҳида жойи келганда, кўзингни юмасанми?

Содиқжон илжайди, хатни ўзига яқинроқ сурди, хонтахтага тиралиб, хатга астойдил тикилди ва бош қисмини ўқимайқолдирди.

«...Гўзал Ўзбекистондан ёз, олтин ўлкам ҳаётидан ёз, дейсиз, нимадан бошлашимни билмайман. Ўсиш катта. Сизлар учун танк керак, тўп, яроғ-аслаҳа керак, аэроплан, парашют, озиқ-овқат керак. Фашист босқинчилардан озод қилинган қардош ўлкаларнинг хўжалигини тиклаш учун, фронт орқасини мустаҳкам тутиш учун кўп нарса керак. Мана шуларни бизлар бажараётимиз. Саноатимиз ўсди, экин ерларимиз кенгайди, мана булар учун нур керак.— Олтин ўлкангиз учун ёқут кўз керак бўлиб қолди. Халқ кучи блан мамлакатимизда электр қувватини кенгайтириш ма'ракаси бошланиб кетди. Қанчадан-қанча гидроэлектрстанциялар қурилаётир. Қурилишларимизнинг энг каттакони Фарҳод гидроэлектрстанциясида ажойиб му'жизалар яратилди, кўплаб меҳнат қаҳрамонлари етишди. Самарқанд области йиллик планини 4 ойда бажариб қўйди. Ҳарбир киши уч-тўрт кишининг ишини бажараётир. Салор ГЭС, Қуйибўзсув гидроэлектрстанциялари битиш олдида турибди. Биринчи ва учинчи Оққовоқ гидроэлектрстанциялари ишга тушди. Опоғойим иккимиз ҳам шу Қуйибўзсув қурулишида ишляпмиз. Бизнинг бригадамиз гвардиячи бригада деб аталади. Икки марта қўй блан мукофотландик. Сиз аэроплан ичида ўлтириб, осмонни айланасиз, фашистларнинг бошига ажал уруғини сочасиз. Биз «аэропланни» орқамизда кўтариб, тупроқ ташиймиз, фашистларни гўрга тикамиз. Сиз лочину, биз тулпар...»

Содиқжон бирдан жим қолди, кўзларини уқалаб, лампани яна ҳам юқорироқ чиқариб қўйди.

— Ҳа болам, тамом бўлдими?— деди чол, лаккасидан қўлини олиб:

Ҳали ўқима деб урушаётган эдингиз-у, энди бир дам тўхтагани ҳам қўймайсиз.

— Қайдан билай, ахир... Бошқа нарса ёзганми, деб хаёл қилгандим.

— Ўзим билдим-да.

Яна ўқий бошлади:

«Қуйбўзсув қурилишига Тошкент областининг бутун қишлоқ районларидан колхозчилар келиб ишлашаётир. Ховос районлиларни асти қўяверинг. Бирнеча ойдан бери кўчма Қизил Байроқни қўлдан бермайдилар. Район бўйича планлариши 400 процентга етказиб бажараётирлар. Тағин булар энг қийин участкада — тўғон қурилишида ишлайдилар. Қийқиришиб бир ишга тушиб кетишса, ҳаммасини одам босиб кетади. Кетманнинг зарбини кўрган ишчилари оҳангини, ўйинчи муқомини йўқотиб қўлиди»

«И болмаси тушкур, лоп қилибди-да,— деди чол кулиб, буюмса, бу ерда ўйинчи нима қилсин.

Ўзги ота, шаҳардан тез-тез ўйинчилар келиб, ўйин қилиб беришади. Бир кунга бўлса ҳам кўзингиз кўрадингми бўлганда эди, ҳаммасини айлантириб кўрсатардим.

Болди ифсуслангандек чолга термулди.

Кўрмасам ҳам кўнглим ҳаммасини сезиб турипти. Энди сенлар омон бўлинглар. Дун'енинг роҳатини сенлар кўринглар, даданг урушда голиб бўлиб, омон-эсон қайтсин. Бу нузли кунларни кўриб яйрасин.

Биласинми ота, дадам келгунларича гидроэлектр-станциялари битади, а, ота?

— Албатта болам, энди ўқиб бўлдингми? Ётақол, яна тонг саҳардан туриб кетасан.

— Мана буёғини эшитинг:

— «Биз — тулпар, деган гапимдан балки куларсиз. Салор ГЭС қурилишида ишлаётган хотин-қизларнинг ер қазинини кўрган эркаклар уялиб, ерга қараб қолаётирлар. Гвардиячи бригаданинг а'зоси Елена Томина 4—5 кубометр ўрнига 45 кубометрдан, Мария Севастьянова 64 кубометрдан бажараётир. Фронтча ишлаш кучимизга куч, қувватимизга қувват қўшаётир. Бутун кучимиз душманни енгришга...»

Содиқжон шу ерга келганда ўқишдан тўхтади. Хатнинг бошқа варақларини титкилаб қолди.

— Ҳа ўғлим, ўқиб бўлдингми?

— Бошқасини ўқимай қўяқолай.

- Нега, чарчадингми?
- Йўқ, ойимларнинг олдиларига борайми деяпман.
- Кечаси нима қиласан болам, улар ишлашади.
- Мен ҳам ишлардим-да.
- Кундузи ишласанг ҳам бўлади. Хатда бизлар ҳақимизда ҳечнарсга ёзмаптимиз, ўғлим?
- Ёзибдила. «Отам бизнинг катта давлатимиз, юрак тўқимиз» дебдилар.
- Чол жим қолди. Содиқжон чироқни ўчириб, ўрнига кирди.



## МАРДЛИК — МАНГУЛИК

1943 йил январь охи. Кун совуқ. Қор, ёмғур кўз очирмайди. Лекин шу совуқда Михаил Маркович Соблев Бекободга жўнаши лозим. Фарҳод ГЭС қурилишида иш бошлаш керак. У, йўл тайёрлигини кўрабошлади. Хотини — Анна иссиқ кийимларни чемоданга жойлади ва у нимадир ёқмагандай чимирилиб, эрининг ўйчан кўзларига тикилди:

— Миша, кун жуда совуқ, кейинроқ жўнасангиз бўлмайdimи?

— Булмайди, — деди ўйлаб ҳам турмай инженер Соблев ва ажабланиб хотинига қаради, — урушдаги йнгитлар душманни иссиқ уйда ўтириб қиришаяптимикиан?

Анна қизариб, ерга тикилди. Соблев Тавоқ ГЭСни битириб, кўчиб кетаётганида бўлган бир воқияни хотинининг эсига туширди.

«Миша амаки кетар эмиш» деган хабар тарқалди. Ҳарким ўз ҳолича тараддудга тушиб қолди. Ҳатто сигир соғаётган кампир ҳам шошиб қолди. У бир даста райҳон гул блан бир товоқ қаймоқни кўтариб йўлга тушди.

Кампир келтирган нарсаларини Аннанинг қўлига тутқизиб «яхшиларни йўқлаб келдим. Биладан, меннинг нарсамга зор эмассизлар, айибга қўшмайсизлар, кўнглим тортди, келтирдим», деди кулимсираб. Михаил Маркович ҳам кампирни очик чеҳра блан қарши олди.

Анна бу воқияни эслаб туриб кулиб юборди:

— Содда, ёқимли кампир эди. Ҳарбир янгилик уни қувонтирарди.

— Халқ шунақа меҳрибон бўлди, деди Соблев, — бу меҳрин тугдирини учун жонини аямай халққа хизмат

қилиш керак. Совет ҳукумати бизни халққа астойдил хизмат қилиш учун ўқитди, билимлик қилди.

Анна айтган гапига пушаймон бўлди, лекин буни эрига сездирмади, тез-тез йиғиштирабошлади. Соблев, хотини блан хайрлаша туриб, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидан бир байтни эслади:

«Ҳунарни асрабон неткумдур охир,  
Олиб тупроққа му кеткумдур охир?»

29 январь. Соблев Фарҳод ГЭС қуриладиган жойда, қор босиб ётган яйдоқ қирда ГЭС режасини кўтариб юрипти. У иккинчи участкага бошлиқ қилиб тайинланган. Шу бугун уй-жой тайёрлаш учун келаётган наманганли 3000 колхозчини қабул қилиб олиш керак. Бу ерда иа бир қаққайган дарахт ва на бир бошпана топиб бўлади. Бойқуш ҳам «қуқ» демайдиган жойлар.

Соблев ГЭС ни қандай қуришни яхши билади. Буни Самарқанддаги гидротехникумда, индустриал институтида ўқиб билган ва Тавоқ ГЭС, Оқтепа ГЭСларни қуриб тажриба ортдирган. Лекин 3000 кишини бирдан, қиш қировли кунда жойлаштириш масаласида боши қотиб қолди. Яна поезд бу ерга кечқурун етиб келади. Папирос чекиш учун олиб юрган чақмоғидан бошқа ёруғ берадиган бир парса йуқ. «Бу иш қўлимдан келмайди», деб ташлаб кетиш номарднинг иши. Помус-ор бунга йул қўймайди.

— Менга иш топширган кишилар бу томонини ўйлашдими экан?— деди у ўз-ўзига, папиросни тутата туриб.— Бу ерда папирос чекиб ҳам ҳузур қилиб бўлмайди. Изғирин бир зумда тамакини ялаб кетади, қулоқларни жиз-жиз узади. Қор парчалари ердан кўтарилиб, юзга уради. Оёқ босган ернинг текисми, ўнқир-чунқирми эканини ҳам билиб бўлмайди.

Соблевнинг бошига юз хил хаёл келиб кетади. Келган кишилар уни боплаб сўкишадигандек туйилади.

Паровоз бир қичқирди-ю, аста-секин тўхтади. Соблевнинг юраги дукиллай бошлади. Тоғдек ташвиш елкадан босди. У ҳамон янги келган кишиларнинг тунда, очиқ ҳавода қолишидан қўрқар эди. «Кўз қўрқоқ — қўл ботир»,— деган кексалар; бир амаллармиз, деди у, ўзига тасалли бериб, кейин дадил қадамлар блан поезд тўхтаган ерга келди. Колхозчилар тўда-тўда бўлиб, вагонлардан тушабошлади. Улар от-аравалари, қора уй, чодир-

каналари, ўтин-кўмир, озиқ-овқатлари блан келган эдилар. Кимдир қўл фонарини ёқди. Кимдир тахта-ёғочларни кўтарди. Соблев колхозчиларнинг бошлигини топиб, қўниладиган жойни кўрсатди. Кишилар келтирган ҳамма нарсаларини ўша ерга ташлай бердилар.

Соблев ҳайрон бўлиб: «Иш бошдан пухталанган, қандай ерга бораётганлари айтилган экан, ҳайрият!»— деди, бирдан енгиллашиб кетди.

Қор куралди, ерга тахта ётқизилди, устига чодир капалар, қора уйлар қўндирилди. Учоқ кавланиб, қозонлар осилди. Тўрт тарафдан ёқилган оловнинг дамида бутун қир илиб кетгандай бўлди. Катта самоварларга чўғ ташланди. Кимдир қўлига тарелка олиб, овозининг борича ашула айта бошладди. Кўз очиб-юмгунча палов дамланди. Ҳар томондан: «Ўртоқ инженер», деган овоз кўтарилди. Соблев қайсегига борарини билмай шошиб қолди. Бу қирдан қор ҳам, шамол ҳам қочгандай бўлди.

Ўртаси кун азондан колхозчилар уй-жой тайёрлашга тушдилар. ертўлалар қазिशга, чойхона, ошхоналар тайёрлашга киришдилар.

Ҳаво ҳам қизиқ, кунига неча марта ўзгаради: ҳозир қор егиб турган бўлса, бирпасдан кейин қуёш чиқади.

10 февральда ҳаво чарақлаб очилиб кетди. Ердан бўғ кўтарилди. Бекобод шамоли нам жойларни қуритди. Қир устини одам босди. Бу участкага Намангандан 10 миң колхозчи келди. Михаил Карповичнинг кўрсатини блан ҳамма бирдан ер қазинишга, тупроқ чиқаришга бошлади.

Бундан тўрт йил илгари Фарҳод ГЭС қурилишидаги жанговар меҳнат шундай бошланган эди.

Михаил Маркович бу ерда «Миша амаки» эмас, «ўртоқ инженер» бўлиб қолди. У, колхозчиларга ота бўлди, ғамхўрлик қилди, иш ўргатди. Уларнинг фойдали маслаҳатларини тинглади. Яхши ишлаганларни бошқаларга намуна қилиб кўрсата билди. Тонг отганини, кун ботганини сезмай қолди. У хотинига ёзган бир хатида шундай деди: «Анна, соғиндим, айниқса ўғлимни. Боришга фурсат бўлмай қолди. Шундай азамат йиғитлар блан ишлайманки, улардан бир минут ҳам ажралгим келмайди. Наманган районидан келган Эгам Бердиевнинг беш кишидан иборат звеноси кунига 25—30 нормадан ишлайди. Ваганга бўлган муҳаббат кишиларнинг ғайратини ошириб юборди. Фарҳод ГЭС мамлакатга нур беришини,

фабрика-заводларга куч беришини, фаровон ҳаёт шуларники эканини яхши биладилар. Уларнинг мардлиги мангу шон-шавкат яратади. Шунинг учун кучларини аямайдилар. Сен бу гапларга ишонмаслигинг мумкин, яхшиси кўчиб кел, ўз кўзинг блан кўрасан, ғайратланасан. Колхозчилар бизга ҳам уй қуриб беришди».

Анна кўчиб борганда колхозчилар кетиб, доим ишлаш учун қолган 150 га яқин киши бор эди. Булар ҳам болачақаларини кўчириб келдилар. Қирда кичкинагина шаҳарча пайдо бўлди, «ўртоқ инженер» деб уйга келучилар ҳам кўпайди. Саводсиз савод чиқаришга, ҳунарсиз ҳунар ўрганишга ҳаракат қилди.

Бир кун Соблев колхозчиларни тўплаб шундай деди: — Ер қазिश ишларимиз тугаллаб қолди, энди ГЭС учун иморат қурамиз, бетон ётқизамиз, арматура ясаймиз. Кимнинг шу ҳунардан хабари бўлса, қўл кўтарсин!

Ҳечким қўл кўтармади.

— Ким ўрганишни истаса, қўл кўтарсин,— деди Соблев одамларга телмириб туриб. Ҳамма бирдан қўл кўтарди. Соблевнинг юзига қизиллик югурди. Лаби илжайди. Шу кунисқ ҳунар ўрганиш тўғарақларини ташкил қилди.

Бетон ётқизишда, бино қуришда, агрегатлар, электр қувватини кўпайтиручи ёрдамчи станцияни монтаж қилишда ҳам наманганли азаматлар ишлашди. Михаил Маркович, Каримов, Ҳошимов, Пармонов, бинокор уста Донаев, Жўраев, Тўхтабоевларнинг қурилишдаги қийинчиликларга бардош бериб, мардона ишлаганликларини мағрурланиб сўзлайди.

Аннанинг ўғил туғиши баҳона бўлди-ю, ҳаммаси бир кун Михаил Марковичнинг уйига тўпланишди. Шу кун Соблев ҳаммомга тушди. Янги кийимлар кийди. Кўкрагига Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Меҳнатда ўртак кўрсатганлиги учун» медалини тақди. Меҳмонларни эшик олдида кутиб олди. Тўхтабоев у блан кўриша туриб: «Эй, ёш экансизку, ўртоқ инженер»,— дея кулди.

— Ҳа, қари деб уйлабминдигиз?— деди Соблев,— қурилиш чанғида кўрган киши сизни ҳам комсомол деб уйламайди, «бобой» дейди.

Ғигитлар қаҳқаҳалаб кулишди. Ҳазилга-ҳазил уланди.

— Ўртоқ инженер, ГЭСимизни битириб, колхозга борганимизда биз ҳам ўзимизга ГЭС қуриб оламиз,— деди ҳазил қилиб Ҳошимов.




— Ўқиш керак,— деди Соблев,— ўқиш. Яна бир ғайрат қилиб ГЭСни битириб олсак, колхозчилар канални тамомлаб, сувни бизга келтириб берсалар, марра бизники. Шу куни катта тўй қиламиз.

— Шу куни сизни қутлаймиз,— деди биттаси.

— Биз халқни қутлаймиз, халқ бизни. Биз ҳамавақт халқ блан!

*Фарҳод ГЭС қурилиши.*





## КЕЛИН УҒИЛ ТУҒИПТИ

Поезд Хильково станциясига ташлади-ю, кетаверди. Қампир набираси Назирали блан қаёққа борарини билмай, тўрт томонга аланглаб қолди. Шу топда яна поездга ўтириб, қайтиб кетгуси келди. Онадан адашган боладай ўпкаси тўлди. Станциянинг бир чеккасига ўтиб, ўтириб олди.

— Туғмай ўлай болам, яхши аниқлаб олмапсан-да, онангнинг ҳам юраги дар'ё. Бўлмаса, келипининг туққанига уч ой бўлибди-ю, бир келиб-кетай демади... «Қолхозда иш кўп, иш кўп» деди, холос. Иш битармиди. «Хат ёздим, сарпо юбордим» дейди-ю, кўнгли тинчийди. қўяди. Ўзи келиб кўриб кетганда бизга тузикроқ тушунтирган бўларди.

Бу гаплар Назиралига қаттиқ тегди. Тўртинчи синфни битирган бола йўл юришни билмайди, деяртгандек туйилди. У, лабларини чўччайтириб, товуш чиқарар-чиқармас гапирди:

— Тушунтирдиларку...

— Тушунтирган бўлса, энди қаққа борамиз. Сафарали қаерда туради десак, биров айтиб берадимиз?

— Нега айтиб бермасин, айтиб беради. Анови турган милиционердан сўраб келайми?

— Болалигинг қурсин. Дун'ёда Сафаралидан купи йўқ.

— Хотини ўғил туққан десакчи?

— Бо, болам эсингни епсан. Илгари замонда кунига мингта одам ўлса, бир кам мингта туғилар экан. Ҳозир эса, бизнинг юртимизда мингта ўлса бир ярим мингта туғилармиш, ҳеч бўлмаса шунинг ярмиси ўғилдир.

— Уғлининг отини Фарҳод қўйган деймиз.

— Бу ерда туғилган ўғилларнинг оти Фарҳод, қизлариники Ширин эмиш.

Назирали бармоғини тишлаб, ўйланиб қолди. Кампир тугунини ёнига тортиб, уёқ-буёққа қарай бошлади. Поезддан тушганлар ҳаммаси шаҳарга кириб кетди. Уша ерда югириб юрган бир ёш жувондан бошқа ҳечким кўринмади. У ҳам шаҳар томонга кетабошлади. Кампир қўлини чўзиб, шу жувонни йўлдан қайтарди:

— Ҳой болам, буёққа келинг, Фарҳодстройга келган эдик, йўл тополмай қолдик.

— Қимникига бормоқчи эдингиз?— деди жувон кампир блан кўриша туриб,— Фарҳодстрой жуда катта жой.

— Оҳ сиздан ўргулай, боласи тушкур ёшлик қиляпти. Қаерда эканини унутиб қўйлик. Сафаралиникига бормоқчи эдик. Хотини ўғил туққан эди. Уч ойдан бери йўқлолмадик. Ургулай, ёлғизгина ўғилдан қолган мана шу иккинги нишона, отаси урушда нобуд бўлди.

Даррон кампирнинг кўзига ёш келди, енг учи блан арта бошлади. Назирали «Бу гапларнинг нима кераги бор экан, дея ич-ичидан гижиниб турди. Кампир гапида давом этди.

Тўрт йил бўлди, боласи тушкур шу ёқларга келиб қолди. Бир борганида «Бирнеча темир дарвозалик катта тўғон қурайимиз», деган эди.

У яна бир нарса демоқчи эди, лекин ҳалиги жувон гапини бўлди:

Ҳа, бош тўғондаги Сафаралини айтасизми, уни биламан. Асакадан келган.

— Вой оғзингиздан айланай, худди ўшанинг ўзи. Билар экансиз, яхши ҳам сўрадим.

— Бу ерда уни ҳамма билади. Тупроқ қазишда азаматлиги блан донг чиқарган.

Бувим ҳам «Бекободга бориб сўрасаларнинг ҳамма айтиб беради» демаймидилар!— дея Назирали гапга праланди.

Кўчини қурмасини, кампир жилмайди,— энди тилини чиқиб қолди. Боядан бери қовоғингдан қор ёғаётган эди Уни Бекобод қани ахир? Ҳалиги жувон буларни бош тўғонга қатнайдингиз автобуста тушириб юбориш учун бошлаб кетди.

Автобус буларни чап қиргоқдаги клуб олдида туширди. Энди кампир дадиллик блан сўради:

— Сафаралининг уйи қайси, болам?

— Унинг уйи ўнг қиргоқда,— деди деворга кино эълонини ёпиштираётган йигит,— анави катта тўғоннинг устидан ўтиб бориш керак,— қўли блан кўрсатди. Она-бола яна йўлга тушишди. Сирдар'ёнинг чап қиргоғига қурилган кичкина ГЭСнинг тўғрисига келганда Назирали тўхтаб қолди.

— Ҳа, адашдикми?— кампир ташвишланиб сўради.

— Йўқ,— Назирали оқ уй томонга қўл чўзди,— ана акам.

— Акангдан айланай, қани? Фарҳод тоғидан тилла топганми десам, оқ уй, ола баргакларда ўтирган экан-да!

Назирали нндамади. Кампир қўлини соябон қилиб энгашиб қаради. Сафарали кичкина ГЭСга кираверишдаги йўлакда, ўртага стол қўйиб бир рус қизи блан ўтирган эди. Дар'ё томонидаги очиқ деразадан кирган майин шамол у қизининг жингалак сочларини ҳилпиратиб турарди. Кампирнинг назлида бу олтин сочлар Сафаралининг юзига тегаётгандек, иккиси столга мукка тушиб сўзлашаётгандек туйилди.

— Вой ман туғмай ўлай... Бу нима ўтириш?— дедию, кампирнинг қўлтуғидан тарвузи тушиб кетди. Ич-ичидан эзилиб «Мен буни туну-кун тош қазиб, тупроқ чиқариб юрипти десам, бу касофат бошини салқинга тортиб, айш-шрат қилиб ўтирар экан», деди.

— Чақирайми?

— Йўқ, йўқ, чақирма. Кўрмаям, куймаям.

Икки қўли блан қузини беркитди, ўша ердаги бир катта ҳарсанг тош устига ўтирди. Дармони қолмагандек оёқлари қалтириб кетди. Назирали бинога яқинлашаборди. Акасидан қузини узмай тикилиб турди. Сафарали столдан бош кўтарди, ҳалиги рус қизига бир нима деб кулди. У қиз ҳам кулди-да, Сафаралининг киптига уриб қўйди. Назирали борарини ҳам, бормасини ҳам билмай қолди. Ачасига қараб қўйди. Кампир ҳамон бошини экканча, ўтирарди. Назирали ахир чидамади: «Ака!» деди. Сафарали ялт этиб қарадию, қўлига шапкасини ушлаган ҳолда эшик олдига чиқди. Назирали боши блан қайрилиб ачасини кўрсатди. Сафарали бир зина пастга тушган эди,

орқадан рус қизи бир нима деди. Сафарали бошини қи-мирлатганча укаси томон келаверди. Укасини бағрига босиб кўришди, пешонасидан ўпди. Кампирнинг олдига бориб: «Хуш кўрдик, ача!» дея та'зим қилиб кўришди. Кампир совуққина сўрашди. Икки қўлини Сафаралининг елкасига ташлади. Истар-истамас: «Ўғил қутлиқ бўлсин!» деди. Сафаралининг нимагадир, ичи ғаш кўринарди. Шундай бўлса ҳам у билдирмасликка уриниб, кампир-нинг атрофида гирди-капалак бўлди. Қандайдир бир йи-гитчани чақириб келди.

— Буларни бошлаб бизнинг уйга олиб бор. Ўнг қир-ғоқдан келмай, ўзларини қийнаб қўйишипти.

У буларни йўлга солиб, ўзи яна оқ иморат томонга бурилди. Кампир қадам ташлаб туриб тўнғиллади:

— Уйнаш турганда ачасини бошига урсинми? Гулдек хотини уйда турсиу, у буёқда шарманда булиб юрсин. Лекин бу гапни ҳечким эшитмади. Бош тўғондан чиқаёт-ган сувнинг шовқини халақит берди. Олдинда йўл бош-ловчи, кейинда Назирали блан кампир баландликка кў-тарилишди. Назирали бу ажойиб қурилишга тўймай, тўғон орқасида ҳосил бўлган катта кўлга суқланиб қара-ди. Кампирнинг кўзига ҳечнарсга кўринмади. Сирдар'ё сувини икки терак бўйи баландликка кўтариб турган бош тўғон устидан ўтиб кетганини ҳам сезмади. Дард дун'ёси қоронгиланиб кетди. Ичида нималарнидир гапириб борди.

→ Яхши отадан ёмон бола ҳам тугилар экан. Ота-си қандайини нозанин жувоп тўғри келса ҳам, кўз қи-рини ташламазди. Бу бебош булиб кетди, тиядиган ки-шиси бўлмади. Уша колхозда кетмончи бўлиб юргани минг марта яхши эди. Ҳамма ишни қилди, раис қилди: «Кўндан қолмасин», деди. Мана энди нима бўлди. Ҳали эшикдан киришим блан келин қиёмат кўтаради, йиғлай-ди. Билмайди дейсизми? У ҳам уйда ўтирган келин эмас-ку! Ишлайди. Бирда бўлмаса, бирда эшитади. Тешик қулоқ эмасми?

Кампир келганига пушаймон еди. Юраги пўкилла-й пўкиллай эшикдан кириб борди. Келин ичкари уйдан огилиб чиқди. Кампир блан қучоқлашиб кўришди, буришган юзларидан қайта-қайта ўпди. Кампир ҳамон унинг қош-қовоғига телмурар, авзойини синчиклаб-син-чиклаб текширар эди. Лекин келини онаси, қариндош-уруғларини сурар, хандон ташлаб кулар, кампирнинг



## ЮРАГИДА УТИ БОР

— Қиқилламай қолинглар, булди-да энди,— деди кампир ёстиғидан бошини кўтариб,— уйқимни ҳам қочиб юбордиларинг!

Уч қиз сандалнинг уч томонига ўтириб олиб ҳамон қотиб-қотиб кулишар, нималарнидир очиқ гапиролмай, сўзларининг ярмиси ичларида қолиб, яна қиқиллашар эди. Чакаклари қуришиб, кўзларига ёш тўлгунча кулишди. Кампир уларнинг кулги орасида эшитилаётган яримтаюримта гапларига тушунаолмаган бўлса ҳам, беихтиёр кулгига қўшилди. )

— Вой сизларни кўтармасин, нима бўлди ўзи? Бирор таснинг орқа этаги очилиб қолибдими?

Санталат бошидаги дуррачасининг бир учига кўз ёшларини суртиб, ўзини бироз кулгидан сақлаган бўлди ва:

— Кузда калтак ейишдан қўрқиб, ҳалитдан олдини олаётир,— деди. Яна кулги кўтарилди.

— Кўзларинг кур бўлмасин, кимни айтаяпсизлар?

— Уринбой акам-чи, буви, жўжавурдек жон бўлиб, бўйинларига тўрва-халта тушиб қолди.

— Вой нима қилипти? Хотини Ҳасан-Ҳусан туғиб-тимп?

— Ҳасан-Ҳусан бўлса-ку, жон дёр эдилар-а, тўрт жуфт Фотима-Зухра туғибди. /

— Гапингнинг тузи қурсин болам, у нима деганинг?

— Ахир 8 та қиз туғибди деяпманку.

— Сен қақажонларга гап келмасин, темирчидек чўза-берасанлар, мажлисларингда бир нарса ўтганга ўхшайди.

Қундуз орқасига ўгирилиб бўлган воқияни кампирга тушунтира бошлади.

— Бувичи,— деди жилмайиб у,— бугун правление-мажлиси жуда қизиқ бўлди: бригада, звеноларни қайтадан тузишди. Уринбой акани звено бошлиғи қилиб, унга 8 та комсомол қизлардан беришди.

Қизлар яна қотиб-қотиб кула бошлашди. Кампир ҳайрон бўлиб:

— Ахир бунинг нима кулгилиги бор, қизлар колхозда ишламаптими?— деди.

— Тагин қанақа қизларни берибди денг, мен, Салтанат, Хайрихон, Улмасой бунинг устига десангиз,— Башор кичкина, Норчучукни ҳам беришди.

— Утган йилда бир кун ишга чиқиб, бир кун чиқмай юрган тоза такасалтанглар Уринбой акага тушди,— деб гапга Хайрихон қўшилди.

— Раис ҳамма бригада, звеноларни айтиб, энг сунгида Уринбой аканинг звеносига кирганларни санаб берган эди, Уринбой ака бир чўчиб тушди. Ундан кейин қўлини пешонасига уриб:— «Шўрим қурди» деб юборди. Унинг гапига ҳамма кулди, ўзи ҳам қўшилди. Раис ўзини жиддийликка олишга шунча уринди, бўлмади шекилли, у ҳам кулди.

Бола фақирга қийин бўлибди-да, ўзи довур-довур йигит бўлса ҳам, то шу чоққача бирор хотин-қизнинг кулглини оғритган эмас. Уринбой бола бўлиб оғзидан бир чакки сўз чиққанини эшитганим йўқ. Шунинг учун қизлар блан ишлашга чўчиётгандир-да! У кўз очиб меҳнатни кўрган.

Шу вақт девор орқасидан эркак кишининг йўталган товуши келди. Қизлар кулгидан тўхташди. Кампир уларни:

— Уринбой уйига келганга ўхшайди, қизлар, ётинглар энди, эшитиб қолса яхши эмас,— дея уришди. Қизлар ивир-шивир қила-қила ўринга ётдилар.

Уринбой шу кунни тонг отдириб, тоқи санаб чиқди. Раисни ҳам бир сузлигидан хафа бўлди. Тонг гира-шира ёриши блан пахталик тўпини эгшига илиб, кўчага чиқиб кетди. Тугри ўзига берилган ернинг тепасига борди. Боши қотиб, нима қиларини билмай ҳали гўзапоялари сугуриб ташланмаган ернинг тепасида ҳайрон бўлиб қолди. Ўзи ишга тушаберай деса мумкин эмас, бу бир кишининг иши эмас, қизларни чақириб ишлатишга юрак бетлайолмайди. «Бор эй» деб ташлаб кетини — йигитлик эмас.

— Таваккал,— деди Ўринбой,— қизларни йиғиб келаман.

У дев қадам блан юрдими, бир зумда Хайрихоннинг эшигига келиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Аста-аста дарвоза ҳалқасини шиқиллатди, ичкаридан товуш келди:

— Лаббай... ҳозир.

— Хайрихонни уйғотиб юборинг, ишга чиксинлар.

— Хайрихон уйда йўқ эди. Ўртоғи Санталатникада ётиб қолган.

Ўринбой Қундузникага қараб ўтди. У ердан ҳам шу жавобни олди.

— Нима бўлган буларга? Ҳаммаси бир уйга овсич бўлганми?— Ўзича гувраниб, Санталатникага борди. Эшикни таққиллатди:

— Ҳа, ўргулай, кимди?

— Ўринбойман, қизлар шу ерда эканми? Уйғотиб юборинг хола. Ишга чиқишсин.

Қизларнинг кечаги гапи эсига тушиб, кампирнинг кулгиси қистади.

— Тоза қақажонларга кунингиз қолиптику болам, бу ёққа кириг, чоӣ тайёр.

— Раҳмат хола, анов катта тол тагига йиғилишсин, ўша ердан далага борамиз.

— Хўп, тасаддуқ.

Сал ўтмай қизлар йиғилиб, далага боришди. Кеча ёмғур ёққан, ер бўкиб ётган бўлишига қарамай, ғўзапоя суғиришга тушишди. Ўринбой уларга аралаша олмай, бир чеккадагина ишлайбошлади. У ба'зан ер остидангина қизларга кўз қирини ташлаб қўяр, ўзидан-ўзи жилмаяр эди. Қизлар бўлса, нималарнидир аста-аста сўзлашиб пиқир-пиқир кулишарди. Санталатнинг юраги ёрилгудек бўлди, бирдан пиқ этиб кулиб юборди. Қизлар ҳаммаси ялт этиб Ўринбойга қарашди.

— Ҳа, шайтон қиз,— деди Ўринбой,— шу ерда ҳам қўймайсан-а?

— Ўзингизни кўрмайсизми, ахир берироқ келиб ишласангиз, бизлар еб қўямизми,— дея Санталат гап бошлади. Ўринбой ҳам суғурган ғўзапояларини марзага чиқариб, қизларнинг ёнига борди.

Бувинисо икки қўли блан белини ушлаб қаддини кўтарди.

— Вой белимей.



— Олҳа, ҳалитдан белингиз оғридими, эрта-индин зовур қазиганда, ўғит ташиганда нима қиласиз, буни дала иши дейдилар, дала иши нозни кўтармайди,— деди Ўринбой.

Қизлар бир-бирига қарашиб олдилар, Бувинисога қараб кўз қисдилар. Бу сўз Бувинисога қаттиқ тегди шекилли, лабини буриб тескари қараб олди. Тикка турганича, тирноғини ўйнаб қолди. Ўринбой ҳам унинг хафа бўлганини фаҳмлаб, қанақа қилиб кунни кеч қилганини билмади. Кечқурун қизлар уй-уйларига тарқалишди. Аммо Ўринбой уйига кетмай, тўғри колхоз идорасига борди, воқинани раисга сўзлади:

— Мен нима, колхознинг ўғай боласиманми? Ахир мен қурултой минбарида туриб, халойиққа сўз берганман, бу йил ҳар гектар ердан 100 центнердан пахта берман деганман. Шу аҳволда пахта ундириб бўладими? Бугун биттаси қийинайса, эртага иккинчиси ноз қилса!

Яхши сўз кўнгилнинг эгаси,— деган гап бор. Ахир забонингизни бир оз ширин қилингда, энди звеноларни қайтадан тузиб ўлтирмаймиз. Шулар блан ишлай бера-сиз.

Ўринбой бир сўзни икки қилмай, хаёл суриб чиқиш кетди, раис унинг ортидан илжайиб қолди.

\* \* \*

Сапталат тушлик овқат учун уйига келди. Тўғри ошхонага кирди, лекин уйда кампир йўқ эди. Кейин қўрғонча орқасидаги майдончага чиқди. Кампир девор тагидаги ерни ҳадеб таша блан ўяётган эди.

Буви, нима қилаяпсиз?

— Ўғит йўқ, ўғит йўқ, далага нима соламыз», деб ҳар кунни жонрайсенлар. Мана ўғит.

Нима деяпсиз? Тупроқни қазиган блан ўғит чиқадиган бўлганда эли, даланинг ўзидан чиқарди. Трактор ерларини иши ҳаллаб бериб, тил иштани чиқариб юборди.

Ишонмайликми, мана қара, биз бола вақтимизда бу қўрғонча бўлган раҳматликнинг хўжайини яшарди. Уларнинг шу ерта ошхонаси бор эли Қуй боқарди, кейин бушлиб кетган. Оёқларинг ташини кўрмай юрасанлар.

Сапталат ерини чуқурроқ жойидан чиққан тупроқни кафтида ойналаб кўрдида, ҳақиқатан ўғит эканлигига ишонди ва югуриб ўртоқларига хабар қилгани кетди.

Уринбой қайтиб бу ҳақда раисга бир оғиз сўз очмади. Раис ҳам ҳеч сўрамай буларнинг қилаётган ишларига разм солиб юрди. Бир куни у кечаси шаҳардан келаётган эди, катта толнинг тагида кимдир ғивирсилаб юрганини кўрди. Отини тезроқ юрдириб, унга яқинлашди. Сутдек ойдин бўлгани учун суриштирмасданоқ Уринбой эканини билди.

— Ҳа, Уринбой, нима қилиб юрибсиз?

— Салом, қайтдингизми? Мана шундай. Эртадан чигитни эқмоқчи эдик, сеялқаларни тайёрлаб қўяялман.

— Қалай? Ерлар кўнгилдагидек пишдимиз?

— Хамирдек кўпчиб турипти. Ёмон ишланмади чоғи, бугун агрономлар ҳам мақулашди.

— Қизларингиз қалай?— Тирсагини эгар қошига тираб туриб сўради раис ва мийиғида жилмайиб қўйди. Уринбой бошидан дўпписини олиб, кафтига бир урди ва ерга қараганча кулди. Бир оздан сўнг бош кўтарди. Раиснинг юзига қараб:

— Қизлари тушсин, бало экан. Уларнинг фе'ли-хулқини билиб олгунча ўлиб бўлдим.

— Кўп эркалик қилишадими?

— Эркалиги ҳам майлигая, буйруқни ёмон кўришади, сал гапга капалаклари учади. «Мана шу нарса жуда керакда. Нима қиламиз, қизлар, кўчимиз оз-ку, десангиз» ҳаммаси бирдан: «Ўзимиз бажариб қўямиз», деб чуғурчиқдек чувурлашиб кетишади. «Акаси жонидан, шуни битириб қўйсак, яхши бўлади» десам, тонг отгунча, кун ботгунча бўлса ҳам ишлашаберади.

— Ука, ширин тилингизни аяманг, демавдимми!

— Биласизми уртоқ раис, ўзлари ҳам чарчаш нималигини билмайдилар.

— Юрагида ўти бор-да! Қизлар блан қувониб-қувониб ишласангиз бўлади!

Раис отига қамчи уриб идора томон кетди.



## СУҲБАТИ ЖОНОН

Мен вагонга чиққанда ҳамма ўз ўрнини топиб жойлашиб олган, ким-ким блан шерик, таниша бошлаган эди. Фақат мен жойлашган хонада бир ўрин бўш турарди. Билегда кўрсатилган 17-нчи жойни эгалладим, чамадонни юқорига қўйдим, фуражкани ҳам ешиб қозиққа илдим. Чунгакдан папирос ола туриб сўрадим:

— Чакишга қаршилик қилмайсизларми?

- Баҳузур, биз ҳам чакучилардан,— қаршида ўтирганларнинг иккаласи баробар жавоб берди. Улар темир-йўл хизматчилари эди. Биттаси анчагина ёшга бориб қолган, иккинчиси ёшроқ, қотмагина йигит. Ҳар иккисига ҳам папирос тутдим. Шерикларимнинг чакучи бўлиши мени анча қувонтирди. Йўл юрсам ҳаммавақт шундан сиқиламан. Ораминга биронта чакмайдиган одам кириб қолса, анининг у хогин киши бўлса, ҳаммавақт йўлакка чиқиб чаккини тўғри келади. Энди менинг тепамдаги ўринга ким келаркин, дея ташвишланиб турдим.

Хогин киши бўлса ҳам майли, ишқилиб чакучи бўлсин.

- Мунча ташвишланишавердингиз ўртоқ майор?--деди темир йўлчининг кексароғи, чакмовчи бўлса ҳам биз кўпчиликми-ку.

— Москвагачи борасизларми?

— Ҳа, соқолга оқ тушганида ўқучи бўлиб юрибмиз. Иван Кузьмич-ку ёш а, ёшидаги йигитга ишора қилиб гапирди,— мен ўз ҳақимда анташман. Москвага имтиҳон бер. али кетаётибмиз.

— Бу киши Иван Кузьмич, кечирасиз, сизни нима десак бўлади? Ҳали икки кундан ортқ бирга бўламиз.

— Семён Петрович. Сизни ўртоқ майор деяверамиз-да?

— Ихтиёрингиз. Захар Захарович десангиз ҳам бўлади.

— Захар Захарович, курортдан келаётганга ўхшайсиз?

— Уруш доғларини ҳали ювиб тугатолмайман. Икки ой Петегорскда давондандим. Майиб-мертукларим кўп.

— Бундай қараганда жуда соғломга ухшайсиз.

— Янги пишган нокдек деса бўладими?— кулиб айтдим.

— Бўлади. Нечага кирдингиз?

— Мана ўттиз бешни ҳам тугатай деб қолдик.— Кўзим ҳамон йўлакда Иккинчи занг урилди. Битта-иккита кузатучи ҳам хайрлашиб чиқиб кетди. Минеральныйвод вокзалида аксари кузатучи кўп бўлмайди. Бу ердан жўновчиларнинг деярилик ҳаммаси курортдан қайтучилар. Бир ой ичида орттирилан ошна-оғайни ҳам электричкагача кузатиб чиқади. Шу лайт каттагина бир чамадонни кўтариб бизнинг хонага насилшик кириб қолди. Биздан кечирим сўраб, чамадонни юқорига жойлади. Орқасига қайрилиб: «Мана шу сизнинг жойингиз», деди. Йўлакчадан туриб бир жувон юқорига қараб қўйди, насилшикка пултўлади. Узи ичкари кўрмай, вагон деразасидан кўчага қараб турди. Биз бир-биримизга қараниб қўйдик. Кейин бир сўз ҳам айтмай ўтирган еримизда у жувонга қараб турдик. У бизга орқаси ўгириғлиқ, икки қўли блан деразани ушлаганча туради. Урта бўйлик, қомати келишган, оқ-сарикқина, қош-кўзи қора, сочи қўнғир эди. Эгнида тўқ кўк швётда костюм, ёқаларига гул чеккан, оч пушти блузка. Оёғидан малларанг ипак пайпоқ, амиркон, пошнали туфли. Бош-яланг, сочини яхшигина йиғиштириб қўйган. Билагаида кичкинагина тилла соатдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Поезд юриб кетиши блан кирар деб ўйлаган эдим, йўқ, тураверди. Вагон проводниги ўтиб қолган эди, унга қайрилиб гапирди:

— Кўрпа-ёстиқ берасиз-а?— Хонага бир қараб қўйди.

— Албатта,— дедию, проводник ғизиллаб кетаверди.

— Сен ҳам қизиқ йигит экансан,— дедим ичимда,— бир нафас тўхтаб сўзлашмайсанми. Нима, ишинг қолаятими, вагон бўлса ҳаммавақт сен блан.

Индамай ўтиришга тоқатим қолмади, аста-секин йўлакка чиқдим:

— Жой ма'қул бўлмади шекилли, бу ерда турибсиз,— дедим,— кечирасиз, танишиб қўяйлик,— қўл узатдим. У ҳам қўл берди.

— Турсунова Мастура?

Кўрган зоҳотим ўзбек қизимикан, деган эдим, тахминим тўғри чиқди. Бошлаб хонага олиб кирдим. Шерикларим блан ҳам таништирдим, ўз ўрнимдан жой кўрсатдим. У, дераза томонда, мен эшикка яқин ўтирдим. Иван Кузьмич бир илжайиб қараб қўйди-да, ёнидан папирос чиқарди. Биринчи галда Мастура Турсуновага тутди. У чакмаслигини билдириб, илтифоти учун раҳмат айтди. Биз уччаламиз биттадан папирос олдик-ку, чекишга келганда бир-биримизга қарашиб қолдик. Ҳалиги «Биз кўпчиликмиз, чакаберамиз» деган Семён Петрович бўлса ўрнидан тура бошлади:

— Эшикка чиқиб чекамиз, йигитлар!

— Нега?— деди Мастура,— шу ерда чекаверинглар, томоки ҳидидан қўрқмайман.

Енгил тортиб кетдим. Кулишиб яна ўтирдик, шу пайт проводник кўрпа-ёстиқ кўтариб келгандан кейин сездим. Юмшоқ вагонда бўлсак ҳам, кўрпа-ёстиқсиз ётиш қийин. Ҳаммамизга ҳам олишга тўғри келди.

— Шундай юқорига ташлаб қўяқолинг,— деди Мастура, ўзим кейин тузатиб оламан.

— Меникини ҳам,— дедим. Пастдаги ўз ўрнимни Мастурага тақдим қилдим. Семён Петрович кулди:

Қоринингиз тўқ экан ўртоқ майор, мен ҳам ўз жойимни бу қизимга бермоқчи бўлиб турган эдим.

Ога-бола пастки қабатда, биз Иван Кузьмич блан юқориги қабатда ёгамиз. Биз отда сакраб юриб ўрганиб қолганмиз.

Бу гап Мастурага ма'қул тушди шекилли, майингипа жилмайди. Кўз қири блан менга қаради:

— Раҳмат, хотин-қизлар блан юришнинг шуниси ёмон! Ҳамма оғирлик эркакларга тушади.

— Ҳеч оғирлиги йўқ. Баҳузур сиқилмай ўтираверинг!— Уччаламиз баробар сўзладик. Мен яна қўшимча қилдим.

— Бу ҳам имконияти бор вақтда экан. Имконият бўлса, ҳаммаша хотинларга хизмат қилишни истаймиз.

— Қандай, киши ўзи истасаю, имконият топмаса?— Иван Кузьмич ҳайрон бўлиб гапирди. Унга жавоб ўрнида урушда бўлган бир воқияни сўзлаб бердим.

— Москва учун қаттиқ жанг кетаётган эди. Қиш, тўхтамай қор ёғади. Қадам босган ерингиз ўрадек ўпири-либ қолади. Совуқда бармоқларнинг учи игна суққандай санчийди. Тўрт тарафдан ўқ ёғилади. Тинмай бомба тушиб туради. Лекин кўзга ҳечнарсa кўринмайди. Факат фашистни пойлаймиз: хаёлда фашистни уриш, ўлдириш, холос. Жангчилар эмаклабми, судралибми, қандай бўлмасин олға интиладилар. «Фашист, Москвага қадам босолмайсан», дея қичқирадилар. Олға юрганингиз сари орқада ярадорлар чўзилиб қолади. Ана шунда бир санитар қизнинг мардлигига қойил қолдим. Эғнида пўстин, бошида қулоқчин, оёғида ичи пўстинли этик, бўйнида санитар сумкаси. Жангчилар кетидан юргани-юрган. Жанг майдонида битта ҳам ярадорни қолдирмай ташиб кетади. Бир куни пулемётни ванғиллатиб отиб турипман. Ён-верга қарашнинг иложи йўқ. Ҳам команда бераман, ҳам отаман. Мен блан ёнма ён бир сержант ҳам отишиб турибди, бирдан унинг пулемёти тўхтаб қолди. Юрагим шиф этиб кетди, ўлди деб ўйладим. Қарасам ҳалиги қиз сержантни орқасига чалқамча ётқизиб, судралиб ўрмонга кириб кетаётир. Жангчидан оққан қон қор устида қизил лентадек узун из солиб кетаяпти. Кўзимни чирт юмдим, қулоқларим шанғиллаб кетди. Қизга юрагим ачиди. Югуриб бориб, уни бошимга кўтаргим, оғир юкдан халос қилгим келди. Бўлмади. Отишма зўрайиб кетди. Пулемётдап бир секунд силжисам, душман менигина эмас, ўша қизни ҳам ўлдиради. Фашистга нисбатан яна ҳам ғазабим зўрайди. Ўша совет қизлари учун! дея отавердим. Шунда уч кун тўхтовсиз отишдик. Фашистнинг қолган-қутганини ҳам талай ерга элтиб қўйдик. Сўнгра дам олдик.

Мастура менинг оғзимга маҳлиё бўлиб тикилиб турган экан қарашим блан кўзини ерга олди. Бир кўрсиниб:

— Уни қаранг-а!.. деб қўйди. Биз папирос чакабошладик. Мастура бирдан бошини кўтарди, менинг кўзларимга тикилиб қаради. Назлимда кўзлари ўт бўлиб кетгандай кўринди. Ичимда қаеримнидир куйдургандек бўлди. Тер босиб кетди. Гапимни йўқотиб ҳам қўйдим. У ўзи сўраб қолди:

— Кейин у қизни кўрдингизми?

— Йўқ. Кўрганимда кафтимда кўтариб юрмоқчи эдим. Ярадор бўлиб кетиб қолган экан.

Суриштирмадингизми?

— Жанг давом этаверди. Суриштиришга фурсат бўлмади. Сўнг ўзим ярадор бўлиб, госпитальда ётдим. Тузалганимдан кейин Сталинград фронтига кетдим. Ҳа, айтганча, у ўзбек қизи экан, Москвада ўқиркан. Ўзи доктор эмас экан. Уруш бошланиши блан санитарлик курсини битириб, урушга кетаверипти. Буни ҳам госпитальда бир ўзбек жангчиси гапирди.

— Отини сўрамадингизми?

— Уни қаранг-а, бу ҳам соддалик-да, сўрамапман. Ёзучи бўлмаганимнинг касри. Ёзучи ёки бирор мухбир бўлса албатта сўрарди.

Мастура ўйланиб қолди. Шерикларимиз ҳам уруш вақтининг аламлик кунларини ўйлабми, жим қолишди. Мастура ўтириб-ўтириб, бирдан соатига қаради. Вақт кеч ўн бирлар бўлган эди.

— Гаширавериб чарчатдимми, балки ётмоқчидирсиз?— ушнинг кўнглини топмоқчи бўлиб сўрадим.

Шўқ, нега? Тошготгунча ҳам эшитавераман. Билмадим бу ўртоқларимиз нима дейишади? — темир йўлчиларга шпора қилди. Улар кулишди:

Сизга нима ма'қул бўлса, биз шунга рози,— Семён Петрович ёстиққа ёнбошлаб ўтирган эди, бош кўтарди ва ўзинча жилмайиб: «ажаб!», деб қўйди.

— Семён Петрович, нима ўйладингиз, гапирақолинг,— Иван Кузьмич уни гапга солди. Семён Петрович кексаларча салмоқ блан сўзлайбошлади:

— Мана қизиқ. Бутунлай бир бегона юртда бир ўзбек қизи биз блан бирга ўтирибди. Ўзбек қизи урушда бўлгани ҳақида ҳозиргина сўзланди. Шунга ажабланиб, замонамизга қойил бўлиб ўтирипман. Мен болалигимдан бери темир йўлда ишлайман. Илгари проводник бўлиб ҳам ишлаганман. Ўзбекистонда бўлганман. Ўзбек хотин-қизлари руслардан кўрқарди. Паранжи ёпиниб, эркаклардан қочишарди. Ўз маҳалласидан бошқани кўрмасди. Эркаклар хотинларини менсимасди. Тўгри эмасми, қизим?

Мастура бу гапларни тасдиқлади. Ўйчан кўзларини бир нуқтадан узиб, калта-калта ва аниқ қилиб гапирди:

— Бундай қараганингизда сезилмайди, лекин чуқуროқ текшириб кўрсангиз ақл ҳайрон қоладиган даражада ўзгариш бўлди. Бу гап фақат ўзбекларга хос эмас, мамлакатимиздаги ҳамма халқларга тааллуқли. СССР нинг қайси бурчагига борманг, ўз уйингиз, ўз кишингизга ўхшайди. Ётсираш деган гап йўқ. Совет кишиларидаги бу

тарбияни тоғдек бриллиант баробарига ҳам сотиб олиб бўлмайди. Бу — кишиларнинг руҳига узвий равишда синггиб кетган. Буни сотиб олиб бўлмагани каби кишилар онгидан қайтариб чиқариш ҳам мумкин эмас. Шу онгни сингдира билган улуғ тарбиячиларимизга раҳмат!

— Қизим, нечага кирдингиз? Сўраганнинг айби йўқ,— Семён Петрович ёш суриштириб қолди.

— 1917 нчи йилда туғилганман.

— Э, революция блан бирга туғилган экансиз. Паранжи ёпинмаган бўлсангиз керак?

— Йўқ, паранжига қарши курашувчиларданмиз,— Мастура кулиб туриб гапирди. Мен ҳам пайтдан фойдаланмоқчи бўлдим.

— Бизнинг орамизда ётсираётганингиз йўқми?

Мастура қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Кулгуси шундай чиройлик эдики, қайта-қайта кулса ҳам тўймас эдингиз.

— Беш йил Москвада туриб ётсирамаган, энди ётсирамидим.

— Москвада ўқиш учун турган бўлсангиз керак?

— Ҳа, ўқидим, тўқимачилик институтида.

— Битирдингизми?

— 1941 нчи йилда битирдим. Ўзбекистонга жўнай деб турган вақтимда уруш бошланиб қолди.

— Қетмадингизми?

— Қетдим, Ўзбекистонга эмас.

Қаерга кетганини сўрамоқчи бўлиб туриб эдим у дикка ўрнидан туриб қолди. Нега турдингиз, дея албатта сўраб бўлмайди. Бунчалик бетамиз эмасман, ахир! У, чамадонини олмоқчи бўлди. Мен олиб, бош томонга қўйиб бердим. Юқорида турган кўрпа-ёстиғини ҳам пастга олиб қўйдим. Ўзим йўлакка чиқдим. Менинг орқамдан темир йўлчилар ҳам чиқишди. Астагина хона эшигини ҳам ёпдим. Биз йўлакни бир айланиб келгунча эшик очилиб қолипти. Рухсат сўраб ичкарига кирдим. У, гунафша гулли нозик батис қўйлак кийиб, чойшапни томоғигача тортиб, «Огопёк» журналинини ўқиб ётарди. Икки ўрим сочи ёстиқдан ошиб ерга тегай деб турибди. Киришим блан кўзим шунга тушди:

— Қаршилиқ қилмасангиз, сочингизни кўтариб қуяй! — тезгина бориб сочини ушладим. Ҳарбир ўрими боланинг билагидек келади.

— Вой, тушиб кетибдими, раҳмат, ўзим оламан,— бошинини кўтарди. Сочларини тортиб, орқасига ташлади. Бир



нарсани эслагандай башарамга тикилиб қаради-ю, кулиб қўяқолди.

— Сочингиз кўп экан, бошга қандай жойлаган эдингиз?— шу баҳона блан яна гапга солмоқчи бўлдим.

— Соч жойлашни урушда ўрганганман.

— Урушда бўлганмисиз?— ҳовлиқиб сўрадим. У пима учундир, қизарди. Юзини журнал блан қоплаб олди.

— Ростини айтинг қайси фронтда бўлгансиз?— ялиниб сўрадим.

— Бўлган бўлсам нима!— деди журнал тагидан кўзларини мўлтиратиб,— энди ухлайлик-а.— Юзини чирт ўгирди, чойшапни бошига қадар тортиб олди. Қайтиб ҳеч нарса сўролмадим. Юзини очишга жур'ат қилолмадим. Тикка турганимча қотиб қолдим. Шерикларим кириб келиши мени ҳуш'ёр қилди. Улар ҳам сўзлашмайинча ётишга ҳаракат қилишди. Чироқни ўчирдим.

\* \* \*

Эрта уйгондим. Бошқалар ухлаб ётгандек туйилди. Узоқ китоб ўқиб ётдим. Лекин Мастура мендан ҳам эрта турган, ювиниб келиб нимадир ёзиб ўтирган экан. Буни мен настга тушганимдан кейин билдим.

— Яхши ухладингизми?

— Қундагидан ҳам яхши. Ўзингизчи?— кўзларимга тикилиб туриб сўзлади. Қаламини дафтарининг ичига солиб, ёстиқнинг устига кўйди.

— Раҳмат, йўл уйқуси-да! «Яхши ухладим» дейсизу, кечаси блан ше'р ёзиб чиққанга ўхшайсиз. Дафтарингиз тулиб қолипти.

— Ше'р деб ўйладингизми?— кулиб туриб, дафтарини яна қўлига олди,— ше'р яхши нарсакун-я, лекин уни ёзишга уқувимиз йўқ.

— Ҳеч ёзганмисиз?

— Уқучилик вақтимда бир-икки машқ қилиб кўрганман. У ҳам ён дафгарда қоладиган ше'рлар эди.

— Бирор кишини яхши кўриб юрган чоқларингиз бўлса керак?

— Каромат кўрсатмоқчимисиз? Қаҳ-қаҳлаб кулди.

— Йўқ, бу каромат эмас. Ҳаммада ҳам бўлади. Мен ҳам ёзганман. Ҳозир ишлайсизми?

— 1943 нчи йилдан бери ишлайман. Тошкентдаги Сталин номли тўқимачилик комбинатида.

— Инженер бўлсангиз керак?

- Яна каромат қилдингиз.
- Яна эмас, бу сафар.
- Инженерлар ҳам ёзучиларга ўхшаб доим ёзув-чизув қилиб юради. Курортда ҳам тинчимайдилар.
- Уларнинг иши ихтиро' блан боғлиқ-да.
- Ҳаммаси ҳам эмас.
- Бу тўғри. Лекин ҳозирги вақтда кўпчилиги.
- Сиз ҳам ихтиро' қилмоқчимисиз?
- Бир нарсага уриндимку, лекин ше'р ёзишдан баттар қийин бўлаяпти.
- Ёрдамлашайми? — ҳазиллашдим. Мақсадим: бу блан яқиндан танишиш.
- Меҳрибончилигингиз учун ташаккур! — Қўлимга дафтарни тутқазди. Варақлаб-варақлаб ҳечнарса тушунмадим. Фақат «гуринч» «қипиқ» деган сўзларинигина англай олдим. У табассум блан қараб турди. Сўрашга мажбур бўлдим.
- Нима ҳақда? Ўзингиз тушунтирмасангиз бу дафтарингиз менга гапирмайди.
- Айтишим мумкин. Лекин сиз учун унчалик қизиқ эмас. Тўқимачилар учунгина қизиқ. Шоли тозалаганни кўрганмисиз?
- Кўргандирман-ку, лекин аҳамият бермаган бўлишим мумкин.
- Шолидан гурунч чиқарилаётганда гуринчнинг устки юпқагина қабатида бир пардаси қолади. Бу ҳам тозаланса, гуринч тамом тайёр бўлган ҳисобланади. Ҳозиргача мана шу қипиқдан фойдаланилмайди. Чиқитга чиқиб кетади. Шундан фойдаланиш устида ишляпман.
- Ия, вой, бу қанақа бўлди? — ўзим ҳам бу жувоннинг ишига тушунолмаёй қолдим,— ўзингиз тўқимачилик соҳасида ишласангиз, нега энди шоли, гуринчлар орасида айланишиб юрасиз? Сиз мени қалака қилаётганга ўхшайсиз.
- Нега, калака қилишга нима ҳақим бор!— Қумри сингари ку-кулаб кулди. Икки юзидаги кулдиргичлари ҳар сафаргидан ҳам чуқурлашиб, ҳуснига /ҳусн кўшди,— бу ҳам ўша тўқимачилик ишлари учун-да! Чит тўқигандан кейин оҳор берилади. Бунинг учун кўп миқдорда крахмал керак. Бизда ана шу крахмал анча мушкул иш, қимматга тушади. Мен крахмал ўрнига гуринчдан чиқадиغان қипиқни ишлатмоқчиман. Бу ҳам арзон, ҳам бизнинг республикамизда кўп. Энди тушунилдими?

— Мана бундоқ денг!

Темир йулчи шерикларимиз ҳам жон қулоқ блан тинглаб ўтиришган экан. Бу гапдан кейин бир-бирларига қарашиб қуйишди.

— Демак ўқишни битирибоқ урушга кетган экансиз-да?

— Ўзингиз ҳам дейман, терговчи бўлганмисиз?— Аччиғланиб сўрадим, десам йўқ кулиб айтди.

— Кечирасиз, йўлчилик, кишиларнинг ҳаёти, иши блан танишишдан бошқа қиладиган ишимиз йўқ. Овқат еймизу, сўзлашамиз-да. Бошқа нима ҳам қилардик. Ашула айтиб беринг, десак биламан, айтмайсиз.

— Мен айтмасам, сиз айтинг, мана булар айтишсин!

— Тўхтанг-а, ўзи ма'лум бўлиб қолди: фақат менга шуни айтинг, қайси фронтда бўлгансиз? Кеча ҳам жавоб бермай уйқуни баҳона қилдингиз.

Кафтингизда кўтариб қолмасангиз деб қўрқаяпман,— яна кулгиликка олди.


— Қўрқманг, биз бор-ку!— деди Иван Кузьмич. Менинг энди тоқатим қолмади. Ўзим ўйлаб топабошладим.

— Москва учун бўлган жангда иштирок қилдингизми?

— Шундай бўлган эди — ерга қаради. Қовоқларигача қизарди,— у вақтда жангчи қиз — шафқат ҳамшираси эдим, мана энди инженер ва бир боланинг онаси бўлиб қолдим.

Қўлингизни беринг суҳбати жонон,— сакраб ўрнимдан турдим, ҳарбийларча честь бердим. Қўлини қаттиқ қисиб, ўндим,— эски ошна эканмиз-ку.

Москвага етганимда хайрлашиб туриб қўлини яна шундай қисдим.





## САДАҒАНГ БУЛАЙ КОМАНДИР

Қандолатни ҳам президиумга сайладилар. Мажлис раиси президиумга сайланганларнинг номини бирма-бир айтиб чақирди. Қандолатни ҳам. Лекин у, ўрнидан кўзғалмай худди бир гуноҳ иш қилиб қўйган одамдай ерга қараб ўтира берди. Залдагилар унга бир-бир қарашиб қўйдилар. Яқинроқда ўтирган танишлар ҳам: «чиқинг-чиқинг» деб имлашди. Бир тарафдан мен туртаман:

— Чиқсангизчи, нима бало бўлди. Ҳар сафар ҳаммадан олдин чиқардингиз-ку!

— Қўйинг, шу ер ҳам бўлади; сиз блан гаплашиб ўтираман.

— Туринг, ноз қилгандай бу нима қилиқ. Ана... ҳамма сизга қараётир,— яна туртдим. Шамолдан эгилган дарахт зўрға бошини кўтаргандек бу ҳам секингина ердан бошини кўтарди ва атрофга қаради: Бухоро область, К. районнинг бу катта клубида лиқ тўла одам эди. Чурқ этган товуш йўқ. Болалик хотинлар ҳам бугунги мажлисга қатнашиш учун болаларини клуб ёнидаги яслга қўйиб келганлар. Ҳамма қулоғини динг қилиб, раиснинг шу район бўйича СССР Олий Советига депутат қилиб сайлаш учун номзоди кўрсатилган командир Пўлатов ҳақидаги қисқача сўзини тинглаяпти. Зал электр чироқлари блан ёритилган. Қандолат ўзини одамлар орасига яширмоқчи бўлиб, ўрта ерга қисилиб ўтирган бўлса ҳам, президиумдагиларнинг ба'зиларига барала кўриниб туради. Командир блан бирга келган Обком секретари ўртоқ Ниёзов Қандолатдан кўзини олмай тикилиб турган эди, бу қараши блан: «чиқинг!» деб имлади. Мен уялиб кетдим. Иложи бўлса,

бу ўжарнинг ўрнига ўзим чиққундек бўлдим. Бошидаги береткасини тузатдим, сочини беретканинг ичига жойладим, қўлтуғидан кўтариб, туришга мажбур қилдим. У, ўрнидан туриб, бир қадам босди-да, яна қайтиб жойига келиб ўтирди.

— Вой... чиқмасам нима қилади. Юрагим ўйнаб кетапти,— деди ва бошини кифтимга қўйди. Ҳақиқатан ҳам юрагининг гурсиллаб ураётгани ва оёқ, қўлларининг титрагани сезилиб турарди. Раҳмим келди.

— Нима бўлди, безгагингиз тутаяптими?

— Йўқ. Нима бўлганини ўзим ҳам билмайман.

— Қасал бўлмасангиз, ўзингизни тутинг, капкатта хотин ёш қизларнинг қилиғини қилиб ўтирасизми!— дедим, аччиғим чиқди. У шу гапдан кейин бироз ўзини тутиб олди да, ерга қараганича президиумга чиқиб кетди.

Қандолаг Ғаннева районимизнинг агрономи, «Большевик» колхоздаги партия ташкилотининг секретари, чиқмаса бўлмас эди, қўйишмасди. У, орқароққа бориб ўтирди. Ранги дам оқариб, дам қизариб турди; бошини ердан кўтармади.

Пастда ўтириб, менинг юрагим қисилиб кетди. Қарамай десам, қарагим келади. Қандолат опага не бало бўлди дейман, ҳайрон бўламан. Гапга чаққон, тетик хотин эдику! Бир гапириб ўн куларди, ҳаммани оғзига қаратарди. Бу бор жойда ҳечким зерикмасди. Бугун мум тишлаб қолди. Ёки юрагидан урдимикан? Худди шундай бўлган. Боя командир машинадаги тушаётганда бу уйнинг деразасидан қараб турган эди. Тўхтаб турсин, ҳали уйга борарку, бир додини берай дейман. Ўз-ўзим блан сўзлашаман. Қандолат чиқиши блан командирга сўз берилди, танишолмади ҳам.

Зал қарсак овози блан янграб кетди. У, трибуна олдига келган булса ҳам, беш минутча сўзлайолмай, халқнинг тинчланишини кутиб турди.

Юрак қурсин, ба'зан одамнинг ихтиёрини ўғирлайди. Агар жилонини тортиб турмасангиз, девона қилиб юборади. Мен ҳам безовта бўлиб қолдим. Ўзиям... қурмагур, жуда ажойиб келишган йнгит эканда. Одам ҳам шунақа иссиқ, оловдек бўладими!

— Дўнбилламай қолсин шу ширинлар-ай!— дегучи эди, ҳарбийларни кўрганда бир ўртоғим. Мен ҳам худди айтиб юборай дедим шуни.

Ҳарбийларга монанд: семиз ҳам эмас, озгин ҳам эмас, узун санбутдек қоматга, кенг яғринга ҳарбий форма чиппа ёпишиб туради. Ўзи қора соч, қора қош, қайрилма киприклар орасидан қорага мойилроқ келган қуйкуз аллақандай ёниб туради. Кўксидаги «Қизил Юлдуз» ордени ҳуснига-ҳусн қушиб, нур сочади. Ҳаммасини ҳам қўйинг-а, гапга усталиги, донолиги ва гап орасида кулиб қўйишларини қаранг!

— Менга зўр ишонч билдириб, улуғ бир вазифани топшираётганларингиз учун раҳмат,— деб бошлади у сўзини,— мен Қўқоннинг Қумқишлоғида, бир батрак оиласида туғилганман. Босмачилар бизнинг онламингни қуритди. Қизиллар томонидан қувғинга учраган бир қўрбошини ўз уйида яшириб қўймагани учун, у ота-онамни отди, уйимизга ўт қўйди. Ана шундан кейин, гарчи ёш бўлсам ҳам, қизил аскар сафига кириб, босмачиларга қарши курашдим,— деди.

Мен эсим оғиб, унинг оғзига тикилганимча қимирламай ўтириб қолдим. Бояги ўйноқи хаёллар ҳам учиб кетди. Командир сўздан тўхтаб, сув ҳўплаган эди, менга ҳам жон кирди. Ёлғиз мен эмас, одамлар ҳам бир-бир гувранишиб олдилар.

Бўйним қотиб қолибди. Бироз қаддимни кутардим, ялт этиб, Қандолатга қарадим. Ранги бўздай оқарган, хаёли қочган, сувга тушган нондай бўшашиб ўтирибди. Яхшиямки, олдида курси бор экан, агар шунга суялиб ўтирмаганда аллақачон муккасидан тушар, шарманда бўлар эди. Ёнида ўтирган ўртоқ Ниёзовнинг ҳар замон-ҳар замонда ташлаган гаплари:

— Ўғлингиздан хабар олдириб тураман, техникумда, «а'лоччи» бўлиб ўқиётир. Кўришиб турасизларми?— деганлари ҳам қулоғинга кирсада англашилмай, жавобсиз қолади. Нима бало, юраги пахтадан эканми, дейман. Дам куламан, дам тушунолмай ҳайрон бўламан. Йиғлаб юбормаса, деб қўрқаман. Командир сўзида давом қилди:

— Қизил аскарлар тоққа чиқса, тоққа чиқдим; ўтга кирса, ўтга кирдим. Отишни ўргандим, қилич блан чопишни ўргандим, душман ер тагига яширинса, топишни, қулоғидан судраб чиқаришни ўргандим. Охир уч жойимдан, ўқ еб йиқилдим. Мени Тошкентга олиб кетдилар. Тўрт ой касалхонада ётиб, тамом тузалиб чиқдим. Ундан кейин қишлоғимизга келдим, ёр-биродарларни кўрмоқчи бўлдим. Ёниқса, қишлоғимиздаги йуловчиларга сув бериб ўтиру-

чи бир кекса отахоним бор эди, шуни кўрмоқчи, ўзим блан бирга олиб кетиб, унга яхшилик қилмоқчи бўлдим. Лекин топмадим, ҳечким ундан дарак бермади, билмади. Ачиндим, ўзи кўр эди, камбағал эди...— деди. Ортиқ га-ниролмади, яна сув ичди.

— Қайтиб кетдим. Бирмунча вақт ўқиганимдан кейин мени Ленинграддаги ҳарбий академияга юбордилар. Ўқиб тугатдим. Элга-халққа танилдим. Мана сизлар ҳам ёдла-динглар, келдим. Яна ватаним, халқим буюрса, жанглар-да бўламан, душман блан курашаман. Энди депутат бў-либ, сизларнинг топшириқларингизни ҳам жонимни аямай бажараман.

Командир сўзини тугатиб ўтирди. Ўртоқ Ниёзов унинг қўлини қисиб табриклади. Обкомнинг иккинчи секретари ўртоқ Иванов ўрнидан туриб қўл бериб, қу-чоқлиб кўришди, ўишдилар. Қаттиқ қарсак бўлди, ҳамми ўрнидан турди, Қандолат ҳам турди; оқарган юзлари қириб олов бўлиб ёнди.

Мажлис ёпилиши блан президиумдагилар ўрнидан тур-ди. Залдагилар ҳам қўзғолди. Қандолат олдинда, бошқа-лар кейинда зал ерқали кўчага чиқишди. Улар машинага ўтириб, кўздан йироқлашкунларича орқаларидан қараб турдик. Қандолатнинг қўлтиғига кирдим, уйимизга кетдик. Кўча тарафдаги бир янги солинган болохонада иккимиз бирга турар эдик. У гапирмади. Мен бироз ҳазиллашиб кўрдим, бўлмади. Кейин қаттигидан теккан экан деб инда-ман борабордим. У уйга кира солиб, кроватьга ўзини ташлади. Нега, мунча, ёрилсангизчи!— дедим. Ялин-дим, ҳазиллашдим севгига бунча тез берилиш яхши эмас, дедим. Ахир бўлмади, бошини кўтарди, кўзи нам-ланган эди.

Негаям менга ўша Тарас Шевченконинг «Катерина» сини ўқитдингиз! деди.

Ганин бошқа ёққа бурмоқчисиз-а, хап сизними! Хо-тинлардек ҳилакори бўлмас экан дун'ёда,— деб уни гап-га солмоқчи бўлдим.

Сиз нимани биласиз. 17 йиллик дардим янги бўл-ди, қайтадан йиғлади.

— Ҳа, эрингизнинг азаси янги бўлдими?

— Азаси бўлса бошқа гап эди... қўйнинг укажон, ме-ни кўп қийнаманг!

— Дитинг ахир, нима бўлди?

— Айтайми, ҳечкимга гапирмайсизми?

— Йўге, қачон мен сизнинг сўзингиздан чиққанман!  
Ҳечкимга...

— Вой-воя, йўқ айтмайман. Ўзимдан бошқа кишининг билмаслиги керак. Ўламан...— Юрагини чангаллаб, яна кроватъга йиқилди.

— Ҳа билдим, айтмасангиз, айтмай қўяқолинг, ошиқ бўлибсиз-да.

— Шунақа демангда,— бошини кўтарди,— ошиқ бўлсам, мунчалик қийналмас эдим.

— Ҳа қўйинг энди. Мен сизни ўз опамдан ортиқ кўриб, жонимни бергудек бўлиб юрсам, ҳали ҳам мендан сирларингизни яширасиз,— аччиғланган бўлдим. Қийимларимни ешиб ўз кроватимга чиқиб ётдим. У ҳам ешиниб ётди. Лекин чироғни ўчирмади. Бироз орқамни ўгириб индамай ётдим, у ҳам чурқ этмади. Сабрим чидамади, қайрилиб қарадим. У чалқасича икки қўлини бошига қилиб электр лампочкасига телмуриб ётарди.

— Айтасизми, йўқми, бўлмаса ҳозир бориб, райком секретарига айтаман, ошиқликдан жинни бўлай деяпти, командирни қайтариб келинг дейман,— дедим, ёлғондан ўрнимдан ҳам турдим. У меннинг қилиғимни биларди. Ҳеч нарсадан тап тортмай бир ишни қиламан десам, шартта қилиб қўйишимни кўп кўрғац эди. Ишонди:— бутун бошидан гапириб бераман. Зерикмасангиз, та'на қилмасангиз, гапираман,— деди. Мен та'на қилмаслик ва ҳечкимга айтмасликка сўз бердим. Унинг кроватига келиб ёнбошладим. У гапира кетди:

— Баҳор эди. Ўриклар гулини тўккан, ғўралар қинидан чиқиб, еса оғиз маза топадиган бўлиб қолган. Қўрғонимиз кичкина бўлса ҳам, ичида бир катта туп ўриги бор. Мен уни пишганича қўймай, ғўралигида еб тамомлардим. Бир куни ўриқнинг учига чиқиб, ғўраларини битта-лаб териб, липпамга қистирдим. Уни битта-битта оғзимга солиб, дарахт устида атрофни тамоша қилдим. Биргала отликлар кўчани чангитиб келиб, отамнинг олдида тўхтади: «Қани ота, отларимизни бир суғориб олайлик», деди. Отам ҳарсангнинг ўртасини ўйиб қилинган охирни қўли блан пайпаслаб қаради. Унда сув тўла эди. «Ичира қолинг болам!» деди. Мен охирни тўлдириб чиққанымга хурсанд бўлдим, мазза қилиб ўтира бердим. Отлар сувга тўйди, пишқириб, тумшуқларини силкитди. Отамнинг юзига сув сачради шекилли, белбогига қистируғлик даканаранг рўмолчасини олиб артди. Йўловчилар қудуқ ёни-



даги товоқчага бир тийин, икки тийиндан ташлаб кетди.

Отам кекса, ишга ярамайди. Икки кўзи кўрмайди. Ер-суви йўқ. Яхши ҳам шу ердан бир булоқ чиқиб, қудуқ бўлиб қолган экан, озми-кўпми иккимизни боқиб туради. Мен сув тортаман, отам йўловчиларни суғоради. Беш-ўн танга тушиб туради,— деди. Чуқур нафас олди.

— Ҳай, тўхтанг, тагин ҳалиги командир қидирган сувчи чол сизнинг отангиз бўлмасин. Қариндош чиқиб қолсанглар-а!— дедим, юрагим ҳовриқиб кетди, унинг гапини бўлдим. Қандолат энди ўзини тутиб олган, бўлар иш бўлди, дегандек жуда босиғлик блан гапирётган эди.

— Тўхтаб туринг, гапимни бўлман!— дея яна сўзида давом этди.— Охирчада бир қултум ҳам сув қолгани йўқ. Тушишим, сув тортишим керак. Уриқдан тушким келмади. Шу кўни исбалодир, дангасалигим тутди. Кўча тарафга орқаси ўгруғлик пастдаккина бир уй, бир айвонимиз бор. Шунини ҳам супургим келмади. Фақат эрталаб туриб, бошимни ювдим, Қундуз опамга чиқиб, майда ўрдирдим, холос. Қилган ишим шу бўлди. Дарахт устида ўтириб, Қундуз опамнинг гапи эсимга тушди, ўз-ўзимдан кулдим, аччиғим чиқди. У сочимни ўриб бўлиб: «Ойда тутам, йилда қулоч» деди-да кейин орқамга териб қўйди. Сочимнинг учигаги жингалак қўнғироқларни силкитиб-силкитиб:

— Ўзинг ҳам капкатта қиз бўлиб қолибсан Қандолат, эрга берса, балодек эр эплайсан. «Фақир киши панада» дегандек ҳали сени ҳечким билмайди-да, тузукроқ — ўзига тўқ одамнинг қизин бўлсанг аллақачон талаш бўлиб кетардинг. Ҳа, юратур, сенга ҳам ўзингга ўхшаган бир бечора топилиб қолар.

«Бойнинг қизи моли блан, камбағал қизи ҳусни блан» дейдилар. Сочинг қамчиндек, юзинг ширмой кулчадек, бўйинг новдадек, қош-кўзинг попукдек, сени олмай кимни олсин йигитлар. Тагин эҳтиёт бўл, қўрбошилар ўғирлаб кетиб, улоқ қилмасин. Кечаси отанг пойлаб ётсинлар хўпми, айтгин! Шунча сайрадим, ёшинг нечада?— деди.

— Энди ўнбешдан ўполтига чиқдим. Ҳалиям отам пойлаб ётадилар,— дедим.

— У тагин аллама балоларни сўради. Жавоб бермай қочиб кетдим. Нега сўради экан,— деб шунга хаёлим қочиб ўтирдим. Кўчада яна чанг кўтарилди... Тагин битгаси

сув деб келади дедим, пастроққа тушиб турдим. Ешгина, ўнетти-ўнсаккизларда бор, бир йигит отини чоптириб келдида, бизнинг уйга яқинлашганидан кейин секинлашди. Устида олатўн, зулик нусха қийиқ бойлаган, оёғида этик, бошида кирроққина чуст дўппи, у қандайдир бир ашулани хиргойи қилиб айтиб келаберди. У, отамнинг олдига келгандан кейин отдан тушди, салом берди.

— Отимни суғориб кетай дедим, отахон!

— Хўп, хўп чироғим. Бироз тўхтайсиз-да. Қизи тушкур ўйнаб кетди шекилли, охирга сув қуйиш ҳам эсидан чиқди,— деди отам, товушлаб мени чақириб. Товуш бердим ва тезгина дарахтдан тушдим. Этагимдаги ғўрани токчага қўйдим, бошимга ўзим ҳамиша ёпинадигам отамнинг яктагини солдим. Унг қўлим блап яктакни қия қилиб, қудуққа борабердим. Қудуқ олдида турган сопол кувачани қудуққа тушириб сув тортдим, кувачани отамга узатдим. Бошимда яктак бўлса ҳам ҳар энгашканимда сочларим, қўлим кўриниб турарди. Шунинг учун ҳарбир ҳаракатимда ўралиб, қисилиб-қимтиниб ўлиб бўламан. Йигит мени уялмасин деди шекилли, отнинг бошини силаб, юзини қия қилиб турди. Мен кувачани отамга узатишим блап у дарров отамнинг қўлидан олиб, охирга қуймоқчи бўлди, гезгина айланди. Кўзим — кўзига тушди. Кулдим. У ҳам кулди. Юзимни тезгина ўрадим. Отам ҳечанрса сезмади. Кувачани олгани учун йигитни дуо қилиб турди. Мен кувачани олиб, иккинчи марта сув тортиш блан машғул бўлдим. У бўлса:

— Бўлади синглим, отим тўйди,— деди-ю, негадур кетгуси келмай оти атрофида ғивирлаб турди. Товоққа бирнеча майда тангаларни ташлади. Отам яна дуо қилди. Йигит отнинг жиловини ушлаганча секингина отамнинг ёнига ўтирди. Атрофга бир қараб қўйди ва:

— Отахон, мен сиздан бир нарса сурайман, йўқ демай айтасизми?— деди. Юрагим ўйнаб кетди, қудуқнинг орқасига ўтдим, орқамни ўгириб турдим. Яхшики отамнинг кўзи кўрмайди. Бўлмаса: «Уйга кир» деб уришиб берарди.

— Чироғим, қани айтинг, биладиган нарсам бўлса, нега айтмай,— деди отам. Йигит отамнинг қулоғи тағига оғзини тўғрилаб:

— Биласизми ота, шу қишлоқда босмачилар оралаб юрибди. Улар қизиллардан бекиниб, ўзларини ҳечкимга билдирмасликка ҳаракат қиляптилар. Шунини топсак ях-

ши бўлар эди... Сиз шу ҳақда ҳечнарсa эшитдингизми?— деб тагин атрофга қаради.

— Қечалардаги ўқ товушидан бошқа ҳечнарсa эшитганим йўқ. Кўзим бўлса курмайди. Билмайман, олдимга кимлар келиб кетади.— Отам ўйланиб қолди. Соқолини бармоқлари билан таради, мўйлавини тишлади.

— Тўхташг, ҳали Қандолат бир нарсa деяркан эди.

У, қўргон тарафга қаради, товушини қаттиқ-қаттиқ чиқариб мени чақирди. Мени у қўргондадир деб ўйлади. Мен ҳам яқинда турганимни сездирмай, худди узоқдан келгандай қилиб, товуш бердим. Югуриб олдига бордим. Яна яқинда қия қилиб турдим. Отам:

— Қандолат болам, боя: «Ичидан ўқ тақиб юрганлар ўтди, улар ким бўлади?» деб сўраётган эдингми, деди.

— Ҳа, дедим ичидан ўқ тақиб, устидан тўн кийгашларнинг беш-олтитаси шубҳага ўтиб кетди; ҳар кун утишади, дедим. Ийигит дарров:— Қаёққа кетишди, билмайсизми, синглим?— деди. Юринг кўрсатаман,— дедим. У отини дарахтга бойлади ва иккимиз масҷид томонга юрдик.

Мен олдинда у кейинроқда борди. У секин-секин менга яқинлашиб, гап ташлади:

— Елғиз турасизми, зерикмайсизми, онангиз қаёқдалар?

— Онам ўлганлар, мен унда ёш эдим. Шундан бери отам билан тураман. Зерикмайман, қўшнилариимизнинг боғи бор: ўрик теришаман, шоптоли қоқи солишаман. Уйда қолганимда жияк тикаман,— дедим. У кулди: «Яхши экансиз, отангизга қарашаркансиз», деди.

— Менинг ҳам ота-онам йўқ. Отангиз мени ўғил қилармиканлар?

— Билмадим, ўзларидан сўранг!

— Сиз айтмайсизми, сизни яхши кўрадилар чоғи?

— Мен нимани билардим, айтмайман. Ана масҷидга яқинлашдик,— дедим. Иккимиз ҳам жим бордик, оёғимизнинг учи билан юрдик. Менинг чурук ковушим ўлгур ба'зан чушларга илиниб қоқилиб кетаман. Уяламан, яқтакка ўраламан.

Масҷиднинг деворидан қарамоқчи бўлдим. Менинг бўйим етмади. Уша ердаги қўштутининг устига чиқмоқчи бўлдим, ковушимни ечдим. У, қўлтуғимдан кўтарди. Товушимни чиқаришдан қўрқиб илдамардим. Фашим келса ҳам, эгим жимирашса ҳам тишимни тишимга қўйдим. Яқ-

тагим тут шохига илиниб қолди. Қизардим, унинг башарасига қаролмадим. Қуюқ барглар орасига яшириндим. У, масчид деворидан мўралар экан, тез-тез менга қарарди: «Кўраяпсизми?» дегандек қилиб имларди. Мен ҳам энди бепарво бош қимирлатиб жавоб берардим.

Масчиддагилар энди пешин номозини бошлашган экан. Худди ўша мен кўрган кишиларнинг ўзи. Уларнинг бошида салла, эгнида тўни бўлса ҳам беллари, кўкраклари ўққа тўлган. Йигит менга қаради. Мен ҳам қарардим. «Тушинг!» деб имлади. Тезгина тушдим. Иккимиз сўзсизча уйимизга келдик. Йигит отам блан қисқагина гаплашди-да, отига қамчи уриб жўнади. Сал ўтмай қизиллар келиб, масчиддаги босмачиларни таппа босдилар, қўлларини боғлаб олиб кетдилар. Шундан кейин у бизникига тез-тез келадиган бўлиб қолди. Дон-дун кўтариб келарди, овқат қилардим. У, отам блан гаплашиб ўтирарди, овқатни ҳам иккаласи бирга ерди. Бир кун у ҳарбийлар формасида келди. Кўзимга олов бўлиб кўринди. Олдида ўтиргим, сўзини эшитгим келаберди. Шундай бўлса ҳам ўзимни тортдим. Отини дарахтга бойлаб, кўрғонга кирди. Қўлимдан ушлаб, айвон оллига ўтқазди. Ўзи ҳам қамчинини ўйнаб ўтирди. Рўмолимни юзимга тортдим. У очиб қўйди. Нималарнидир, одамнинг юрагини ўйнатадиган гаплар гапира бошлади. Қочмоқчи бўлдим, яна ушлади.

— Қандолат!— деди,— иккимиз бирга турайлик, бирга яшайлик,— деди. Мен унамадим. Унамадим эмас, уялдим.

— Яқинда Тошкентга кетамиз, сизни, отангизни олиб кетамиз. Ўқиймиз,— деди. Индамадим. Ерга қараб турабердим. Қанча гапирса ҳам чурқ этмадим. У кетмоқчи бўлди, фуражкасини кийди, ўрнидан турди. Мен ҳам турдим. Хайрлашиб туриб лабимдан ўпди. Қочмоқчи эдим, кучим етмади. Зўрга қўлидан қутулиб, уйга қочдим. Деворлар ҳам менга саза бераётгандек қизардим, ҳечқаёққа қаролмадим. Бир оздан кейин секин эшикдан мўраладим, ҳовлида ҳечким йўқ эди. Югириб эшикка чиқдим, унда ҳам йўқ эди. Ширин бир нарсасини йўқотган одамдек ганграб қолдим. Гапирмаганимга ачиндим. Аразлаб кетмадим экан, деб хаёл суриб қолдим. Шу кунги уйқумнинг ҳам мазаси бўлмади. «Тошкентга борамиз, ўқиймиз» йўғе, қанақа қилиб ўқирдим. Алифни калтак деёлмайману. Отам жавоб бермаса, яхши кўрсам ҳам тегмайман. Минг хил хаёл блан миям ғовлаб кетди. Қуни блан ҳам шуларни ёздан чиқаролмадим. Қундуз опа кир юваётган экан, ҳа-

шарга чақирди, чиқдим. Кир ювишдим. Кечқурун, қош қорайганда кўчага чиқдим. Қўрғонимизга яқинлашганда орқамдан бирдан ҳалиги йигит келиб қолди. Дарров юзимни бекитдим. У хаҳолаб кулди, яктагимни тортди. Қўрғонга кириб гаплашиб ўтирдик. Анча нарсалар гапирди. Биттаси эсимда қолмабди. Шу куни бизникида ётиб қолмоқчи бўлди. Отам блан айвонда ётар десам, уйга кириб олди: «Отангизга билдирмай туринг!» деди. Ҳамавақт отам айвонда ётар, мен уйнинг эшигини бекитиб, уйда ётардим. Никоҳ ўқитдирмасдан қандай бирга турамиз дедим, кўнмайдим. Бирга туришга қўрқдим. У бўлса:

Ҳа, нима бўларди, биз маҳаллага ош бериб, тўй қилармидик, шундай тураберамизда. Никоҳ бўлса, эртага ўқитармик. Отангиз кўнмаса: «Сўз беришганмиз деймиз. Шимми омон бўлади» — деди. Ешлик қурсин, мен ҳам кўнлим. Тенга аршийдиган йигит. Бундан ортиғини топармидим дедим, кўнгил қўйдим. Бағрига кириб ётдим.

Ярим кеча, ҳали яхшигина ухлаганимиз ҳам йўқ эди. Бир тан ён қишлоғимиздан ўқ товуши келди. Уст-устига отишми. Қўрқдим, бошимни кўрпага буркадим. У сакраб ўришдан турди, кийимларини кия бошлади.

Мен кетаман. Яна жанг бўлаяпти, бормасам бўлмайди, — деди. Ялиндим, кетманг дедим. Жон Холтой ака, мени ташламанг, — дедим.

Йўқ келаман. Эртанинг ўзидаёқ ҳал қиламиз, — деди, секингина чиқиб кетди. Кетидан чиқдим, эшик олдида қараб турдим. Отам бошини кўтарди: «Қандолат, нима қилиб юрибсан?» деб тўнини кия бошлади. Йўқ, отажон қўрқманг, ера ташвишланманг. Ҳозир кириб ётаман.

Бемаҳал юрма болам, тагин нима бало бўлди, отишотини бўлаяпти, — деди. Бошини ёстиққа қўйди. Қишлоқда қаттиқ тўналанг бўлди, шовқин-сурон кўтарилди. Тўхтовсиз отиндилар. Ота-бола тонг откунча ухламай чиқдик. Шу куни кутдим. Холтойдан дарак бўлмади. Кечқурун ҳам келмади. Бу кеча тинч ўтди, отиш бўлмади. Лекин отишдан ўқлар ҳаммаси менинг юратимга келиб теккандек бўлди. Юратим чок чок бўлиб кетди: «Огримас бошимга олтин юрпа!» дегандек ўзимга ташвиш орғидирдим. Ешлик қилдим, подоялик қилдим. Лекин ҳамон келиб қолар деб кутдим. Икки кун ўтди, уч кун ўтди, дарағи бўлмади. Бир ой ўтди, икки ой ўтди келмади. Баъзан отам:

Аскар йишган нима бўлди-я болам, келмай кетди. Бу дарағи болачилардин омон бўлсаку майлинг-а, — деб

қўяди. Юрагимга ўт солади. Индамайман. Ўзимдан ўтади ўзим биламан. Алдадими дейман, ишонмайман. Босмачилар ўлдирдими дейман, қон ютаман. Сочларимни юлиб йиғлагим келади, отамга айтай десам андиша қиламан. Борган сари сарғайиб, чўп бўлиб кетабердим. Учинчи ойга қадам қўйди. Икки кўзим тўрт бўлиб кутаман, ҳеч дараги йўқ. Урнимдан турсам бошим айланади, овқат есам қайтариб ташлайман. Ёғлик овқатни ҳеч кўролмайман. Пиёз доғлаганда бурнимни бекитаман. Нима бўлаётганини ўзим билмайман. Сақич чайнагим келади. Эртойкеч оғзимдан сақич тушмайди. Аттор ўтиб қолса, муштумдек-муштумдек оқ сақич олиб қоламан. Борабора ўзимда аллақандай ўзгариш сеза бошладим. Қорнимни сиқдим, дарахтлардан сакрадим, фойда бермади. Бир ўзим нима қилишимни билмайман, бировга айголмайман. Уйнинг бурчакларига кириб йиғладим, ўйладим. Ахир, уни қидириб топмоқчи бўлдим. Қундуз опамникига бораман, дўппи тикишни ўрганаман деб, отамдан рухсат олдим. Бошимга ятакни ёпиниб, боши бек хаёллар блан йўлга тушдим. Қум тепаларни ошдим, сувлардан кечдим, орқа қишлоққа бориб егдим. Сўроглаб-сўроглаб, қизилларнинг турадиган жойига бордим. Мени узоқдан кўриб, бир аскар олдимга келди. Узиям хушфе'л одам экан.

— Келинг синглим, нима иш блан келдингиз?— деди. Олдин кўрқдим, кейин ўзимни дадил тутиб: «Холтой акам бормилар?» дедим.

— Холтой ака — шу қишлоқликми? —

— Ҳа.

— Унинг кими бўласиз?

— Синглиси бўламан. Кўргани келган эдим.

— Ҳа... У Тошкентга кетган эди-ку!

— Нега, келмайдиларми энди?

— Келарку, лекин қачон келиши ма'лум эмас. Ярадор бўлиб кетди,— деди. Хўнграб йиғлаб юбордим ва орқамга қайтабердим. У аскар чақирди: «Уйингиз қаерда?» деб сўради. Командирга айтмоқчи бўлди. Менга ёрдам бермоқчи бўлди. Қулоқ солмадим, уйимни айтмадим, кетабердим. Шомга яқин уйга етиб келдим. Кечаси блан ўзимга ўлим тиладим. Бўлмади. Энди ҳамма билиб кетади. Шарманда бўлдим. Қишлоқнинг диндорлари билиб қолса, мени ҳам, отамни ҳам тош бўрон қилади, қишлоқдан ҳайдаб чиқаради. Буларнинг ҳаммасини ўйладим. Ҳеч кимга кўринмай ҳам боқдим, бўлмади. Ахир кўзимни чирт

юлиб, бу ердан кетмоқчи, узоқ ерларда йўқолиб юрмоқчи бўлдим. Отам ҳам кўзимга кўринмади.

Бухорода бир холам бор эди, тўққиз ёшларимда холам келиб, мени шу ерга олиб борган, бир йил турган эдим. Шуникига бормоқчи бўлдим. Иккита кўйлагим, битта камзулим бор эди, шуларни тугиб олдим. Оёғимга маҳси кийдим. Яктакни ёпиниб йиғлай-йиғлай уйдан чиқиб кетдим.

Бироз юраман, яна орқамга қарайман, яна қарайман. Отам бечора ҳечнарсадан хабарсиз сувнинг тепасида ўтиради. Кўзи кўрмаса ҳам уёқ-буёққа қараб қўяди. Қўлларини блан ерларни тимискилаб, товоқ ёнига тушган пулларни теради, кетай дейман, кетолмайман: қайтай десам яна аллақандай ваҳималар кўз олдимга келади, қайтолмайман. Узоқдан бир дарахт тагида туриб, бир соатча отамга телмуридим. Шўрлик мени қидирар, излар, тополмас. Ахир: «Босмачилар ўғирлади» дерда, йиғлаб-йиғлаб сўнг кўникиб кетар эдим. Пима қилай ўлайми, кетайми? Майли, кетим дедим, юзимни чирт ўгириб йўлга тушдим. Йўл олтимни эди, там юрагимни. Судрала-судрала Қўқон шаҳрига келдим. Бир амаллаб поездга ўтириб, Бухорога жўнадим. Биров зулм қилса, биров раҳм қиларкан, биров ош берса, биров нон берар экан. Ун беш кун деганда холамнинг уйига кириб келдим.

— Отам ўлди, эрим ўлди,— дедим, йиғладим. Ҳасрат қилдим. Холам раҳм қилди.

— Болаларим қаторида боламсан,— деди, ўз бағрида олиб қолди. Тўққиз ой тўлганда мана шу Уринжонни туғдим. Вайсей... энди гапириншга тоқатим йўқ,— деди, кўз ёшини артди.

Мен эсим огиб, унинг огзига телмуриб қолдим, «шундан кейин пима бўлди, бошқа эрга тегмадингизми?»— деб сўрадим. У, ўпкасини зўрға тутиб олиб:

Яхшиям бахтимга Совет ҳукумати тузилган экан, бўлмаса, она-бола очликдан, хўрликдан ўлиб кетар эдик. Шу қишлоқда артель очилди, ишга кирдим. Курсларга кириб ўқидим. Боламни яслага бердим. Кейин Бухоро шаҳридаги техникумга бордим. Ундан Тошкентга кетдим, ўқидим. Бошқа эрга текким келмади. Ҳечкимни унга ўхшатолмайман. Уни ўқиб деб ўладим. Янглинган эканман, ўлмагани экан, минн бугун минн кўрдим, — деди, бошини ташна сеникда ташлади.

Вайсей... дедим, оғзим очилди. Олдинги ҳазил ташларам учун ўзим уғлиб кетдим. Бошини силадим.

Юпатмоқчи бўлдим, «Қўйинг, хафа бўлишга арзимади. Яна ганишиб олсанглар, бирга туриб кетарсизлар. Йўли осон», дедим, кулдим. Бу ишда ўзим ёрдам бермоқчи бўлдим. У кўнмади. Тагин ўша: «Ҳечкимга айтманг!» гапани такрорлай берди.

— Ҳечкимга айтмасам ҳам командирга айтаман.

— Йўғе, жоним, оғзингиздан чиқарманг. Анов... дек шармандам чиқмасин!

— Қўйинг, ҳадеб ўша «Катерина»ни пеш қилаверманг. Буни ўша офицер блан баробар қиласизми? У вақтнинг одами бошқа, бу вақтники бошқа. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз-ку.

— Балки уйлангандир, бола-чақа қилгандир. Бировнинг уйини бузиш яхши эмас.

— Мен шуни аниқлаб билайми? Хотин-боласи бўлса, индамаймиз, бўлмаса айтамыз.

— Ҳеч юрагим йўқ. Майли, нима бўлса ҳам омон экан-ку. 17 йил-а, 17 йил.

Эртаси кун мен шуни билмоқчи бўлдим. У кўнмади.

Соат учдан ошган эди. Барибир кўзга уйқу келмади. Тонгга яқин иккимиз ҳам ширии уйқуга кетибмиз.

Худди бир нарсадан қуруқ қолгандек тушга яқин Обкомга кириб бордим. Ўзим ҳовлиққанман: ҳеч нарсага қарагим, биров блан гаплашгим ҳам келмайди. Аксига олиб, ҳар сафар салом берибгина қоладиган навбатчи бу гал қўлимдан ушлаб:

— Ҳа қизча, келинг!— деди, мени гапга тутадиган бўлди. Бу ердагилар ҳаммаси мени танийди. Комсомол иши блан жуда кўп борганман. Ахир район комсомол комитетининг секретари бўлганимдан кейин ишим тушади-да.

— Уртоқ Ниёзовда ишим бор,— дедим. Тезгина қўлимни тортиб, кабинетга кириб кетдим. Қабулхонада унча одам кўп бўлмаса ҳам, ҳарҳолда беш-олти киши ўтирар эди. Навбат кутишга сабрим чидамади. Тўғри кириб кетмоқчи эдим, уялдим, одамлардан андиша қилдим. Секингина секретарьга бордим, қулоғига: «зарур ишим бор, шошиб турирман», дедим, ёнгинасида ўтирдим. У стол торғмасидан бир қоғозни олди-да, баҳона қилиб, Ниёзовнинг олдига кириб кетди. Ҳадеганда чиқа бермади. Тоқатим қолмади. Ўзимни овутиш учун бошқа нарсалар ҳақида ўйлай бошладим, миямга ҳечнарсаси келмади. Ҳамон хаёлим Қандолат опа воқиясида эди. Масаланинг қандай ҳал бўлишини ўзим ҳам билмайман. Бундай ишда тажри-



бам ҳам йўқ. Икки кўзим кабинет эшигида, бир маҳал секретарь чиқди. Ҳеч нарсадан, ҳеч нарса йўқ дик этиб ўришдан турдим. Секретарь менга қараб: «Кириш!» деди. Юрагим бирдан гурсиллаб уриб кетди. Кабинетга киратуриб, ўтирган одамларга бир қарадим. Бирнечаларнинг қовоғи тушиб кетган, мендан норозидек кўринади. Энди қайтиб ўтириш қийин эди. Қараганимга ўзим пушаймон едим, юрагимга тош урдим-да кириб кетдим.

Ургоқ Ниёзов мени кулиб қарши олди: «Ҳа, келинг комсомол!» деб қўлини узатди. Кўришиб ўтирдиму, лекин нима деб гап бошлашимни билолмай қолдим. Лабим қимирламайди, товушим чиқмайди. Қулт-қулт тупугимни ютаман. Унинг:

Нима гап, қани гапиринг қизим! Ишларингиз қалай? дейиши тилимга калит бўлди. Ўзимни бироз тутиб олдим. Бу воқияни оғзи очилгандай, гап қуйилиб келаберди.

Агитаторларни айланиб чиқдим. Сайловчиларнинг иштироки ёмон эмас. Улар кўп нарсани билишни истайдилар. Кўп саноқлар берадилар, баъзан агитаторлар жавоб берадилар, тупилиб қолади. Ҳатто депутатимиз ўртоқ Пўлатовнинг оиласига қадар сўрайдилар. Ахир, улар сайловчи халқ-да, уларнинг сўроғига, талабига тўла жавоб бериш керак-да! Агитаторлар Пўлатовнинг хотини нимаши қилади, қанча боласи бор, буни билмайдилар, қизориб қоладилар. Ўзимиз ҳам билмаймиз,— дедим. Ичимда: «Вой ўлай, ёлгон гапираяпман, Обком секретарини алдаяпман!», дедим. Уялиб кетдим. Сал бўлмаса «бунақа эмас» деб бутун воқияни очворай дедим. Бўлмади, тилимни тийдим. Бир вақтлар келса айтарман дедим. Ерга қараб, тирногимни ўйнаб ўтира бердим. Ниёзов оғзимга тикилиб ўтирди. Баъзан илжайиб қўяди. Яна гапнинг давомини кутгандай индамай турган эди, бошимни кўтариб қарадим: «бўлди» деган ишорани қилдим.

Оббо қизим-е, қасқдаги эсда йўқ нарсаларни эсга соласан-а. Майли билайлик,— деди у ва телефон трубкасини қўлига олди.

Қаердан, гостиницаданми?.. Менга Пўлатов керак. Уртоқ Пўлатовми?.. Салом, бугун кўришмаганимиз учун соғиниб қолдим... Бу сайловчиларингиз сиздан бир «муҳим» масалани сўрайдилар. Хотинингизнинг ким бўлиб ишлагани, нечта болангиз борлигини сўрайдилар,— ўзи гапириб туриб кулди. Мен дамимни чиқармай, бир телефонга, бир профила қараб ўтира бердим. Қулоғимга «учта бо-

лам бор, хотиним доктор бўлиб ишлайди» деяркандай туюлади. Узимча неча хил нарсаларни бичиб-тўқийман, аллақандай ваҳималарга шўнгийман.

У, бир қизиқроқ сўз айтди, шекилли Ниёзов хандон ташлаб кулиб юборди ва кулги аралаш: «Сўраётган ҳам ёшгина бир қиз, бизнинг актив комсомол қизларимиздан», деди. Мен зил-занбил бўлиб, ерга кириб кетай дедим, бошда хаёлимга ҳеч шундай фикр келгани йўқ эди. Бошимдан тер қуйиб кетди. Қайтиб, Ниёзовнинг башарасига қаролмадим. У, бу жиддий сўроқ эканини тушунтириб, трубкани жойига қўйди.

— Бориб айт, агитаторлар энди қийналмасин. Болалари йўқ, хотини ўлган экан,— деди. У ҳам бу гапнинг тагида бир нарса борлиги ва менинг агитаторларни баҳона қилганимни сизди. Мен сакраб ўрнимдан турдим. Кетмоқчи бўлдим. Ниёзов менга қараб:

— Ҳа, бўлдим, бошқа гапнинг йўқми?— деди. Бу ҳам менга калтак бўлиб тегди: секингина: «йўқ» дедим, кушдек учиб чиқиб кетдим.

Шу куни кечаси уйимизда оғзаки жанг бўлди.

— Ҳа, ёзинг, бутун воқияни айтинг, ўзингизни танитинг,— дедим, қистадим.

— Вой ўлсам гўрга,— деди Қандолат она,— эсимни емасам, сизга гапирармидим? Бўлмаган нарсага бошимни оғритасиз. Ёзмайман, ҳеч ёзмайман. Балки у мени танишни истамас. Унинг ҳам кўнглида бирорта севгани бордир. Шундай командирга кимлар тегмайди дейсиз. У вақтда ёш эдим. Гулдек очилган эдим, энди ўттиз икки яшар хотинни у бошига урсинми!?— деди, ўжарлиги тутди. Мен ҳам ўз сўзимда туриб олдим.

— Бошлаган ишимни охиригача олиб бормасам, отимни бошқа қўяман,— дедим. Командирнинг неча ёшдалигини сўрадим, Қандолат опа ўйлаб туриб:

— Ўттиз бешларга борган бўлса керак, бундан ортиқ эмас,— деди.

Унинг жони ҳолига қўймадим, қўлидан судраб, ёзув столининг ёнига ўтқаздим, олдига қоғоз қўйдим, қўлига қалам бердим: «ёзинг!» деб қистадим. Тепасида қараб турдим. Бир хат ёзди-да қаламни улоқтириб ташлади. Пешонасини ушлаб ўтириб олди. Қўлтуғидан кўтардим: «Қочинг! Узим ёзаман», дедим. Ўтириб, етти тахта қоғозни тўлдирдим, эшитганларимнинг ҳаммасини ёздим. У, кроватда чурқ этмай ётаберди. Бўлганимдан кейин ўқиб

бердим Қўл қўйишини сўрадим. Қўймади. «Ганиева» деб қўимдан деган эдим, жон кирди шекилли, ўрнидан туриб: «У меннинг фамилиямни билмайди, отимни ёзинг» деди. Айтаганидек қилиб, отини ҳам ёздим. Конвертга солиб, устнага: «Командир ўртоқ Пўлатовга» деб қўйдим. Кўнглим бироз тиңчиди, ётдим.

\* \* \*

Ҳузур гостиницага бордик. Йўлдан техникумга кириб, Уринжонни ҳам олдик. Унга билдирмадик. Уринжон бир ийқт «Менинг отам ким эди. Нима бўлган?» деб сўраганида Қандолат она: «Отангни босмачилар ўлдириб кетган», деган эди. Шунинг учун ҳозир билдирмай турдик.

Гостиница навбатчисидан сўраган эдик, у: «Обкомга кетган», деди. Қандолат она яна қайсарлик қилабошлади. Мен қўймадим. Бўйнидан боғлагандек Обкомга қараб судрадим. Қабулхонада секретарьдан бошқа ҳечким йўқ эди. Олдин Ниёзовни сўрадим. Секретарь:

Районларга чиқиб кетди,— деди. Кейин Пўлатовни сўрадим Кабинетда эканлигини айтди. Қирмоқчи бўлди. Секретарь қўлимдан ушлаб:

Мумкин эмас, у ҳозир иш блан банд, газетага мақола елаптир,— деди, ялинсам ҳам кўнмади. Киришга қўймади. Ачингим чиқди, телефон трубкасини қўлимга олдим. Қандолат она дарров келиб, трубкани қўлимдан олди:

Қўйини, бешовта қилманг, кейинроқ келармиз,— деди. Мен шу қулай ийқдан фойдаланишга тиришдим, трубкани олиб, кабинет номерини айтдим. Жавоб келганда сўнг секретарь бўлиб тавирдим:

Бир студент сизга хат олиб келибди, ўз қўли блан бермоқчи, дедим. У рухсат берди. Конвертни Уринжоннинг қўлига бердим, уни киргизмоқчи бўлдим. У ҳайрон бўлиб, бир мени, бир конвертга қараб қолди. Орқасидан итариб, кабинетга киришиб юбордим. Қандолат она югурганича кўчага чиқиб кетди. Кетиб қолмасин деб кетидан чиқдим. Тини алақсиниб турмоқчи эдим, сабрим чидамади. Уни эшик олдида қолдириб, ўшим ичкарига кирдим, эшик қисидан қараб турдим.

Уринжон девоида бенарво кабинетдаги расмларни тамоша қилиб ўтирибди. Ҳарзамонда командирга қараб қўлига Командир эса хатдан кўзини олмайди. Тез-тез варақчаларни Баъзан Уринжонга қараб қуяди. Хатни охиригача ўқиб бўлгандан кейин Уринжонга тикилди. У қўлини

чаккасига қўйганича узоқ ўйланиб қолди. Чидамим қолмади. Уйни гир айланаман, юрагимни чангаллайман, бармоғимни тишлайман: «ёлғон, булар ҳаммаси уйдирма гаплар» — деса, қилган ишидан тонса, нима қиламан дейман. Қандолат опанинг ўлигини олиб кетаманми дейман. Яна келиб, қулоқ соламан. Секретарь бўлса бизга аччиқланиб, ишини ҳам ташлаб бошқа уйга кириб кетди. Бу мен учун яна ҳам яхши бўлди. Ба'зан ўзимдан-ўзим гапириб қўяман. Командир хатни букладида, Уринжонга қараб: «бир ўзингиз келдингизми?» деди. Уринжон онаси блан келганини айтди. Командир ўрнидан турди, эшикка томон келаберди. Уринжон унинг орқасидан қараб қолди. Мен орқамга қарамай қочдим. Кўчага чиқиб, Қандолат опамга ёпишдим: «киринг, чақираяпти» дедим. Рангги оппоқ оқариб кетди. Ҳушсиз одам сингари гапиролмай бақрайиб қолди. Оёқ-қўллари титради.


— Вой юрагингиз қурсин,— дедим, орқасидан итардим. Уни уйга киргизиб, ўзим кўчада қолдим. Уғри мушук сингари уёқдан-буёқдан мўраладим, кўришнинг иложи бўлмади. Қулоқ солдим, ҳечнарсга эшитилмади. Юрагим пўкиллаб турди. «Ҳозир чиқади-ю, Қандолат опазимга бир шапалоқ уради» дейман. «Ўла ўлгунча юзимга қарамайди» дейман. Қайда билай, бировнинг юрагини билиб бўладими!

Бир маҳал ҳовлиқиб, Уринжон чиқиб қолди. Ўзи кулимсираган бўлса ҳам, кўзи ёшланган эди. Жоним чиқди: «Ҳа, нима бўлди?» дедим.

— Отамни топдим, опажон, пешонамдан ўпди: «ўғлим» деди. Юринг сизни чақираяптилар,— деди. Жуда дадил бўлиб кетдим. Қаҳрамонларча оёғимни қаттиқ-қаттиқ босиб, кўкрагимни керганимча кириб бордим. Қандолат девонда кўз ёшларини артиб ўтирибди. Командир стаканда унга сув ичираётир, унинг киприкларида ёш йилтирар эди.

Мени кўриб стаканни столга қўйди-да, ўрнидан туриб менинг пешонамдан ўпди ва:

— Раҳмат синглим, ҳеч унутилмайдиган иш қилибсиз деди.





### УЗИ МОНАНД

Уринжон камзулини ешиб, сандуқ устига ташлаганида бир нарса «шақ» этиб кетди. Айвонда қовун еб ўтирган Новвот опа ҳам, Холиқ ака ҳам бунга қараб қўйди. Уринжон уларнинг кўзига кўзи тушиши бланоқ камзулини олиб, қозиққа илди. Тезгина ўрнига кириб, бошини буркаганича ётди.

Нима бало,— деди Новвот опа эрига қараб,— бунишчиз ошиқ ўйнайдиган бўлиб қолди шекилли!

Ошиқни қайдан олсин?

Сиз шундоғ дейсиз-да; кунора қўй сўйилади.

У танини исботламоқчи бўлди: келиб, камзул чўнтагига қўл солди. Чўнтакдан ошиқ эмас, бирталай катта кичик миҳлар, нарча пурча тахтачалар чиқди. Новвот опа, бир эрига, бир ҳалиги нарсаларга қаради, лабини бурди, юзларида табассум иллари кўринабошлади-ю, бир зумда тарқалиб кетди. Лаблари пир-пир учди.

Мана, шунақа-да. Боланинг кўнглига қарайберсангиз, ҳилдидан олиб кетади. Уззу кун Жўнғон жиннидек темир терсак йиғиб юради. Ахир, булар чўнтакни йиртмайдимми, кийимни тўзунмайдимми? Ота бўлиб, бундоқ бир шиналоқ урмасинини! Тазаби олиб, ҳалиги нарсаларни ўзининг олдида ташлади. Холиқ ака шинагини бузмай, миҳларни кафига солиб, каттасини каттага, кичигини кичикка ажратди. У миҳидагини кулиб, хотинига қаради.

Бу миҳларни қайдан олди экан?

Кўр бўлсин, қайдан олгани билан ишим нима; шунақаларни ўйнашга жоним чиқади. Бола деган сал бўйи

чўзилгандан кейин мол боқади, бозор-ўчарингни қилади. Ноҳотки, тарақ-тарақ қилиб, уста-бузармон бўлиб ўтирса!

— Сен ўзингку, устабузармансан-а! Анав куни соатнинг ичидаги чангини артаман деб, бутун минут, секундларигача узиб туширдинг. Мана энди, болани бозор-ўчарга ўргатаман деб яна боплайсан. Ахир, сен блан мен ўлганимиз йўқку; анов куни ҳам шунақа; «Ариқ устига чархпалак қўйиб, обжувоз ясапти» деб жоврадинг. Сенинг сўзинг блан мактабга бордим, ўқитучилари блан гаплашдим, нима чиқди? Қайтангга қизориб қайтдим. Улар ҳам шу ишини ма'қул топадилар.

— Сиздан чиқадиган гап шу-да. Бундан кейин унинг қўлида болға, тешани кўрсам, бошига бир тушираману, адабини бераман.

Новвот опа эрига жаҳл қилиб, уйга кириб кетди. Яна нималар деб унинг тўнғиллаб товуши чиқди. Холиқ ака михларни қоғозга ўраганича индамай ўтирди. Дам ўтмай Новвот опа югургилаб чиқди:

— Гапирсам дамингиз чиқмайди. Ахир бу тирранчанинг қилган ишини қаранг. Турнинг ўрнингиздан, уйга кириб кўринг!

Эрининг қўлидан тортқилади. Холиқ ака ҳам қайсарлик қилмасдан ўрнидан турди, уйга кирди. Новвот опа, қўли блан шипни кўрсатди.

— Ана қаранг, нок, олма осадиган михларимнинг ҳаммасини суғуриб олипти. Бундай бола бўлганидан бўлмагани яхши,— нафаси бўғилди, ғазабидан гапиролмай қолди.

— Хайрият-а,— деди Холиқ ака, икки қўли блан оқ суруп яктагининг ёқасини кериб туфлаган бўлди,— ўз уйимиздан олган эканку. Мен боядан бери аравахонадан ўғирлаб келдимикан, деб хавфланиб ўтирган эдим.

— Ҳа, аравахонадан олса, камайиб қолармиди?

— Ахир, у бир менинг аравахонам эмаску, у колхозники — жамоатники. Жамоат мулкининг нинадагини ҳам ардоғлашимиз керак. Тушинасанми бунди?

Новвот опа жим қолди. Холиқ ака хотинининг елкасига қоқиб гапирди:

— Қўябер, мих бўлса сотиб оларсан. Уғлингга бўлса ўзим гапирман, темир-терсақларни кичкина яшикка солиб юр, чўнтагингга солма, дейман,— қайтиб, айвонга чиқди. Унинг кетича Новвот опа ҳам кўрпа кўтариб чиқиб қолди.

Новвот опа ишдан қайтиб келганда Ўринжон ўзи ясаган уйчанинг устига туника қоқаётган эди. Онасининг узоқдан келаётганини кўриб у, уйчанинг олдини тўсиб турди. Икки ўртоғи ҳам унинг ёнида қаторлашиб, гўё гаплашиб тургандек бўлишди. Новвот опа яқинлашган замониёқ Ўринжон:

— Ойичи, Туйғуннинг опаси туғибди,— деди, ўзи онасининг кўзига телмуриб турди.

— Вой, мунча яхши,— нима туғди, қачон туғди?

— Қиз эмиш, ҳали кўрганимиз йўқ. Туғруқхонада ётибдилар.

Туйғун ерга қараганича, қўл чанглари қоқатуриб гапирди. Новвот опанинг кулиб турган юзи бирдан ўзгариб кетди. Ўринжон ялт этиб ўртоқларига қаради.

— Аҳволингни қара, тагин сен кеча ҳаммомга тушган боласан, чиннидек кўйлакни нима қилдинг. Қани, орқангни ўгирчи, тоза жойинг қолдимикин?

Ўринжон истамаса ҳам секингина силжиди. Ўртоқлари ҳам жойларидан аста-аста қўзғолишди. Бирдан Новвот опанинг фнгони фалакка кўтарилди; сал бўлмаса, уйчани тешиб ташлай деди.

— Бу нимаси тагин, энди кунинг сувоқчиликка қолдимми? Сенга сра ақл битмади. Бўйингни қара, менга етиб қолди. Бўйининг узилсин!

— Нима... нима қилдим?

Дарт қилдинг. **Ҳамлаёққа** ёғоч йўниб ташлаганини кўр!

— Товуқларга...— деди Ўринжон секингина,— катак солдим-да. Товуқларингиз кўк пиёзларни каллалаб ташлабди.

Новвот опа уйчанинг пухта ишланганини кўриб, бироз жаҳлидан тушди; яна уни тимискилаб қарай бошлади.

Катакнинг бўйи бир метр, эни ундан қисқароқ, баландлиги ҳам шунга яраша, ўзи пахса девор блан ишланган. Унга икки дераза, бир эшик ҳам қўйилган эди. Деразаларига ром қилиниб, орқасидан конфетдан чиқадиган ялтироқ қоғоз ёпиштирилган, тенаси қия том бўлиб, тахталар қоқилган, туника ёпилган эди.

Новвот опа туникани кўчириб олди:

— Буни қайдан олдинг, туникасиз ўтсин эди.— Ўринжон айткиси келмаса ҳам онасининг ғазабидан қўрқиб айтди:

— Савзи ўранинг устидан.

— Ана, айтмадимми, бутун қилган ишинг шунақа. Қишда савзи яхлаб қолиши блан ишинг йўқ.

Ўринжон онасининг қўлидаги туникани олишга интилиб:

— Ўзим тахтадан тувоқ қилиб қўяман,— деди. Энди у онасига ялиниб гапирабошлади. Новвот опа бирдан бошқа гапга кўчди:

— Бор, сигирларни олиб кел!

— Олиб келдим, қўйларни ҳам; уларнинг олдига пўчоқларигача солиб қўйдим.

Новвот опа туникани ташлади, қўрғонга қараб юрди. Бироздан кейин яна туника қоқилган овоз эшитилабошлади.

\* \* \*

Холиқ ака айвон даҳанига келиб ўтириши блан Ўринжон ичкари уйдан чиқди. У, қўлтиғига бир нарсани қистириб олган, пастки лабини тишлаб, битта-битта қадам босиб, отасига яқинлашди.

— Ҳорманг дада!— деди секингина ёнига ўтириб,— янги гапни эшитдингизми?— Қўлтиғидан газета чиқарди. Отасининг: «Қанақа гап» деб сўрашини ҳам кутмай ўзи гап бошлади:

— Ҳунар мактаби очилармиш-а, биздек-биздек болаларни олармиш!

— Ҳа, эшитдим ўғлим, сен ҳам кетадиган бўлибсан.

— Ойимга нима деймиз, юбормай қўйсалар-а?

— Қани, ўша қарорни қаттиқ-қаттиқ ўқигин, эшитиб нима дер экан?

Ўринжон ҳовлиқмайча, дона-дона қилиб, қаттиқ товуш блан ўқиди. Новвот опа челак кўтариб, сигир соққани кетаётган эди, Ўринжоннинг товушини эшитиб, буларга яқинлашди. У, Ўринжоннинг охирга қадар ўқишини кутмасдан ўртага гап ташлади:

— Бўб қолибсан, кўнглингдаги иш бўлибди.

Холиқ ака кулди-да хотинига қараб:

— Ҳа, нима бўпти?— деди.

— Нима бўларди, Ўринжонларга фабрика-завод таълими деган мактаб очиладиган бўлиптику!

— Оббо... сен-э, буни ҳам эшитдингми?



— Ҳа, менга нима бўпти, эшитмай қулоғим карми. Бугун бригадиримиз бизларга буни тушунтираман деб эси кетди.

Уринжон онасининг юмшоқлик блан гапиришини кўриб севиниб кетди, бориб унинг бўйнига ёпишди.

— Ойижон, нима дедингиз, ўғлимни юбораман дедингизми?

— Ҳа, бўлмасамчи, бош-қошда сен борасанку. Сени қолдириб бўладими. Отанг блан тил бириктириб, барибир кетасан қоласан. Қараб тур, ўқишга кетаётганингда темир-терсақларингни ҳам чўнтагингга солиб бераман.

Шу куни кечаси Уринжоннинг уйқуси келмай, онаси блан гаплашиб чиқди.





## УЯЛДИ ШЕКИЛЛИ, ЕРГА ҚАРАДИ

Бир зарур иш блан Шаҳар Советига бордим. Раиснинг ўзи блан сўзлашиш керак эди, тўғри унинг қабулхонасига кирдим. У ерда ўнга яқин одам бор эди. Мен киришим блан ҳаммаси бир-бир қарашиб қўйишди. Лекин бош қимирлатиб сўрашучи киши бўлмади. Ёш студент, янги депутатман, ҳали ҳечким танимайди. Мен ҳам атрофга бир қараб чиққанимдан кейин, тўғрида ўтирган секретарьнинг олдига бордим, салом бердим. У бошини зўрғагина қимирлатган бўлди-да, яна кўзини пастга олди. У, столнинг ўрта тортмасини олдига томон бироз чиқариб, унга қандайдир бир китобни (роман бўлса керак) қўйиб, ўқиётган эди. Мен унинг қарашини кутиб, стол ёнида тикка тура бердим. Лекин у бошини кўтармади. «Нима иш блан?» деб ҳам сўрамади. Ўзим хижолат бўлиб кетдим, ўтирганлардан уялдим. Қайтиб чиқиб кетмоқчи ҳам бўлган эдим, тағин «бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдириш» бўлмасин деб, ўзимни тутдим. Китоб бетига тикилиб, ба'зибир сатрларни ўқиган бўлиб турдим; «Бирор абзацига келиб, сўнгра қараса керак», деб ўйладим. Йўқ, бирнеча бет ва ҳатто катта бир бўлимдан ҳам ўтиб кетди, қарамади. Стол устида ётган бир рўйхатга кўзим тушди, келучиларни ёзиб қўйган қоғоз бўлса керак, деб ўйладим ва уни секин олмоқчи бўлиб, қўл узатдим. У, кўз тагидан кўриб турган экан шекилли, жаҳли блан ўз олдига тортиб олди. Жуда аччиғим чиқди. Бир нарса айтмоқчи бўлиб, оғзимни жуплаб турган эдим, телефон жиринглаб қолди. Секретарь трубкани олиб, зарда блан гапира бошлади:

— Аризангиз турипти, бераолганим йўқ.

Уёқдан бир қаттигроқ сўз эшитди шекилли:

— Ҳа, бу ерда сизнинг аризангиздан бошқа иш йўқ-ми? Икки-уч кундан кейин хабар олинг,— деди ва шақ этиб, трубкани жойига қўйди. Урндан туриб, эшикка чиқиб кетди. Узи ҳам йўғон гавдали хотин экан, юришидан уй ларзага келди. Кетидан қараб қолдим. Ўтирганлар ҳам хўмрайиниб қарашди. Уларнинг ба'зилари газета, ба'зилари китоб ўқиётган эдилар. Бурчакроқда ўтирган икки киши нима ҳақдадир, секин-секин сўзлашиб ўтирарди. Уларнинг сироғи менга қараб: «Ўзингиз айтиб ёздирмасангиз бўлмайди. У кишининг олдида ўн соат турсангиз ҳам индамайди, шунақа димоғи баланд» — деди. Мен уялганимдан кулдим, қўлимдаги портфелимни ўйнатганимча, тикка турабердим. Кабинетнинг эшиги очилди, бир киши чиқиб кетди. Навбатда ўтирганлардан биттаси кирди. Коридордан ҳалиги секретарьнинг оёқ товуши эшитилабошлади. Мен сўзлашга тайёрланиб турдим. Лекин нимагадир юрагим пўкиллаб турарди. Ичимда: «Ҳали секретарьга гапиролмай турибман-у, раиснинг олдида кирганда қандай бўламан», деб ўйладим. У келиб яна жойига ўтирди. Унинг кетича ёшгина бир йигит стаканда чой, тарелкада иккита тухум, булка, битта пирожний кўтариб кирди. Секретарь столига қўйди. У индамаса ҳам, ўзим гап бошладим:

Ўртоқ Азизовнинг олдида кирмоқчиман,— дедим. У яна баниарамга қаради, стаканни олдида тортиб, чойдан бир хўшлади:

— Фамилиянгиз нима?

— Ғайниддинова.

— Нима иш блан?

— Уни ўртоқ Азизовнинг ўзларига айтаман.

Сўнги гап ёқмади чоғи, тумшуги чўзилиб кетди.

— Навбат блан кирасиз,— деб, мени ҳам рўйхатга тиркаб қўйди.

Дераза тагидаги стулга бориб ўтирдим, портфельдан китоб чиқариб, ўқийбошладим.

Секретарьнинг қаттиқ-қаттиқ товуши чиқиб қолди. Бу хотин ҳам гапирар экан, дея ажабланиб, бошимни кўтардим. У, чой келтирган йигитни койиётган эди. У йигит қандайдир бир хатни ўқиёлмай, секретарьдан сўради. Секретарь:

— Қап-катта бўлиб шуни ҳам ўқиёлмайсан!

Сенга бир иш топширишга ҳам юрагим қолмади; сўрайбериб, тинкани қуритасан. Эссиз сенга берилган пул, кўчада ҳаммоллик қилишинг керак. Тагин менга ёрдамчи эмиш,— ёнига қараб,— тфув...— деди. Йигит хатдан бошини кўтармади, столга тиралганича, жуда ма'юс бўлиб қолди.

Раис олдига кирган кишилар узоқ турмай, тез-тез чиқабошладилар. Менга ҳам тезгина навбат келақолди. Эшикдан киришим блан Азизов ўрнидан турди. Уйни бошига кўтаргудек бўлиб:

— Э... келинг-келинг, синглим!— қувонч блан қўл бериб сўрашди. Теримга сиғмай кетдим, ҳалиги диққатбозликлар бирпасда тарқалди. Утириб, энди гап бошлаган эдим, тагин ҳалиги секретарьнинг қаттиқ-қаттиқ товуши чиқди. Азизов бироз қулоқ солиб тургандан кейин, девордаги кнопкани босди. Сун'ий жингалак сочларини икки қўли блан юқорига кўтара-кўтара, секретарь кириб келди. Унинг жаҳли чиққан, ранги ўчган, лабларини пириллатиб, бир зумда бир жаҳон гапни гапириб ташлади.

— Узи нима гап?— деди Азизов вазминлик блан.

— Маня бу сўтак Қодировни менга ёрдамчи қилиб қўйганларидан бери асабим бутунлай ишдан чиқди. На ёзишни билади, на ўқишни. Бир иш буюрсанг, сўрайбериб, жонга тегади.

— Шунинг учун ҳам сизга ёрдамчи қилиб, иш ўргансин деб қўйилган. Сиз каттасиз, саводлисиз, у бўлса ҳали ёш. Ургатсангиз, қувониб ўрланади.

— Йўқ-йўқ... мен бунақа қовоқ бошлар блан машғул бўлишни истамайман. Барибир ундан ҳечнарсачиқмайди. Ҳаммоллик қилишдан бошқага ярамайди. Бу ерда ё у турсин, ё мен. Мен ҳозир ариза бераман, сўзларим ма'қул бўлмаса, мени бўшатиб юборинг!

Гап орасида кўз ёшларини ҳам артиб олди. Азизов бошда кулимсираб турган эди, кейин юзига жиддий тус бериб:

— Бу ерда ким туришини кейин ҳал қиламиз. Қани менга Қодировни айтиб юборинг!— деди. Секретарь оёқларини гурсиллатиб чиқиб кетди.

Шу ондаёқ эшик яна очилди, ҳалиги ёш йигит кирди. Азизовнинг таклифи бўйича, у келиб ўтирди. Азизов унинг бошидан оёғигача бир қараб чиққандан сўнг, гап бошлади.

— Нега Фотима опа блан чиқишмай қолдинглар?

— Үзлари шунақа... мен ҳечнарсга деганим йўқ. Фақат ба'зи сўзларни ўқийёлмай сўрасам, жаҳллари чиқади. Айтиб бермайдилар.

— Қаерда ўқигансан?

— Ҳечқаерда. Ҳа... 5 нчи синфни битирганман.

— Ёшинг нечада?

Йигит жуда ўнғайсизланиб кетди. Нималарнидир ўйлаб, ерга қараганича қолди ва бирдан бошини кўтариб:

— Унтўққизда. Ёшим блан билимим орасида катта фарқ бор. Ҳозирги болаларда бундай бўлмаслиги керак эди, лекин...

Менинг размимча, Азизов: нега ўқимадинг, кўчада ошиқ ўйнадингми?— демоқчи бўлиб тайёрланиб турган эди-ю, лекин йигитнинг сўнгги сўзи унинг фикрини шартта бўлиб қўйди. У нима дейишини билмай:

— Гапирабер, шуни билиш учун чақирдим,— деди.

— Онам ёшлигимда ўлиб кетган. Отамнинг ўлганига ҳам олти йил бўлди. Мен бир кампир бувим блан қолдим. Боқадиган кишимиз бўлмади. Уқишни ташлаб, ишлашга тўғри келди. Аввал хат ташучи бўлиб ишладим, энди мана шу ердаги ишим.

— Комсомолда бормисан?

— Борман.

— Уқишга юборсак, ўқийсанми?

— Жон даяр эдим,— деди-ю, яна ўзи ўйланиб қолди. Бироздан кейин:— Кампирни нима қиламан? Саксонга кирган, ишга ярамайди,— деди.

Мен буёқдан туриб: «Менга берақолинг, бизникида турсин» демоқчи бўлдим. Сал бўлмаганда, айтиб юборай ҳам дедим, кейин бирдан: «Вой ўлай, мен ёш қиз бўлсам, бу йигит бўлса, тагин унинг кўнглига бошқа нарсга келмасин» деб, ўйлаб қолдим. Оғзимни очган жойимда, қўлим блан маҳкам ушладим.

Азизов менинг ҳовлиқиб қолганимдан хабарсиз, гапида давом этди:

— Кампирни ташлама, кундузи ишлайсан, кечқурун ўқийсан. Шундай бир қисқа муддагли курсларга жойлаймиз.

— Майли, қанча бўлса ҳам ўқийман.

Азизов дарров телефон орқали комсомол комитетининг секретари блан гаплашди. Воқиянинг ҳаммасини тусунтирди. Трубкани жойига қўймасдан туриб, Қодировга қаради:

— Машина блан қалайсан, мана шу ўзимизниг автомашина?

— Яхши кўрамән. Ҳамавақт шоферга боқишиб юрамән.

— Жуда яхши. Азизов яна трубкани қулогига яқин тутиб, комсомол комитети секретарига буни ҳам тайинлади ва трубкани жойига қўйди. Қодиров ўрнидан турди. Азизов қўл бериб, хайрлашди ва:

— Ҳозир секретарьнинг олдига тушгин, у ҳаммасини тўғрилаб беради,— деди. Қодиров севинган ҳолда чиқиб кетди.

\* \* \*

Институтни битирганимдан кейин мени шу институт қошидаги касалхонанинг хирургия клиникасида ишга қолдирдилар. Яхши бир коммунист профессорнинг қўл остида ишладим. Кейин-кейин ўзим мустақил равишда операциялар қиладиган бўлдим. «Қизил яримой жам'ияти» йўли блан санитария самолётида районларга ҳам бориб юрдим. Тасодифий ҳодисаларда қаттиқ ярадор бўлганларга тез ёрдам бериш менга ма'қул бўлди.

Эндигина кечки навбатчиликдан бўшаб, уйга кетай деб турган эдим, бирдан телефонга чақириб қолдилар. Бу «Қизил яримой жам'ияти»дан эди.

— Чим'ён тоғларидаги гиёҳларни текширишга чиққан илмий экспедиция а'золаридан бир қиз тоғда кетатуриб, қирралик тошга урилипти, қаттиқ азобда эмиш.

Бу хабарни профессорга билдирдим, ундан тегишли консультация олдим ва операцияга керакли асбоб, дориларни чамадонга солиб жўнадим.

Аэропортга бориб, машинадан тушишим блан, зачальник қарши олди: «Самолёт тайёр» деди. Биз унинг блан таниш бўлсак ҳам, ортиқча гаплашиб турмадик, тезгина самолётга ўтирдим. Биз ҳавога кўтарилдик, зачальник қўл силкитиб хайрлашганча қолди.

Ҳаво тиниқ, осмон кўмкўк, ер кўмкўк: далалар, қирлар яшил майсалар блан қопланган. Дарахтлар тўп-тўп бўлиб орқада қолиб бораётир. Ерга қарасангиз, аллақандай шахмат тахтасига ўхшаб тизилган карта кўз олдингизга келади. Бир-бирини кесиб ўтган кўчалар, кумушдек оқар сувлар, гугурт қутичаси сингари тизилган уйлар — ҳаммаси орқада қолаётир. Тоққа яқинлашдик шекилли, самолёт бирдан юқори кўтарилди, сал ўтмай пастга таш-

лади. Юрагим шиг этиб кетди. Учучи ҳам орқасига қайрилиб қаради, кулди. Мен уни танийолмадим. Бошида чарм қулоқчин, кўзида катта ойнак, ким эканини яхши билиб бўлмади. Унинг кулишидан: «Бу мени қўрқитиш учун жўрттага самолётни чайқалтираётган экан», деб ўйладим. Йўқ, бироздан кейин қарасам, тоғ устидан, тоғ ораларидаги яйловлардан кетаётган эканмиз. Бундай жойларда чайқалиши табиий эди.

Самолёт жуда тез учиб борди, лекин ерга қўнишда жой қидириб, анча овора бўлди. Бир сайхон ер устидан тўрт-беш айланишга тўғри келди. Тагин ҳам уста учучи экан, атрофи тоғлик ер бўлса ҳам, ҳечқаерга урилмай, жой танлаб олиб, омон-эсонгина ерга қўнди. Экспедициячилар самолёт учун ўзларича қулай жой танлаб, кичкина байроқча тикиб қўйган экан. Мен буни ерга тушганимдан кейин кўрдим. Улар блан тезгина сўрашдикда, икки тоғ орасидаги торгина йўл блан кетдик. Йўлда менга воқияни тафсийлий равишда сўзлаб бордилар.

Кичкина боқчага ўхшаган жойдаги палатага бориб кирдик. Ҳақиқатан касалнинг ҳоли жуда оғир эди. У студент қиз бўлса керак, ёш эди. Узи ҳам чиройлик: оппоқ, қош, кўзлари попуқдек, сочлари узун: ёстиқ блан битта бўлиб тўзғиб ётипти. Кўзини очмайди. Фақат ба'зан «Вой... вой...»— деган товуши чиқади, холос. Мен эркакларга операция учун қулайроқ жой тайёрлашни буюрдим, ўзим ювишиб, операция кийимларимни кия бошладим. Шу орада замбил кўтариб, учучи ҳам келиб қолди. У энди кўз ойнагини юқорига кўтарган, чарм қўлқопларини ешган эди. Мен, у кириши блан бир қарадим. Ёш бўлса ҳам, қандайдир унинг кўзлари оғир, мазмунли қараётгандек, қандай хизмат бўлса, тайёрдек кўринди. У менга танишга ўхшаса ҳам, лекин суриштиришга фурсат бўлмади. Фақат ундан «касаллик тарихи»ни тўлдиришни сурадим. У тезгина бўйнидаги сумкасидан қалам чиқариб тўлдирабошлади, мен айтиб турдим. Негадир у менга тез-тез қарар ва ниманидир айтмоқчи бўларди. Лекин бу ерда сўз эмас, иш кераклигини фаҳмлаб, жим қоларди.

Операциямиз муваффақиятли ўтди. Бутун ичакларни жой-жойига ўрнаштириб, қорнини тикдим. Касал бироз тинчлангандек булди. Шундай бўлса-да, касални бир соат ҳам у ерда тутиб туриш мумкин эмаслигини айтдим. Кетишни ма'қул топган учучи палатадан чиққандан кейин ҳавога қараб, ўйланиб қолди.

Бояги тиниқ осмоннинг бетини булут қоплаб олипти. Кучлик бўлмаса ҳам, бироз шамол бор. Учучининг авзойини кўриб, жуда хавфландим:

— Нима бўлди, учиб бўлмайдим?

У ҳаводан кўзини олди, узун санбитдек қомати блан қайрилиб, менга қаради:

— Биз бўлдиролмайдиган иш йўқ. Бу ҳаво экан-ку, бундан катта, бундан қийин ишни ҳам бўлдираоламиз. Албатта учамиз,— деди, майингина кулди. Билмадим, кўзларим қандай ярқираб кетган экан, лекин юрагим бутун танамни ларзага келтирди. Нима дейишимни ҳам билмай қолдим. Эсимни таниганимдан бери ҳеч шундай бир ширин ҳаяжонли ҳолда қолганимни эслайолмайман. Чиндан, чин юракдан шу йигитнинг — шу жасоратли, шафқатли ботирнинг кулиб турган қийғоч кўзларидан ўпгим келди. Вой ўлай, қиз боламан, тағин бошқа бир мақсад деб ўйламасин, тўғриси айтсам, севикли меҳрибон акамдек сездим. Ёлғиз мен эмас, унинг шу сўзини эшитган, шу хизматиини кўрган ҳарбир кекса кампир, ҳарбир кумуш соқоли кўксига тушган чолнинг ҳам ўпгуси келарди. Улар ортиқча мулоҳазага бориб турмасдан, шу заманоқ ўпардилар... Фақат... Фақат мен ўзимни тутдим. Урни эмас эди. Қасалдан хабар олиш учун палатага кириб кетдим. У сумкасидан олган кичкина китобчасини варақлаганича қолди. Сал ўтмай у ҳам кирди:

— Қани, ўртоқ доктор, учдик,— деди. Мен иккиландим «Ҳавода қаттиқ чайқалиш бўлса касал қийналиб қолармикин», деб ўйлаб қолдим. У менга тушунтирди, далда берди, учишга қарор қилдик.

\* \* \*

Клиникада эдим, мени телефонга чақирдилар. Бориб, трубкани олдим, кимдир, бир эркак киши отимни сўради. «Саломат» дедим. Фамилиямни, қайвақт ишдан чиқишимни сўради, айтдим. Кейин ўзи:

— Мен граждандан аэропортининг начальнигиман,— деди. Бир касални кўриш керак эди, ёрдам берасизми?— деб илтимос қилиб қолди. Мен тўсатдан: «Жоним блан» деб қўйдим. Кейин «Қизил яримой жам'ияти»га билдириш кераклигини айтдим, бирор районга учсак керак, деб ўйладим. У:

— Мен ўзим хабар қиламан, сиз келаберинг, машина юбораман,— деди. Мен: «Балки ҳозир бориш керак»



дир?» — дедим. У: «Йўқ», деди. Хайрлашдик, трубкани қўйдим.

Мен ишдан чиққунча машина келиб турган эди, тез ёрдамга керакли парсаларни чамадонга солиб жўнадим. Йўлда шофердан начальникнинг фамилиясини сўрадим. У:

— Илгари Алексеев эди, уни ҳаво флоти бошқармасига бошлиқ қилдилар. Ҳозирги бошлиғимиз Қодиров,— деди. Мен «Ҳа...» дедим, қўйдим. Бир маҳал қарасам, аэропорт кўчасига қайрилмасдан тўғри кетаётибмиз.

— Қаёққа?— Шоферни туртиб сўрадим.

— Аэрогородокка.

Мен «касал районда эмас, шу шаҳарда экан», деб ўйладим, яна жим бўлдим, машина тўрт қаватли каттакон бинонинг эшиги олдига бориб тўхтади, чамадонни кўтариб машинадан тушдим. Қарасам, эшик олдида Чимёнга учкан учучи турипти. Юрагим шув этиб кетди. Лекин сездирмасликка тиришдим. Ўзимни дадил тутиб кўришдим. У, кула-кула қўлимдан чамадонни олди ва қўлтиғимга кириб, учинчи қаватдаги уйга қараб юрди. Ички уйдан чиқиб келаётган бир кампир бизни қарши олди. Ўзи жуда кекса бўлса ҳам, анча тетик эди. Мен блан қучоқлашиб кўришди, уйга таклиф қилди. Киришим блан «Касал қаерда экан?» деб ён-атрофга қарадим. Бунда касал киши борга ўхшамади. Ахир сўрашга мажбур бўлдим. Бошлиқ.

Ўтиринг, девонни кўрсатди,— мен ҳозир «касалнинг тарихи»ни айтиб бераман,— деди. Иккимиз ўтирдик. Кампир гивирлаб юриб нималариндир стол устига келтириш блан овора эди.

— Кечирасиз,— деди у,— ҳечқандай касалимиз йўқ, таниш бўлиб қолганимиз учун овқатга чақирган эдик. Биз борамиз, сиз келасиз, қариндош бўламиз. Балки...— деди яна ўша илгариги майин кулгусини бошлади.

— Нима ҳам деяй, келишга келдим «майли, қариндош бўлайлик» дедим, ўзимча атрофдаги расмларга қараган бўлдим. У мени ортиқ уялтиришни истамади шекилли, сўзни бошқаёққа бурди, мени бир эркин ҳолатга келгирмоқчи бўлди.

— Мен сизни биринчи кўрганимдаёқ таниган эдим,— сўз бошлади у,— мен Шаҳар Советининг раиси Азизов блан сўзлашганимда сиз ҳам ўтирган эдингиз-а, эсингиздами?— Мен оғизимни очиб, ҳайрон бўлиб қолдим, их-

тиёрсиз чарос кўзларига телмирдим. Ҳақиқатан ўша Қодировнинг ўзи эди. Бир вақт кўрганымда ҳам шунга ўхшатган эдим-ку, лекин сўролмаган ва: «одам-одамга ўхшамайдими?» деб қўйган эдим. У ҳамон менга ажабланишимдан кулиб турарди.

— Шоферликка ўқишга кирмоқчи эмас эдингизми?

— Тўғри, шоферлик курсини тугатиб, бир йил Азизовнинг машинасини ҳайдадим. Ишлаб туриб яна кечқурунлари аэроклубга кириб, учучиликка ўқидим. Тугатдим. Тўрт йилдан бери ишлайман,— ўрнидан турди ва қўлимдан ушлаб, овқатга таклиф қилди.

Кампир ҳам биз блан столнинг бир тарафини гулла-тиб, совлат тўкиб ўтирди. Шу вақт эшикни биров тақиллатди. Қодиров сакраб ўрнидан турди-да, чиқиб кетди. Сал ўтмай йўғон гавдали бир хотинни бошлаб кирди.

— Танишинглар,— деди, у фамилиясини айтмади. Мен қўл бериб кўришдим, кампир менга қарай-қарай, секингина қўл узатди. Буришган юзларида аллақандай севинч аломатлари сезилар, кўзлари сузилиб борарди. У тезгина авзойини ўзгартиб, меҳмонни овқатга таклиф қилди, ҳаммамиз яна столга ўтиришдик. Меҳмон кўзга иссиқ кўринди, бир-биримизга тез-тез қарашиб ҳам олдик. Ҳаммамиз нима деб гап бошлашни билолмай қолдик. Қодиров унга қарамасликка ҳаракат қилса ҳам, барибир, ихтиёрсиз кўз қирини ташлар, лабларини пичирлатарди. Ниҳоят, кампирнинг «Олинглар, ўргилай» сўзи бу вазиятни бузди, ҳарбиримиз жилмайишиб олдик. Меҳмон овқатга қўл узатмай туриб, сумкасидан бир конвертни чиқарди ва уни Қодировга узатди:

— Айбга қўшмайсиз, фамилиянгизни билмаганимиз учун «ўртоқ лётчик» деб ёздик,— деди. Қодиров хотинга яна бир қараб қўйди, кулди ва хатни ўқийбошлади. Бирикки қарашдаёқ мен у хотинни танидим, Азизовнинг секретари Фотима опа эди. Лекин у бизни танимади. Ёки таниган бўлса ҳам сездирмай ўтирди. Фақат ер остидангина Қодировга қараб қўярди. Қодиров хатни ўқиб бўлиб, стол устига қўйди:

— Раҳмат, буни бажариш бизнинг вазифамиз эди,— деди,— анави, тоғдан йиқилган сизнинг қизингиз эдими Фотима опа?

Фотима опанинг ранги ўчиб кетди:

— Ҳа, менинг қизим эди. Биз сизга ва уни даволаган врачга қандай қилиб миннатдорчилигимизни билдирил-

май юрган эдик. Ахир сизнинг бу ерда туришингизни билиб келдим.

Жуда яхши, ўша врач мана бу ўртоқ Ғайниддинова бўладилар,— деб мени кўрсатди. У мен блан қайтадан кўришди.

Қодировнинг сабри чидамади шекилли:

— Фотима опа, бизни танимадингиз-а? деди.

— Йўқ, қаердадир кўрганга ўхшайман-у, лекин эслай-олмаяпман,— деди. Мен шошиб-пишиб:

— Ёрдамчингиз Қодиров бўладилар,— дедим.

У қипқизил бўлиб кетди. Ерга тикилганича, бошини кўтаролмай қолди. Кампир бу гаплардан хабарсиз ҳадеб овқат ейишга қистар эди.

1940 йил





## К У Н Г Л И Т У Л Д И М И, Я Х Ш И Й И Г И Т

### I

Ла'лихон соат бешни мўлжаллаб ошнинг гурунчини солди. Иккита оқ пиёзни майда тўғради, унга пича муруч сепди, пиёзни гурунчининг бир чеккасига кўмиб, ошдамгирни ёпди. Олов яллиғида ёшланган кўзларини артди-да, ёнида турган ачасига қараб:

— Қосимжон акам бир вақтлар пиёзнинг шунақа пишганини яхши кўргучи эдилар... Сизга ҳам яхши-а, ача, юмшоққина? — деб кулди.

— Бўлмаса-чи... айланиб кетай сендан, ғамхўрсан-да, ғамхўр,— дея кампирнинг оғиз таноби қочиб, неварасини эркалаган бўлди.

Ла'лихон кампирнинг сўлиган олмадек буришган юзидан ўпди-да, югурганича ювуниш учун уйга кириб келди. Юз-қўлини совунлаб бўйнига қадар ювди. Эри келганда шошиб қолмаслик учун умивальникка сув тўлатиб қўйди. У, юзини арта-арта, йўлакча орқали иккинчи уйга ўтар экан, кўча эшигига икки марта қараб қўйди. Ҳовлиққанича уйга кириб, тўрдаги катта ойнага қаради. Сочини қайтадан тараб ўрди, бошига чанбар қилиб боғлади. Қошини текислаган бўлди. Юпқагина, билинар билинмас қилиб юзига упа сурди. Қошининг ўз қораси қаноатлантирмади шекилли, устидан қора қалам юргузди. Ўнг қоши устидаги кичкина ортиқ ҳам қуруқ қолмади, қоп-қора хол бўлиб, тиниқ юзда «мана мен» деб ўз рассомини қувонтирди. Ла'лихон қизил атлас кўйлақдан ҳам хафа бўлди:

— Лопилламай ўлсин шу кўкрак бурма кўйлақ!— деб, уёқ-буёғини қоққанича ичкари уйга кирди. Тош ойналик шкафни очиб, кўйлақ танлайбошлади. Юпқа блузкадан ҳам, крепдешин, полотно кўйлақлардан ҳам унга тўқ кўк

шол кўйлак ма'қул бўлди. Бу кўйлакни машиначидан келтирган куни кийганида Қосимжон:— «Жуда ярашди, фасони ҳам ўзига мос бўлипти», деган эди. Бу кўйлакни кийиб, устидан оқ қайиш белбоғини боғлаган эди, ҳақиқатан ҳам ҳуснига ҳусн қўшилди, бели хипча бўлиб, бўйи санбитдек чўзилиб кетди. Оқ береткани ҳам кийиб кўрмоқчи эди, кўчадан машина товуши эшитилди.

— Хайрият-а, вақтида келди,— югургилаб кўча томонидаги уйга кирди. Езув столига тиззасини қўйиб деразадан каради. Йўқ, бу қўшниларининг машинаси экан. Ҳафсаласи пир бўлиб яна кейнига қайтди. Бу ерда кичкина кроватда ётган ўғилчаси уйғониб қолди. Уни қўлига олиб эмизди, пича эркалаган бўлди ва яна жойига ётқизиб ухлатди. Ойнанинг олдида туриб оёғига бир-икки қараб қўйди. Туфлиси ма'қул бўлмади шекилли, яқинда эри Москвадан келтирган қсра пайпоқ блан амиркон туфлини киябошлади. Қулоғига кўча эшик қўнғироғи шинғирлагандек бўлди. Бир пой туфлини кийганича оқсоқлашиб, катта уйнинг эшигидан бошини чиқариб:

— Эшик шинғирладими, ача?— деди.

— Йўқ болам, Ра но оёғим тагида ўралаберганидан, қутидаги шиқилдоғини олиб бердим.

Қампир буфет ёнида орқаси ўгируғлик, гивирлаб турганича гапирди. Қампир қизининг нимагадир шошаётганини сезиб, майда-чуйда ишларни ўзи қилабошлади. Стол устига оқ дастурхон ёзди, бир чеккасига чочиқ қўйди. Буфетдан қошиқ, вилкаларни олиб қўйди. Ла'лихон уйдан чиққунча турплар тўғралган, кичкина шиша банкадаги ўрта қўлдек бодринглар тарелкага солинган ва муруч идиши блан столга қўйилган эди.

Ра'но қўғирчоғини рўмол блан йўрғаклаб қўлига кўтардида шиқилдоғини шиқирлата-шиқирлата, бола овутган бўлиб, онасининг олдига кирди. Қипқизил чўғдек патгилам устидан кичкина оёқларини тап-тап босиб бориб, у онасига ёпишди. «Тагин ёғ ҳиди келаёткан бўлмасин» деб, Ла'лихон ўзини ҳидлай-ҳидлай, атир сепди. Ра'нога ҳам пича сепиб қўйди. «Боламга»чи дегандек қилиб Ра'но қўғирчоғини кўрсатди. Ла'лихон хандон ташлаб кулди.

— Болангиз ўлақолсин!— Қизини қучоқлаб ўпди. Яна нима ҳам демоқчи эди, айтолмади. Эшик яна шинғирлади. Узоқ қулоқ солиб тургандан кейин:

Ана, даданг келди, сенга бир нималар олиб келди,— деди-да, йўлакка югурди. Эшикни очиши блан почтачи

унинг қўлига қалин бир журнални тутқизди. У, лабларини буриб уйга кирди:

— Почтачи экан, ача!

— А... вақти-бемаҳал демай келаберар экан-да. Бир кунни ярим кечада телеграмма олиб келиб, нах бўлмаса, юрагимни ёраёзди. Тонг отгунча уйига қўятурса нима экан, хат чаёнмидики уни чақиб олади!

— Зарур нарса бўлиши мумкин, шунинг учун кечаси бўлса ҳам эгасига топширади-да.

— Зарур қаёқда, уни Қосимжонга бериб: «Уқиб боқинг!» десам, у: «колхоздаги ўртоқларимиз бизни янги йил блан табриклаптилар»— деб кулди. Мана шунақа-да. Бир вақт тоғанни рабачийга олиб кетганида ундан бир хат келган. У вақтда қишлоғимизда хат ташийдиган қаёқда дейсан, отанг раҳматлик шаҳарга тушганларида биттаси қўлларига тутқазипти. Атайдан қозихонага бориб, мирзага уч танга бериб ўқиттириб кўрсалар, хат бир ярим ой йўл босипти, бир ой шаҳарда ётипти. Нах уни кўзларимга суриб йиғлайбериб ўлганман. Мана энди қайнинг аскарликка кетгандан бери кун ора хат келади. Хавф-хатар ҳам йўқ, йинги-сиғи ҳам.

Ла'лихон бошда кампирнинг гапига қизиқиб қулоқ солиб турди. Кейин қараса, бир-бирига улашиб, тамом бўлмайдиганга ўхшайди. Юмшоқ деванда суяшиб ўтирган кампирга қараб у:

— Вой, ача, чойнакни қўймапмиз-ку. Куёвингиз ошни чой ичиб-ичиб ер эдилар, сизнинг ҳам эсингизга келмапти,— деди. Узи электр чойнакни қўйиб юборди.

— Ҳой, болам, ош дамлаганинг эсингдан чиқдимми? — Тўсатдан гапирди кампир. Ла'лихон ялт этиб девордаги соатга қаради:

— Ярим соат ошиб кетипти. Куёвингизга тагин нима бало бўлди? Эрталаб: «Аниқ сттида келаман»— деган эди.

— Яна бироз кут, келиб қолар. Ишлик одам эмасми, ахир!

— Ҳар кунни иш чиқаберадими, кўнгил бузилган, кўнгил!

Ла'лихон гаплашиш учун телефон олдига борди, трубкани қўлига олиб, керакли номерларни терабошлади.

— Ким, Қосимжон акамми?

— ...

— Қани ўзлари... ўзларига беринг!

— Келмайсизми, ош дамидан ўтиб кетди, қачониди дамлаганим.

— ...

— Ҳадеб иш чиқаберар эканда... Сизни кутмасдан еяберишни ўзимиз ҳам биламиз, айтмасангиз ҳам бўлади.

Аччиғи чиқди шекилли, трубкани тарса қўйиб, қовоғини солганча ош сузишга чиқиб кетди.

Ла'лихон ош емай, тош еди. Чандир чайнаган кампирдек, бир луқма ошни оғзида айлантираберди. Ҳиқилдоғига худди бир нарса тиқилиб тургандек, ютган оши нарига ўтмай қолди. Устидан аччиқ-аччиқ чой ҳам ичиб кўрди, бўлмади. Ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш келди. Кампир ҳечнарса тушунмади, бирнима дейишга сўз ҳам топаолмади.

У бир Ра'нога, бир Ла'лихонга қаради:

— Ол, ошингни е болам, ўзингни-ўзинг хуноб қилаберма!

Ла'лихон худди шу гапни кутиб тургандек, сапчиб ўрнидан турди ва икки қўли блан юзини қоплаганича ичкари уйга кириб кетди. Ўзини кроватъга ташлаб ҳўнграб-ҳўнграб йиғлади.

Кампирга ҳам ош заҳар бўлди. Ра'нонинг тарелкасини олдироғига тортиб қўйди.

— Еяқол болам, тўкмасдан егин! — ўзи лабини артиб, ўрнидан қўзғолди.

— «Ег ичида яйрамаган буйрак» деб шунни айтади. Ейишга, кийишга зор бўлмаса, мирзалардек эри, гулдек болалари бўлса, тагин бунга нима керак экан! — ўз-ўзи блан сўзлашиб, кампир Ла'лихоннинг олдига кирди.

— Ахир, эркакнинг бели боғлиқ юради-да. Унга хафа бўлиб нима қиласан. Икки қўлини қовиштириб уйда ўтиргани яхшими?

— Гапирманг дедим — гапирманг. Сиз нимани била-сиз. Шунча вақтдан бери ичимга юта-юта сил бўлдим. Сизга ҳам билдирмас эдим. У, иш блан юрмайди, бошқа хотинлар блан юради. Ишонмасангиз мен ҳозир қастдан чақириб кўраман. Агар у идорасида ўтирган бўлса, юзимга бир шапалоқ уринг, бўлмаса, менга насиҳат қилабериб жонимни чиқарманг!

— Идорасида ўтирмай қаёққа борар эди? — деди кампир, «товба» деб ёқасини ушлади. Ла'лихон сакраб ўрнидан турди, телефон трубкасини қўлига олди. Кампир

безовталаниб: «Жавоб берақолсайди» деб, ўзича аллақандай тилаклар тилайбошлади.

Ла'лихон қўллари титраган, лаблари пир-пир учган ҳолда трубкани узоқ ушлаб турди. Уёқдан жавоб бўлмади шекилли, ғазаб блан:

— Ана, айтмадимми, идорасидаги шаллақи қора қиз блан бирёққа кетган. Менга «Театрга борамиз» деб, ўзи хоҳлагани блан кетиб қолган, трубкани шаққа ташлади. Кампир ерга қараганича, босайми-босмайми деб, зўрға юриб, чиқиб кетди. Бироздон кейин у, Ла'лихоннинг ўртоғи Қундузой блан бошлашиб кирди. Булар кирганда Ла'лихон қаёққадир отланиб, пальтосини ҳам кийган, катта уй ўртасида боши гангиган ҳолда маҳлиё бўлиб турган эди. У, Қундузой блан кўришатуриб яна йиғлади. Бошини столга қўйиб, ўн минутча индамай ўтирди. Бошқалар ҳам чурқ этишмади.

— Мен шу бугун уни ўз қўлим блан тутиб,—деди Ла'лихон бошини кўтариб,— шармандасини чиқармасам, одам эмасман. Энди унинг комиссарлигига ҳам, бошқасига ҳам қарамайман.

— Гумонингиз бор-у, далилингиз йўқ, ўртоқ!— Қундузой унинг сўзини бўлди.

— Юринг мен блан бирга, далил кўрсатаман.

Қундузой ҳам кўнди, иккиси биргалашиб чиқиб кетишди.

\* \* \*

Январь ойи, совуқнинг авжга чиққан вақти. Кўчада изғирин шамол. У, дарахтларни жони-қолига қўймай, ғувуллаётир. Қор бўралаб ёғиб турибди. Қулоқларигача пўстинга ўралган, халқ комиссарлиги эшиги олдидаги қоровул қаршисида турган икки хогинни таниб, сўрашди. Лекин уларнинг нима деганини яхши англайолмади.

— Маҳмудов бормилар?—деб Ла'лихон саволини такрорлади. Қоровул пўстин ёқасини қайтариб, қулогини очди-да:

— Йўқ, кетганларига анча бўлди,— деди.

— Қаёққа кетдилар, билмайсизми?

— Билмадим, машинага ўтириб кетган эдилар, машина қайтиб келди.

— Шофер қаёқда?



— Машинасини гаражга қўйиб, уйига кетди. У:— «Соат 12 ларда келаман» деди.

— Секретарь Азизова борми, балки у билар?

— У ҳам кетди.

Энди нима қилиш керак. Ла'лихон катта умидлар блан тилини қайраб келган эди, ўтмай қолди. Охир секретарь Азизованинг уйига боришга қарор қилди.

— Худди шунинг уйига кетган.

— Унинг онаси йўқми?

— Бўлса-чи?

— Дейман-да.

«Дўст учун заҳар ют» дегандек, Қундузой ҳам айланма кўчаларни ўтиб Азизованинг уйигача бирга борди. У ерда ҳам топмадилар. Азизованинг театрга кетганини эшитиб, қайси театрга эканини аниқлаганларидан кейин, орқага қайтдилар.

Уйин яримлаб қолган бўлса ҳам, иккаласи театрга кирди. Залга киришданоқ Ла'лихон бутун ўтирганларни бирма-бир кўздан кечирди. У, бешинчи қаторда Азизовани кўриб: «Ана»—деди бирдан, Қундузой ҳам ялт этиб қаради. Лекин у қиз Маҳмудов блан эмас, ўрта ёшлардаги бир хотин блан ўтирар эди. Ла'лихоннинг дами ичига тушиб кетди. Қайтарини ҳам, ўтирарини ҳам билмай қолди. Қундузойнинг қисташи блан ноилож биринчи қаторга бориб ўтирди.

Маҳмудов уйга келганда ҳамма ётиб қолган, фақат йўлакча блан катта уйда электр лампаларигина ёниб турар эди. У, буфет устида турган тогорачадаги ошни электр плитага қўйиб иситди. Пробкаси очилган, лекин бир қултим ҳам ичилмаган пивони қўлига олиб яна қайтариб қўйди. Чой қайнагунча газета, журналларни қараб чиқди, ба'зи жойларини диққат блан ўқиди. Бир чойнак чойни ичиб тамомлагунча ҳам кўзини ўқишдан олмади. Соат жаранглаб иккинчи урмаганда эди, у ҳали кўп ўтирар, тонг отиб қолганини сезмай ҳам қолар эди.

У, оёқ учи блан юриб, иккинчи уйга кирди. Болалар уйғонмасин дебми, ёки Ла'лихоннинг гишгишасидан кўрқибми, астагина счиндида, ўз кроватига келиб ётди. Чироғни ҳам ёқмади. Икки қўлини бошига қўйганича, узоқ ўйланиб ётди: Ла'лихонни бағрига олиб ётиш қандай яхши. У, оппоқ уврадек қўлларни блан бир марта пешонасидан силаса, бутун чарчоқларни тарқалар, ўзини қониб

ухлаб турган одамдек, тетик сезар эди. Нега энди бунга ботинолмайди; юраги питиллаб, хотинининг ёнига боролмайди. Дун'ё-дун'ё ажойиб ишларни бажариб, элга-юртга донги чиққан азамат йигит ўз уйида, ўз хотини ёнида товуш чиқаришга қўрқади! Буни ўзи ҳам билмайди. Бундай чуқур хаёлга ботса, боши гангиб, чувалган калавасининг учини тополмай қолади. Ла'лихон ёнига бурилиб ётганда кроватънинг ғижирлаши ҳам уни чўчитиб юборди. Яна унинг хаёллари бир түп каптардек дув учиб кетди, ботирлик ҳислари уйғонди. У астагина ўрнидан турди-да, хотинининг иссиқ ўрнига кириб ётди.

— Уйғоқмидинг, Ла'ли?

— Ўлукман.

— Мен сени уйғотишга кўзим қиймай, оёқ учи блан кирган эдим.

Узоқ сафардан келган кишидек у, Ла'лихоннинг иягидан очиқиб ўпди, муҳаббат блан бағрига босди.

— Қоч!— деди Ла'лихон қўли блан силтаб,— харом оғзингни менга тегизма!

— Уйқусираяпсанми, оғзим кўчада қолгани йўқ. Бу «совғалар» кеч келганим учунми? Мажлисда эдим. Шунинг учун театрга ҳам боролмадим. Сен ўзинг бордингми?

— Ҳа бордим, уйнашим блан бордим.

— Сендан ким блан бординг деб сўраётганим йўқ-ку! Қўй шу аччиқ-тизиқ гапларингни, кейинги вақтларда жуда жонимга тегди.

— Жонингга тегмаганлар ёнига бориб ётабер. Юришни энди мандан кўр, бир юрайки, кўзинг жойига тушсин.

— Мен ҳам бузук ният блан юрмайман, сен ҳам. Бу бизга муносиб иш эмас.

Ла'лихон яна ўзини тутаолмади, ўксиниб-ўксиниб йиғлади. Маҳмудов аччиғ блан яна ўз ўрнига бориб ётмоқчи эди, тағин ўзига тасалли берди: «Тушунтириш, овутиш керак. Нимадир етишмайди, нимагадир бунинг кўнгли тўлмайди. Шунини топишим керак», деди. У ўзини оғирлиққа солиб, хотинининг бош-кўзини силади, эркалатди...

Ла'лихоннинг кўнглидаги тугун ёшилмаган бўлса ҳам, эри томонга ағдарилиб ётди.

## II

Соат кеч 12 эди. Бирдан эшик тақиллади. Ғаниева ходимани уйғотгиси келмади-да, эшикни ўзи чиқиб очди.

Кўча сутдек ойдин. Игнага ип тақса бўладиган. Келган киши зинанинг олдида турган бўлса ҳам, Ғаниева уни дарров таниб, очиқ юз блан қарши олди.

— Кечирасиз,— деди Маҳмудов,— бевақт келдим!

— Жуда яхши, қани ичкари киринг!

— Ҳозир,— меҳмон машинасига рухсат бериб, ўзи ичкарига кирди. Ғаниева деванда чочиблиб ётган газета-китобларни йиғиштириб, унга жой кўрсатди.

— Китобга қизиқиб кетиб, чой ичишни ҳам эсимдан чиқарибман. Келганингиз яхши бўлди, энди бирга ичамиз.

— Қапақа китоб ўқияпсиз?

Мопассаннинг «Ҳаёт» деган повести. Жуда ажойиб нарса. Меҳнатсиз ҳаёт, текин еб ётиш, қаранг, қандай ёмон парса. Одамларни қандай жиноятларга олиб боради. Кишилиқ ҳиссини йўқотиб қўяди.

— Ҳа... Уқин керак экан,— хаёл аралаш гапирди Маҳмудов. У қандай қилиб сўз бошлашни, гапни-гапга улаб юборишни билмади. Нима деб гап бошласа ҳам, қисқагина жавоб блан тугаб қолади. У ўзини аллақандай қовушмагандек сезар, тайёрликсиз доклад қилгани келган нотикдек, кўзи така-пука бўлар эди. Фақат девордаги расмлар уни бирмунча овутиб турди.

Ғаниева бўлса ғивирсилаб юрибди. У, самовар қопқоғини олиб, устига чойнакни қўйди. Стол устига буфетдан чой ичганда эрмак бўладиган нарсаларни олиб қўя туриб, Маҳмудовга қаради. Маҳмудов қорачагина бўлса ҳам жуда келишган йигит. Урта бўйли, кенг яғринли, ўйчан юзли, қош-кўз десангиз барқ уриб ётибди. Эғнидаги коверкот гимнастёркаси унга аллақандай сифолик бериб: «Ёш бўлса ҳам, бош-да»— дейишга кишини мажбур қилади. Ғаниева қайта-қайта икки-уч марта қаради. Сўнгисида ихтиёрсиз иккисининг ҳам кўзи-кўзига тушиб юзларида баҳор шамолидек майин табассум пайдо бўлди.

Маҳмудов сакраб ўрнидан турди, очиқ деразадан ҳовлига қаради.

Осмон тиниқ, юлдузлар чамап, ой бўлса, нурларга тўлиб-тошиб, парвосиз, ўз йўлида сузиб бормоқда. Баҳорнинг эркаловчан шамоллари Маҳмудовнинг сочлари ора-ларига қадар кирди ва ҳовлидаги қизил гуллар орасига етганида «шпир» этиб, беркинмачоқ ўйпаётганини билдирди.

— Табиат гўзал, шамоли, гуллари гўзал,— деди Маҳмудов тўсатдан.

— Одамлари ундан ҳам...— Ғаниева тезгина сўзни бурди.

— Уртоқ Маҳмудов, чойни айвонга чиқиб ичамиз-ми?

— Яхши бўларди. Агар малол келмаса!

— Ҳеч... ҳеч ташвишланманг, айвонда стол стуллар бор. Фақат мана бу майда-чуйдаларни чиқарсак, бўлди.

Маҳмудов майда-чуйдаларни деразадан узатди, Ғаниева олиб столга қўйди. Маҳмудов қайнаб турган оқ самоварни олиб чиқиб қўйгани учун раҳмат ҳам эшитди. «Ҳамма нарса битди, энди масаланинг бчилишигина қолди», деди Маҳмудов ичида, қўлига чой олатуриб. Ой нурига электр чироғлари ҳам қўшилди. Ҳар иккисининг ва стакандан кўтарилган бугларнинг соясигача гулзорга тушиб турибди. Ҳатто сўзлашгандаги лаб қимирлашлари ҳам ба'зан соя орқали билиниб туради. Ғаниева гап чархини айлантириб юбориш учун:

— Ла'лихонни ҳам олиб келмапсиз-да?— деди.

— Бу ерга олиб келиш уёқда турсин, уйга боришга ҳам юрак бетламай қолди. Бугун ишдан кейин бўш эдим. Лекин уйга бормасдан идорада ўтириб, газета ўқидим. Сўнг сизнинг олдингизга келдим. Сиз блан гаплашсам, дам оламан, кўнглим аллақандай енгилланиб кетади,— Маҳмудов ердан бошини кўтармади. Ғаниева хандон ташлаб кулди ва тездан жиддий ҳолатга кириб, дўстона сўрайбошлади.

— Нега уйингизга боргингиз келмайди?

— Бир йилдан ошиб қолди, бошим жанжалдан чиқмайди. Ла'лихон шундай айнаганки, нима қилишимни ўзим ҳам билмайман. Мени «юрасан» деб уришади. Бутун жанжал шундан чиқади.

— Ҳа, юрадигандирсиз-да,— кулгиликка олди Ғаниева.

— Менга ҳам илгари кулгили эди, парво қилмас эдим. Лекин кейинча жиддийлашди, қарасам ёмон натижалар берадиганга ўхшайди. Биласиз-ку, иш кўп. Ҳархил мажлислар ҳам кўп. Шулар блан юрсам, у мени хотинлар блан юрган деб гумон қилади. Ҳатто кетимдан юриб, пойлайди ҳам.

— Ҳамиша уйга кеч борасизми?

— Ба'зан вақтлик ҳам бораман. Бунда ҳам ўтганларни қўзғоб жанжал кўтаради. Газета, китоб ўқисам ҳам хафа бўлади.

-- Ўзи ўқинмайдими, таклиф қилмайсизми?

— Илгарилар ўқир эди, кейинги вақтларда ўқигиси келмай қолди.

— Театр, киноларга бирга бориб турасизми?

— Кўпинча ўзим бораман, ишдан тўғри чиқаман-у, бораман. Ла'нинг бўлса, қўлида ёш боласи бор.

— Хато қиласиз!

— Нима қилай, қўлимдан келган бутун яхшиликни қилиб кўрдим,— чой хўплади Маҳмудов ва асабийланиб, титраб, газаб блан сўзида давом этди:

— Эшитишимга қараганда, шу бир-икки ой ичида қандайдир бир бемаза йигит блан юрабошлапти. Уйига ҳам меҳмон қилиб чақирипти.

— Эшитгансиз, кўрганингиз йўқ-ку?!

— Кўрмасам ҳам... қаттиқ тегар экан.

— Узингиз айблисиз!

— Қандай, хотин бўлганингиз учун унинг ёнини ола-яписиз! Мен ҳам бола-чақа қилиб, сизлардек туришни истар эдим. Мана сиз ҳам мен каби бир катта наркоматни бошқарасиз, жамоат ишларига актив қатнашасиз, эрингиз бўлса, коммунист — инженер. У ҳам кўп юради. Нега сизларда шундай жанжаллар, кўнгилсиз ҳоллар бўлмайди. Гўрт боланинг онасисиз. Уларни қувона-қувона тарбиялайсиз. Мен мана бу турмушнинг сирларини билолмай қолдим. Фақат битта чора қолди: ажралишамиз. Бошда болаларни кўзим қиймай юрди, энди бунга ҳам розман. Болаларни истаса, қолдирсин, истамаса ўзи блан олиб кетсин. Мен уларни пул блан та'мин қиламан, боқишда барабар гамхурлик қиламан. Бу менинг вазифам.

— Шунча тез... мен яна такрор айтаман, қисман хотинингиз айбли бўлса, асосан бунинг бош айбдори ўзингиз. Бошқалар блан юришни унга сиз ўргатгансиз.

Маҳмудов сакраб ўрнидан турганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Чиндан ишониб айтаяписизми шу сўзини, мени билмайсизми?

Яхши биламан. Айбнинг нимада эканини ҳам топдим. Фақат сиз менга ростини, коммунистларча очиб айтмай ётибсиз. Агар мендан дўстона маслаҳат олиш учун келган бўлсангиз, ростини айтнинг, ким блан юрар эдингиз ва кимни севар эдингиз?

Мен энгини таниганимдан бери меҳнат қиламан, меҳнатда чинқдим, ўсдим. Мен бойвачча бўлиб усганим, бузуқлик блан шугулланганим, бузилганим йўқ. Буни

яхши билсангиз керак. Шу чоққача бир хотинга ёмон кўз блан қараганим ва ўз хотинимга хиёнат қилганим йўқ. Агар: «Ҳечбир хотин-қизга қарама, иш устида ҳам улар блан алоқада бўлма» деб қўйсаларингиз, уни мен билмадим. Бундай дейиш ҳам тўғри эмас.

— Йўқ, йўқ, ҳечким бундай демайди. Сиз ҳам хотинингизга: — «Ҳечбир эркак блан гаплашма, ўтиришма» — демайсиз. Агар шундай дегучилар бўлса, улар катта хато қилади. Қоммунистик идеяга қарши бўлган кишиларгина масалани шундай қўяди. Бундай кишилар блан сиз, биз ҳозиргача курашиб келдик. Бундан сўнг ҳам курашажакмиз. Бу масалада фикрингиз тўғри.

— Шундай денг, ҳаҳ... бироз енгиллашдим!

— Энди сиз менга шуни айтинг, Ла'лихон нега ўқимайди, нега ишламай, уйда ўтиради?

— Боласи бор-да.

— Мана бу хатойингиз. Йўқ демай туринг!

— У ҳам менга ўхшаган бир колхозчи эди. Уқирди, ишларди. Менга тस्कкандан кейин ҳам ўқишда, ишида давом қилди. Урта ма'лумотли бўлди. Биринчи боласини туққандан кейин боролмай қолди. Боласи икки яшар бўлгандан кейин Мединститутга кирди, бир йил яхши ўқиди, ўша вақтларда газета, китобларни қизқиқиб ўқирди. Бу орада иккинчи бола бўлиб яна уйга кириб қолди. Болалари бўлгани учун мен ҳам уни ўқиш ёки ишга қистамай қўйдим.

Маҳмудов аввалги ҳаяжонланишидан тушган, босиқлик блан гапирар эди. Ғаниева ўзини ҳеч бузмади. Ҳамавақт бир оҳангда гапириб, ҳарбир сўзини бекор кетмаслиги учун ҳаракат қиларди.

— Мен-чи,— деди у, қаршисида ўтирган йигитнинг кўзларига тикилиб туриб,— ўқиган, ишлаган вақтларимда ҳам ёш болаларим бор эди. Ҳозир ҳам бор. Фақат менга эрим ёрдам берди, бирга боқишди. Сиз ҳам шундай қилинг, каттасини боқчага, кичигини яслига беринг.

Боқчага олиб боришни сиз ўз устингизга олинг, яслидагини онасига топшинг.

Маҳмудов жим қолди, нималарнидир ўйлаб кетди, излаган нарсасини топгандек, фикри энди қат'ийлашди, кўзлари чарақлаб ёнди.

— Тўғри айтасиз. Меҳнат қилиши, ўсиши керак.

— Ишсиз одам зерикади. Унинг мияси фақат бир нарса блан машғул бўлиб қолади. Бошқа нарсаларни

кериксиз топади. Хотинингиз ҳам шундай бўлиб қолган. Унинг сизнинг қадамингизни санашдан бошқа иши қолмаган. Ҳйин-кулги, уйга, хотинга ҳам э'тибор керак. Истисангиз, баҳузур вақт топаоласиз. Театр, киноларга бирга боринг. Биринчи галда уни ўқишга ёки ишга жойланг. Мана шуларни бир тажрибадан ўтказинг? Илгаригидек опоқ-чапоқ бўлиб кетмасаларингиз, мени опа ҳам деманг, одам ҳам.

Маҳмудов эндиги гапнинг ортиқча эканини сизди ва қисқагина қилиб:

— Булмаса эртага мен уни олдингизга юбораман, ўзингиз сўзлашиб кўринг!— деди.

— Жуда яхши, юборинг. Мен ўзим ишга жойлаштириб қўяман.

Ҳар иккиси ҳам маслаҳатлашгандек бирдан соатига қаради. Соат учга яқинлашиб қолган эди. Маҳмудов астагина бошини кўтарди:

— Мен кетай энди.— Ганиева ҳам қаршилиқ қилмади.

\* \* \*

Тўсатдан келдик, айбга қўшмайсиз!— деди Ганиева ичкари уйга киратуриб. Ла'лихон қўлидаги китобни столга қўйиб: «Ҳечқиси йўқ. Дўст киши шунақа бўлади», деди ва келиб меҳмонлар блан кўришди. У стулларни суриб, жой кўрсатди. Маҳмудов шунча қистаса ҳам меҳмонлар счинмасдан омонатгина ўтиришди. Ла'лихон самовар кўтариб чиқиб кетаётган эди, Сулаймон ака сакраб ўрнидан туриб, уни қайтарди. Қўлидан самоварни олиб, жойига қўйди ва: «Сизларни олиб кетиш учун келдик», деди. Ла'лихон шошиб қолиб, нима қилишини билмай, бориб радиони тўхтатди.

— Бугун дам олиш куни. Аям, додам ҳам ишга бормайдилар, мен ҳам,— деди ичкари уйдан чиқатуриб Ра'но.

Ҳамма бирдан кулиб юборди. Ганиева:

— Сен қаерда ишлайсан, қизим? — Эри — Сулаймон акага қараб кулди.

— Боқмади.

— Инг кулги кўтарилди Ра'но ҳамманинг диққатини ўзинга жалб қилди.

— Булмаса, бугун сен ҳам дам ол. Юр, биз ёлан улумхўрликка.

Ғаниева уй эгаларига қаради ва уларнинг тез кийиниб чиқишларини сўради. Маҳмудов бугун шу ерда меҳмон бўлишларини илтимос қилди. Меҳмонлар кўнмай, ўринларидан туришди. Ра'нони ҳам олиб, тўртталаси чиқиб кетишди. Машинага ўтираётганларида Ғаниева кулиб, секингина Маҳмудовнинг қулоғига: «Кўнгли тўлдими, яхши йигит!» деди. Маҳмудов бош қимирлатиб «ҳа» дегандек бўлди.





## ИККИ КЎЗИ ШУНДА

Ов қилишни яхши кўраман. Эрта кўкламдан, зарур иш чиқиб қолмаса, ҳар дам олиш куни азонда туриб овга жўнайман. Ба'зан икки-учта шерик ҳам топилиб қолади. Бу сафар бир ўзим бўлсам ҳам, ҳеч зерикмадим. Олтига тустовуқни урдим. Қуёш ботмасданоқ йиғиштиришга тушдим: тустовуқларни халтага солиб орқамга боғладим, милтиқни елкамга осдим ва велосипедни миниб, йўлга тушдим. «Сезгир» думини ликиллашиб, мендан олдин югурабошлади. У узоқ кўринмай кетди-да, кейин орқасига қайтди. Менинг келаётганимни кўриб яна қарай-қарай олга қараб югурди. У, кўчада юрган бир товуқни қўниб, мендан анча узоқлашиб кетди. Мен ҳам кўчанинг чапидан қочиб, четдангина велосипедни тез ҳайдайбошладим. Бирдан ўнг тарафдаги тор кўчадан бир қиз чиқиб, сал бўлмаса велосипедга урилиб йиқилаёзди. У гарчи урилмаган бўлса ҳам чўчиб кетган бўлса керак, икки қўлини ёзганича «дод» деб қичқирди. Мен ҳам қўрқиб кетдим. Тезгина велосипеддан тушиб, қизнинг елкасидан ушладим: «Зарар қилмадимиз?»— деб қайта-қайта сўрадим. У чап қўл бармоқларини маҳкам қисганича, ранги оппоқ оқариб, индамай турди. Сув ичирмоқчи бўлиб, атрофга қарадим, сув кўринмади. Велосипедни деворга суяб қўйдим-да, яна келиб, унинг қўлидан ушладим. У энди бироз ўзинга келган, рангларига қизил югурабошлаган эди. У менга бир тикилиб қарадида, кулди:

— Ҳечинма қилгани йўқ. Фақат қўрққангидан қўлимни қаттиқ уриб олдим. Ункалаган каби велосипедга бир қараб қўйдим. Мен унинг кўзига тикилдим. Узун киприк-

лари бироз намланган эди. Чўнтагимдан дастрўмол олиб, кўзини артмоқчи бўлдим, у орқага тисланди. Мен у ишни шошиб қолганимдан қилаётганимни билдиришга ҳаракат қилдим ва тортина-тортина, яна унга яқинлашдим:

— Қўлингизни кўрай!— дедим, ёнимда иод, бинт борлигини айтдим. У бу гал тортинмасдангина бармоқларини ўнг қўлидан бўшатиб, менга томон чўзди. Ўрта бармоғи бироз қирилган бўлса ҳам, лекин қон чиқмаган эди. Қўлини силаб туриб: «Хайрият-а... капалагимни учириб юбордингиз», дедим кулиб. У ҳам қўлини тортар экан, ихтиёрсиз бир қошини учириб, майингина кулиб қўйди. Мен кетаримни-кетмасимни ҳам билмай турдим. У бирдан ўзгариб «Вой...» деди. Яна бош бармоғини ушладим, кўзлари атрофга жовдирай берди.

— Нима бўлди?

— Узугимнинг бир кўзи тушипти,— деди. Узун пошналик туфлисининг тумшуғи блан тупроқларни титкилай бошлади. «Шунгаймми?» дедим ичимда ва қидиришга арзимаса ҳам, шу қизни хурсанд қилиш учун икки қўлим блан тупроқни титкилашга тушдим.

— Яхши эди, ёқут эди,— деди туриб-туриб. Мен шундан кейин астойдил излашга, тупроқларни капимда эзгилашга тутиндим. Асл тош эмасми, бирдан ярқираб чиқиб қолди. Мен уни пуфлаб-пуфлаб, дастрўмолга артдим. Папирос қутидаги юпқа қоғозни олиб ўрадим ва қизнинг қўлига узатдим:

— Заргар бўлганимда жойига қўндириб берардим.

— Раҳмат,— деди қиз, бу сўзнинг самимий эканини пайқаб узук кўзини қўлидаги сумкасига солиб қўйди. Нималигини пайқамаган «Сезгир» ҳали ҳам ахтаришдан тўхтамади, тумшуғи блан тупроқларни тўзғитаберди. Бу қизга қизиқ туйилди шекилли, хандон ташлаб кулди. Мен ҳам ўзимни енгил сезабошладим, унга қўшилиб кулишдим. Ўзи ҳам шўхгина экан, бутун бадани аллақандай, маълум бир ўлчов — ритмика остида ҳаракат қилади. Қарамай десангиз, қарагингиз келади. Мен учун хайрлашиш ҳам жуда оғир бўлди.

— Кечирасиз, қўл бериб хайрлашай десам, қўлим тупроқ. Мен энди мана шу сойга тушиб, ювиб чиқмасам бўлмайди.

— Мен ҳам,— деди у шошиб-пишиб,— шу сой томонга, гунафша териш учун келаётган эдим.

— Бир ўзингиз-а!

— Ҳа... Бир ўзим. Бошқаларнинг ҳафсаласи келмади, мен бўлсам зерикдим.

— Мен бу гаплардан кейин ҳайрон бўлиб, ўйланиб қолдим. У ўзини жуда эркин тутар ва ҳарбир саволга очиқ, тўғри жавоб беради. Мен ўзимни унинг олдида кекса чолдек ҳис қила бошладим. Унинг сўзи, ҳаракатидан: «Нима бало, чолмисиз?» дейдими, деб ҳам ваҳимага тушиб қолдим. Шундай бўлса ҳам унинг сўзлари менга далиллик берарди. Велосипедни етаклаб, у олдинда мен кейинроқ юриб, сойга томон кетдик. Унинг эгнидаги ҳаворанг оқ читти гуллик креплешин қўйлаги хипча баданига ёпишиб турарди. Устидан калтагина нимча ҳам кийган. Бошида Марғилон дўпписи. Юрган сари орқасидаги икки ўрим сочи серкиллаб, аллақандай тўлқинлаб боради. Кўкрагидаги ордени унинг совлатини кўрсатиб туради. У ҳамон ўзининг ҳазилини қўймади. Бўйнимдан милтиқни олиб, ўз елкасига ташлади. Ҳарбийларча юриш қилди. Мерганлардек милтиқни «Сезгир»га тўғирлаб, чўчитмоқчи бўлди. Милтиқни олмоқчи бўлсам, тутқич бермай қочди. Нима деб чақиришни ҳам билмадим. Фақат: «тухтади!» дебгина илтимос қилдим. Дарров сўзга кира қолди. Пастроққа тушиб тўхтади. Яқинлашгандан кейин:

— Отингиз нима,— дедим. «Сингил» деб гапирдим.

— Сунбула,— деди. Мени у «йигит» деб атади.

Сой бўйига тушиш билан у милтиқни қўлимга бериб, гунафша терини билан машгул бўлди. Мен ҳам юз-қўлимни ювиб бўлиб, гунафша тарабошладим. Дам ўтмай бир душми гунафша тердик. Кейин сув бўйидаги ҳарсанг тошга ўтириб, гунафшани дасталадик. Сопуқ ўтмасин деб, мен ҳалтани бўшатиб, тош устига солдим. Энди жуда яқин, бир-биримизга ёнма-ён ўтиришдик. Агар юрак тепишлар ўзгара бошласа, баҳузур сезиларди.

Шу тобда Гулнор эсимга тушиб кетди. Гулнор билан ўн уч йил бирга туриб, тирноқ юзини кўрмадик. Тўғри, у билан яхши, тотук турдик; уни севаман, у ҳам мени севади. Фақат боламиз йўқ.

Хаёлга берилиб кетиб, жим қолибман. Бирдан Сунбула:

— Ухлаб қолдингизми, йигит!— деди. Чўчиб бошимни кўтардим, бир даста гунафшани қўлига бердим. У юзимга тикилиб, кулди:

Ҳадеб йигит деябераманми, отингизни айтмайсизми?

- Отим Олимжон.
- Олимжон ака, жуда мерганга ўхшайсиз, қушларнинг додини берибсиз, касбингиз овчиликми дейман?
- Йўқ, овчиликда ҳаваскорман. Ўзим биологман. Биофакада доцент бўлиб ишлайман.
- Ҳа, биз сиз блан ҳамкасб эмас эканмиз.
- Мен сизни ўқучимисиз деб ўйлаган эдим, ҳали ишлайсизми, қаерда?
- Балет театрида ишлайман.
- Э... кечирасиз, мен сизларнинг театрларингизга кам борганим учун, яхши танимапман. Бўлмаса, отингизни кўп эшитганман, газеталарда ўқиганман. Мана энди яқиндан танишдик.
- Энди уни синамоқчи бўлдим, секин орқадан қўлимни юбориб кўрдим. Қўлим унинг нариги биқинига етиши блан сапчиб ўрнидан турди, қўлидаги гунафшалари сочилиб кетди. Кулиб турган юзларига аллақандай жиддийлик югурди. Қора чарос кўзлари нафрат ўти блан ёнди. Мен дарров ерга қарадим, ўрнимдан туролмадим. Бетамизлик блан қилган ишимга пушаймон едим. У қаттиқ тикилиб қаради:
- Ҳаммага ҳам қилиғингиз шуми, ёки мени шундай бир паст хотин, деб ўйладингизми.
- Ер ёрилмади, ерга кириб кетмадим. Тилим тутилди, гапиришга ҳолим келмади. Бадапимдан муздек тер чиқиб кетди.
- Шундай бир ёш қизнинг бунчалик изза қилишини ҳеч ўйламаган эдим. Зўрға бошимни кўтардим, афв сўрайбошладим.
- Умримда бир аҳмоқчилик қилдим, иккинчи қилмасликка онт нчаман.
- Мен хотин-қизлар орасида ўзимни қандай эркин сезсам, эркаклар орасида ҳам шундай сезаман: хотинларга дўстона софдиллик блан қараганим каби эркакларга ҳам шундай қарайман. Қанча ўйнай-кулай, лекин эримга ҳечқачон хиёнат қилмайман.
- Мен ҳам ҳамманинг сиздек бўлишини истайман,— дедим, зўрға ўрнимдан турдим. У ҳам менинг қаттиқ изза бўлганимни сизди чоғи, ҳалиги ғазабидан тушиб, кулги аралаш гапирабошлади.
- Хотинингизни менга танитиб қўйинг, бир боплаб сизни чақиб берай,— ўзи кулди ва бунинг ҳазил эканини билдиришга ҳаракат қилди.

— Хотиним сиз блан ҳамкасб, у ҳам артистка. Фақат у бошқа театрда ишлайди. Танисангиз керак. Гулнор Қодирова.

— Биаламан-биаламан. Ўзимизнинг Гулнор опамиз-ку. Сизними, қараб туринг, Гулнор опам олдида бир изза қиламан-ку!

— Нима қилсангиз ҳам майли, мен гуноҳкор,— дедим. Ҳали гап орасида «эрим» деган сўзи қулоғимга кирган эди. «Эрингиз ҳам борми?»— деб, ажабланиб унга қарадим. У қаҳқаҳа уриб кулди.

— Бир ўғил, бир қизим ҳам бор, сиз нима деб ўтирипсиз!

— Бу — ҳуснингизга яна ҳуси бўлди. Сизга бўлган ҳурматим яна ошди.— Айтишга бошқа сўз тополмадим. Фақат ёшинигина сўрадим.

— Ўзингиз айтингчи, нечада деб ўйлайсиз?

— Ўн саккиз ёки ўн тўққизда дейман, бундан ортиқ эмас.

Яна у қаттиқ кулабошлади.

— Қампир хотинларни хурсанд қилиш учун, ба'зи эркаклар уни «келинчак» деб чақиради. Сизнинг гапингиз ҳам шундан бўлди,— кула-кула аста-секин юрабошлади.

— Йўқ ростини айтаман,— яна ўйланиб қолдим, ўз дардимни айтдим.

— Гулнор блан кўпдан бери турамиз-у, лекин битта ҳам боламиз йўқ, у туғишни истамайди. Мен болани яхши кўраман, болалик хотинларни ҳурмат қиламан. Туғишга қистасам, кўнмайди: «Артистларга туғиш ярамайди»,— дейди, дедим. У ҳайрон бўлди:

— Нима учун ярамайди? Туғиш блан тарбиялаш ҳечқандай ишга халақит бермайди.

У ҳарбир гапи блан мени мот қилаберди. Қоронғи ҳам тушиб қолди. Биринчи тўқнашган еримизга етганда мен у блан хайрлашдим. У меҳмон бўлиб келган жойига таклиф қилди. Эри блан таништирмоқчи бўлди. Рози бўлмадим, кетиб керак эди. Унинг қўлини қисиб хайрлашдим ва «Сезгир» блан яна йўлга тушдик.

\* \* \*

Гулнор блан гаплашмаганимизга уч ой бўлиб қолди. Анчагина қаттиқ уришдик. Ялиниб гапирдим, ачитадиган

сўзлар айтдим, та'сир қилмади. Гапни қаранг: «Туғабер ўзинг»,— дейди. «Боласиз юрса ўладими киши?» дейди-да ғирра чиқиб кетади.

Ўзи ҳам шу гапдан безор бўлипти. Биров боладан сўз очса, тезгина қулоғини бекитади ёки шу жойдан қочади. Ўзи одат бўлиб қолган, тўртта одамнинг ичига кирсангиз, дарров:— «Нечта болангиз бор?» деб сўрайдилар. Йўқ деганингизга ишонмайдилар. Айниқса бу хотинлар орасида кўп бўлади. Болангиз йўқлигини билиб қолсалар, ҳар тарафдан дори-дармон курсатадилар, ба'зибир докторларни мақтаб кетадилар. Неча хотин-неча эркакларнинг тузалиб, уч-тўрт болали бўлганини айтадилар. Гулнор мана шу сўзлардан безор. «Қасалман» деб баҳона қилса, «боқизинг», деб жони-ҳолига қўймайдилар. Ҳатто докторни уйга бошлаб келишдан ҳам тоймайдилар. Шунинг учун Гулнор тўғриси айтади. «Туғишни истамайман» дейди қўяди. Шу масалада бошингизни тошга уриб гапиринг, парвойига келтирмайди. Ўйнаб-кулиб юраберади. Мен бунга ҳайрон буламан. Бола севмаган хотинни биринчи кўришим, эшитганим ҳам йўқ. Туғмаган хотин ўзини энг бахтсиз ҳисоблайди. «Небало, бунинг юраги тошданми» дейман, диққат буламан. Йўқ, уни тошюрак дейиш қийин. У жуда юмшоқ, раҳмдил хотин. У дўст кишининг қийналишини истамайди. Қийналганини кўрса, куйиб кетади, югуриб-елиб ёрдам қилади. Ўзи ишчан. Театрда обрўси катта, ҳамма ҳурмат қилади. Бўш вақтини бекорга кеткизмайди, кўп ўқийди. Уй-рўзгорга ҳам эпчил: яхши кийи, нади, яхши ейди. Ун кулиб, бир гапиради. Буларни ўзига айтсам: «ҳар туқисда бир айб» дейди ёки: «афанди айтганича, фаришталарнинг ҳам ерда юрадиган аҳмоғи бўлади» дейди, кулади. Шундай хотиндан ажралиш менга жуда оғир булди. Лекин боласиз ҳаёт кечириш бундан ҳам оғир эди. Уйга келсангиз, аллақандай кўнгилсиз, жимжит, руҳсизлик сизни қарши олади. Бунда бола ўрнига каттани эркалашга тўғри келади.

Елғиз, бола орзусигина мени ундан ажратди. Бир ҳовлида турсак ҳам, иккимиз икки уйда яшаймиз. Овқатни ҳам бошқа еймиз. У, ходиманинг уйида, мен катта уйда ўтириб овқат ейман. Ба'зан ҳовлида тўқнаш келамиз: кулади қўяди. Мен бўлсам ерга қарайман; қовоғимни солиб ўтиб кетаман.

Кўпинча кечалари уйга ҳам келмайман. Биофакнинг лабораториясида ишлаб ўтириб, ўша ерда ухлаб қоламан.

Бир куни партком секретари чақириб олди. Олдига кирдим.

— Бу нима, уйлик-жойлик, хотинлик одам ҳар куни шу ерда ётар эмишсиз? — деди.

Олдин бир тажриба иш блан жуда банд бўлганимни айтдим. У ишонмади.

Ҳарқандай ишингиз бўлса ҳам, ярим кечагача ўтирсангиз ҳам, уйингизга бориб ётишингиз керак, — деб туриб олди. Кейин мен бўлган воқиаларнинг ҳаммасини гапириб бердим. Гулнордан ажралмоқчи бўлганимни ҳам айтдим. Сўнги уч-тўрт йил ичида бундай жанжаллар тез-тез бўлиб туришини билдирдим. У қаламини уйнаб туриб:

— Ҳа, нега, чиқишаолмайсизларми? — менга қандайдир кинояли қаради.

— Йўқ, жуда тотук турардик. Фақат боламиз йўқ.

Юрагим пўкиллаб турди, яна ўша ҳаммадан эшитадиган «Боқизинглар» сўзини такрорлайди, деб ўйладим. Фикрим тўғри чиқди. У ўйлаб турмасдан, шу сўзни айтди. Та'бим хира бўлиб кетди. Минг марта чайналган:— «Ҳар иккимизнинг ҳам ҳечқандай касалимиз йўқ», деган гапни яна айтишга мажбур бўлдим. Бу нарсада Гулнорнинг ўжарлиги халақит бераётганини ҳам сўз орасида қистириб ўтдим.

— Тўғримас,— деди у, бошда ишонмади. Кейин ўзи ҳам англади шекилли, яна бир марта ярашиб кўришни, уни болага қизиқтириш йўлларини топишни буюрди. Мен ҳам рози бўлдим. Хайрлашиб чиқдим ва тўғри уйга қараб жўнадим.

Тасолифан Гулнор блан грамвайда учрашиб қолдим. Мен тушган грамвайда у ҳам бор экан. У олдинроқ, мен кейинда эдим, у мени кўрмади, кўринмасликка ҳаракат қилдим. У негадир деразадан ҳадеб кўчага энгашиб қарайберди. Олдиндаги трамвай халақит бераётган бўлса керак, биз тушган трамвай секин юраётган эди. Гулнор ҳамон тез-тез қарашида давом қилди. Мен ҳам қизиқдим. Одамларни бироз тўртиб бўлса ҳам, энгашиб қарадим.

Ёз. Кўчаларга сув сепилган, ёғ тушса ялагундек тоза. Дарахтларнинг қуоқ япроқлари тротуарларга соя солиб турарди. Йўловчилар трамвайга ҳам унча қизиқмасдан жуфт-жуфт бўлиб, тротуардан кетаётдилар. Булар ҳаммаси кундаги кўриниш. Булар орасида мен алоҳида ажралиб турадиган бир нарса кўрмадим. Бошимни кўтариб, яна Гулнорга қарадим. У ҳали ҳам кўзини олмай қараб

турарди. Ҳайрон бўлдим, унинг кўзи тикилган томоний мўлжаллаб туриб, қарадим. Трамвай бироз олдинроқ кетди. Гулнор орқа томонга энгашди, мен ҳам эгилдим. Бир ёшгина хотин кичкина қизчани етаклаб олган. Қизчага пушти крепдешиндан калта кўйлак кийгизган, қора кўнги-финоқ сочларига лента боғлаган, оёғида оқ носки, оқ туфли. У онасининг қўлини ушлаб, бир қўлида каттагина қўғирчоқ кўтариб кетаётир. Хотин лётчик бўлса керак, қўлидаги оқ гимнастёркасининг ёқасида самолётнинг зардан тикилган расми бор. Ёнидаги йигитнинг ҳам кийимлари, фуражкасидан лётчик эканлиги билиниб турипти.

Йигитнинг қўлида ҳам бола бор. Ўзи ёшгина, борган бўлса, шу 26—27 ларда; ундан ошиқ эмас. Бола, четларига тўр тутилган оқ чойшабга йўргакланган. Йўргакнинг бир бурчи блан боланинг юзи беркитилган. Йигит тез-тез боланинг юзини очиб қарайди, майингина кулиб қўяди. Мен ҳам шуларга суқланиб қарадим. Орзу ҳисларим баттар қўзғолиб кетди. Ўзимда аллақандай ўнғайсизлик сезабосладим. Бутун орзуларга тўла эришиш имкониятига эга бўлганим ҳолда шундай қўпқуруқ юришимга ўқиндим. Айбдорим — Гулнорнинг юзига тикилдим. Унинг иккала кўзи шунда — икки болалик бахтли эр-хотинда эди, унинг юзлари ба'зан жиддийлашади, ба'зан кулимсирайди. У, атрофдаги кишиларни сезмагандек, нималар ҳақидадир чуқур ўйга ботгандек ваз'иятда эди. Трамвай узоқлашди, бахт нурига тўлиб келаётган кишиларимиз орқада қолди.

Бугун биз овқатни Гулнор блан бирга ўтириб едик. У бошда индамай, сўзсизгина ўтирди. Мен уёқ-буёқдан гапириб турдим. Уч ой ажралишиб туриб, бир лаззат топмаганлигимизни айтдим. Ўхши, мулойимлик блан гапирдим. Бир-биримизга қадрдон бўлиб қолганимизни, эскича дўст-биродар эканлигимизни билдирдим. Ўзим айтганча, унинг кўнгли юмшоқ, тезгина шаттидан тушади. Унақа кек сақлашни яхши кўрмайди. Менинг сўзларим ма'қул тушди чоғи, сакраб ўрнидан турди, бўйнимдан қучоқлади, пешонамдан ўпди. Мен ҳам ёш болалардек яйраб кетдим. Уни бағримга босдим. Узоқ сўзлашиб ўтирдик. У театр янгиликларидан, ўзининг ролларидаги муваффақиятларидан сўзлади. Лекин бола ҳақида чурқ этиб оғзини очмади. Мен ҳам ўзи сўз очармикин, ҳалиги йўлдаги воқияни гапирармикин деб, бу ҳақда ҳечнарсга айтмадим. Йўқ,



бўлмади. Сабрим чидамади. У бу нарсага ҳеч яқинлашмади. Мен кўкламда Сунбула блан бўлган воқиани (бироз пардалаб бўлса ҳам) сўзладим. У ёш балерина бўлса ҳам икки болага эга эканини ва бу унга ҳусн бўлганини ҳавас блан гапирдим. Бунга рашк қилиб, ғазабланармикин, деб қўрққан эдим, йўқ индамади. Рашк қилган бўлса ҳам сездирмади. Фақат кулибгина енгди. Мен унинг бу қадар вазминлигига қойил қолдим. Менинг ҳақимда у, тўла ишончга эга эканлигини яна бир марта синадим. Унга нисбатан муҳаббатим ортди. Умримни шу блан ўтказишга аҳд қилдим. Ҳар иккимиз ҳам сўз тополмагандек, узоқ ўйланишиб қолдик. Бироздан кейин у ўрнидан туриб, дафтарчасини кўтариб келди, янги ролни тайёрлашга киришди. Мен пайтни қўлдан бермасликка тиришдим, яна сўз бошладим:

— Трамвайда кимга тикилдинг?

У чўчиб тушди. Кўзларини катта очиб, менга тикилди.

— Қаёқдан билдингиз?

— Кўрдим-да.

— Ер тагида илон қимирласа, биладиган бўлибсиз-да.

— Бўлмаса-чи, кичкинаманми!

— Кичкиналикдан эмас-ку, айтаман-да... Лётчикка қарадим.

— Чиройлик эканми?

— Чиройлик бўлса ўзига. Хотини ҳам лётчик экан-а, бунинг устига болалари бор!

— Қандай яхши!

— Лётчиклик бизнинг ишимиздан ҳам оғир, шундай эмасми?

— Албатта.

— Унинг бола эплаганига ҳайрон қолдим.

— Бизнинг давримизда бола боқишнинг ҳеч қийинлиги йўқ. Ҳарқандай ишда илғор бўлиш ҳам мумкин, бола тарбиялаш ҳам,— дедим.. Унинг яна нима дейишини сабрсизлик блан кутдим. Юрагим типирчилайбошлади. Лекин у дафтарига тикилганича, ўйланиб қолди.

Бироздан кейин бошини кўтарди:

— Отанинг муҳаббати бошқача экан, эркакларнинг ёш бола кўтариши чиройлик бўлар экан. Кўзимга бир яхши кўриниб кетдики... лабини тишлади. Бўялган, ҳақиқдек тирноқларини ўйнайбошлади. Мен ўзимда йўқ севиниб кетдим. Айтишга сўз тополмай қолдим. Қандай қилиб ўрнимдан турганимни ҳам сезмай қолдим. Гулнор-

нинг иягини икки қўлим орасига олдим, юқори кўтардим,  
сурма кўзларидан, ла'лидай лабларидан ўпдим.

— Бизнинг боламиз бўлса, кечаю-кундуз кўтараман.  
Чақалоқлигида ҳам,— дедим. У қўлларимни юзидан аж-  
ратмоқчи бўлди, қўйиб юбормасдан, маҳкам қисдим.

Келаси йил шу вақтда боламиз икки ярим ойлик бўла-  
ди,— деди.





## ГУЛСАНАМ

(Утмишдан)

Шомга яқин Бибижон опа бурнидан тортса йиқилгудек бўлиб, даладан қайтди. Қўрғонга киришга ҳам мажоли қолмади шекилли, дарвоза остонасига ўзини таппа ташлади. Гулсанам югурганича бир пиёла сув келтириб, онасига ичирди ва қўлтиғидан суяб, уйга киргизди.

— Нима бўлди онажон, касал бўлдингизми?

— Чарчадим болам, оч қолганга ҳам ўхшайман. Бугун ернинг бошида хўжайин ўзи юрди, нос чекишга ҳам қўймади. Яна шўр ерни чопдик, йўнғичқанинг илдизини суғирдик. Оёғимни қарачи, нима бўлганини ўзим ҳам билмайман,— Бибижон опа оёғини чўзди. Гулсанам онасининг оёғини ушлаб кўриб, дарров пастки лабини тишлади, ялг этиб онасининг бетига қаради.

— Товошингиз қовундек ажралиб кетипти. Мен латта келтириб боғлайми?

— Боғласанг боғла қизим, энди отангга овқатни ким элтиб беради?

— Ўзлари келмайдиларми?

— Ойдинда қазув қазишга буйруқ берилди,— Бибижон опа қайрилма қошларини чимирди. Гулсанам онасини вой-войига ҳам қарамай, унинг оёғини ишқалаб ювди, қозоннинг қора куясидан келтириб сепди, латта блан боғлаб қўйди. У, онаси келганга қадар супрадаги унни қоқиб-суқиб, бир зувала хамир қилиб қўйган эди, шунини угра қилиб кесди; бир қошиқ ёғни қозонга солиб, пиёз қовурди. Бир зумда угра ошидан келтириб, онасига ичирди. Отасига деб, хурмачага солинган ошнинг устига битта қагирмани ёпиб, рўмолчага тугди-да, чиқиб кетди. Кетидан онаси:

— Қўшни болалардан биттасини олиб кет, ёлғиз бор-ма, йўлда юзингни ўраб бор! — деб гапириб қолди.

Гулсанам ёлғиз қиз. Бибижон опа ёш бўлса ҳам шу қизидан кейин туғмади. Унинг бутун хаёли қизида, у ўн-бешдан ўн олтига кириб қолган бўлса ҳам, эрга бергиси, кўз олдидан кетгизгиси келмайди. Гулсанам бола чоғида онаси блан далада ишлашга ўрганиб қолган эди, энди эшикка чиқармай қўйишди. Хоннинг даллолларида қўрқардилар. Хоразмнинг ёш, чиройлик қизлари хоннинг бир кечалик кайфи-сафосига қурбон бўларди.

Гулсанам повдадек, сухсур бўлиб ўсди. Унинг буғдой ранг юзига узун қайрилма киприк, қора қўнғироқ сочлари жуда ҳам ярашиб туради. Кулганда икки юзидаги кулдиргичлари, юқори лабининг ўнг тарафидаги кичкина қора холини бир кўрган киши яна кўрсам, деб орзу қилади.

У, қизил парча гулли чит кўйлагини ҳилпиратиб чиқиб кетганида, онаси орқасидан тикилиб:— «Тфу-тфу, ёмон кўздан ўзи асрасин!»— деб қолди.

Гулсанам қўрғон дарвозасидан чиққандан кейин кўчанинг уёқ-буёғига бир қаради-да, ўнгга, Хива шаҳарига кетадиган йўлга қараб жўнади. Кеч кириб қолган бўлса ҳам, одам-одамни танийолар, ўткинчиларнинг кимлигини билиб бўлар эди.

Гулсанам қапасдан чиққан қушдек пириллаб, бир чеккадангина кетаберди. Баҳор, овжи ўрикларнинг гуллаган вақти. Унда-мунда тўп-тўп сада, уларнинг орасида оппоқ гуллаган ўриклардан бошқа далада ҳечнарсга кўринмайди. Ба'зибир қўрғонлардан, кимга тегарини билмай турган итлар чиқиб, Гулсанамнинг орқасидан вовуллашиб қолади. Гулсанам орқасига бир қайрилиб кесак отади-да, яна ўз йўлига кетаберади.

Гулсанам бирдан халқоб бўлиб кўлга ўхшаб ётган сувнинг олдидан чиқиб қолди. У, нима қилишини билмай, тўрт тарафга аланглади. Кечаги қаттиқ селдан кейин ҳарқат-ҳарқатдан кўл чиқиб, йўлни узиб қўйипти. Гулсанам ўйлаб-ўйлаб, сувдан кечиб ўтмоқчи бўлди. Қўйлагини липпасига қистирди, оёғидаги ковушини ешиб, қўлига олди ва секин-секин сувга кирабошлади. Ўртадан кесиб ўтмоқчи эди, оёғи борган сари чуқурликка кетаётганини сезиб, яна кейинга қайтди. Ўнг тарафдан, кўлнинг чети блан айланиб ўтмоқчи бўлди, аста-аста қадам ташлади. Бехосдан кимдир:

— Ҳой қиз сувга ботасан — деди. Гулсанам чўчиганидан сакраб тушди, бир пой ковушини ҳам қўлидан тушириб юборди. У кейинга қайтарини, олдинга борарини ҳам билмай, қотиб қолди. Бироздан кейин эс-ҳушини йиғиб олиб, оёқ товуши келаётган томонга қаради ва эркак киши эканини билиб, қизил тақя<sup>1</sup> устидан ўраган кичкина шол рўмолини юзига тортди. Бел куракни кифтига қўйиб келаётган ёшгина йигит, қадамни тезлатиб, Гулсанамнинг олдига келди. Бир қўлини узатиб:

— Қани, қўлингни бер синглим, четга чиқиб ол, мен бошқа йўл топиб бераман, — деди ва ўзи елкасидан белни олиб, ерга тираб турди.

Гулсанам орқаси ўгируғлиқ, «ҳа-йўқ» демай, тура берди. Йигит қистаб қўймагандан кейин, секингина айла-ниб, кўз қири блан қаради, кўйлак этакларини липасидан туширди.

— Ия, — деди йигит, — кўйлагинг ҳўл бўлди-ку, тезроқ қўлингни бер!

Қиз яна индамай, сув юзида қалқиб турган кавушга қаради, ер сузиб йигитга яна кўз ташлади. У, қизнинг уялаётганини пайқаб, иштон почаларини юқорига шимарди ва сувга тушиб, кавушни олди; қизнинг қўлидан ушлаб чиқармоқчи эди, у қўлини тортди. Йигит четга чиқиб, нима қилишини, нима дейишини билмасдан, хаёл суриб қолди. Гулсанам секингина гапирди:

— Белни узатинг! — Йигит белнинг сопини узатди, уни қуруқликка чиқарди. Қиз юзини қанча беркитишга уринса ҳам, барибир, куринар; қўрқини, уялишданми пайдо бўлган юрак титроқлари лаб учларидан, узун-узун уградек бармоқларининг дириллашидан сезилиб турарди. Йигит Гулсанамнинг қўлидаги тугунини олдида, белининг сопи-га илип, яна елкасига қўйди. Гулсанам кавишини кўтариб, ҳўл этакларини шилдиратиб, йўлга тушди.

— Қаёққа борасан, синглим, кеч йўлга чиқибсан, — деди йигит орқадан кетатуриб. Унинг оғзи гапирса ҳам, лекин хаёли, кўзлари қизнинг бошидан-оёғигача кезар эди. Хавф блан босилаётган майда қадамлар узун хипча гавдани аллақандай бир эркалик блан тебратиб, майда қилиб ўрилган қора сочларни силкитиб борарди.

— Отамга ош олиб бораётибман.

— Отангиз қазувдамилар?

---

<sup>1</sup> Тақя — дўппи.

Негадир йигит сизлаб гапирабошлади.

— Ҳа...

— Сиз Жуманиёз акамнинг қизлари эмасмисиз?—  
Қизга яқинроқ келди. Гулсанам индамади.

— Сизнинг отингиз Гулсанам-а?

— ...

— Уялмясдан гапирабериш, қариндош бўламиз. Мен сизни бола вақтингизда яхши билар эдим. Мени ҳам танисангиз керак. Отажон бўламан.

Қиз ялт этиб қараганини ўзи ҳам пайқамай қолди.

— Тўғри, биларкансиз-ку,— яна майингина жилмайди ва кўйлақларини тузатган бўлиб, ёнини тортиб қўйди. Отажон ҳам кулди ва у блан қатор юрабошлади. Гулсанам бирдан қандайдир хавфли қадаш блан:

— Қаёққа кетаяпсиз, ўталган жой кўринмайди-ку!— деди. Узи худди қочишга тайерланган одамдек атрофга жовдиллар эди.

— Ҳов ана, кўриниб турипти, тош қўйилган ердан ўтамиз. Сувдан ўтгандан кейин ёп<sup>1</sup> узоқ эмас,— қўлини чўзиб кўрсатди йигит.

Улар кўлнинг бир чеккасидаги сувнинг узун торайиб кетган ерига келдилар. Шунда ҳам ҳатлаб ўтиш мумкин эмасди. Ҳарқат-ҳарқатига катта-катта харсанг тош ташланганди, булар шундан ўтмоқчи бўлдилар. Отажон белкуракдаги тугунни қўлига олди ва белни ерга тираб, биринчи тошга оёғини қўйди. Икки қўли ҳам банд бўлганидан Гулсанамни ўтказиш қийин бўлди, у белни ушлаган қўлига тугунни ҳам олиб, қизнинг қўлидан ушлади.

— Сакранг,— қизга далда берди. Қиз олдин ўйланиб турди ва бўлмагандан кейин сакрашга қарор қилиб, оёғини кўтарди. У бир сакрашдаёқ учиб кетгандек, тошнинг устига келиб қўнди. Отажон қизнинг билагини маҳкам ушламаганда, тошнинг устидан сувга тушиб кетиши турган гап эди. Буни пайқаган Гулсанам шунча ўзини ундай йироқроқ тутмоқчи, қўлини силтаб тортмоқчи бўлса ҳам, ноилож индамай турди. Елғиз:

— Вой ўлай, йиқилиб кетаман,— деди, йигитнинг белбоғидан ушлаб олди. Йигит аллақандай бир ҳаяжон ичида қолди, юраги патиллаб, танаси ларзага кирди. У қизнинг белидан қучмоқчи, жовдираб турган чарос кўзлариг, тикилиб юзларидан ўймоқчи ҳам бўлди. Лекин

---

<sup>1</sup> Е п — ариқ.

андиша деган нарса ҳам бор-ку. У бунӣ ўйлади. Ўз-ўзича «Ноҳотки, бир кўргандаёқ, қизнинг шу ҳолини кўратуриб, ёввойи ҳайвондек тирмаша берсам. Йўқ, бу яхши эмас, мен бунӣ омон-эсон отасининг олдига етказишим керак», деди. У энди иккинчи, учинчи тошдан сакраб, сувнинг нариги бетига ўтиш планини кўрди.

Бу гал ҳам ўзи олдин ўтди. Унга ягона тирагич яна бел бўлди. Бир амаллаб, қизни ҳам ўтказди. Иккиси бир тошнинг устида турди. Тош кичкина, бунинг устига яна қимирлаб туради. Гулсанамнинг капалаги учиб, ранглари бўздек оқарди. Ёнга айланиш учун бир оёқни кўтариш керак. Оёқлар кўтарилган сари тош бир томонга қийшаяди, сувга ботиб кетаётгандек бўлади. Отажон оёғини кўтармасдан астагина сийпантириб айланабошлагап эди, Гулсанам орқага итарилди, тош қаттиқ қимирлаб кетди. Гулсанам ихтиёрсиз: «Вой...» деди Отажоннинг қўлини маҳкам ушлади ва дарров қўйиб юборди. Отажон қизнинг икки биқинидан ушлаб, уни ҳам айлантириб олди. Шундай қилиб, учинчи тошга ўтдилар ва кўлнинг нариги бетига чиқиб олдилар.

Эллик-олтмиш одамнинг 3 метрча пастликдан майда қум аралаш лойни бел курак блан четга чиқараётган жойга — катта ариқ бўйига етиб бордилар. Қиз олдинроқда, йигит кейинда — иккиси ҳам гаплашмайинча, ўз юкларини ўзлари кўтариб бордилар. Жуманиёз ака жуда чарчаган, ҳолдан кетган, белни зўрға кўтариб ташлар эди. У, қизни кўриб, севиниб кетди ва овқатни олиб ичабошлади. Қайтишида отаси Гулсанамни бошқа бир йўл блан унинг яқин ергача келтириб қўйди.

\* \*

Ўйларида озгина жўхорилари бор эди, Гулсанам шуни ун қилиб нон ёпмоқчи бўлди. Эшик орқасида қуруғлик турган ёруғ ўчоқ (уй тегирмони)га жўхорини солди ва ўзича ғинғирлаб ашула айтиб, тегирмонни айлаптирабошлади. Анави куни кўлдан ўтиш воқисини эслаб, қотиб-қотиб кувди. У, тегирмоннинг тоши орасидан чиққан қирс-қирс... товушлари блан қўшилиб гаплашди:

— Ўзи ҳам эгарлаган отдек жуда эпчил йигит экан. Ҳар бало бўлса ҳам сувдан ўтказиб қўйди-ку. Бўлмаса, нах ўлар эдим. Гапи бир ширин, ўзи бир яхши. Худди ўз акамдек яхши кўриб кетдим,— тағин биров эшитиб турган бўлмасин, деб дарвозани очиб, кўчага қараб қўйди. Қа-

ёқдандир, ғиж-ғиж... чиғир (сув чиқарадиган чархпалак)-нинг товуши келарди.

— Чиғир ишга тушганга ўхшайди, кўпроқ сув келтириб қўйсам танурга сув қўйиб, бошимни ювиб олардим,— Гулсанам жўхорини тортиб бўлиб, сувга бормоқчи бўлди.

Сопол кўзани ёнбошига қўйиб, қўрғондан чиқди ва чиғир товуши келаётган томонга қараб юрди.

Йўлдаги сада тагида ёш жувонларнинг тақ'я тикиб ўтирганини кўриб, уларнинг олдига бормоқчи, гувраниб айтаётган ашулаларини тингламоқчи бўлди. Гулсанам ўзини уларга кўрсатмай деворнинг орқасига ўтиб қулоқ солди:

Чиқонжон<sup>1</sup> тўрингда иккидан сандиқ,  
Чиқонжон, ўтинга бизларам ёндик.  
Иккимиз ҳам соқолликка сотилдик,  
Соқолсизнинг гадосиман, чиқонжон.

Отам блан онам етди бошима,  
Раҳм айламас кўздан оққан ёшима  
Қоми-қариндошим келгай қошима,  
Энди менинг бори-йўгим гумона.

Дегирмонни салдам<sup>2</sup> блан тортаман,  
Бу гапимни ёнганимдан айтаман;  
Ўрис созин чалса, қўшиқ айтаман,  
Сари бола, саргардонинг бўламан

— Вой бечора,— деди Гулсанам,— севганига теголмай, чолга сотилган экан-а. Мен бўлсам, ҳеч кўнмас эдим, чолга тегмай, севганим блан қочар эдим.

Уйи очиқ қолганини эслаб, кўп тўхтамасдан, шошилиб сувга кетди. У хаёл суриб, ерга қараб бораберди ва чиғриққа яқинлашганидан сўнггина бошини кўтарди. Бир от, бир туянинг кўзини боғлаб, чиғир айлантираётган Отажон экан. Буни кўриб Гулсанам борарини, бормасини ҳам билмай, тўхтаб қолди. Боришга юрак ботинолмай, орқага тисланди. Бунинг келаётганини кўриб турган Отажон:

— Гулсанам, Гулсанам,... келаберинг, сув кўп, кўзан-ғизни тўлатиб кетинг!— деб чақирди. Гулсанам иккиланиб, секин-секин ариқ бўйига борди. Кўзани ариққа ботирабошлаган эди, Отажон югурганича келиб, унинг қўлидан кўзани олди.

<sup>1</sup> Чиқонжон — ўртоқжон.

<sup>2</sup> Салдам — салмоқ.



— Лойқа сувни оласизми, мана буёқда тозаси бор.

Күзани чигирнинг думчаларига тутиб тўлатди ва қизга узатди. Гулсанам йигитнинг юзига тикилиб қаради ва дарров кўзини олиб, майингина кулиб қўйди. Негадир, ҳар иккиси ҳам гапиролмай қолди.

Гулсанам тезгина орқасига қайрилиб, уйга кетаберди. Йигит ҳамон тикилиб қараб турар эди. Отажоннинг дам ўтмай «Тезроқ қочинг Гулсанам» деган товуши келди. Гулсанам ҳечнарсанг англамай, аланглаб қолди. Отажонга қараган эди, у:— «Қочинг, уйингизга киринг тезроқ»— деб, кўча ўртасидан келаётган аравани қўли блан кўрсатди. Ясатилган соявонли арава, унинг ичида бир эркак, бир хотин ўтирар эди. Гулсанам уларнинг хоннинг қиз қидиручи ялавкаси эканини билиб, югурабошлади. Аравадаги хотин соявондан бошини чиқариб, Гулсанамга қаради ва ёнидаги эркакни туртиб:

— Жуда ҳам келишган, хонимизга муносиб қиз эканми, отни тезроқ ҳайданг,— деди. Бу гап, йўлни кесиб ўтаётган қизнинг қулоғига ўқдек келиб тегди.

Хоразм хони чиройлик қизларни топтириб, ўзига хотинликка олиб кетади, у блан 5—6 кун кайфи-сафо сургандан кейин, хизматчиларига чиқариб беради.

— Эҳтиёт бўл, кўчага чиқма, хоннинг қиз қидиручисига илиниб қолма!— деган гапни Гулсанам онасидан бир-неча марта эшитган эди.

Бу энди оёқ остидан бало чиққандек чиқиб қолди. Гулсанамнинг ранги бўздек оқарди, дир-дир титраб, олдинга босган оёғи кейинга кетаберди. У, қўлидаги кўзасини ташлаб бўлса ҳам, бутун кучини тўплаб қочди. Аравадаги шоҳи кўйлақлар ичида чурук латтадек тўкилиб кетаётган шум кампирнинг сичқондек чийиллаган овози эшитилди:

— Ҳай қиз, тўхта!

Қиз тўхтамади, қўрғонга кириб, дарвозани маҳкам беқлаб олди. Кампир буни қўни-қўшнилардан сўроқлаб, кимнинг қизи эканини билиб қайтиб кетди.

Шу куни кечасиёқ хоннинг одамлари келиб, Гулсанамни зўрлаб олиб кетди. Бибижон она дод деганича, кўчанинг ўртасида йиқилиб қолди. Жуманиёз ака ўзи бориб, Хива хонининг оёғига бош урмоқчи: «Кўзимнинг оқи-қораси ёлғиз болам, ҳаётимнинг шам чироғи шу. У ёшликдан кўнгли қаттиқ, бир сўзлик бўлиб ўсган, ўзини ҳалок қилиб қўймаса деб қўрқаман,— демоқчи,—

шафқат қилинг, қутқаринг хон»,— деб ялинмоқчи бўлди ва қўлига бир таёқ ушлаганича қишлоқдан чиқиб кетди. У, Хивага бориб етгунча, шаҳар дарвозалари ҳам беркилиб қолди. Кўчада зоғ учмайдиган бўлди. Фақат шаҳар атрофини ўраб олган пахса деворлар устида соқчиларгина уёқдан-буёққа юриб турар, девор кунгураси орқали қараб, шаҳарни ташқи ҳужумдан кўриқлар эди. Жуманиёз ака: «Хон хотинининг отаси бўламан. Қизим хонга тегишга кўнмаётир, шунини алдаб кўндириш учун келдим»— деса ҳам дарвозабонлар:— «Вақг ўтди, кечаси шаҳарга ҳечким киргизилмайди»,— деб, уни ўтказмадилар. Жуманиёз ака ўша ерга яқин бир сувсиз ариқнинг ичида ўтириб қолди.

Гулсанамни қора тўнга ўраб, отга ўнгарганларича хон саройига олиб келдилар. От саройдаги боғ эшиги ёнида турган кампирнинг олдига келиб тўхтади. Кампир қора беқасам тўннинг енгларини шимариб, тўқ барикарам адрас кўйлакнинг кенг енгини қўл учига қадар тушириб, ошхона дудида қоқланган гўштдек қавжираб ётган лабларини тили блан намлаб, хириллаган овоз блан гапирди.

— Ҳормасинлар, ҳормасинлар, хоннинг тортиғига сазовор бўлган чопқир лочинлар!

— Ҳа... онахон, ухлаганинг йўқми?— узун қора мўйловини бураб отдаги йигит бир оёғини узангидан чиқариб, қаддини тиклаб олди-да, қизни кўтариб, отдан туширди:

— Ол, манжалақи қизингни!

Гулсанамни кампирга қараб итарди.

— Тутган бедананг туллакдан чиққан, питирлоғич эканми?

— Тумшуғига эҳтиёт бўл, ўткирга ўхшайди,— деб кулди йигит, отнинг бошини ушлаб туриб.

Кампир қизни ичкари ҳовлига киргизар экан, бошидаги қора тўнни тортиб олди ва уни эшик олдида икки кўзи қонга тўлиб турган йигитга узатди.

— Ҳуснини кўрдингми?— деган ишорани қилиб, ўз «ишидан» фаҳрланган бўлди ва қош ўрнида турган икки хира чизиқни кўтариб кўйди. От ёлини силаб турган йигит кампирнинг қўлидан тўнни олди ва оғзида йиғилиб қолган тупукни қулт этиб ютди.

— Саройингда ягона ҳур бўлади. Баққа чиқара кўрма, йигитлар ўртасида жанг кўтарилади. Ҳай кампир,

эсингдан чиқарма, хоннинг сарқити бўлса ҳам кейин ўзимга топширасан.

— Лаб устидаги холнинг ўзи минг тилла туради, ўзингни дадил тут, йигит,— дея кампир йўтал аралаш хириллаб кулди ва тақ этиб эшикни ёпди, орқасидан танба қўйди.

Кампир тўпланишиб, қўлларида шам кўтариб турган хизматчи хотинларга қараб буйруқ қилди:

— Очкўз бўридек кўп термилабермасдан, буни ҳужрага олиб боринглар, чўмилтириб, боя ўзим ажратиб қўйган кийимларни кийдириңглар!— ўзи хон ўтирган уйга кириб кетди.

— Ассаломуалайкум...! Кўнглингни тўқ, ўзингни бардам тутинг, тақсирим!

— Ҳа... Нима бало бўлди, кампир, олдиндан эҳтиётлаб қолдинг?

— Тойчиғимиз асов, кишнаб турипти. Бозорнинг олди бўлган мол ҳамавақт шунақа бўлади, талабгорнинг дилини ўйнатиб, тилини тутғиштиришни яхши кўради. Жиловини маҳкам ушласангиз, марра сизники, тақсирим!

— Тизгини қўлимда қолиб, отни қочирган вақтим борми, кампир!

Хон аччиқ аралаш узун резинка найли чилимга ёпишди.

— Йўқ-йўқ-эй... тақсирим, мен буни ҳеч хаёлимга ҳам келтирганим йўқ. Ҳали юз, икки юз қизнинг тақдирини ҳал қилиш қўлингиздан келади. Бу нима бўлипти, ўнолтига тўлмаган, хипчагина нозик қиз-да!

— Ҳар қандай асови ҳам бир марта сочини силаб, юмшоқ гапирсанг, хамирдек бўшашади қўяди. Бунақаларнинг кўпини кўрганман. Тўғри эмасми, кампир?

— Жуда тўғри, лекин эҳтиёт яхши деяпман. Ҳозир келса кўрасиз, ўзингиз ҳам, энди қиз кўрдим дейсиз-да. Эртага қирқ хотинингиз мени тош бўрон қилмаса деб қўрқаман, тақсирим!

Хон хаҳолаб кулди ва ҳам'енидан бир олтин узук чиқариб, кампирнинг олдига ташлади. Кампир қишқизил чўғдек пат гилам устига ғилдираб тушган узукка аста қўл узатиб, тезгина олди ва обкашдек қаддини зўрға тиклаб, хонга қаради. Хон чимирилган қошларини ёйиб, кулимсиради:

— Ёқут кўзлигини эртага оласан, кампир!

— Қуллуқ тақсирим, қуллуқ,— у орқаси блан юриб чиқиб кетди.

Гулсанам бир қошиқ сув блан ютгудек ажойиб бир келинчак бўлди. Қатиқ блан ювилган сочлар сувдан чиққан қундуздек қопқора бўлиб товланиб кетди. Уни остмауст, қирқ кокил қилиб ўрдилар. Кокилларнинг учига пилик қилинмаганидан қўнгироқ бўлиб, буралиб, белдан пастда серкиллаб турар эди. Эгнига оқ дурдин матадан энглари кенг кўйлак, оқ кимхобдан тўн кийгиздилар. Бошига Хоразмнинг дўпписидан кийгизиб, устидан латта рўмол ўратдилар. Оёқдаги амиркон маҳси, ковуш ерга теккан сари ғарчиллар, қарамаганни ҳам қаратар эди. Кампир хоннинг олдидан чиқасолиб, қизни кўргани кичкина уйга кирди ва Гулсанамнинг оқи-оқ, қизили-қизил бўлиб яшнаб турган юзларига тикилди:

— Бахтинг бор экан қиз, тагин ўжарлик қилиб, йиғлаганинг ортиқча. Қора куюга ботиб юргандан кўра бу ерда қирқ хотиннинг пошшоси бўлиб ўтирганинг бахт эмасми?

Гулсанамнинг кўзлари энди ортиқ ёш тўкмас, оёқ-қўлларини типирчилатиб, депсинмас эди. Унинг кўзлари ўтдек ёниб, ҳарбир қараган одамни узиб олгудек бўлиб тикилар, нимагадир тайёрлик кўраётгандек, чуқур хаёлга ботган эди. Унга айтилган гаплар ҳаммаси портлашга тайёр турган бомба каби юрак қопига жойланар, қачон бўлмасин, портлашга ҳозирланар эди.

Гулсанам ҳеч қаршилиқ кўрсатмасдан, кампирнинг кетидан, хон ўтирган катта уй томонга кетаберди. Бир тўда хотинлар унинг кетидан бордилар. Уй эшигига борганда кампир:

— Ҳай қиз, эс-ҳушингни ўзинга ол, асовлигингни қилакўрма. Бу отангнинг уйи эмас, хон остонасида турибсан. Хоннинг буйруғи, тангри буйруғи, қайтаракўрма! Эшикдан киришинг блан хонга та'зим қил!— деди. Яна нима ҳам демоқчи бўлиб, оғзини очган эди, Гулсанам бир тегиб юборди. Кампир гандираклаб, айвон бурчагига бориб йиқилди. Хотинларнинг ба'зиси кампирни кўтариб турғизди, ба'зиси Гулсанамни уйга киргизиш блан овра бўлди. Гулсанамнинг қўлидан ушлаб, орқасидан итариб, уйга киргиздилар ва эшикни ёпиб, ўзлари ташқарида қолдилар. У кириши бланоқ, уйнинг тўридаги тўртқават кўрпа устида, духоба жилтли болишга ёнбошлаб утирган хонга бир ўқрайиб қаради ва тезгина кўзини ерга

олди. Хон жимжилоғидаги олтин узукни ялтиратиб, мошкичири соқолини тараб ўтирганича, қаддини ҳам кўтармай, қизга кулиб қаради:

— Келаберинг пошшахон, ўзимиздан бошқа ҳечким йўқ.

Қиз турган жойидан қўзғолмади. Хон қаддини кўтариб, яна бир-икки сўз отди. Бу ҳам жавобсиз қолиб, унинг бурчакларига сингиб кетди.

— Расми, куёвлар қизни аравадан кўтариб туширар эди, сиз ҳам шуни қўмсаёпсизми?— Хон ўрнидан туриб, аста-аста қизга яқинлашди.

— Саломингиз қани, пошшам?

Гулсанам яна ўқрайиб қаради. Хон унинг қўлидан ушлаб тўрга судрамоқчи бўлди. Қиз бир силталаб, қўлини тортиб олди. Хон ғазабланди, кўзлари уккининг кўзидек олайиб кетди ва бирпасда ўзгариб, кинояли жилмайди. У қизнинг бошидан рўмолини олиб ташлади ва азот кўтариб, ўзи ўтирган жойга олиб бориб ўтқазди. Қизнинг сочини силаб иягидан ўпмоқчи бўлди. Гулсанам унинг тумшуғига бир мушт урди, ўзи орқароққа тисланди.

— Мен сени жангга чақирганим йўқ, гадойвачча?— деди хон ғазаб блан ва қизни зўрлаб ёстиққа босди. Гулсанам пайтини пойлаб туриб, хоннинг жимжилоғини ғарчча тишлаб узиб олди ва ўзи сакраб ўрнидан турди.

— Дод... мусулмонлар манжалақидан мени қутқоринг!— хон қичқирди ва ўзини ўнглайолмай, қўл қонини оқизганича, уялиб қолди. Эшикдан хотинлар югуришиб кирдилар ва нима қилишларини билмай, саросима бўлиб турдилар.

— Чиқаринг бу итваччани, буни зиндонга ташла-синлар.

Хотинлар бурчакда қотиб турган Гулсанамни судраб, олиб чиқиб кетдилар.

\* \* \*

Эртаси эрталабданоқ бутун шаҳар, қишлоққа жарчи қўйилди. Жарчилар аравада карнай чалиб, одамларни йиғди:

— Хоннинг жонига қасд қилучига бугун ўрдада жазо берилади, келаберинглар!..

Бир зумда хоннинг қотили Гулсанам экаплиги узун қулоқ орқали каттадан-кичиккача ма'лум бўлди. Тушга яқин хоннинг ўрдаси, сарой атрофи одамга тўлиб кетди.

Сарой ичндаги катта супага гилам, кўрпачалар солинди. Унда шаҳарнинг катта бойлари, қози-калонлари тизилишиб ўтирдилар. Хоннинг буйруғи блан қирқ қулоқли қозонда сув қайнатилди.

Жаллод зиндон эшигини очар экан, Гулсанамни бир итариб, ҳовлига чиқарди. У гандираклаб, уч қадам нарига бориб йиқилди. Унинг оёқ-қўллари кишанланган, сочлари юлинган, кийимлари тилка-тилка қилинган, ранги ўн йилги сил касалдек сарғайиб, кўзлари ич-ичига ботиб кетган эди. Уни судраб, қозоннинг олдига келтириб ташладилар. Атрофдаги халқда қаттиқ ҳаяжон бошланди. Ҳамма атрофдан гувраниб, хонни сўкабошлади.

Бир кечани бир йил қилиб, шаҳар девори тагида тонг оттирган Жуманиёз ака ўт бўлиб алангланди, юрагининг бир парча ери узилиб кетгандек бўлди. У халқ блан бирга аллақачон хон саройига етиб борган эди. Чала ўлик ҳолда шаҳар кўчасида судралиб қолган Бибижон опани таниш қўшнилар қўлтиқлашиб, ўзлари блан бирга олиб кетдилар.

Туни блан қазувда юрган Отажон, бу хабарни шу кун азонда жарчи орқалигина эшитди. У, оёғини қўлига олиб, нафаси бўғизига тиқилган ҳолда, шаҳарга етиб келди. Йўлда Бибижонларни учратди, воқиянинг аниқлигини билиб, фиғони фалакка кўтарилди. Оёқ-қўлидан мадори кетган онани орқасига опичлаб халқнинг ўртасини ёриб кирди. Қозон олдида мук тушиб ётган Гулсанамни кўрган она ҳушидан кетиб йиқилди. Супанинг тўрида ўтирган духоба тўнли қози-калон ўрнидан туриб:

— Хонимизнинг ғазабига дучор бўлган итваччани қозонга ташла!— деб бақирди. Қонга тўймаган жаллод билакларини шимариб, қизни азот кўтарди ва вақирлаб қайнаб турган сувга ташлади. Халқ яна ғалаёнга келди, олдинга қараб сурилабошлади.

— Ёш гўдакнинг гуноҳини кечирсинлар тақсирим,— деган овозлар ҳамма ёқни тутиб кетди. Халқ олдини тўсиб турган хон ясовуллари қиличларини яланғочлаб, халқни ўтказмасдан турди. Гулсанамнинг «дод» овози халқнинг кўз ёшини дар'ё қилди. Жуманиёз ака товуши борица:

— Халойиқ, қонимизни сўрган, жонимиздан азиз фарзандимиздан жудо қилган хонларга қирғин келсин!— деб қичқирди ва ерга йиқилди. Жазо маросимини бошқариб турган вазир:

— Зиндонга солинг!— деб бақирди. Ерда ҳушсиз ётган ота-онани судраб, зиндонга олиб кетдилар. Отажон халқнинг ўртасидан қочиб, чиқиб кетди. У, дарвозабоннинг орқасидан таппа босиб йиқитди ва ёнидан мавзирини олиб қочди. Унинг кетидан қувмоқчи бўлган бирнеча соқчиларни юзга яқин йигит ўраб олиб, қимирлатмай турди. Отажон саройнинг орқа томонидаги саданинг устига чиқиб, жаллод ва қози-калонга қараб ўқ узди. Уқ еганлар шилққа йиқилганда Гулсанам аллақачон куйиб тамом бўлган эди.

Отажон хонга қарши қузғолон кўтаришга аҳд қилган йигитлар блан қишлоққа чиқиб кетди.



## МУНДАРИЖА

Чақалоққа чакманча . . . . .	3
Болали уйда ғийбат йуқ . . . . .	7
Фонарь тагида . . . . .	12
Дундиқдан ҳам ёш экан . . . . .	21
Ямоқчи кучди . . . . .	28
Ҳазил эмиш . . . . .	37
Бечора . . . . .	45
Ўзидан кўрсин . . . . .	53
Олтмиш газ арқон (эртак) . . . . .	62
Эр юрак . . . . .	64
Асл ёр . . . . .	71
Ширин келди . . . . .	78
Ширинга мактуб . . . . .	83
Фарҳодлар . . . . .	88
Олтин узукка олмас кўз . . . . .	94
Мардлик мангулик . . . . .	101
Келин ўғил тугипти . . . . .	106
✓Юрагида ўти бор . . . . .	112
Судбати жонон . . . . .	117
Садағанг булай командир . . . . .	126
Ўзи монанд . . . . .	143
Уялди шекилли, ерга қаради . . . . .	148
Кўнгли тўлдими, яхши йигит . . . . .	158
Икки кузи шунда . . . . .	171
Гулсанам . . . . .	181



*На узбекском языке*

АЙ Д Ы Н  
РА С С К А З Ы

*Госиздат УзССР — 1954 — Ташкент*